

А. ҚОДИРОВ

**БИОЛОГИЯДАН
ПЕДАГОГИК
ПРАКТИКА
ЎТКАЗИШ**

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги педагогика олий ўқув юрлари
талбалари учун қўлланма сифатида
тавсия этган*

ҚАЙТА ИШЛАНГАН ВА ТУЛДИРИЛГАН ИККИНЧИ НАШРИ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Мазкур қўлланма педагогик практика тўғрисидаги мавжуд йўриқнома ва биологиядан педагогик практика ўтказиш дастурига мувофиқ ёзилди.

Қўлланмада биологиядан мактабда талабалар билан педагогик практика ўтказиш методикаси баён этилган. Жумладан, унда педагогик практиканинг ташкилий масалалари, практика жараёнида талабаларнинг педагогик фаолиятини унумли ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишнинг ўзига хос томонлари аниқ материаллар асосида ёритилган.

Қўлланма педагогика институтлари табиёт факультетларининг талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан педагогик практикага раҳбарлик қилувчи биолог-методистлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

АБДУҚАҲҲО ҚОДИРОВ

БИОЛОГИЯДАН ПЕДАГОГИК ПРАКТИКА УТКАЗИШ

*Педагогика институтларининг талабалари
учун қўлланма*

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Муҳаррир *Р. Авазов*
Бадий муҳаррир *Ф. Некқадамбоев,*
Муқова расоми *Т. Қаноатова.*
Тех. муҳаррир *С. Турсунова.*
Мусахҳиҳа *М. Олимова.*

ИБ № 6576.

Теришга берилди 27.05.94. Босишга рухсат этилди. 23.11.95. **Формати** 84×108¹/₃₂. Тип. қоғози. Кегль 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 10,50. Шартли кр.-огт. 10,71. Нашр. л. 10,25. 3000 нусхада. 2359-буйуртма.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 11-56-94. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмаҳовасида босилди, 700004, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй. 1996.

К 1901000000 — 215
К 353(04)—96

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1981.
© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

ISBN 5-645-02405-2

СУЗ БОШИ

Педагогик практика ўқитувчи кадрлар тайёрлаш тизимида муҳим ўрин эгаллайди. У талабаларнинг олий ўқув юртларида олган назарий таълимини уларнинг келгусида мактабда амалга оширадиган мустақил фаолияти билан боғловчи бўғимдир.

Ўқитувчилик касбини танлаган ҳар бир талаба-биолог мактабда ўтказиладиган педагогик практикани завқ, эзгу умид ва ҳаяжон билан кутади. Талабалар мактабга педагогик практика ўтишга борганларида ҳал қилиниши зарур, унча осон бўлмаган муаммоларга дуч келадилар. Чунончи, ўқитувчиликни энди бошлаётган бу талабани ўқувчилар қандай кутиб олар экан? Қандай қилиб у мактаб ўқитувчилари билан алоқа ўрнатиши ҳамда уларнинг ишончини қозониши керак? Институтда олган биологик, методик ва педагогик билимлари ҳамда амалий тайёргарлиги етарли бўлармикин? Умуман педагогик практика ўтишни уддалай олармикин? Каби масалалар шулар жумласидандир. Институт талабаларининг мактабда педагогик практикани муваффақиятли ўтишлари қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Бунда уларнинг олий ўқув юртларида ўқиш даврида олган тайёргарлиги фоят муҳимдир. Бироқ ўқитувчилик касбининг кўпгина сифатлари талабаларда фақат мактабда бевосита практика ўтиш даврида шаклланади.

Талабалар педагогик практика ўтишда ҳар доим тегишли ўқув-методик адабиётга эҳтиёж сезадилар. Педагогик практика бўйича айниқса ўзбек тилида, ўқув-методик қўлланмаларнинг етарли эмаслиги талабаларнинг педагогик касбини эгаллашда жиддий тўсиқ бўлмоқда, уларнинг мактабдаги таълим-тарбия ишлари методикасини амалий жиҳатдан ўзлаштириб олишларини қийинлаштиради.

Мазкур қўлланма ана шу қийинчиликларни барта раф қилишга қаратилган. Унинг мақсади — мактабда биологиядан педагогик практикани муваффақиятли ўтишда талабаларга ёрдам беришдир.

Қўлланманинг иккинчи нашри қўлланилаётган педа-

гогик практика тўғрисидаги йўриқнома ва дастурга, мактаб биология дастурига мувофиқлаштирилган. Шунингдек, қўлланма матнининг тузилиши (структураси) ҳам анча такомиллаштирилди. Матн охирида зарур иловалар берилди. Биринчи нашри тўғрисида матбуотда эълон қилинган ва бошқа тақриزلарда кўрсатилган нуқсонлар бартараф қилинди. Педагогик практиканинг аҳамияти, мақсад ва вазифаларини ёритиш асосида шу практиканинг босқичлари бўйича мазмуни, ташкилий масалалари очиб берилди, практика жараёнида талабаларнинг педагогик фаолиятини унумли ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилишнинг ўзига хос томонлари аниқ мисолларда ўз ифодасини топди, биология ўқитиш методикасининг барча соҳалари бўйича назарий йўл-йўриқларни педагогик практикага қандай тadbиқ қилиш тўғрисида тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Қўлланмада асосий этибор ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг асосий етакчи шакли — биология дарсларини тайёрлаш ва ўтказишга қаратилди. Шунингдек, унда биология бўйича экскурсиялар ўтказиш, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар ташкил қилиш методикасига оид тавсиялар ҳам берилди.

Қўлланмани янада такомиллаштириш ҳақида китобхонларнинг танқидий фикр ва мулоҳазаларини муаллиф самимият билан қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент 700129, Навоний кўчаси 30-уй, «Ўқитувчи» нашриётининг кимё-биология адабиёти таҳририяти.

ПЕДАГОГИК ПРАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

Педагогика олий ўқув юртларида талабаларни педагогик фаолиятга ҳар томонлама тайёрлаш учун улар чуқур ва пухта билимлар, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг ташкилий-методик уқув ва кўникмалари билан қуроллантириши керак. Бундай тайёргарлик ўз-ўзидан вужудга келмайди. Талабаларда ўқитувчига хос хислатлар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар жамоасининг катта ижодий меҳнати, моҳир мураббийларнинг бутун таълим жараёнида талабаларга кўрсатадиган тарбиявий таъсирлари ва нҳоят талабаларнинг мақсадга йўналган билиш фаолияти натижасида шаклланади. Шунинг учун ҳам талабаларни профессионал-педагогик жиҳатдан тайёрлаш иши олий ўқув юртларида барча фан бўйича ўқув машғулотларини талабаларда ўқитувчига хос сифат ва хислатларни шакллантиришга қаратилган ҳолда ташкил қилинишини назарда тутати. Шунга эришиш керакки, бўлажак ўқитувчилар институтни битириб мактабга боргач, ўз педагогик фаолиятларини биринчи йилдан оқ шонч билан бошлай оладиган, барча таълим-тарбия ишларини дадиллик билан амалга ошира оладиган бўлсинлар.

Республикада олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштириш ҳамда қайта қуриш иши тайёрланаётган мутахассисларнинг назарий тайёргарлигига нисбатан юқори талаблар қўйилиши билан бир қаторда олий ўқув юртлари олдида битирувчиларнинг амалий тайёргарликларининг ҳам ғоят яхши бўлишини талаб қилади. Бу вазифа бўлажак мутахассисларни ўқитиш даврида ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш билан амалга оширилиши мумкин. Педагогика олий ўқув юртларини ҳаётга, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, бу аввало, талабаларнинг мактабдаги педагогик практикасини кенгайтириш ва такомиллаштириш демакдир.

Педагогика олий ўқув юртларининг талабалари профессионал-педагогик тайёргарликни аввало институтда, ўқув режасида белгиланган фанлар бўйича ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларда, кейинчалик эса

мактабларда ўтадиган педагогик практика жараёнида оладилар.

Педагогик практика бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизимининг ажралмас таркибий қисмидир. У олий ўқув юртида олиб бориладиган ўқув жараёнини талабанинг келгуси мустақил амалий фаолияти билан боғловчи муҳим бўғимдир. Педагогик практика ҳар бир ўқув предмети, жумладан биология бўйича талабаларда ўқитувчилик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришда гоят катта аҳамиятга эга. Педагогик практика жараёнида бўлажак ўқитувчилар, яъни талаба — практикантлар мактабда таълим-тарбия ишларини ҳозирги талаблар савиясида бажаришга ўрганидилар, ўзларида педагогикага хос сифат ва хислатларни ҳосил қиладилар. Чунончи уларда педагогик йўналувчанлик кучаяди, педагогик касб учун муҳим ҳисобланган ўқитувчининг иш услуби: қатъийлик, янгилликка интилувчанлик, танқидий муносабат каби хислатлар ривожланади.

Педагогик практика талабаларни халқ таълими давлат тизимининг асосий бўғими ҳисобланган мактаб билан таништирибгина қолмасдан, балки, шунинг билан бирга уларга педагогик тажрибани ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ёрдам беради, ўқувчилар билан таълим-тарбия ишлари олиб бориш ўқувчиларини шакллантиради. Педагогик практикада талабалар тегишли билимларини ўзлаштирадилар, энди эса улар мактаб дастурида мўлжалланган билимларини ўқувчиларга етказишга ўрганишлари керак. Ўқув предмети билиш билан уни ўқитиш бир хил иш эмас. Агар талаба нимани ўқитиш кераклигини билсаю, уни ўз педагогик фаолиятида қўллаш ололмаса, яъни қандай ўқитиш кераклигини билмаса, у яхши ўқитувчи бўла олмайди. Зотан педагогик практикада талабаларда ўз фанини муваффақиятли ўқитишга имконият берадиган сифатлар шаклланади.

Яхши ташкил қилинган педагогик практика талабаларнинг педагогик ва ташкилотчилик қобилиятларини шаклланиши ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, уларда педагогик кузатувчанликни ривожлантиради, конкрет мисолларда болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ўрганишга, уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, фикрлаш хусусиятлари, билими савияси ва сифатини билиб олишга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси талабаларга ўқувчилар билан таъ-

лим-тарбия ишларини мақсадга йўналган ҳолда олиб боришга имкон беради. Уқувчилар билан мулоқотда бўлиш, тажрибали ўқитувчилар ва ўз ўртоқларининг иш тажрибаларини кузатиш талаба-практикантларда ўқитувчи учун зарур бўлган сифатлар: сабр-тоқат, атрофдагиларга эътибор, одоб ва хушмуомалалик кабилар такомиллашади, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро тўғри муомала қилиш хислатлари шаклланади. Шундай қилиб, педагогик практика давомида талабалар қобилияти педагогик йўналишга эга бўлади, бу моҳир ўқитувчи шахсининг шаклланиши учун зарур шартлардан биридир.

Мактабда ўтказиладиган практика, аввало талабаларнинг институтда олган билим, уқув ва кўникмалари учун синовдир. Бундай синов педагогик практика вази-фаларидан биридир. Айниқса мутахассислик бўйича синов дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари ишларга тайёрланиш ва уларни ўтказиш жараёнида талабаларнинг шу ўқув предмети ва унинг айрим бўлимлари бўйича билим доираси, таълим-тарбия ишларини бажара олиш ўқуви ҳамда кўникмаларининг қай даражада эканлиги яққол маълум бўлади. Ҳатто уларнинг педагогик касбга мойиллиги ва муносиблиги аниқланади. Шу пайтгача унча кўзга ташланмаган, ўзини кўрсата олмаган талабаларнинг педагогик практикада аъло, ўқитувчиларга хос сифатларини намоён қилишлари ҳам учраб туради. Табиийки, бу сифатлар бошқа ҳолларда пайқалмай қолиши мумкин. Одатда педагогик практика талабаларнинг тайёргарлигидаги мактабга келгунга қадар ўзлари эътибор бермаган жиддий камчиликларни аниқлаб беради. Талаба-практикантлар илгари аҳамият берилмаган педагогик касбнинг «икир-чикирлари» ғоят муҳим эканлигини англайдилар, ўқувчилар билан ишлаш ўқуви ва кўникмаларини ривожлантиришга эҳтиёж сезадилар.

Мактабдаги педагогик практика жараёнида махсус ўқув предметларининг баъзи бўлимлари бўйича, айниқса педагогик циклдаги фанлар бўйича талабаларнинг профессионал тайёргарлик олишлари давом этади, бўлажак ўқитувчининг педагогик маҳоратига пойдевор қўйилади, ўрганилаётган фаннинг ғоявий бойликлари чуқурроқ ўзлаштирилади. Мактабдаги практика талабалар онгини янги билимлар билан бойитади, уларнинг билим доирасини кенгайтиради.

Педагогик практикада талаба мактабни, унда амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари тизимини, ўқитувчининг шарафли ва мураккаб фаолиятини ўрганади. Маълумки, педагогик практикага чиққунгача институт талабаси мактаб ҳақида фақат собиқ ўқувчи сифатида тасаввурга эга бўлади. Практикада эса у мактабнинг бутун ҳаётини ўқитувчи сифатида ўрганади ва англайди, таълим-тарбия жараёнидаги барча ҳодисаларга педагогик нуқтаи назардан ёндошади; ўқитувчининг иши ҳақиқатдан ҳам мураккаб ва матонат талаб қиладиган касб эканлигига ишонч ҳосил қилади; ўз йўлида қандай қийинчиликлар бўлиши ва уларни қандай қилиб енгиш зарурлигини билиб олади.

Педагогик практика давомида талабалар ўтказадиган дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар улардан чуқур билим ва тегишли методик ўқув ва кўникмаларни талаб қилади. Талаба-практикант мактабда бажарадиган таълим-тарбия йўналишидаги ҳар бир ишга тайёрланишда мутахассислик фанлари, методика, педагогика ва психология асосларини олий ўқув юртлари дарсликлари бўйича такрорлайди ва буларга қўшимча қилиб, тегишли илмий-оммабоп ҳамда методик адабиёт билан танишади. Буларнинг ҳаммаси талабаларни олий ўқув юртида ўтилган ўқув предметларини янада чуқурроқ ўзлаштириб олишларига имкон беради. Шу жиҳатдан педагогик практикани институтдаги ўқув жараёнининг давоми деб ҳисоблаш мумкин.

Педагогик практикада институт талабалари олдига қатор педагогик муаммолар қўйилади. Бу вазифаларни бажариш жараёнида уларнинг билим, ўқув ва кўникмалари такомиллаштирилади. Талаба-практикантлар ўз фаолиятларини таҳлил қилишга, билим, ўқув ҳамда кўникмаларидаги камчиликларни аниқлашга, характерлари ва ўзларининг тутишларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилишга, тажрибали ўқитувчиларнинг иш методи ва шаклларини, уларнинг ўқувчилар билан муносабатларини танқидий баҳолашга ўрганадилар.

Ўқитувчи зиммасига юкланган масъулиятли ва шарафли вазифа талаба-практикантлардан ўз билимларига ва амалий тайёргарликларига нисбатан талабчан бўлишни, практика давомида ва ундан кейин ҳам ўзларининг илмий ва методик савияларини доимо ошириб боришларини талаб қилади. Педагогик практикада улар

Ўз билимлари ва методик тайёргарликларига нисбатан талабчанлик руҳида тарбияланиб борадилар.

Мактабда таълим-тарбия ишларини бажариш талаба-практикантни **Ўз** хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, кийиниши, бошқалар билан муносабати каби хислатларга нисбатан талабчан бўлишга, ишда ташаббус ва мустақиллик кўрсатишга йўналтиради.

Талабалар тайёргарлигидаги нуқсон ва етишмовчиликларни очиб бериш билан бирга педагогик практика кафедралари ва ҳатто институт олдига ўқув жараёнини яхшилаш, талабаларнинг профессионал-педагогик тайёргарлиги сифатини кўтариш бўйича жиддий вазифалар қўяди.

Мактабда педагогик практика ўтиш бу талабалар учун меҳнат фаолияти ҳамдир. Бу практика талабани бевосита мактаб ҳаётига киргизади. Талаба-практикантлар вақтинча мактаб педагогика коллективининг аъзолари этиб қабул қилинадилар. Улар мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ва ўз группасидаги ўртоқлари билан янгича муносабатда бўладилар, иш бўйича ҳамкасб ҳисобланадилар. Бунда талаба бирор синфга бириктирилиб, унинг олдига таълим-тарбия ишларини бевосита бажариш бўйича аниқ вазифалар қўйилади ва кўп ўтмай у ўзини мактаб педагогик коллективининг чинакам аъзосидек ҳис эта бошлайди.

Педагогик практика талабага ўзи учун ўқитувчилик касбини тўғри танлаганми ёки йўқми, деган саволга жавоб беради. Талаба педагогик практикада мутахассислик фанлари бўйича дарслар ўтиш, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар ўтказиш, синф раҳбари сифатида ишлар бажариш оқибатида бу саволга узил-кесил жавоб топади. Маълумки, баъзи талабалар педагогик практикагача ўзларида педагогик касбини эгаллай олишларига нисбатан ишончсизлик туйғуларини ҳис этадилар. Педагогик практика талабалардаги ана шундай ҳиссиётларни бартараф қилади, уларда мактабга, педагогик касбга меҳр уйғотади. Ҳақиқатдан ҳам кўпгина талабаларда педагогик касбга нисбатан қизиқиш ҳислари, мактабда ишлашга ҳавас педагогик практика жараёнида вужудга келади.

Педагогик практикада талаба ўзида мактаб тажрибасини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш кўникмаларини шакллантиради. Педагогик практика давомида ҳар бир талаба методика бўйича курс иши

учун, тўгарак ва конференцияларда ўқиладиган маърузалари учун материаллар тўплайдилар, педагогика, психология ва ўқитиш методикалари бўйича илмий-тадқиқот ишларининг дастлабки кўникмаларини ҳосил қиладилар.

Педагогик практика муайян тизимда, ўзига хос методлар билан амалга ошириладиган ўқув жараёнидир. У талабалардан ҳам, барча практика раҳбарларидан ҳам қунт ва чидам билан ишлашни, ўз бурчларига масъулият билан қарашни, практикани ҳар бир масаласини ижодий йўналишда ҳал қилишни талаб қилади. Педагогик практикани ҳозирги талаблар даражасида ўтказилиши бўлажак талабаларнинг пухта профессионал-педагогик тайёргарликка эга бўлишлари учун муҳим омилдир.

Педагогик практика дастури педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг мактабда кенг ва узлуксиз равишда ўқув-тарбия ишлари олиб боришларини ва ижтимоий фаолиятда бўлишларини назарда тутди. Институт талабалари билан ўқитишнинг биринчи йилиданоқ педагогик практика ўтказилади. Бу практикада талабалар эгаллайдиган келгуси касби доирасида мактабда ижтимоий ишлар бажаришлари керак. Эртанги бундай практика талабаларда бўлажак касбларига қизиқишни оширади, ижодий тафаккурни ривожлантиради, актив ижтимоий фаолиятга эҳтиёжни, таълим-тарбиявий, оммавий тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришнинг дастлабки ўқуви ҳамда кўникмаларини шакллантиради.

Ўқитувчининг профессионал-педагогик тайёргарлигига нисбатан тобора ортиб бораётган талаб педагогик практика ўтказишнинг илмий асосланган узлуксиз ва изчил тизими бўлишини тақозо қилади. Педагогик практика курсдан-курсга ўтган сари мураккаблашган ҳолда муайян тизимда ўтказилиши керак.

Тегишли мутахассисликлар бўйича ўқитишнинг ҳар бир йилида ўтказиладиган педагогик практиканинг тури ва муддати қўлланилаётган ўқув режаси билан белгиланади. Дастурга кўра узлуксиз педагогик практика тизими ўз ичига қуйидаги турларни олади:

Қуйи (I—III) курсларда ўтказиладиган ижтимоий-педагогик практика: болалар оромгоҳларида ўтказиладиган ёзги (III курс охирида) практика ва юқори (IV—V) курслардаги педагогик практика.

Қуйи курслардаги ижтимоий-педагогик практика мактабда, ҳунар-техника билим юртларида, мактабдан ташқари болалар муассасаларида, коммунал турар жой идоралари қошида ўтказилади. Бу практика талабаларнинг педагогик ҳодисаларни мустақил идрок қилиб олишларида бошланғич босқич бўлиб, уларнинг педагогика, психология, мактаб гигиенаси каби курсларни ўрганиш жараёнида назарий мулоҳазалар юритишлари учун амалий асос яратади. Ижтимоий-педагогик практика давомида талабалар педагогик жараён ҳақида аниқ таассуротларга эга бўладилар, болаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятлари, ўқувчи ва болалар коллективини ўрганишнинг конкрет методлари, мактаб жамоат ташкилотларининг иш мазмуни ва усуллари тўғрисида тасавурлар ҳосил қиладилар, уларда шу соҳаларга оид педагогик кўникмалар шаклланади.

Болалар оромгоҳларида ёзги практика давомида III курс талабалари (5 йиллик ўқиш муддатида) ўқувчиларни тарбиялаш принциплари ва методлари, болалар коллективи назарияси, тарбияда болаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш тўғрисидаги билимларни, ўқувчилар ташкилотининг иш мазмуни ва методлари тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг амалий фаолиятларида қўлланиш имкониятига эга бўладилар.

Институтни битириш олдидаги (IV) ва битирувчи (V) курсларнинг талабалари барча типдаги мактабларда ёки ҳунар-техника билим юртларида таълим-тарбия ишларини бевосита бажариш бўйича педагогик практика ўтадилар. Бу практика бўлажак ўқитувчилар тайёрлашнинг якунловчи босқичи ҳисобланади.

I б о б. ПЕДАГОГИК ПРАКТИКАНИНГ МАЗМУНИ ВА ТАШҚИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Педагогик практиканинг вазифалари.

Бўлажак биология ўқитувчиси эгаллайдиган касби бўйича камол топишида ҳар хил ўзаро таъсир кўрсатувчи омиллар иштирок этади. Улар орасида ўқитувчи шахсини бевосита шаклланишига қаратилган таълим-тарбия ишларини бажаришда юқори курсларда ўтиладиган педагогик практика муҳим роль ўйнайди. Бу практика талабаларнинг педагогика олий ўқув юртида оладиган профессионал-педагогик тайёргарлигининг тугалловчи босқичидир.

Таълим-тарбия ишларини бажариш бўйича ўтказиладиган педагогик практика шу билан характерлики, бунда практика талабаларнинг касб бўйича келгусидаги амалий фаолияти шароитида ўтказилади.

Педагогик практиканинг бу охириги босқичи махсус йўриқнома ва дастурда мўлжалланган қатор таълим-тарбия вазифаларини адо этилишини назарда тутати. Унинг мақсади талабаларни предмет ўқитувчиси ва синф раҳбари ишнини бевосита бажаришга ўргатишидир.

Юқори курслардаги таълим-тарбия практикаси талабаларнинг институтда олган назарий билимларини чуқурлаштириши ва мустаҳкамлаши, бу билимларни ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида қўлланишга ўргатиши керак. Бу практика жараёнида талабалар ўқувчиларни ўқитишга ва тарбиялашга, таълим-тарбия жараёнларининг узвий бирликда бўлишини таъминлашга, ғоявий-сиёсий, ақлий, ахлоқий, эстетик, jisмоний ва меҳнат тарбиясини бирликда амалга оширишга комплекс ёндошишга ўргансинлар. Бунинг учун мазкур практика барча имкониятларга эга. Ҳақиқатан ҳам, педагогик практика жараёнида талабаларнинг кўпгина асосий ўқув предметлари ва айниқса педагогик циклдаги предметлар бўйича тайёргарлиги маълум даражада давом этади, институтда ўрганилаётган фанларнинг ғоявий бойликлари чуқурроқ ўзлаштирилади. Масалан, талаба — практикант биология бўйича дарс ёки дарсдан ташқари бирор ишга тайёрлана-

Ўтганда албатта илгари ўтилган биология фанлари асосларини, педагогика, психология ва ўқитиш методикасини такрорлайди, қўшимча адабиётни чуқур ўрганади, таълим-тарбия ишини амалга ошириш ва уни таҳлил қилиш пайтида эса педагогик практикагача юзаки ёки расман қабул қилинган маълумотларни, илгари ўрганилган ўқув предметларининг назарий қоида ва амалий тавсияларини онглироқ тушуна бошлайди. Буларнинг ҳаммаси педагогик назарияга қизиқишни оширади, таълим ва тарбия қонуниятларини чуқурроқ тушуниб олишга ёрдам беради, бунинг натижасида талабаларнинг махсус ҳамда педагогик билимларга нисбатан муносабатлари ўзгаради, яхшиланади.

Талаба-практикантларга ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини кузатиш ва таҳлил қила олиш уқувларини сингдириш педагогик практиканинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Педагогик практика талабаларда кузатувчанликни ривожлантирмоғи, уларни таълим-тарбия жараёнини конкрет фактларда чуқур ўргана олишга, педагогик ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлай олишга, аниқлаган маълумотларни умумлаштириш ҳамда улардан мантиқий хулосалар чиқаришга ўргатиши керак.

Педагогик практикада талабалар ўзларининг методика, педагогика, психология ва ёш физиологиясига оид билимларга асосланиб, ўқувчилар билан уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб боришга ўрганишлари керак. Бу борада талаба-практикантларнинг ўқувчилар билиш фаолиятини активлаштирувчи хилма-хил метод ва методик услубларни қўлланиш билан ўтказиладиган турли типдаги дарсларга тайёргарлик кўриш бўйича машқланишлари муҳим талаблардандир.

Талаба-практикантларнинг мактабда синф раҳбари ишларини бажаришга, ўқувчилар коллективи, болалар ва ёшлар ташкилотлари билан ишлашга, шунингдек ўқувчилар билан яқка тарзда тарбиявий ишлар олиб боришга ўрганишлари ҳам муҳим вазифа сифатида эътибордан четда қолмаслиги керак. Бу вазифани бажариш бўлажак ўқитувчидан юқори ғоявий ва сиёсий тайёргарликни, ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашнинг назария ва методикасини чуқур билишни, тегишли тарбиявий ўқув ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади.

Ниҳоят талабаларнинг ўқитувчилик касбига мойиллиги ва қобилиятини аниқлаб берувчи восита сифатида педагогик практика уларда педагогик ишга муҳаббатни ривожлантириши ва мустақамлаши, махсус ва педагогик ўқув предметларини ўрганишга бўлган интилишни кучайтириши, таълим-тарбия вазифаларини ижодий ҳал қилишни тайёрлаши, талабалардаги мураббийлик қобилиятини янада камол топтириши керак. Шу нарса маълумки, олий ўқув юртидаги машғулотларда ўз қобилияти жиҳатидан унча кўзга ташланмаган кўпгина талабалар педагогик практикада энг яхши ўқитувчиларга хос хислатларни намоён қиладилар. Аксинча, бу ҳолнинг тескариси ҳам учраб туради.

Педагогик практиканинг юқорида ёритилган вазифаларини амалга ошириш асосан унда иштирок этувчи талаба-практикантларнинг ҳам, мутахассисликлар бўйича методистларнинг ҳам, педагогика ва психология кафедралари вакиллариининг ҳам фаолиятлари оқилона, мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қилинишига боғлиқ. Ўқув жараёни сифатида педагогик практиканинг вазифаларини тўғри ва чуқур тушуниш уни самарали, талабалар учун фойдали қилиб ўтказиш имкониятини беради.

Шу муносабат билан ҳар бир педагогик практика иштирокчисининг йўриқнома мўлжаллаган конкрет вазифаларини ёритиш эҳтиёжи туғилади.

Талаба-практикантнинг вазифалари

1. Талаба-практикант педагогик практиканинг асосий иштирокчисидир. У педагогик практика тўғрисидаги мавжуд йўриқнома ва дастурда кўрсатилган барча ишларни бажаради, ҳар бир дарс, дарсдан ва синфдан ташқари ишларга, синф раҳбари сифатида тарбиявий тадбирларга ўз вақтида пухта тайёргарлик кўриб, уларни юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилади. Бу ишларда назарияни практика билан боғланишига ва ўқувчилар фаоллигини ошишига эришмоқ керак. Талаба-практикантдан педагогик практика дастурини яхши билиш талаб қилинади. Агар талаба-практикант дастур талабларини тўлиқ бажармаса, унда педагогик практика муваффақиятли ўтди, деб ҳисобланмайди.

2. Талаба-практикант педагогик практика давомида мактабнинг ички тартиб-қоидаларига қатъий риоя қи-

лади, мактаб маъмурияти ва практика раҳбарларининг буйруқларига бўйсунди. У ҳар куни мактабга ўқув машғулотлари бошланишидан олдинроқ келиши ва унда камида 6 соат бўлиши керак. Сабабсиз кеч қолиш, келмай қолиш интизом бузилиши ҳисобланади. Талаба-практикант ўқувчиларга уюшқоқлик, интизомлилик ва меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатиши, уларга нисбатан эътиборли, хушмуомала, меҳрибон ва талабчан бўлиши керак.

3. Уқитувчи ва синф раҳбарининг тажрибаларини ўрганиш мақсадида уларнинг дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларига кириш, ўз группасидаги талабаларнинг барча ўқув-тарбия ишларида бўлиб, уларнинг муҳокамасида фаол қатнашиш ҳар бир талаба-практикант учун мажбурийдир. Талаба-практикант кузатиладиган машғулотга ўз вақтида, яъни қўнғироқ чалинишидан олдинроқ кириб, синфда ажратилган жойга ўтириши, машғулот давомида эса уни диққат билан кузатиб бориши, машғулот ўтказувчининг фаолиятига аралашмаслиги, ёнидагилар билан гаплашмаслиги, машғулотга ўз муносабатини кўрсатмаслиги керак.

4. Педагогик практика талабларига амал қилмаганлиги учун мактабда практика ўтишдан четлатилган ёки педагогик практикадаги фаолияти қониқарсиз топилган талаба факультет советининг қарори билан институтдаги ўқув машғулотларидан ажралмаган ҳолда такроран педагогик практика ўтиши керак бўлади.

5. Педагогик практика давомида ҳар бир талаба-практикантдан тегишли ҳужжатлар юритиш талаб қилинади. Практика тугаши билан у мактаб бўйича практика раҳбарига қўйидаги ҳужжатларни топшириши керак.

Курсни битириш олдидаги педагогик практикаси бўйича: а) педагогик практика давомида бажарган ишлари тўғрисида ёзма (ахборот) ҳисобот; б) бир дарснинг режа-конспекти ва шу дарс учун ўзи тайёрлаган кўргазмали қурол; в) ўтказилган битта тарбиявий машғулотнинг конспекти; г) дарс ёки синфдан ташқари машғулот учун ёзилган психолого-педагогик характеристика.

Курсни битирувчи педагогик практикаси бўйича: а) педагогик практика давомида бажарган ишлар тўғрисида ёзма ҳисобот; б) 1—2 дарснинг режа конспек-

ти; в) ўтказилган битта тарбиявий машғулотнинг конспекти; г) ўқувчи шахсига ёки синф коллективига ёзилган психолого-педагогик характеристика.

Педагогик практика бошланишида ҳар бир мактабга борадиган талабалардан бири группа бошлиғи қилиб тайинланади. Унинг вазифалари: талаба-практикантларнинг мактабдаги давоматини ҳисобга олиб бориш; мўлжалланган навбатдаги коллектив ҳолдаги консультация, методик семинар ва бошқа тадбирлар ҳақида талаба — практикантларни ўз вақтида хабардор қилиш; педагогик практика раҳбарларининг топшириқларини бажаришдан иборат.

Мактаб бўйича педагогик практика раҳбарининг вазифалари

Мактаб доирасида педагогик практика раҳбари қилиб кўпинча мутахассисликлар бўйича методистлардан бири, баъзи ҳолларда педагогика ёки психология кафедрасининг вакили, шунингдек практика ўтказиш иши билан таниш бўлган мактаб ходими тайинланиши мумкин. Бу раҳбар ўз группасидаги талаба-практикантларнинг фаолиятига бутун практика давомида раҳбарлик қилади. Жумладан, у қўйидаги ишларни бажаради.

1. Педагогик практика бошланишидан олдин студентлар борадиган мактаб билан алоқа ўрнатади; мактаб маъмурияти билан педагогик практиканинг мазмуни ва бунда уларнинг вазифалари тўғрисида суҳбатинструктаж ўтказди.

2. Институтда практикага бағишланган кириш ва якунловчи конференцияларни ташкил қилади ва уларда педагогик практиканинг асосий иштирокчилари, жумладан талабаларнинг фаол қатнашишларини таъминлайди, ўзи ҳам унда албатта иштирок қилади.

3. Мактаб директори қошида практика бошланиши, давоми ва якунида кенгашлар ташкил қилади, уларда ўзи ҳам иштирок этади.

4. Методистлар ва педагогика кафедрасининг вакили, мактаб раҳбарлари билан биргаликда талаба-практикантларни синфларга бириктиради.

5. Методистлар ва педагогика кафедрасининг вакили берган маълумотларга асосланиб, мактаб бўйича талаба-практикантларнинг синов ва заҳёт дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлари ҳамда тар-

биявий ишлар ўтказиш жадвалини тузади ва унинг бир нусхасини факультетнинг педагогик практика раҳбарига тақдим қилади.

6. Талаба-практикантларнинг практика ўтиши бўйича тузган индивидуал режаларини тасдиқлайди ва бунда ҳар бир практикантнинг практика давомида бир текисда иш билан банд бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор беради; педагогик практика жараёнида талаба-практикантларнинг ўз индивидуал режаларини қандай бажараётганлигини назорат қилиб боради ва ўтказилган дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар муҳокамасини ташкил қилади.

7. Педагогик практика охирида талаба-практикантларнинг практика мобайнида бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисобот ҳужжатларини текшириб чиқади ва уларга практика учун методист, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари, мактаб фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари билан биргаликда баҳолар қўяди.

6. Методист, педагогика кафедрасининг вакили ва талаба-практикантларга берган ҳисобот ҳужжатларига асосланиб, мактаб бўйича педагогик практика якуни тўғрисида факультет педагогик практика раҳбарига ёзма ҳисобот беради.

Изоҳ. Агар мактаб бўйича педагогик практика раҳбари тайинланмаган бўлса, унинг вазифаларини мутахассисликлар бўйича методистлардан бири бажаради.

Мутахассисликлар бўйича методистнинг вазифалари

Агар талабалар икки мутахассислик бўйича таълим олаётган бўлсалар, унда мактабга ҳар бир мутахассислик бўйича алоҳида методист тайинланади. У ўз мутахассислиги бўйича талабаларнинг практикасига бевосита раҳбарлик қилади. Чунончи у:

1. Педагогик практикага бағишланган кириш ва якунловчи конференцияларда, мактаб директори қошида ўтказиладиган йиғилиш ва талаба-практикантларнинг методик кенгашларида қатнашади.

2. Талаба-практикантларни мутахассислик бўйича мактаб ўқитувчиларининг иш тажрибаси билан таништиради; шу мақсадда уларнинг дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларига талаба-практи-



контларнинг киришларини ва уларнинг муҳокамасини ташкил қилади.

3. Фан ўқитувчиси билан биргаликда педагогик практика давомида талаба-практикантлар ўтказадиган дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар мавзуини белгилайди ва уни тақсимлайди.

4. Дарсларга тайёрланишда талаба-практикантларга консультациялар беради ва бунда уларнинг ҳар хил шаклда ҳамда ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштирувчи хилма-хил методлардан фойдаланиб, кўргазмали дарслар ўтишга йўналтиради; дарс жиҳозларини ҳозирлаш ва айниқса етишмайдиган кўргазмали қуролларни ясашга ўргатади; талаба-практикантларнинг дарс учун тузган режа конспектларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди: фан ўқитувчиси ва талаба-практикантлар билан биргаликда синов ҳамда заҳёт дарсларини кузатади; уларнинг кенг муҳокамасини ташкил қилади ва баҳолайди.

5. Мутахассислик бўйича амалга ошириладиган дарсдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича талаба-практикантларга консультациялар беради ва фан ўқитувчиси ҳамда талаба-практикантлар билан биргаликда бу ишларни кузатади, уларнинг муҳокамасини уюштиради ва баҳолайди.

6. Талаба-практикантларнинг курс иши мавзуи бўйича кузатиш ва тажрибалар ўтказишни ташкил қилади ва уларга раҳбарлик қилиб боради.

7. Талаба-практикантлар билан иш олиб боришларида мактаб ўқитувчиларига илмий-методик жиҳатдан ёрдам кўрсатади.

8. Педагогик практика яқунлари тўғрисида ҳисобот ёзади ва уни мактаб бўйича педагогик практика раҳбарига ёки факультет педагогик практика раҳбарига тақдим қилади.

Педагогика кафедраси вакилининг вазифалари

1. Педагогик практикага бағишланган кириш ва яқунловчи конференциялар ҳамда кенгашларда иштирок қилади.

2. Тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ва синф раҳбарлари билан биргаликда мактаб миқёсида ва синф раҳбарлари сифатида талаба-практикантлар амалга оширадиган тарбиявий ишларни режалаштиради.

3. Синфларда ва мактаб бўйича ўтказиладиган тарбиявий ишларга талаба-практикантларни қатнаштиради ва уларнинг муҳокамасини ўтказди.

4. Талаба-практикантлар учун мактаб раҳбарларидан бири — илғор ва тажрибали синф раҳбарининг суҳбатларини ташкил қилади.

5. Талаба-практикантларнинг ўқувчилар билан тарбиявий ишлар олиб боришларини таъминлайди; ўз синфида ўтказиладиган тарбиявий ишлар режасини тузиш бўйича талаба-практикантларга консултация беради, уларнинг тарбиявий ишлар режаси ва конспектини текширади, синфдан ташқари машғулотларни талаба-практикантлар билан биргаликда кузатади, уларнинг муҳокамасини ташкил қилади ва баҳолайди.

6. Ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда талаба-практикантларга ёрдам беради.

7. Педагогик практиканинг бошқа раҳбарлари билан биргаликда талаба-практикантлар фаолиятини баҳолашда қатнашади.

8. Педагогик практика давомида талаба-практикантлар амалга оширган тарбиявий ишлар тўғрисида ўз кафедрасига ва мактаб бўйича педагогик практика раҳбарига тегишли маълумотлар беради.

Психология кафедраси вакилининг вазифалари

1. Педагогик практикага бағишланган кириш ва якуний конференциялар ва кенгашларга қатнашади.

2. Талаба-практикантларнинг дарслари ва синфдан ташқари тарбиявий машғулотларини кузатади ва ўзининг психологик таҳлили билан уларнинг муҳокамасида қатнашади.

3. Талаба-практикантларга психология бўйича педагогик практика дастури мўлжаллаган ўқувчи шахси ва ўқитувчилар коллективини ўрганишга оид топшириқларни бажаришларига раҳбарлик қилади.

4. Педагогик практиканинг бошқа раҳбарлари билан биргаликда талаба-практикантлар фаолиятини баҳолашда қатнашади.

Педагогик практиканинг муваффақиятли ўтишида мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар коллективининг роли каттадир. Уларнинг бу ишга тўғри муносабати, яқиндан ёрдами талаба-практикантларнинг тегишли амалий-педагогик кўникмалар ҳосил қилишларида, ўқи-

тувчилик касбини пухта эгаллашларида муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун педагогик практикада бевосита қатнашувчи ҳар бир мактаб ходими талаба-практикантларга нисбатан ўз бурчи ва вазифаларини яхши тасаввур қилиши лозим.

Мактаб директорининг вазифалари

1. Мактабда педагогик практиканинг самарали ўтиши учун зарур шароитларни яратати ва шу мақсадда ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқа ходимлар билан тегишли ишлар олиб боради.

2. Талаба-практикантларни мактаб ишлари билан бевосита таништиради. Шу мақсадда уларни мактабда таълим-тарбия ишларини қўйилиши билан, мактабнинг ўқув базаси (кабинетлар, устахона, тирик табиат бурчаги, теплица, ўқув-тажриба участкаси, библиотека ва б.) билан, мактаб педагогика совети, метод бирлашмалари ҳамда ота-оналар комитетининг ишлари билан таништиради.

3. Мактаб бўйича педагогик практика раҳбари билан бирга талабаларни синфларга тақсимлайди.

4. Талаба-практикантларнинг айрим дарсларини, синфдан ташқари машгулотларини кузатади ва уларнинг муҳокамасида қатнашади.

5. Педагогик практиканинг бошланиши ва охирида талаба-практикантлар билан кенгашлар ўтказати.

Тарбиявий ишлар бўйича мактаб директори ўринбосарларининг вазифалари

1. Талаба-практикантларни мактабнинг тарбиявий ишлар режаси билан, ёшлар дружиналари, отрядлари ва уларнинг ишлари билан таништиради.

2. Талаба-практикантлар билан иш олиб боришда синф раҳбарларига ёрдам беради.

3. Талаба-практикантлар амалга ошираётган тарбиявий ишларнинг айримларини кузатади ва уларнинг муҳокамасида қатнашади.

Фан ўқитувчисининг вазифалари

1. Ўзига бириктирилган талаба-практикантларни иш режаси билан таништиради, улар учун мутахассислик

фани бўйича очиқ дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар ўтказиб кўрсатади.

2. Методист билан биргаликда мутахассислик фани бўйича дарс ва дарсдан ҳамда синфдан ташқари машғулотлар мавзуларини тақсимлайди.

3. Дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларга тайёрланишда талаба-практикантларга консультациялар беради, уларнинг тузган режа-конспектларини текшириб, машғулот ўтишга розилик беради.

4. Талаба-практикантларнинг мутахассислик фани бўйича дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларини кузатади, уларнинг муҳокамаси ва баҳолалишида қатнашади.

5. Талаба-практикантларни мутахассислик фани бўйича дарсдан ва синфдан ташқари ишлар бажаришга, кўргазмалар қуроллар тайёрлашга ва бошқа таълим-тарбия характердаги ишларга жалб қилади.

6. Педагогик практикага бағишлаб мактаб директори қошида ўтказиладиган кириш ва якунловчи кенгашларда, институтдаги конференцияларда қатнашади.

Синф раҳбарларининг вазифалари

1. Талаба-практикантларни синф ўқувчилари, уларнинг ўзлаштириши ва ахлоқлари билан, асосий тарбиявий вазифалар ва ўзининг шу чоракка тузилган иш режаси билан таништиради, улар учун синф ўқувчилари билан очиқ тарбиявий соат машғулотини ўтказиб беради.

2. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишда талаба-практикантларга ёрдам кўрсатади.

3. Педагогик практика давомида амалга оширилиши лозим бўлган тарбиявий тадбирларни белгилаб олишда талаба-практикантларга ёрдам беради, тарбиявий иш режасини тузишда уларга консультация беради.

4. Талаба-практикантларни синфда қўндалик тарбиявий ишларга жалб қилади.

5. Талаба-практикант амалга ошираётган тарбиявий ишларни кузатади ва уларнинг муҳокамаси ҳамда баҳолалишида қатнашади.

6. Педагогик практикага бағишлаб, мактаб директори қошида ўтказиладиган кириш ва якунловчи кенгашларда қатнашади.

2- §. Педагогик практика ўтказишнинг ташкилий масалалари

Биологиядан педагогик практиканинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бир қатор ташкилий масалаларнинг қанчалик тўғри ҳал қилинишига боғлиқ. Буларга педагогик практика ўтказишнинг энг қулай вақтини белгилаш, практика учун мос келадиган мактабларни танлаш ҳамда уларни практика ўтказишга тайёрлаш, талаба-практикантларни педагогик практикага тайёргарлик кўришларини ташкил қилиш, мактабда практика давомида амалга ошириладиган барча таълим-тарбия ишларини планлаштириш каби ишлар киради. Қўйида педагогик практиканинг барча ташкилий масалаларидан энг муҳимлари, бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига бевосита дахлдорлари устида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Педагогик практика ўтказиш вақти

Одатда битириш олди ва битирувчи курс талабаларининг биологиядан педагогик практикаси педагогика олий ўқув юрти талабаларининг ўқув режаларига мувофиқ ҳар хил муддатларда ўтказилади. Бир хил педагогика институт ва университетларда битириш олди курси талабалари педагогик практикани кузги-қишқи мавсумда (ноябрь, декабрь ойларида), битирувчи курс талабалари эса баҳор пайтларида ўтадилар. Бошқа педагогика олий ўқув юртларида бунинг тескарисини кўрамыз. яъни битириш олди курсида кузги даврга режалаштирилади. Баъзи педагогика институтларида ҳар иккала курс талабалари педагогик практикани ўқув йилининг иккинчи семестрида (аввал битириш олди курси, кейин битирувчи ёки аксинча) ўтадилар.

Бироқ талаба-биологларнинг педагогик практикасини қачон ва қайси пайтда ўтказилиши бефарқ нарса эмас. Чунки йилнинг тегишли мавсуми бу практиканинг муваффақиятли ўтиши учун қулайлик туғдиради.

Тажриба, масалан Ўзбекистон мактаблари шароитида, биологиядан ўтказиладиган педагогик практика учун энг қулай вақт йилнинг март-апрель ва сентябрь-октябрь ойлари эканлигини кўрсатади. Ана шу пайтларда талаба-биологлар учун ўз дарсларини табиий, жумладан тирик материаллар билан жиҳозлашга, ўқувчилар

билан табиатда, мактаб ўқув-тажриба участкасида, тирик табиат бурчагида, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларида ва бошқа объектларда табиатшунослик ишлари олиб боришда кенг имкониятлар туғилади. Айниқса педагогик практика март-апрель ойларида ўтказилганда талаба-практикантлар ўқувчиларнинг мактаб ўқув-тажриба участкаси, парник ва иссиқхоналарда бажарадиган баҳорги ишларига раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўладилар.

Бир қатор педагогика институтларида биология бўйича педагогик практика битириш олди курсида баҳорда, битирувчи курсида эса кузда ўтказилиб яхши натижаларга эришилмоқда. Бунда битириш олди курси талабалари март-апрель ойларида педагогик практика ўтганларида ўқувчиларнинг мактаб тажриба участкасидаги баҳорги ишларига раҳбарлик қилиш, табиатга экскурсия ўтказиш, ёш табиатшуносларнинг хилма-хил кузатишлар олиб боришларини ташкил қилиш имкониятига эга бўладилар. Кузга келиб улар битирувчи курс талабалари бўлиб, педагогик практикада ўқувчилар билан баҳорда бошланган қишлоқ хўжалиги циклидаги ишларни охирига етказадилар; чунончи ҳосилни йиғиштириш ва ҳисобга олиш, ўқувчиларнинг баҳор ва ёзда олиб борган табиатшунослик ишларини яқунлаш, қишга тайёрланиш ва шу каби ишларни амалга оширадилар. Шубҳасизки, бундай изчиллик ва ворислик талаба-биологларнинг мактабдаги келгуси фаолиятга янада яхшироқ тайёрланишларига ёрдам беради.

Педагогик практика учун мактаблар танлаш. Талаба-биологларнинг педагогик практикаси учун мактабларни тўғри танлаш жуда ҳам муҳим масаладир. Танланган мактабларнинг ҳар жиҳатдан муносиб бўлиши педагогик практиканинг муваффақиятли ўтишини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади. Педагогик практика учун мактаблар танлашда аввало талаба-практикантларнинг намунали мактабда педагогик касбни пухта эгаллаш бўйича машқлар ўтказа олишлари назарда тутилиши керак. Ҳақиқатан ҳам ўз ишида яхши кўрсаткичларга эришган, биология ўқитишнинг моддий-техника базаси (ўқув тажриба участкаси, тирик табиат бурчаги, парник-иссиқхона хўжалиги, мукамал жиҳозланган биология кабинети) ва мутахассислик бўйича тажрибали ўқитувчиларга эга бўлган мактаб-

ларгина биологиядан педагогик практиканинг самарали ўтиши учун қулай замин бўла олади. Бу талабалар хусусан битириш олди курси педагогик практикаси учун гоят аҳамиятлидир.

Педагогик практика ўтказиладиган мактаб айниқса мутахассислик бўйича юқори малакали, ўз ишига моҳир ва тажрибали ўқитувчиларга эга бўлиши зарур. Масала шундаки, педагогик практика даврида унда қатнашувчи кўпчилик методистлар вақт-вақти билан институтда ҳам машғулотлар ўтказиб турадилар, шу сабабли улар талаба-практикантларнинг мактабдаги фаолиятига мунтазам (ҳар куни) раҳбарлик қила олмайдилар. Шундай пайтларда мактабнинг ўз ишини яхши биладиган тажрибали предмет ўқитувчилари методистларнинг энг яқин ёрдамчиси ва таянчи сифатида хизмат қиладилар.

Бир қатор педагогика институтлари тажрибаларини ўрганиш шунини кўрсатдики, педагогик практика учун мактаблар танлашда асосан юқориди келтирилган талабларга риоя қилинади. Лекин практика учун кўпроқ шаҳар мактаблари танланади. Бунда педагогик практиканинг шаҳар мактабларида ўтказилиши ташкилий жиҳатдан қулай эканлиги (мактабнинг институтга яқинлиги, улар ўртасида мунтазам транспорт алоқасининг мавжудлиги кабилар) назарда тутилади. Шунга қарамай, тажриба, шаҳар мактабларида биология бўйича педагогик практика ўтказиш талаба-практикантларнинг профессионал-педагогик тайёргарлик савиясини кўтариш учун етарли эмаслигини кўрсатди. Чунки шаҳар мактабларида айниқса бўлажак биология ўқитувчиларининг самарали методик тайёргарлигини таъминлаш учун тегишли шароитлар йўқ. Бундай шароитлар қишлоқ мактабларида мавжуд. Бинобарин, биологиядан педагогик практикани қишлоқ мактабларида ўтказиш гоят муҳимдир. Бунда аввало талаба-практикантлар ўз дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларини тегишли табиий демонстрация объектларини ва тарқатма материаллар билан таъминлаш, ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ва табиатшунослик ишларини кенг қўламда ташкил қилиш ва уларга раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўладилар.

Қишлоқ мактаб ўқитувчисининг, айниқса биология ўқитувчисининг иши гоят кўп қиррали ва турли-тумандир. Унга хилма-хил ва ўзига хос вазифаларни бажар

ришга тўғри келади. Шундай муҳим вазифалардан бири ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касбларни танлашга йўналтиришдир. Шунга кўра, қишлоқ мактабларининг биология ўқитувчилари ўз предметни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг олган билимларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланишга ўргатиши, қишлоқ хўжалигидаги касбларга ёндоштириши керак. Бу соҳадаги мураббийлик кўникмаларини бўлажак биология ўқитувчилари асосан қишлоқ мактабларида ташкил қилинган педагогик практикада ҳосил қилишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда педагогика институтлари битирувчиларининг кўпчилиги қишлоқ мактабларига ишга юборилмоқдалар. Шунинг эътиборга олинса, биология бўйича педагогик практикани қишлоқ мактабларида ўтказиш зарурлиги янада намоён бўлади. Ҳақиқатан ҳам баъзи ташкилий қийинчиликларни ҳисобга олганда биологиядан педагогик практикани қишлоқ мактабларида ўтказиш унинг самарадорлигини оширишда муҳим воқеадир. Бундай практикада талаба-практикантлар қишлоқ шароитида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хослигини билиб оладилар, биология ўқитишнинг турмуш билан боғланиш юзасидан билим ва амалий кўникмалар ҳосил қиладилар, институтни битиргач, қишлоқда ишлашга психологик жиҳатдан тайёрланган бўладилар.

Қишлоқ мактабларида ўтказиладиган педагогик практиканинг янада такомиллаштириб борилиши бўлажак биология ўқитувчиларининг илмий-методик ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёргарлигини кучайтиради, уларнинг мактабда таълим-тарбия ишлари савиясини оширишга имкон берувчи зарур билим, уқув ва кўникмалар билан тўлароқ қуролланишларини таъминлайди.

Педагогик практиканинг бошқа ташкилий масалалари. Педагогик практика учун танланган мактабларнинг ҳар бирига қанча талаба юбориш масаласи шу мактабдаги синфларнинг сонига қараб ҳал қилинади. Бунда ҳар қайси практика ўтказиладиган синфга — IV курсда 1—2, битирувчи курсда эса бир талаба битиртириш назарда тутилади. Аммо мактабга юбориладиган талабалар сони ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги керак. Ўртача бир мактабга 12—15 талаба юборилиши етарлидир.

Мактабга юбориладиган талаба-практикантлар гуруҳини таъминлаш муҳим масаладир. Бу ишда мутахассислик фанлари бўйича институтда ўтказилган лаборатория машғулотида шаклланган кичик гуруҳнинг асос қилиб олиниши ҳолат ўринлидир. Чунки бу кичик гуруҳда бир қатор анъаналар шаклланган бўлади, унинг аъзолари бир-бирларини яхши тушунган, бир-бирларига ўрганиб қолган бўладилар.

Талаба-практикантлар гуруҳини ташкил қилишда уларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсата олиш имкониятларини ҳам назарда тутиш зарур. Ҳар бир гуруҳ таркибига ўзлаштириш жиҳатидан кучли, ўртача ва бўшроқ талабалар киритилиши, агар мавжуд бўлса, педагогик тажрибага эга бўлганлардан ҳам тайинланиши маъқул. Айниқса гуруҳда ижтимоий-сиёсий тайёргарликка эга бўлган тажрибали ва ташкилотчи талабалардан бўлиши шу мактабда педагогик практиканинг самарали ўтиши учун ҳолат фойдалидир. Ана шундай талабалар коллективнинг таянч ўзагини ташкил қилади.

3- §. Педагогик практиканинг тузилиши ва мазмуни

Кўпгина педагогика институтларининг иш тажрибаларида педагогик практиканинг тахминий тузилиши қарор топди. У ўзида педагогик практиканинг тизими, ташкил қилиш шакллари ва барча практикада қатнашувчиларнинг (талаба-практикантлар ҳамда практика раҳбарларининг) иш усулларини акс эттиради. Бу тузилишда педагогик практиканинг бориши қўйидаги изчилликда бўлиши ифодаланган.

Таълим-тарбия ишларини бажариш бўйича битириш олди (IV) ва битирувчи (V) курс педагогик практикаси одатда кириш конференцияси билан бошланади. Бунда талаба-практикантларга уларнинг педагогик практика давомидаги вазифалари, иш мазмуни, қўйилган талаблар тушунтирилади.

Педагогик практика ўзаро боғлиқ бўлган икки: таништирувчи ва фаол қисмлардан иборат ҳолда боради.

Педагогик практиканинг таништирувчи қисми учун одатда унинг биринчи ҳафтаси ажратилади. Бунда талаба-практикантлар методист ва педагогика кафедрасининг вакили раҳбарлигида мактаб билан танишадилар:

улар учун педагогик практикада бевосита қатнашувчи мактаб раҳбарлари ва ходимларининг суҳбатлари ташкил қилинади; талаба-практикантлар синфларга тақсимланадилар, кейин ҳамма синфларда биология ва иккинчи мутахассислик бўйича дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни, ўз синфларида ҳамма дарсларни, синф раҳбарларининг тарбиявий ишларини кузатадилар ва уларнинг муҳокамасида қатнашадилар, бутун практика давомида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари тематикасини аниқлайдилар ва шулар асосида ўзлари учун индивидуал календарь режа тузадилар, ўз синфларида таълим-тарбия ишларини бошлашга ҳозирлик кўрадилар.

Педагогик практиканинг иккинчи — фаол қисмида талаба-практикантлар дастур талаб қилган ва индивидуал календарь режаларида белгиланган таълим-тарбия ишларини бажариш билан банд бўладилар. Чунончи, улар мутахассислик фанлари бўйича дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар ўтказадилар, синф раҳбари ишини бажарадилар, мактаб бўйича тарбиявий тадбирларни амалга оширишда қатнашадилар, ўзаро дарслар ва бошқа машғулотларга кирадилар ва уларнинг муҳокамасида иштирок қиладилар.

Бу пайтларда талаба-практикантларга методик ёрдам бериш мақсадида улар учун педагогик практика раҳбарлари индивидуал ва коллектив консультациялар ўтказадилар. Кўпгина педагогика институтларида талабаларнинг педагогик практикасида методик кунлар ўтказиш жорий қилинган. Ҳафтада бир куни мактабда талаба-практикантларнинг методик кенгаши чақирилади. Бунда талаба-практикантлар билан бирга методистлар, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари, мутахассисликлар бўйича фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари қатнашадилар ва ҳафтанинг якунини муҳокама қиладилар, навбатдаги вазифаларни белгилайдилар. Баъзи институтлар талабаларининг педагогик практикасида бу кенгашда шу мактабга алоқадор методик масалалар ҳам муҳокама қилинади, педагогик ҳамда методик адабиётдаги янгиликлар қараб чиқилади.

Педагогик практика мактабнинг кичик педагогика советида ва институтдаги хотима конференциясида яқин чиқариш билан тугалланади. Педагогика советида талаба-практикантлар ва педагогик практикада бевосита

қатнашган мактаб ходимлари ҳисоб берадилар, талаба-практикантлар фаолияти баҳоланади. Институтдаги хотима конференциясида эса, педагогик практиканинг умумий якуни қараб чиқилади, айрим талаба-практикантларнинг илмий-методик марузалари муҳокама қилинади.

Битириш олди (IV) ва битирувчи (V) курс талабалари билан ўтказиладиган педагогик практиканинг асосий мазмуни амалдаги йўриқнома ва дастурда умумий тарзда ифодаланган. Бироқ бу ҳужжатларда талабаларни ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчилик касбига ўргатишнинг ўзига хос томонлари ҳисобга олинмаган. Бу ҳол биология бўйича педагогик практиканинг ўзига хос томонлари ва аниқ мазмунини белгилаб олишни тақозо қилади.

Талаба-биологларнинг педагогик практикаси ўзининг мазмуни ҳамда ташкил қилиниши билан фарқланади. Ўзига хос бу хусусиятлар, аввало, мактаб биология курсининг мазмуни, уни ўқитиш методикаси, биологияни ўқитишга мактаб ўқув режасида ажратилган вақт миқдори билан характерланади. Педагогик практиканинг қанча вақт давом этиши ва қандай қўшимча мутахассислик билан бирга ўтказилиши ҳам унинг аниқ мазмунини белгилашда муҳимдир.

IV ва V курсларда биология бўйича педагогик практика одатда иккинчи мутахассислик, чунончи жўғрофия ёки химия, ёки бошқа мутахассислик билан бирга ўтказилади.

IV курс педагогик практикасида талаба-практикантларни мактаб ва унинг иш соҳалари билан таништириш асосида V—IX синфларда таълим-тарбия ишларини бажаришга ўргатиб борилади. Бунда талаба-практикантларнинг барча фаолияти педагогик практиканинг раҳбарлари (методистлар, педагогика кафедрасининг вакили ва б.) ҳамда мактаб ходимларининг бевосита бошчилигида ва назорати остида боради. Бу практиканинг мазмунига қуйидагилар киряди.

1. Талабаларнинг педагогик практика бошланишига бағишланган кириш конференциясида қатнашиш.

2. Мактаб билан умумий танишиш, талаба-практикантлар учун мактаб раҳбарлари, болалар ва ёшлар ташкилотлари етакчиларининг суҳбатларини ўтказиш.

3. Мутахассисликлар бўйича мактабдаги ўқув-мод-

дий база (предмет кабинетлари, тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси ва б.) билан танишиш.

4. Талаба-практикантларнинг синфларга тақсимланиши ва практика давомида мутахассислик фанлари бўйича амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари (дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар) мавзуларини белгилаб олишлари.

5. Биркитилган синф ва ундаги ўқувчилар коллективи билан танишиш; мутахассисликлар бўйича фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг иш тажрибасини ўрганиш (улар билан суҳбатлашиш, иш режаларини синчиклаб ўрганиш); практика давомида бажариладиган тарбиявий ишлар мавзуини белгилаб олиш.

6. Мутахассислик бўйича ўқитувчи ўтадиган дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни кузатиш ҳамда уларнинг муҳокамасида қатнашиш.

7. Синф раҳбари олиб бораётган тарбиявий ишларни кузатиб бориш ва уларни таҳлил қилиш.

8. Юборилган мактабда педагогик практика ўтиш бўйича индивидуал календарь режа тузиш ва уни практика раҳбарларидан тасдиқлатиб олиш.

9. Мутахассислик фанлари, жумладан биология бўйича талаба-практикантларнинг ҳар хил типдаги дарсларни тайёрлаши ва ўтиши.

10. Талаба-практикантларнинг биология ва иккинчи мутахассислик бўйича ҳар хил дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларини тайёрлаш ва амалга ошириш, жумладан ўқувчиларнинг дарсдан ташқари кузатиш ва тажриба ўтказишларини ташкил қилиш, экскурсиялар ўтказиш, ёш табиатшунослар тўғараги ёки унинг бирор секциясига раҳбарлик қилиш, айрим мавзуларда кечалар ўтказишда фаол қатнашиш, синфдан ташқари ўқишлар ташкил қилиш.

11. Синф раҳбари режаси асосида тарбиявий ишлар олиб бориш.

12. Талаба-практикантларнинг ўз ўртоқлари дарсларини, дарсдан ва синфдан ташқари ишларини кузатиш ҳамда уларнинг муҳокамасида қатнашиш.

13. Ўртоқларининг синф раҳбари сифатида ва мактаб бўйича бажарадиган тарбиявий ишларини кузатиш ва уларнинг таҳлилида қатнашиш.

14. Талаба-практикантларнинг ота-оналари билан тегишли ишлар олиб бориши.

15. Талаба-практикантларнинг дарс ёки бирор бош-

қа таълим-тарбия машғулоти психологик жиҳатдан таҳлил қилиш (ёзма).

16. Мактаб гигиенаси бўйича тегишли топшириқлар бажариш.

17. Мактаб бўйича талаба-практикантларнинг навбатчилиги.

18. Педагогик практикага бағишланган методик кенгашлар ўтказиш ва уларда талаба-практикантларнинг фаол қатнашиши.

19. Талаба-практикантларнинг бутун практика давомида тегишли ҳужжатларни талаблар савиясида юритиб боришлари.

20. Педагогик практика охирида ўтказиладиган якуний конференцияда барча талаба-практикантларнинг фаол иштирок қилишлари.

Талаба-биологларнинг V курсда ўтказиладиган педагогик практикаси ўз ичига IV курс практикасидаги ишларни олади, бироқ ундан мазмунининг бир қадар мураккаблиги ва иш ҳажмининг ортганлиги билан фарқ қилади. Чунончи, бу практикада юқорида санаб ўтилган ишларга қўшимча ҳолда қуйидагилар амалга оширилади:

1. Талаба-практикантларнинг биология бўйича факультатив машғулотлар ўтказиш методикаси билан таълими ишлари ва шундай машғулотларни намуна тарзида ўтказишлари.

2. Талаба-практикантларнинг ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш бўйича иш бажаришлари.

3. Мактаб бўйича таълим-тарбия йўналишидаги тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда фаол қатнашиш.

4. Талаба-практикантларнинг ота-оналар ўртасида олиб бориладиган педагогик тарғиботда фаол қатнашиши, ўз синфи ота-оналарининг йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш.

5. Талаба-практикантларнинг биология бўйича методик бирлашма ҳамда педагогика совети мажлисида қатнашишлари.

V курс педагогик практикаси маълум даражада стажерлик йўналишида ўтказилади, унда талаба-практикантлар асосан юқори (IX—XI) синфларда биология ўқитувчиси ва синф раҳбари ролида ўзларига топширилган барча таълим-тарбия ишларини мустақил амалга оширадilar.

Охириги курс практикасида иш ҳажмининг кўпайиши

ушбу мисолда яна яққолроқ кўзга ташланади: агар IV курс талабалари педагогик практика давомида биология бўйича кўпи билан 4—5 та дарс ва 1—2 та дарсдан ва синфдан ташқари ишни бажариш билан чекланса, V курсда эса улардан 12—16 дарс ўтиш, кўпроқ дарсдан ва синфдан ташқари ишлар бажариш талаб қилинади.

Шундай қилиб, юқорида педагогик практика мазмунининг умумий томонлари ёритилди. Энди талаба-биологларнинг бевосита практикада оладиган методик тайёргарликларига оид масалаларни қараб чиқамиз.

Педагогик практиканинг биринчи ҳафтасида талаба-биологлар танишиши зарур бўлган соҳалар қаторида мактабда биология ўқитишнинг моддий техника базасини қараб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи мактаб биология кабинети ва унинг жиҳозлари билан танишиш талаба-практикантларга ўзларининг келгусида ўтадиган дарслари ва бошқа машғулотлари учун зарур бўлган табиий (тирик ва препаратлаштирилган) ҳамда тасвирий воситаларни, дидактик тарқатма материалларни ўз вақтида олдиндан аниқлаб олишга имкон беради. Бу зарурат шу билан тақозо қиладики, кўп мактаблар ҳамон тўлиқ жиҳозланган биология кабинетига эга эмаслар. Бинобарин, талаба-практикантлар бўлажак дарслари учун етишмаган айрим жиҳозларни ўқувчиларни жалб қилган ҳолда ўзлари ясашлари, тарқатма материали тайёрлашлари керак бўлади. Бундай ишлар биология бўйича педагогик практиканинг талабаларидандир.

Шундан кейин талаба-практикантларга мактабнинг ўқув-тажриба участкаси, парник-иссиқхона хўжалиги, тирик табиат бурчаги билан танишиш таклиф қилинади. Бу иш педагогик практика давомида улардан талабаларнинг биология дарсларида ва синфдан ташқари машғулотларда унумли фойдалана олишлари учун амалга оширилади.

Биринчи ҳафта ичида талаба-практикантлар, шунингдек, мактаб кутубхонаси билан ҳам танишишлари керак. Бунда улар биология бўйича кутубхонадаги китоб фонди нималардан иборатлигини, қандай журнал ва газеталар борлигини, бу манъбаларнинг қайсиларидан қўшимча адабиёт сифатида ҳамда ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишлари учун фойдаланиш мумкинлигини аниқлайдилар.

Педагогик практиканинг биринчи кунлари мактаб биология ўқитувчисининг иш тажрибасини ўрганиш мақсадида талаба-практикантлар унинг дарсларига кирадилар. Бунда дарс жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини мақсадга йўналган ҳолда кузатиш ва таҳлил қилиш фоят катта аҳамиятга эга.

Педагогик практика тўғрисидаги йўриқнома талаба-практикантларнинг биринчи ҳафта ичида ўзи бериб берилган синфда мутахассисликдан бошқа фанлар бўйича дарсларга киришини назарда тутди. Бироқ улар мутахассисликлари бўйича бошқа синфлардаги дарсларга ҳам киришлари керак. Масалан, биология бўйича бошқа синфлардаги дарсларга кириш билан талаба-практикантлар шу фаннинг ўқитилиш аҳволи ва хусусиятлари билан тўлароқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси давомида талаба-практикантларнинг биология бўйича дарсдан ва синфдан ташқари ишлар билан танишишлари зарур талаблардандир. Талаба-практикантлар ўқувчиларнинг мактаб ўқитувчиси томонидан тирик табиат бурчагида, парник-иссиқхона ҳўжалигида, ўқув-тажриба участкасида уюштирадиган мажбурий дарсдан ташқари машғулотларини, шунингдек ёш табиатшунослар тўғараги ишини кузатадилар. Чунки, бу ишларни улар практиканинг кейинги босқичида давом эттиришлари керак бўлади.

Биология бўйича педагогик практиканинг асосий мазмунини талаба-практикантларнинг ҳар хил типдаги, хилма-хил методлар ҳамда методик услублар қўллаш ва тирик объект, табиий препаратлаштирилган кўргазмани қурол, тарқатма материал каби воситалардан фойдаланиш билан ўтказиладиган дарсларни тайёрлаш ва ўтишлари, ўз ўртоқларининг дарсларини кузатиб, уларнинг муҳокамасида қатнашишлари ташкил қилади.

Шунингдек, талаба-практикантларнинг биология бўйича ўқувчилар билан дарсдан ва синфдан ташқари ишлар ташкил қилишлари, уларни ўзаро муҳокама қилишлари ҳам педагогик практиканинг муҳим қисмидир. Педагогик практика дастури талабига кўра битириш олди (IV) курси талабалари икки хил синфлардан ташқари машғулотлар ўтказишлари: ёш табиатшунослар тўғараги ишига раҳбарлик қилиш ва биология бўйича тематик кечалар (ёки эрталиклар) ташкил қилишда

иштирок қилишлари керак. Битирувчи (V) курс талабалари эса биология бўйича синфдан ташқари ишларнинг барча турларини амалга ошириш ва ўртоқларининг шу хилдаги ишларида қатнашиб, уларни таҳлил қилиши талаб қилинади.

4-§. Мактабда талабаларни педагогик касбга ўргатиш методлари ва услублари

Мактабда педагогик практиканинг муваффақиятли ўтиши бошқа омиллар қаторида талаба-практикантларни ўқитувчилик касбига ўргатиш мақсадида қўлланиладиган методлар ва услубларга ҳам боғлиқдир. Чунки тегишли метод ва услублар воситасида талаба-практикантларда зарур педагогик ўқув ва кўникмалар шакллантирилади, уларнинг педагогика, психология, мутахассислик фанлари ва уларни ўқитиш методикаси бўйича институтда олган билимлари амалда ўз тадбиқини топади, янада такомиллаштирилади.

Талаба-практикантларнинг педагогик касбга ўргатиш методларини ўқитиш методлари деб ҳисоблаш керак, чунки талабаларнинг мактабда ўтадиган практикаси ҳам ўз моҳияти жиҳатидан ўқитиш жараёнидир. У талаба-практикантлар билан практика раҳбарларининг ҳамкорликда борадиган фаолиятини назарда тутати. Бу фаолият қандай шаклларда намоён бўлмасин, тегишли ўқитиш методлари ва услублари воситасида амалга оширилади. Одатда, бу метод ва услублар педагогик практиканинг мазмуни ва мақсадига қараб, талаба-практикантларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Бир қатор педагогик олий ўқув юртларининг биологиядан педагогик практика ўтказиш соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш мактабда талаба-практикантларни педагогик касбга ўргатишнинг метод ва услубларини белгилаш ва уларни таърифлашга имкон беради.

Талаба-практикантларни мактабда таълим-тарбия ишларини бажаришга ўргатишда қуйидаги методлар қўлланилади.

1. Талаба-практикантларнинг мактабда таълим-тарбия ишларини кузатишлари.
2. Талаба-практикантларнинг таълим-тарбия ишла-

ри ўтказишга тайёрланиши ва уларни амалга ошириши бўйича машқ қилишлари.

3. Талаба-практикантлар билан суҳбат-консултациялар ўтказиш.

4. Таълим-тарбия масалаларини муҳокама (таҳлил) қилиш.

Педагогик практикада бу методлар муайян тизимда ва ўзаро боғланишда қўлланилади, улар бир-бирини тўлдиради. Шуниси характерлики, санаб ўтилган методларнинг ҳар бири тегишли услублар воситасида қўлланилади.

1. Талаба-практикантларнинг мактабда таълим-тарбия жараёнини кузатиши. Кузатиш психологик жиҳатдан қараганда — бу ўраб олган борлиқни маълум даражада билиб олиш (идрок қилиш)дир, у ўша идрок қилиш объектида бораётган ҳодиса ёки ўзгаришни пайқаб олишга имкон беради. Кузатиш ҳар бир кузатувчининг ўрганилаётган факт, ҳодиса ёки хусусиятлар ўрганишдаги ўхшашлик ва тафовутларни пайқаб олиб, уларни гуруҳлаштириш ва имконияти бўлганда кузатилаётган жараён ёки ҳодисаларнинг қандай шароитларга боғлиқ эканлигини аниқлай олиш уқувларига эга бўлишини назарда тутади. Кузатиш тафаккур билан боғлиқ бўлган идрок этишдир.

Фанда кузатиш илмий тадқиқот методи сифатида кенг қўлланилади. Аммо кузатиш ўқитиш методи сифатида ҳам ғоят муҳимдир. Кузатиш умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида табиий циклдаги фанларни ўқитишда қўлланилади. Шунингдек, кузатиш ўқитиш методи сифатида талаба-практикантларни педагогик касбга ўргатишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Педагогик практикада қўлланиладиган методлар системасида кузатиш талаба-практикантларни педагогик касбга ўргатишнинг дастлабки босқичидир. Мактаб ҳаётининг турли томонларини кузатиш асосида талаба-практикантлар мутахассислик предметларини ўқитиш хусусиятлари, метод ва услублари, ўқувчиларнинг билим, амалий уқув ва кўпикмаларини ўзлаштириш шароитлари, дарсларда хилма-хил ўқув қуролларидан фойдаланиш йўллари, дарсдан ва синфдан ташқари ишларнинг шакллари ва методлари тўғрисида аниқ тасаввурлар ҳосил қиладилар.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, ўқитиш методи сифатида кузатишнинг самарадорлиги бир қатор

шароитларга боғлиқ. Аввало педагогик практика давомида кузатиладиган таълим-тарбия ишлари ва объеклари уларни кузатиш изчиллиги олдиндан белгиланган бўлиши керак. Талаба-практикантлар эса кузатиш олиб боришга тегишли равишда тайёрланган бўлишлари лозим. Бу ўринда ҳар бир ўтказиладиган кузатиш ҳақида талаба-практикантларга аниқ топшириқлар берилиши зарур. Кузатувчи нимани кузатиши, нима учун бу ҳодиса ёки объектни кузатиш танлаб олинганлигини яхши тасаввур этмоғи лозим. Ҳар бир кузатишнинг доираси маълум даражада чегараланган бўлсин. Бир кузатиш билан таълим-тарбия жараёнининг ҳамма томонларини қамраб олишга уриниш яхши натижа бермайди: бунда эътибор унча аҳамияти бўлмаган «икир-чкирлар» билан банд бўлиб, жараённинг муҳим томонлари четда қолади.

Биологиядан педагогик практика ўтказиш тажрибасида мактабдаги таълим-тарбия жараёнини кузатишнинг муайян услублари тизими қарор топган. Бу тизимга қуйидагилар киради.

1. Биология дарсларини кузатиш; а) ўқитувчининг биология дарсларини кузатиш; б) талаба-практикантларнинг биология дарсларини кузатиш.

2. Биология бўйича дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни кузатиш; а) ўқитувчининг дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларини кузатиш; б) талаба-практикантларнинг дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларини кузатиш.

3. Биология бўйича мактаб миқёсида ўтказиладиган тадбирларни кузатиш.

4. Биология ўқитишнинг моддий-техника базасини ва ундан таълим-тарбия мақсадида фойдаланилишини кузатиш; а) биология кабинетини ва ундан таълим-тарбия мақсадида фойдаланилишини кузатиш; б) тирик табиат бурчаги ва ундан таълим-тарбия мақсадида фойдаланилишини кузатиш; в) ўқув-тажриба участкаси ва ундан таълим-тарбия мақсадида фойдаланилишини кузатиш.

II. Талаба-практикантларнинг таълим-тарбия ишларини ўтказишга тайёрланиш ва уларни амалга ошириш бўйича машқланиши. Машқ бу бирор бир ҳаракат ёки ишнинг (ақлий ёки жисмоний), уни эгаллаш ёки сифатини кўтариш мақсадида атайлаб кўп марта такрорланишидир.

Машқ қилиш педагогика практика методлари тизмида муҳим ўринни эгаллайди ва талаба-практикантларнинг ўқитувчилик фаолиятини эгаллашлари учун асосий замин ҳисобланади. Таълим-тарбия ишларини бажариш бўйича режали ва мақсадга йўналган ҳолда уюштирилган машқлар оқибатида талаба-практикантлар тегишли педагогик уқув ва кўникмалар ҳосил қиладилар. Машқнинг аҳамияти талаба-практикантларнинг педагогик практика бошланишидаги ва охиридаги педагогик уқув ва кўникмалари даражасини таққослаганда янада яққолроқ намоён бўлади. Чунончи, педагогик практика жараёнида талаба-практикантларда дарс режа — конспектини тўғри туза олиш учун тобора ортиб бориши тадқиқотларимизда кўп марта тасдиқланган. Шунингдек, практика давомида машқ қилиш туфайли талаба-практикантларнинг ҳар қайси дарсга тайёрланиши учун сарфлайдиган вақт миқдори тобора камайиб борганлиги аниқланган. Педагогик практикада ўқитиш методи сифатида машқ қилишни кенг қўлланиш сабаби ҳам худди шунда.

Педагогик машқланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уни уюштириш методикасига боғлиқ. Машқ қилиш маълум талабларга жавоб бериши керак. Жумладан, машқ қилувчи шу таълим-тарбия ишини янада сифатлироқ бажаришга сафарбар қилинган бўлиши, йўл қўйилган хатоликлар сабабини пайқаб олиши ва уларни бартараф қилиш чораларини топа олиши керак. Машқ қилишни уюштиришда педагогик практикага раҳбарлик қилувчи шахсларнинг шу ишни қандай бажариш зарурлиги тўғрисида талаба-практикантларга берадиган йўл-йўриғи ва консултациялари муҳим аҳамиятга эга. Машқ қилувчининг бу йўл-йўриғларга ўз-ўзини назорат қилган ҳолда амал қилиши ғоят самарали натижа беради. Ниҳоят, машқ қилишнинг муваффақиятли чиқишида уни оддий ва осон ишлардан бошлаб, аста-секин мураккаблашиб бориши ҳам жуда муҳимдир.

Биология мутахассислиги бўйича талаба-практикантларни педагогик касбга ўргатишда машқ қилишнинг қуйидаги услублари қўлланилади:

1. Таълим-тарбия ишларини режалаштириш бўйича машқлар: а) биологиядан чораклик (ёки йиллик) ва тематик режалар тузиш бўйича машқлар; б) биология дарси учун режа-конспект тузиш бўйича машқлар; в) биологиядан дарсдан ва синфдан ташқари машғу-

лотлар учун режа — конспектлар тузиш бўйича машқлар.

2. Биология дарслари учун керакли жиҳозлар тайёрлаш бўйича машқлар: а) демонстрация жиҳозлари тайёрлаш бўйича машқлар; б) лаборатория машғулотлари жиҳозларини тайёрлаш бўйича машқлар; в) экскурсия жиҳозлари тайёрлаш бўйича машқлар ва ҳоказо.

3. Ҳар хил тилдаги биология дарсларини ўтиш бўйича машқлар; а) демонстрация ишларини ўз ичига олган дарслар ўтиш бўйича машқлар; б) лаборатория машғулотлари ўтиш бўйича машқлар; в) мактаб ўқув-тажриба участкасида уюштириладиган машғулотларни ўтиш бўйича машқлар.

4. Биологиядан дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар ўтказиш бўйича машқлар: а) тирик табиат бурчагида, ўқув-тажриба участкасида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва табиатда ўқувчиларнинг табиатшунослик ишларини уюштириш бўйича машқлар; б) ёш табиатшунослар тўғараги машғулотларини ўтказиш бўйича машқлар; в) биологик экскурсиялар ўтказиш бўйича машқлар; а) биологиядан мактаб миқёсида оммавий тадбирларни амалга ошириш бўйича машқлар ва бошқалар.

5. Биология бўйича кузатилган таълим-тарбия ишларини таҳлил қилиш бўйича машқлар: а) кузатилган таълим-тарбия иши тўғрисида ўз фикрини баён қилиш бўйича машқлар; б) кузатилган таълим-тарбия ишининг қандай борганлигини таърифлаб ёзиш ва бу ҳақда ўз фикрини ёзма ифодалаш бўйича машқлар.

6. Педагогик практика тўғрисида ҳисобот ҳужжатларини тузиш бўйича машқлар.

III. Талаба-практикантлар билан суҳбат — консультациялар ўтказиш. Педагогик практикада суҳбат — консультация ҳам ўқитиш методи сифатида кенг қўлланилади. Бу метод педагогик практикага раҳбарлик қилувчи шахс билан талаба-практикантларнинг бирга-ликда олиб борадиган фаолиятини назарда тутати. Суҳбат — консультация талаба-практикантларга тегишли билимлар бериш методи бўлиши билан бир вақтда билим манбаи вазифасини ҳам бажаради. Суҳбат — консультация вараёнида талаба-практикантлар мактаб тўғрисида зарур маълумотларга эга бўладилар, келгуси ишлари учун тегишли топшириқ ва йўл-йўриқлар оладилар. Педагогик практикада ўтказиладиган суҳ-

бат — консултациялар индивидуал ва группа тарзда ўтказилиши мумкин.

Суҳбат — консултацияларнинг самарали бўлиши асосан практикага раҳбарлик қилувчи шахснинг педагогик тайёргарлигига, назарий билим савиясига, суҳбатлаша олиш санъатига ва иш тажрибасига боғлиқ.

Ҳар бир суҳбат — консултация пухта тайёргарлик билан ва мақсадга йўналган ҳолда ўтказилиши керак. У таълим-тарбия ишларининг маълум донрадаги аниқ масалаларни ёритишга бағишланмоғи лозим.

Педагогик практикада қуйидаги суҳбат — консултациялар ўтказилади:

1. Мактаб ходимларининг суҳбат — консултациялари: а) мактаб раҳбарларининг суҳбат — консултациялари, б) фан ўқитувчисининг суҳбат — консултацияси; в) синф раҳбарининг суҳбат консултацияси.

2. Институт ходимларининг суҳбат — консултациялари: а) мутахассислик бўйича методистнинг суҳбат — консултацияси; б) педагогика ва психология кафедралари вакилларининг суҳбат — консултациялари; в) биологик кафедралар вакилларининг суҳбат — консултациялари.

IV. Таълим-тарбия масалаларини муҳокама қилиш.

Педагогик практикада талаба-практикантларнинг мактабдаги фаолиятига даҳлли масалаларини муҳокама қилиш катта аҳамиятга эга. Муҳокама давомида талаба — практикантларнинг вазифалари аниқланади, улар бажарган таълим-тарбия ишлари таҳлил қилинади, маълум даражада тажриба алмашилади, қилинган ишларга яқун ясалади ва ҳ. к. Бундай муҳокама талаба-практикантларга ўз камчиликларини билиб олишга ва уларни ўз вақтида бартараф қилиш чораларини топишга, мактабдаги педагогик фаолиятини мулоҳаза қилишга, ўз кучлари ва қобилиятларига ишонч ҳосил қилишга имкон беради. Таълим-тарбия масалаларининг талаба-практикантлар иштирокида борадиган муҳокамаси тегишли тайёргарлик асосида ва муайян изчилликда ўтиши керак.

Педагогик практикада муҳокама методи талаба-практикантларни ўқитувчилик касбига ўргатишнинг қуйидаги услублари воситасида қўлланилади: а) педагогик практиканинг бошланишига бағишланган кириш конференцияси; б) педагогик практиканинг тугашига бағишланган яқунловчи конференция; в) кузатилган

таълим-тарбия ишларининг муҳокамаси; г) педагогик практиканинг боришига бағишланган, вақт-вақти билан ўтказилиб турадиган методик кенгашлар.

II б о б. ПЕДАГОГИК ПРАКТИКАГА ТАЙЁРЛАНИШ

Педагогик практиканинг муваффақиятли бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири унга олдиндан пухта тайёргарлик кўришдир. Педагогика олий ўқув юртида педагогик практикага тайёрланишнинг муайян тизими қарор топган. Бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади: а) талаба-биологларнинг педагогик практика ўтишга тайёрланиши; б) педагогик практика ўтказиладиган мактабларда тайёргарлик ишларини амалга ошириш; в) педагогик практика давомида амалга ошириладиган ишларни режалаштириш.

1- §. Талаба-биологларнинг педагогик практикага тайёрланиши

Ўқитувчилик касбининг эгаллаш мақсадида педагогика институти ва университетларга ўқишга кирган ҳар бир талаба ўқиш бошлангани билан мактабда ишлашга ҳозирлик кўриб бориши керак.

Талабалар мактабда самарали педагогик практика ўтиш учун дастлабки тайёргарликни аввало институтдаги барча машғулотларда оладилар. Бунда назарий циклдаги ўқув предметларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Биологик циклдаги ўқув предметларини, педагогика, психология ва ўқитиш методикасини ўрганиш билан талабалар умумтаълим, психолого-педагогик ҳамда методик тайёргарликка эга бўладилар. Битириш олди (IV) ва битирувчи (V) курс педагогик практикасининг муваффақияти ана шу тайёргарликнинг сифатига боғлиқдир.

Чунончи, биологик циклдаги ўқув предметларини чуқур ўрганиш талабаларга педагогик практикагача мактаб биология курсининг асосий мазмунини пухта ўз-

лаштириб олишга имкон беради. Бу талабаларнинг мактабда самарали практика ўтишлари учун ғоят зарурдир.

Талабаларнинг педагогик практикага бевосита тайёрланишларида айниқса, психолого-педагогик циклдаги ўқув предметлари: ўқитувчилик касбига кириш, ёш физиологияси, мактаб гигиенаси, психология, педагогика назарияси ва педагогика тарихи, биология ўқитиш методикаси каби курсларни ўрганиш, шунингдек биология ўқитиш методикаси бўйича дала практикасини ўтиш ғоят зарурдир.

I курсда ўтиладиган «Ўқитувчилик касбига кириш» номли курс талабаларда уларнинг бўлажак мутахассисликлари билан боғлиқ бўлган муаммолар тўғрисида тасаввур ҳосил қилади, уларни педагогик билим ҳамда ўқувларни эгаллаш бўйича мустақил фаолиятига тайёрлайди, ўқитувчилик касбининг социал моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари, иш мазмуни, шакллари ҳамда методлари, педагогик фаолиятга тайёрланиш тизими, институтдаги таълим-тарбия жаранёларининг тузрилиши ва ташкил қилиниши билан таништиради.

Умумий психология бўлажак ўқитувчига назарий тайёргарлик беради, уни болалар психологиясини ўрганишга ва тушунишга ҳозирлайди. Жумладан, педагогик ва болалар психологияси билимни педагогик жараёнга тадбиқ қилиш йўлларини очиб беради. Психология билимларини эгаллаш билан талабалар ўз қадр-қимматлари ҳамда камчиликларини хотира, диққат ва характерларини яхшироқ англаб оладилар, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини педагого-психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ўқувларини эгаллай бошлайдилар. Психология бўйича амалий машғулотларда улар ўқувчиларни ўрганиш, дарс ва бошқа машғулотлардаги кузатишлардан олинган ахборотларни ишлаш бўйича дастлабки тажрибага эга бўладилар. Бу талабаларнинг алоҳида ўқувчига ёки синф коллективига психологик характеристика бериш бўйича топшириқлар бажаришларига ёрдам беради.

Педагогика талабаларни таълим ва тарбиянинг умумий методлари билан қуроллантиради, уларга педагогик тушунчалар ва қонуниятларни мавҳум категория сифатида эмас, балки ўқитувчилик маҳоратини эгаллаш ўлчови сифатида ўзлаштириб олишларида ёрдам беради, уларни тарбиянинг умумий методлари, шахсни ҳар томонлама ривожлантиришдаги роли, педагогик одоб

билан таништиради. Педагогика бўйича амалий ва семинар машғулотлари талабаларнинг тарбия жараёнини ижодий равишда қабул қилиб ва онгли мулоҳаза қилишга ўргатади. Бу машғулотлар одатда мактабда ўтказилиб, бунда талабалар, болалар йиғилишлари ва синф мажлисларида бўладилар, уларни кузатадилар, синфдан ташқари тadbирлар учун конспектлар тузиш ва уларни таҳлил қилиш бўйича машқланадилар. Буларнинг ҳаммаси талабаларни конкрет педагогик муаммоларни ҳал қилишга тайёрлайди.

Педагогика тарихи курси бўйича ўтказиладиган маъруза ва семинар машғулотларида талабаларнинг педагогик билимлари бойитилади ва чуқурлаштирилади. Бу курс ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги билимларнинг вужудга келиши тарихини очиб беради, таълим-тарбиянинг раванқини ёритади. Педагогика тарихини ўрганиш талабаларда таҳлилий тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради, ҳар хил педагогик қарашларнинг фарқига боришга, биринчи манбаларни мустақил ва ижодий тарзда ўрганишга, рефератлар ёзишга йўналтиради, уларда шахснинг энг муҳим сифатларидан ҳисобланган ўз фикрини тўғри ва аниқ ифодалай олиш уқувини ривожлантиради.

Талабаларнинг битириш олди (IV) ва битирувчи (V) курсларида таълим-тарбия ишларини бевосита бажариш бўйича ўтадиган практикага тайёрланишларида I—III курслардаги узлуксиз педагогик практика муҳим аҳамият касб этади. Бу практика талабаларни мактаб ҳаётига киритиш билан уларда дастлабки педагогик уқувларни вужудга келтиради. Юқори курслардаги педагогик практиканинг самарадорлиги ана шу узлуксиз практиканинг қанчалик сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Мутахассислик фанлари, жумладан биологияни ўқиш методикасини талаблар савиясида ўрганиш талабаларнинг юқори курслардаги педагогик практикага бевосита тайёрланишларида ғоят муҳим талаб ҳисобланади. Методика бўйича маъруза ва лаборатория машғулотларида талабалар мактаб дастури ва дарсликларини, синфдан ташқари ўқишлар учун ўқувчиларга тавсия қилинадиган адабиётларни ўрганиб борадилар, таълим-тарбия ишларини режалаштириш, дарс ва бошқа машғулотлар учун режа-конспектлар тузиш юзасидан машқлар ўтказадилар, дастурда талаб қилинган биологик кузатиш ва тажрибалар методикасини

Ўзлаштириб борадилар, лупа ва микроскоп билан ишлаш, препаратлардан фойдаланиш, кўргазмаларни қуроллар тайёрлаш ва уларни тузатиш, экран ва ўқитишнинг бошқа техника воситаларидан фойдаланиш каби ишлар бўйича дастлабки кўникмаларни ҳосил қилдилар.

Талабаларни мактабда биологиядан педагогик практика ўтиш учун зарур бўлган тегишли ўқув ва кўникмалар билан қуроллантиришда ўқиш методикаси бўйича ташкил қилинган факультатив ҳамда тўғарақ машғулотлари ҳам ижобий роль ўйнайди. Бу машғулотларда талабаларнинг кўпроқ мустақил бўлишлари, биология ўқитиш методикасининг турли масалаларини ҳал қилишга жалб қилинишлари уларда ижодий изланишга мойилликни шаклланишига ёрдам беради. Ижодий изланишларга мойиллик эса педагогик маҳоратни эгаллашда муҳим омил ҳисобланади.

Мактабларнинг ўқув-тажриба участкалари, институтнинг агробиология станцияси ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида биологик фанлар ҳамда ўқитиш методикаси бўйича ўтказиладиган дала практикалари талаба — биологларни педагогик практикага тайёрланишларида ҳаят муҳим воситадир. Бундай практикаларда талабалар маҳаллий флора ва фаунани ўрганиш билан бирга дала ишлари, қуёнчилик ва паррандачилик, асаларичилик ва тут ипак қурти боқиш каби ишлар билан бевосита танишадилар, айрим ҳолларда эса бу ишларни бевосита бажаришда ўзлари ҳам фаол қатнашадилар.

Мактабда педагогик практика ўтаётган ҳар бир талаба-биолог ўқувчиларнинг манзарали хона ўсимликларини ўстириши, улар устида кузатиш ва тажрибалар олиб бориши, парник ва иссиқхонада сабзавот ва гул кўчатлари етиштириш ҳамда уларни пайкалларга ўтказиши, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси фаолияти каби ишларга раҳбарлик қилиши керак. Қишлоқ хўжалиги асослари бўйича ўтказиладиган ишлаб чиқариш практикалари талабаларда юқорида санаб ўтилган ишлар юзасидан тегишли ўқув ва кўникмаларнинг ҳосил бўлишига имкон беради.

Мактаб биология дастурида айрим мавзулар бўйича табиатга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга экскурсиялар ўтказиш мўлжалланган. Биология бўйича педагогик практикада талабалар ана шундай экскурсия-

ларни ўтказишлари керак. Бунинг учун ҳар бир талаба-биолог маҳаллий флора ва фауна билан таниш бўлиши зарур. Зоология, ботаника, ўсимликлар физиологияси бўйича I—III курсларда ўтказиладиган дала практикалари талабаларда маҳаллий флора ва фауна тўғрисида тегишли билимлар ҳосил қилади.

Хуллас, педагогик практикага тайёрланиш талаблари ўқитувчи бўлиб етишиш орзусига эга бўлган ҳар бир талабанинг институтдаги барча маърузаларни қолдирмасдан тинглаб бориши, семинар ва лаборатория машғулотларида белгиланган амалий ишларни тўлиқ бажариши, мустақил ишлаш учун берилган топшириқларни ўз вақтида адо этишини тақозо қилади. Фақат шундагина талаба мактабда педагогик практикани самарали ўтказиши мумкин.

Талабаларнинг институтда бажарадиган синфдан ташқари ишлари ҳам уларнинг педагогик практикани муваффақиятли ўтишлари учун катта аҳамиятга эга. Кўп иллик кузатишларимиз шуни кўрсатдики, институтда ижтимоий-ташқилий ишларни амалга оширишда қатнашиб борган талабалар мактабда таъширилган барча таълим-тарбия ишларни ҳар донм қийналмасдан юқори савияда бажарадилар. Талаба ҳатто оз бўлса ҳам ижтимоий иш ва ташкилотчилик тажрибасига эга бўлса, у педагогик практикада ўз зиммасига юкланган вазифаларни етарли даражада фаоллик ва ташаббус билан бажаради. Бинобарин, ҳар бир талаба институтнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб бормоғи зарур.

Талабаларнинг педагогик практикага тайёрланиш савиясини оширишда уларнинг ёшлар ташкилотлари қарори оталиққа олинган мактабларда коммунал-турар жой идоралари қошида, милициянинг болалар хонасида жамоатчилик йўли билан ҳар хил ташқилий ва тарбиявий ишларни бажаришлари, мактабнинг ёшлар ва болалар ташкилотлари ишларида мунтазам қатнашишлари ижобий роль ўйнайди.

Бу ишлар жараёнида талаба мактабдаги таълим-тарбия жараёнини мактаб ва синф коллективини ўрганиш, мураббий сифатида болалар билан ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Ниҳоят, талабаларнинг болалар лагериди практика ўтишлари, унда вожатий ёки тўғарак раҳбари бўлиб ишлашлари мутахассислик фани бўйича мактабда ўтказиладиган педагогик практиканинг самарадорлигини

таъминлайдиган омиллардан ҳисобланади. Айниқса талаба-биологларнинг болалар лагерларида ёш табиатшунослар тўғарагининг раҳбари бўлиб ишлашлари ғоят катта аҳамиятга эга. Бунда улар биологиядан синфдан ташқари табиатшунослик ишлари уюштириш бўйича анча қимматли тажрибалар орттирадилар.

Педагогик практикага чиқиш вақти яқинлашиши билан талабалар унга бевосита тайёрланишга киришадилар. Улар педагогик практика раҳбарларининг топшириқлари билан педагогика ва методика кабинетларида намуна тарзида қўйилган дарс режа-конспектлари, илғор ва тажрибали ўқитувчи ҳамда синф раҳбарларининг чораклик ёки йиллик таълим-тарбия ишлари режалари, талаба-практикантларнинг кундаликлари, индивидуал календар режалари, ёзма ҳисоботлари, ўқувчига, синф коллективига, дарс ёки бошқа машғулотга ёзган педагогик ҳамда психологик характеристикалари, мактаб ёшлар ташкилоти ва болалар дружинасининг режаси, педагогик практикага тааллуқли бўлган бошқа материаллар билан атрофлича танишиб чиқадилар. Бундан ташқари, педагогик практика бошланишидан анча олдин талабаларга мутахассислик фанлари бўйича практика давомида ўтиладиган дарсларнинг тахминий мавзуи берилади, улар учун дарсда ўрганиладиган энг муҳим ва мураккаб мавзулар бўйича обзор маърузалар ҳамда консултациялар уюштирилади. Педагогик практикага чиқувчи талабалар мактабда ўтиладиган мавзулар бўйича дастур материалларини ўрта ва олий мактаб дарсликларидан фойдаланиб ўрганиб чиқадилар. Бу ишларнинг ҳаммаси талабаларнинг педагогик практикани муваффақиятли ўтказишлари, айниқса сифатли дарс ўтишлари, ўртоқларининг дарсларини атрофлича кузата олишлари ва уларнинг муҳокамасида фаол иштирок қилишлари учун зарурдир.

Педагогик практикага чиқишдан олдин ҳар бир талаба мутахассислик фанлари ва уларни ўқитиш методикаси, мактаб дастури ҳамда дарсликлари бўйича албатта коллоквиум топшириши керак. Бунда талабанинги илмий ва методик тайёргарлик савияси аниқланади, унинг мактабда практика ўтишга қанчалик яроқли эканлиги билиб олинади.

2- §. Мактабда педагогик практикага тайёрланиш

Мактабда талабаларнинг педагогик практикасини ўтказилиши унинг педагогик коллективи учун шарафли ва маъсулиятли ишдир. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, агар мактаб раҳбарлари, педагогик коллективи халқ маорифи учун муносиб ўринбосарлар — ёш ўқитувчилар тайёрлаш ишини ўзларининг маъсулиятли ва шарафли бурчлари деб билсалар, мактабнинг таълим-тарбия ишлари савиясини юқори чўққиларга кўтаришда педагогик практиканинг ижобий таъсир кўрсатишини англасалар, улар шу практиканинг ҳар жиҳатдан самарали ўтишига тегишли қулай шароитлар яратадилар, талабаларни педагогик касбга ўргатишда фаол иштирок қиладилар.

Педагогик практика ўз навбатида мактаб учун таълим-тарбия ишларини яхшилаш воситаси сифатида хизмат қилади. Масала шундаки, педагогик практика давомнда мактаб педагогика коллективига қўшимча 10—15 талабадан иборат «ишчи кучи» келиб қўшилади. Улар мактабда таълим-тарбия ишларини амалга оширишга киришиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериш вазифаларини бажаришда кўмаклашадилар. Шунинг билан бирга мактабга талаба-практикантнинг келиши ҳар бир мактаб ходимининг маъсулиятини оширади. Бинобарин, мактабда талаба-практикантлар амалга оширадиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти шу мактаб педагогик коллективи ва унинг раҳбарлари томонидан ўзлари учун муносиб ўринбосарлар тайёрлашда, мактабнинг иш савиясини кўтаришда педагогик практиканинг аҳамиятини қанчалик онгли англаб олишига боғлиқдир.

Кўпгина педагогика олий ўқув юртларининг иш тажрибасида мактабни педагогик практикага тайёрлаш бўйича мақсадга йўналган ҳолда ва муайян тизимда тадбирлар амалга оширилади. Шу мақсадда бош методист (мактаб бўйича педпрактика раҳбари) педагогик практика бошланишидан анча олдин мактаб билан алоқа ўрнатиб, мактаб директори бошчилигида педагогик практикага бевосита алоқадор бўлган мактаб ходимларининг йиғилишини ташкил қилади. Бунда педагогик практиканинг мақсади ва мазмуни, практиканинг боришида мактаб маъмурияти, фан ўқитувчилари, синф

раҳбарлари ва бошқа алоқадор шахсларнинг вазифалари тўғрисида фикр юритилади, шу мактабда ўтказиладиган педагогик практиканинг тахминий режаси билан йиғилиш қатнашчилари таништирилади.

Мактабни педагогик практикага тайёрлашда мутахассисликлар бўйича методистлар ҳам муҳим роль ўйнайдилар. Улар фан ўқитувчиларининг таълим-тарбия ишлари режаларини ўрганиб чиқадилар, айрим мавзуларнинг ўтиш методикасини ишлашда, ўқув-тажриба участкаси ва тирик табиат бурчагида маҳаллий шароитга мос ҳолда бажариладиган дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни режалаштиришда уларга яқиндан ёрдам берадилар, фан ўқитувчиси билан биргаликда талабаларнинг дарс мавзулари ҳамда дарсдан ва синфдан ташқари ишлар мундарижасини аниқлайдилар. Айрим синфларда талаба-практикантлар учун ўтказиладиган ючиқ дарслар мавзуи ҳам белгиланади. Очиқ дарсларга тайёрланиш ва уларни ўтказишда ёш ўқитувчига ёрдам бериб борилади.

Мактабни биология бўйича педагогик практикага тайёрлашда ўқитишнинг моддий-техник базасини, жумладан биология кабинети, тирик табиат бурчаги ва бошқа объектларни тартибга солиш, уларни тегишли жиҳоз ва материаллар билан тўлдириш катта аҳамиятга эга. Маълумки дарс ва бошқа машғулотларнинг тегишли равишда жиҳозланмаганлиги уларнинг самарали ўтишига имкон бермайди. Шундай ҳолга дуч келмаслик учун методист фан ўқитувчилари билан биргаликда кабинетлардаги жиҳозларни, тирик табиат бурчаги ва ўқув-тажриба участкасидаги ишлар аҳволини кўздан кечиради, педагогик практика давомида талаба-практикантлар етишмайдиган қанақа кўргазмали қурол тайёрлаши зарурлигини, тирик табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонлар устида ўқувчиларнинг қандай кузатиш ҳамда тажриба ишлари ташкил қилиш мумкинлигини, ўқув-тажриба участкасида ва табиатда уюштириладиган табиатшунослик тадбирларини белгилайди.

Педагогика кафедрасининг вакили мактаб ёшлари ва болалар ташкилотларининг, синф раҳбарлари ва оналар қўмитасининг иш режалари билан танишади ҳамда шуларга асосланиб талаба-практикантлар бажарадиган ишлар мундарижасини белгилайди.

Мутахассислик бўйича мактабнинг фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ва педагогик практикага алоқа-

дор бўлган бошқа ходимлар ҳам ўз соҳалари бўйича практикага тайёргарлик кўрадилар.

Мактабни педагогик практикага тайёрлаш ниҳоясида шунга эришиш керакки, у талаба-практикантларнинг келишига ҳар жиҳатдан намунали ҳолатда бўлсин.

3- §. Мактабда педагогик практикани режалаштириш

Педагогик практикада амалга ошириладиган барча тадбирларни режалаштириш муҳим ва масъулиятли иш ҳисобланади. Режанинг тўғри тузилиши ва унинг таъсирчанлиги педагогик практиканинг муваффақиятли ўтишини таъминловчи омиллардан биридир.

Талаба-практикантларнинг мактабда амалга оширадиган таълим-тарбия ишларини режалаштириш педагогик практика тўғрисидаги йўриқнома ва дастурда белгиланган мақсад ҳамда вазифаларга асосланган бўлиши керак. Режалаштиришда шунингдек, эгалланиши мўлжалланган ҳар бир мутахассисликнинг хусусиятларини, талаба-практикантларнинг илмий-методик тайёргарлик савияларини ҳисобга олинмоғи муҳим талаблардандир.

Ҳар бир мактаб бўйича педагогик практика режаси ўз ичига одатда талаба-практикантларни мактаб ва унинг педагогик коллективи, улар олиб бораётган таълим-тарбия ишлари билан таништиришни, мутахассислик фанлари бўйича талаба-практикантлар ўтадиган дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни, синф раҳбари сифатида бажарадиган тарбиявий ишларни ҳамда мўлжалланган ҳар бир ишнинг бажариш муддатини олади. Шунинг билан бирга режада бошқа ишлар ҳам, чунончи талаба-практикантлар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг устидан назорат қилиб бориш шакллари ҳам акс эттирилади.

Одатда педагогика олий ўқув юрларида иккита мутахассислик берувчи табиёт факультети IV ва V курс талабаларининг мактабда ўтказиладиган педагогик практикаси ҳар қайси мутахассислик методисти ва педагогика кафедрасининг вакили томонидан алоҳида-алоҳида, бир-биринга келиштирилмаган ҳолда режалаштирилади. Натижада мутахассисликлар бўйича ва тарбиявий йўналишда талаба-практикантлар амалга оширадиган тадбирлар кўпинча бир-бирига дуч келиб қо-

лади, айрим ишлар такрорланади, бошқалари эътибордан четда қолиши мумкин. Бундай режалар талаба-практикантларнинг мактабдаги педагогик фаолиятини чегаралаб қўяди, практикани тўла мақсадга йўналган ҳолда боришига имкон бермайди.

Икки (биология-қишлоқ хўжалик асослари, биология — химия, жўғрофия — биология, химия — биология ва б.) мутахассислик ҳамда тарбиявий ишлар бўйича педагогик практика ўтишда талаба-практикантларнинг ишларини ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида шу педагогик практика учун олдиндан календар-комплекс режа тузиш тавсия қилинади. Бундай режа юқорида келтирилган камчиликларга йўл қўймайди, унда барча мўлжалланган ишлар ўзаро келиштирилган бўлади.

Шундай режани ҳар бир мактабда иккала мутахассислик бўйича методистлар, педагогика кафедрасининг вакили ҳамкорликда тузади. Унда педагогик практиканинг бошланиши ва ундан кейинги даврда ҳар иккала мутахассислик ҳамда мактаб миқёсида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда календар кунлар бўйича кўрсатилган бўлади. Хусусан календар-комплекс режада қуйидаги тadbирлар ўз ифодасини топади:

1. Педагогик практиканинг бошланишига бағишланган конференция ва мактаб директори қошидаги йиғилиш.

2. Талаба-практикантларни мактаб ва унинг педагогик коллективи билан таништириш, мактаб директори, мутахассислик бўйича фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари ва болалар ташкилоти етакчисининг суҳбатларини ташкил қилиш.

3. Талаба-практикантларнинг мутахассислик фанларидан ҳар хил синфларда ўқитувчи ўтадиган очиқ дарсларга киришлари ва уларнинг муҳокамасида қатнашишлари.

4. Талаба-практикантларнинг ҳар хил мутахассислик фани бўйича ўқитувчи уюштирадиган дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни кузатишлари ва таҳлил қилишлари.

5. Талаба-практикантларнинг айрим синфларда улар учун намуна тарзида синф раҳбари ўтказадиган тарбиявий машғулотларни, отряд ёки дружина йиғин-

ларини ва бошқа тадбирларни кузатишлари ҳамда уларнинг муҳокамасида қатнашишлари.

6. Педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси давомида талаба-практикантларнинг ўқувчиларни ўрганиш мақсадида ўзларига бириктирилган синфлардаги бошқа дарсларга киришлари.

7. Мутахассислик фанларидан талаба-практикантлар ўтадиган дарслар ва уларнинг муҳокамаси.

8. Талаба-практикантларнинг ўз синфларида ўтадиган тарбиявий машғулотлари, йиғилишлари, синф мажлислари, ота-оналар йиғилиши каби тадбирлар ва уларнинг муҳокамаси.

9. Талаба-практикантларнинг мактаб миқёсида амалга оширадиган таълим-тарбиявий тадбирлари (дружина йиғилишлари, мавзулар бўйича кечалар, поход ва б.) уларнинг муҳокамаси.

10. Педагогик практика раҳбарларининг талаба-практикантлар учун ўтказадиган консултациялари, уларнинг фаолияти устида олиб борадиган назоратлари.

11. Педагогик практиканинг бориши ва айрим методик масалаларга бағишланган талаба-практикантларнинг йиғилиши.

12. Педагогик практиканинг якунига бағишланган йиғилишлар.

Кўп йиллик тажриба педагогик практиканинг тайёрланган календар-комплекс режаси билан мактаб раҳбарлари, мутахассислик фанлари ўқитувчилари ва шу практикада қатнашувчи мактабнинг бошқа ходимларини таништириш ва бу ҳақда уларнинг фикрларини ҳисобга олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Чунки режада белгиланган кўпгина тадбирларнинг амалга оширилиши мактаб ходимларининг бевосита иштирокида бўлади ва шунинг учун ҳам уларга боғлиқ. Шундай экан, календар-комплекс режани мактабнинг кичик педагогик кенгашида муҳокама қилиш фоят мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўйидаги календар-комплекс режа намунасидадан парча келтирилади.

**ФАРҶОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТАБИИЁТ
ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ХИМИЯ-БИОЛОГИЯ БУЛИМИ IV КУРС
ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ, ҚУВА ТУМАНИ-
ДАГИ 5-СОЊЛИ УРТА МАКТАБДА УТҚАЗИЛАДИГАН
ПЕДАГОГИКА ПРАКТИКАНИНГ КАЛЕНДАР-КОМПЛЕКС
РЕЖАСИ**

Педагогик практика муддати: 1989 йил 3-апрелдан 15-майгача. Педагогик практикада 10 нафар талаба иштирок қилади (талабалар рўйхати илова қилинади).

Календар кунлар	Ишнинг номи	Масъул раҳбар	Изоҳ
1	2	3	4
3.04.89 I	<p>1. Педагогик практиканинг бошланишига бағишланган конференция.</p> <p>2. Мактаб директори қошида талаба-практикантларнинг ташкилий йиғилишини ўтказиш.</p> <p>3. Талаба-практикантларни мактабнинг ўқитувчилар коллективи билан таништириш.</p> <p>4. Талаба-практикантларни синфларга бirkитиш.</p> <p>5. Педагогик практика давомида юритиладиган ҳужжатлар тўғрисида талаба-практикант билан суҳбат</p>	<p>Методистлар Қ. ва М. пед раҳбар Н.</p> <p>Педагогик раҳбар Н. ва мактаб дероктори П.</p> <p>Педагогик раҳбар Н., мактаб директэри П.</p> <p>Методистлар Қ. ва М., педагогик раҳбар Н. Пед. раҳбар Н.</p>	
4.04.89. II	<p>1. Талаба-практикантлар билан синф раҳбарларининг суҳбатини ташкил қилиш.</p> <p>2. Талаба-практикантларни ўз синфлари ва синф раҳбарлари билан таништириш.</p> <p>3. Талаба-практикантларни биология ва химия ўқитувчилари билан таништириш ва уларнинг суҳбатларини ўтказиш.</p>	<p>Педагогик раҳбар Н.</p> <p>Педагогик раҳбар Н.</p> <p>Биология бўйича методист Қ. ва Химия бўйича методист М.</p>	
5.04.89 III.	<p>1. Биология ва химия бўйича талаба-практикантлар ўтадиган дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар мавзунини белгилаб бериш.</p> <p>2. VI б синфда ботаникадан очиқ дарсга талаба-</p>	<p>Биология ўқитувчиси У., Химия ўқитувчиси Х.</p> <p>Биология бўйича метод. Қ.</p>	

1	2	3	4
6.04.89. IV.	<p>практикантларнинг кириши ва унинг муҳокамаси.</p> <p>3. Талаба-практикантларнинг биологиядан VIII синфдаги очиқ дарсга кириши ва унинг муҳокамасида қатнашиши.</p> <p>4. Талаба-практикантларнинг ўз синфларида ўқувчиларни ўрганиш мақсадида дарсга киришлари.</p> <p>1. Талаба-практикантларнинг ўз синфларида ва мактаб бўйича амалга оширадиган тарбиявий ишлари мавзунини белгилаб бериши.</p> <p>2. Талаба-практикантлар учун мактаб бош вожатийсининг суҳбатини ўтказиши.</p> <p>3. Талаба-практикантларнинг IX синфда химиядан очиқ дарс кузатишлари ва унинг муҳокамасида қатнашишлари.</p> <p>4. Талаба-практикантларнинг VI синфда синф раҳбари ўтказадиган тарбиявий соат машғулотига киришлари ва унинг муҳокамасида қатнашишлари.</p> <p>5. Талабаларнинг ўз синфларидаги дарсларга киришлари</p>	<p>Биология бўйича метод. К.</p> <p>Синф раҳбарлари</p> <p>Педагогик раҳбар Н.</p> <p>Педагогик раҳбар Р.</p> <p>Химия бўйича методист М.</p> <p>Педагогик раҳбар Н.</p>	
7.04.89. V	<p>1. Талаба-практикантларнинг VII а синфда биологиядан очиқ дарс кузатишлари ва уларнинг муҳокамасида қатнашишлари.</p> <p>2. Талаба-практикантларнинг ўз синфларида дарсларга киришлари.</p> <p>3. Биологиядан дарс берувчи талаба-практикантлардан А, Б ва В. лар учун консультация</p> <p>4. Талаба-практикантларнинг болалар дружинаси йиғилиши ва унинг муҳокамасида қатнашишлари.</p>	<p>Биология бўйича метод. К.</p> <p>Синф раҳбари</p> <p>Биология бўйича метод. К.</p> <p>Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.</p>	
8.04.89 VI	<p>1. Талаба-практикантларнинг химиядан VII а ва</p>	<p>Химия бўйича метод. М.</p>	

1	2	3	4
	<p>VIII б синфлардаги очик дарсларга киришлари ва уларнинг муҳокамасида қатнашишлари.</p> <p>2. Талаба-практикантларнинг VII б синфда ўтказилган тарбиявий соат машғулотни кузатишлари ва унинг муҳокамасида қатнашишлари.</p> <p>3. Талаба-практикантларнинг индивидуал календар планларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Химиядан талаба-практикант Ж., З., И., ва Е. лар учун консултациялар.</p>	<p>Мақтаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.</p> <p>« « «</p>	
10.04.89.	<p>1. Талаба-практикант А. нинг VI б, VII а да синов дарслари ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p> <p>2. Биологиядан дарс берувчи талаба-практикант А., Г. ва Д. лар учун консултациялар.</p>	<p>Химия бўйича мет. М.</p> <p>Биология бўйича методист К.</p> <p>Биологиядан методист К.</p>	
11.04.89.	<p>1. Талаба-практикант Ж. нинг VII а, З. нинг VII б, И. нинг VIII ва Е. нинг IX синфларда химиядан синов дарсларини ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p> <p>2. Химиядан дарс берувчи талаба-практикант И., Л. ва Е. лар учун консултациялар.</p>	<p>Химиядан методист М.</p> <p>« « «</p>	
12.04.89.	<p>3. Талаба-практикант А. нинг VI б, VII а ва В. нинг VII б синфларда тарбиявий соат машғулотларини ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p>	<p>Педагогик раҳбар Н., синф раҳбарлари.</p>	
III	<p>1. Талаба-практикант А. нинг VI синфда биологиядан заҳёт дarsi ўтиши ва унинг муҳокамаси</p> <p>2. Талаба Г. нинг VIII а ва Д. нинг VIII б синфларда биологиядан синов дарслари ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p>	<p>Биологиядан методист К.</p> <p>Биологиядан методист К.</p>	

1	2	3	4
13.04.89. IV	<p>3. Биологиядан дарс берувчи талаба-практикант Б., В., Г. ва Д. лар учун консултациялар.</p> <p>4. Талаба-практикант Ж. нинг VII а, З. нинг VII б ва Е. нинг IX синфларда тарбиявий соат машғулотларини ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p> <p>1. Талаба-практикант И. нинг VII а, Е. нинг IX синфларда химиядан зачёт дарслари ва уларнинг муҳокамаси.</p> <p>2. Талаба-практикант Л. нинг VIII б синфда химиядан синов дарси ва унинг муҳокамаси.</p> <p>3. Талаба-практикант Ж., З., Л. ва Е. лар учун химиядан консултациялар.</p> <p>4. Талаба-практикант Г. нинг VIII а ва Д. нинг VIII б синфларида тарбиявий соат машғулотларини ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p>	<p>Биологиядан методист К.</p> <p>Синф раҳбарлари.</p> <p>Химиядан методист. М.</p> <p>Химиядан методист. М.</p> <p>Химиядан методист. М.</p> <p>Синф раҳбарлари</p>	
14.04.89 V	<p>1. Талаба-практикант Б. нинг VII а, В. нинг VII б, Г. нинг VIII а ва Д. нинг VIII б синфларида биологиядан зачёт дарслари ва унинг муҳокамаси.</p> <p>2. Биологиядан дарс берувчи талаба-практикант А., В. ва Б. лар учун консултациялар.</p> <p>3. Талаба-практикант И. VIII а ва Л. нинг VIII б синфларда тарбиявий соат машғулотларини ўтишлари ва муҳокамаси.</p>	<p>Биологиядан методист К.</p> <p>Биологиядан методист К.</p> <p>Педагогик раҳбар Н.</p>	
15.04.89. VI	<p>1. Талаба-практикант Ж. нинг VII а, З. нинг VII б, Л. нинг VIII б ва Е. нинг IX синфларда химиядан зачёт дарсларини ўтишлари ва уларнинг муҳокамаси.</p>	<p>Химиядан методист М.</p>	

1	2	3	4
	3. Педагогик практика- нинг биринчи ҳафтаси яку- нига бағишланган йиғилиш ўтказиш.	Методистлар К. ва М., педагогик раҳбар Н.	

- ИЗОҲ: 1. Режа текстини ихчамлаштириш мақсадида педагогик практикада қатнашувчи шахслар исми бош ҳарфлар билан ифодаланди, дарс ва синфдан ташқари ишлар мавзун берилмади.
2. V курс педагогик практикаси бўйича тузиладиган режада талаба-практикантлар амалга оширадиган дарс ва синфдан ташқари ишларнинг синов, заҳёт ёки мустақил тарзда бўлиши кўрсатилмайди, бу масала иш олдида методист ёки педагогик раҳбар томонидан белгиланади.

III б о б. ПЕДАГОГИК ПРАКТИКАНИНГ БИРИНЧИ ҲАФТАСИ

1- §. Мактаб билан умумий танишиш

Талабаларнинг мактабда педагогик практикани самарали ўқишларида биринчи ҳафта алоҳида аҳамиятга эга. Бу вақт ичида талаба-практикантлар мактаб ҳаёти ва унда амалга оширадиган таълим-тарбия ишлари билан танишадилар, практикада раҳбар сифатида қатнашадиган мактаб ходимлари билан алоқа ўрнатиб, уларнинг иш тажрибаларини ўрганишга киришадилар, практика давомида бажариладиган барча таълим-тарбия ишлари бўйича топшириқлар олиб, уларни режалаштирадилар, бирктирилган синфларда дарс ва бошқа машғулотлар ўтказишга бевосита тайёрланадилар.

Одатда, талаба-практикантларнинг мактаб билан танишишлари директор қошида ўтказиладиган кириш мажлиси билан бошланади. Йиғилишда педагогик практикага раҳбарлик қилувчи институт вакиллари билан бирга шу практикага дахлдор бўлган мактаб ходимлари (мутахассислик бўйича фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, боалар ташкилотининг етакчиси ва бошқалар) қатнашадилар.

Бу йиғилишда педагогик практика раҳбари талаба-практикантларни мактаб ходимлари билан таништира-

ди, кейин мактаб директорининг суҳбати тингланади. Суҳбатда директор мактабда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари ва бу соҳада педагогик коллектив олдида турган вазифалар ҳақида тегишли маълумотларни ёритади, педагогик практика ўтказиладиган синфларнинг ўқувчилар коллективига характеристика беради, уларнинг ўзига хос томонларини таъкидлайди, улар билан қандай иш олиб бориш тўғрисида тегишли маслаҳатлар беради. Савол-жавоблардан кейин талаба-практикантлар синфларга бирикитилади. Илғилиш якунида директор бошчилигида мактаб бўйича қисқа мuddатли экскурсия ўтказилади. Бунда талаба практикантлар мактабнинг синф хоналари, фан кабинетлари, устaxonалари, ўқув-тажриба участкаси, кутубхонаси, спорт базаси кабилар билан умумий тарзда танишиб чиқадилар.

Директор суҳбатидан ташқари талаба-практикантлар педагогика кафедрасининг вакили уюштирган тажрибали ва илғор синф раҳбарларининг суҳбатини тинглайдилар ва синф раҳбарлари вазифаларини аниқ билиб оладилар. Бундай суҳбат талаба-практикантларнинг мактабда синф раҳбари сифатида ишлаш бешлашлари учун уларга дастлабки йўлланма беради.

Педагогик практиканинг биринчи кунларида ҳар бир методист ўз мутахассислиги бўйича фан ўқитувчисининг суҳбатини ташкил қилади. Бунда фан ўқитувчисининг ўзининг иш тажрибасини ёритиш асосида шу фаннинг ўқитиш олдида турган галдаги вазифаларини таъкидлайди, айрим синфларда ўқитишнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб ўтади. Ўз навбатида талаба-практикантлар эса ўқитувчининг ҳар бир синф учун тузган чораклик режалари билан танишадилар, уларнинг дарс берадиган синфларга тааллуқлиларини кўчириб оладилар. Чораклик режаларни кўздан кечирганда, айниқса биология бўйича ҳар бир талаба-практикант дарсларининг ташкилий жиҳатдан қандай белгиланганлигига, синфда, биология кабинетида, ўқув-тажриба участкасида уюштириладиган машғулотлар ҳамда экскурсияларнинг режалаштирилишига алоҳида эътибор беради. Бу учрашувда талаба-практикантларнинг дарс мавзулари, амалга ошириладиган дарсдан ва синфдан ташқари ишлар мундарижаси белгиланади.

Талаба-практикантларнинг ўзлари бирикитилган синф раҳбари билан учрашувлари, унинг тарбиявий иш ре-

жасини ўрганишлари ҳам педагогик практиканинг биринчи ҳафтасида амалга ошириладиган муҳим ташкилий тадбирлардандир. Бу учрашув ҳар бир талаба-практикантнинг ўз синфида иш бошлашида, синф коллективини ўрганишида катта аҳамиятга эга.

Синф раҳбари ўзига биркирилган талаба-практикант билан танишгач, унга аввало шу синф учун тузилган тарбиявий ишлар режасини ўрганиб чиқишни топширади; кейин режада белгиланган тадбирлардан талаба-практикант бажарадиганларини ажратиб беради, уни ўз синфи коллективи ва унинг характерли хусусиятлари билан таништиради, синфда галдаги амалга ошириладиган тарбиявий ишлар юзасидан унга тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар беради.

Педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичида талаба-практикантлар мактабнинг болалар ва ёшлар ташкилотлари, ота-оналар қўмитасининг ишлари билан танишишлари, уларнинг иш режаларини ўрганиб чиқишлари ва соҳалар бўйича ўзлари амалга ошириладиган тадбирларни аниқлаб олишлари керак. Бу ишда болалар ташкилотининг бош етакчиси, ёшлар ташкилотининг котиби билан суҳбатлашиш фоят муҳимдир. Мактабдаги жамоат ташкилотларининг ишини ўрганишда директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари талаба-практикантларга ёрдам беради.

Биология бўйича педагогик практика ўтувчи талаба-практикантлар биринчи ҳафта давомида фан ўқитувчиси раҳбарлигида биология кабинети, тирик табиат бурчаги ва ўқув-тажриба участкасини батафсил кўриб чиқишлари лозим. Бу объектлар мактабда биология ўқитишнинг моддий-техника базасини ташкил этади, улардан ҳар бир талаба-практикант мактабда таълим-тарбия ишларини бажаришда фойдаланади.

Биология кабинети билан танишилганда унинг хона шароити, жиҳозлари ва жойлаштириш тартибни кўздан кечириш, айниқса кабинетда қандай жиҳозлар (кўргазмали қуроллар, биологик асбоб-ускуналар, тарқатма материаллари, техника воситалари ва бошқалар) борлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда кабинетнинг лаборатория машғулотлари ўтказиш учун қандай имкониятларга эга эканлиги маълум бўлади, ҳар бир талаба-практикант ўзи ўтадиган дарслари ва бошқа машғулотлари учун нималар етишмаслигини билиб

олади ва уларни ўз вақтида тайёрлаш чораларини кўради.

Тирик табиат бурчаги ўқувчиларни биологик билимлар билан қуроллантиришда, уларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришда муҳим воситадир. Унда ҳар хил ўсимлик ва тирик ҳайвонлар сақланади, ўқувчиларнинг биология бўйича дарсдан ва сифдан ташқарн ишлари ташкил қилинади; «бурчакнинг» ўсимлик ва ҳайвонлари дарс учун кўрсатиш воситаси ва лаборатория машғулоти учун тарқатма материаллар сифатида хизмат қилади. Бинобарин, талаба-практикантлар мактабдаги мавжуд тирик табиат бурчагини атрофлича кўриб чиқишлари, ундан ўсимлик ва ҳайвонларни ўрганишлари керак. Бундай иш талаба-практикантларга «бурчакдан» таълим-тарбия мақсадида унумли фойдаланиш имконини беради.

Биология кабинети, тирик табиат бурчаги билан бирга мактабнинг ўқув-тажриба участкасини кўздан кечириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бунда участка бўлимларининг ва унда амалга ошириладиган ишларининг режалаштирилиши билан батафсил танишиш керак. Шу йўл билан ҳар бир талаба-практикант ўз синфи ўқувчилари билан педагогик практика давомида ўқув-тажриба участкасида қандай амалий машғулотлар ўтказа олиши мумкинлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичида ҳар бир талаба-практикант мактаб билан танишиш ва суҳбатлар воситасида кўпроқ умумпедагогик ҳамда методик маълумотлар ва ҳужжатлар тўплаши, аниқланган маълумотларни эса ҳар куни уйга қайтгач, таҳлил қилиб, ўзининг шахсий мулоҳазалари ва хулосалари билан кундалик дафтарга ёзиб бориши керак. Булардан талаба-практикант ўзининг келгуси педагогик фаолиятида фойдаланади.

2-§. Педагогик практикада ўқувчиларни ўрганиш

Талаба-практикантларга, уларни синфларга бirkитилишидан бошлаб, ўз синф коллективи ва ўқувчиларини ўргана бошлашга тўғри келади. Бу иш шунинг учун ҳам керакки, олий ўқув юртларини тамомлаб, мактабга ишга келган ҳар бир ёш ўқитувчи ўзига нотаниш бўлган бир нечта синфларда ўқитишни бошлайди. Шубҳасиз, у ўзи ўқитадиган ва тарбиялайдиган ўқув-

чиларини яхши билиб олгунча анча қийналади. Бундан ташқари, тўла ўқув нагрузкаси, тажрибасизлик ёш ўқитувчининг аҳволини яна ҳам мураккаблаштиради. У ўз ўқувчиларини қанчалик тез таниб-билиб олса, мавжуд қийинчиликлар шунчалик эртaroқ бартараф бўлиб боради. Шундай экан, педагогик практикада талаба-практикантларни ўз синф коллективи ва ўқувчиларининг ўрганиш методикаси билан қуроллантириш, яъни уларда шу иш юзасидан тегишли педагогик ўқув ва кўникмаларни шакллантириш фоят муҳим вазифадир. Талаба-практикантларда ўқувчиларни ўрганиш кўникмалари қанчалик такомиллашиб борса, улар мактабда таълим-тарбия ишларини шунчалик осонлик билан қийналмасдан амалга оширадилар.

Ўқувчиларни ўрганиш узоқ давом этувчи ва мураккаб ишдир, бинобарин бу иш бўйича тегишли педагогик кўникмалар ҳам бирданга шаклланмайди. Бунинг учун давомли машқ қилиш талаб қилинади. Одатда, ўқувчиларни ўрганиш ўқуви ва кўникмалари педагогика ҳамда психология фанларини ўқитиш билан боғлиқ ҳолда мактабда уюштириладиган амалий машғулотларда, I—III курслардаги узлуксиз педагогик практикада, жумладан болалар лагерларида ўтказиладиган практикада шакллана бошлайди. Битириш олди (IV) ва битирувчи (V) курсларда мутахассислик фанлари бўйича мактабда ўтказиладиган педагогик практикада бундай ўқув ва кўникмалар такомиллашиб боради. Чунки бу практикада ҳам ўқувчиларни ўрганиш иши янада мақсадга йўналган ҳолда ва рад этиб бўлмайдиган зарурат сифатида давом эттирилади.

Педагогик практикада ўқувчилар хилма-хил методлар воситасида ўрганилади. Ўқувчиларнинг ўзлари, синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, болалар ташкилотининг етакчилари ва бошқа мактаб ходимлари билан суҳбатлашиш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар фаолиятини кузатиш, уларнинг ишлари (уй топшириқларини бажаришлари, тўғарак машғулотларида қатнашишлари ва уларда бажарган ишлари) билан танишиш кабилар ана шу методлар жумласига кирди. Бироқ, булар орасида бевосита таълим-тарбия йўналишидаги ҳар хил ишлар олиб бориш жараёнида ўқувчилар фаолиятини кузатиш — уларни ўрганишнинг энг самарали методи ҳисобланади.

Мактабда таълим-тарбия ишларини самарали ўтка-

зиш учун бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларнинг психик хусусиятларини, уларда диққат, хотира ва қизиқишнинг ривожланиш ҳолатини, характернинг шаклланишини, ўзлаштириш даражаси ва бошқа кўпгина хусусиятларни билишлари керак. Бунда бутун синф, алоҳида ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш гоят муҳимдир. Шундагина талаба-практикантлар ўз синфларида дарс, дарсдан ва синфдан ташқари ишларни мақсадга йўналган ҳолда ташкил қилишлари мумкин. Бу зарурийят талаба-практикантлардан педагогик практиканинг биринчи кунларидан бошлаб ўқувчиларни, айниқса психологик жиҳатдан ўргана бошлашни талаб қилади.

Ўқувчиларни ўрганиш, аввало таълим-тарбия машғулотларида улар фаолиятини кузатиш билан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун талаба-практикантлар биринчи ҳафта ичида ўз синфларида ҳар куни 2—3 та дарс ва бошқа машғулотларда қатнашишлари керак. Бунда ўқитувчи фаолиятини кузатиш билан бирга ўқувчиларни ўрганишга ҳам жиддий эътибор берилиши зарур. Айниқса ўқувчиларнинг ўрганилаётган фанга ва ўқитувчига муносабати, ўзини тутиши ва хулқ-атвори, машғулотдаги фаоллиги, билимни қабул қилиб олиши ва ўзлаштириш сифати кабиларни аниқлаб бориш муҳимдир.

Ўқувчиларни ўрганишда уларда кузатишган ижобий ва салбий хусусиятлар сабабини албатта аниқлаш керак. Шу мақсадда ўқувчиларнинг ўзлари, фан ўқитувчиси, синф раҳбари, болалар ташкилотининг етакчиси ёки ёшлар ташкилотининг котиби билан суҳбатлар ўтказилади. Бундай суҳбатлар синф коллективи ва ундаги ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг қизиқиши ва турли фаолиятга мойиллигини билиб олишга ёрдам беради, синф билан бевосита таълим-тарбия ишлари олиб бориш пайтида ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали йўлларини топиш имкониятини беради.

Талаба-практикант ўз синфи ўқувчилари билан танишгач, уларнинг рўйхатини тузиб олиши керак. Рўйхат ўқувчиларнинг синф парталари ёки столларида ўтириш тартибиде тузилса яхши бўлади. Бу ҳар сафар дарсга кирганда ҳар бир ўқувчини ва индивидуал хусусиятини осон эслаб қолишга ёрдам беради.

Педагогик практиканинг бошланғичида ўқувчилар-

нинг «Шахсий делолари» ва синф журнали билан ба-
тафсил танишиб чиқиш уларни ўрганишда катта аҳа-
миятга эга. Ҳар бир ўқувчининг «Шахсий дело»сида
унинг фанлар бўйича йиллар давомида ўзлаштириши
тўғрисидаги маълумотлар (табеллари), характери-
стикаси, оилавий шароити ҳақидаги маълумотнома ва бош-
қа ҳужжатлар бўлади. Синф журналида ўқувчиларнинг
шу ўқув йилидаги фаолияти ҳақида тегишли маълумот-
лар акс эттирилгандир. Ана шу ҳужжатларни синчик-
лаб кўриб чиқиш синф ўқувчилар состави ва унинг
ўзига хос томонлари тўғрисида умумий тасаввурлар ҳо-
сил қилишга имкон беради.

Синф журналидан талаба-практикантлар ҳар бир
ўқувчининг фанлар бўйича ўзлаштириши ва давомати-
ни билиб олади. Бунда талаба-практикант ўз мутахас-
сислик фанлари бўйича ўқув йили давомида ўқувчилар-
га қўйилган баҳоларни ўзининг кундалик дафтаридаги
рўйхатга кўчириб олиши зарур. Ўқувчиларга қўйилган
баҳолар ва даволат диққат билан кўриб чиқилганда
уларнинг бир хил эмаслиги, яъни синфда доимо юқори
баҳо олувчилар билан бир қаторда баҳолари кескин
ўзгариб турувчи (гоҳ ижобий, гоҳ паст баҳо олувчи)
ўқувчилар борлиги кўзга ташланади, даволатнинг эса
бир текисда эмаслиги маълум бўлади. Бунинг сабаб-
ларини фан ўқитувчиси ва синф раҳбаридан албатта сўраб
олиш керак. Шунинг билан бирга ижобий ва салбий
баҳоларнинг ҳар бири ўрганиб ўтилган қайси ўқув ма-
териалига дахлли эканлиги, ўқувчининг қайси масала
ни пухта ўзлаштиргани ва нимани билмаслигини синф
журналидаги ёзувлардан билиб олинади. Бу ишлар та-
лаба-практикантларга педагогик практика давомида
ўқувчилар билан таблақалаштирилган ҳолда машғулот
олиб бориши учун асос бўлади.

Ниҳоят, синф журналини кўздан кечираётганда йўл-
йўлакай унинг юритилиши қондалари билан албатта
танишиш керак. Маълумки, синф журнали таълим-тар-
бия ишида давлат ҳужжати ҳисобланади, уни тегишли
талабларга қатъий роя қилинган ҳолда юритиш фан
ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг сўзсиз бурчи-
дир. Синф журналини юритиш қондалари унинг бирин-
чи саҳифаларида баён қилинган. Талаба-практикантлар
бу қондаларни яхши билиб олишлари ва ўз фаолияти-
да уларга амал қилишлари лозим.

Педагогик практикантнинг дастлабки кунларидан бош-

лаб танаффусларда, дардан ташқари вақтларда ўқувчилар билан бирга бўлиш, суҳбатлар ўтказиш уларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида фанлар бўйича, айниқса талаба-практикант ўқитадиган предмет бўйича ўқувчиларни нималар қизиқтириши аниқланади. Шунингдек, суҳбатда талаба-практикант ўқувчиларни ўз фанини ўрганиш бўйича фикр ва режалар билан таништириши ҳамда уларни шу ишларга қизиқтириши ҳам фойдалидир.

Болалар билан бирга бўлганда улар орасида ажралиб турувчи, айниқса улгурмовчи, интизомсиз, билимни пухта ўзлаштириб олиш заруратини ҳис этиб олмаган ўқувчиларга кўпроқ яқинлашиш, уларга самарали педагогик таъсир кўрсатиш чораларини қидириш керак. Лекин ўқувчилар билан яқиндан муносабатда бўлишда илғор ва фаол ўқувчилар эътибордан четда қолмасин. Талаба-практикант синф активларини, билим олишга қизиққан ташаббускор ўқувчиларни таниб олиб, уларни ўз соҳасига бирга ишлашга жалб қилиши керак. Ўз атрофига синфининг фаол ўқувчиларини тўплаб, улар ёрдамида коллективнинг буш томонларини аниқлаб олиш, уни жипслаштириш ва мустаҳкамлаш, коллективинини яхшилаш йўллариини белгилаш мумкин. Бунда шу мактабдаги илғор синф раҳбарларининг ўқувчилар коллективини жипслаштириш соҳасидаги ижобий тажрибалари ва шунингдек, мавжуд методик қўлланмаларда берилган тавсиялардан ижодий равишда фойдаланиш керак.

Педагогик практиканинг муваффақиятли бошланиши кўп жиҳатдан талаба-практикант билан ўқувчилар ўртасида тўғри ва дўстона муносабат ўрнатилишига ҳам боғлиқ. Бу муносабат талаба-практикант билан ўқувчиларнинг бир-бирига ҳурмати ва ишончини ифодалаши ва қатъий характерда бўлиши лозим. Талаба-практикант ўқувчиларга мурожаат қилганда улар билан бўладиган муомалада ҳаддан ташқари қўполлик, катта зангликка йўл қўймаслиги ва аксинча, ўзининг ўта буш ва субутсиз характерда эканлигини кўрсатмаслик керак. Доимо муносабат ва муомалада талаба-практикантининг талабчанлиги ва бир сўзлиги, одабийлиги ва меҳнатсеварлиги сезилиб турсин. Ўқувчига нисбатан бепарволик, қўполлик, қатъий бўлмаслик ўқитувчининг обрўйини йўқолишига олиб келади.

Ўқувчиларни ҳамда синф коллективини ўрганишда

иловада берилган тахминий дастурлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Педагогик практика тўғрисида амалда қўлланилаётган йўриқнома ўқувчиларни ва синф коллективини ўрганиш якунини психолого-педагогик тавсифнома (характеристика) тарзида расмийлаштирилишини назарда тутати. Психолого-педагогик тавсифномаларни ҳам иловадаги тахминий дастурларга амал қилган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда талабалар ўқувчиларни ўрганишда ва улар билан таълим-тарбия ишларини бошлашларида маълум қийинчиликларга дуч келадилар. Бундай ҳолларда улар албатта фан ўқитувчиси ва синф раҳбарларига мурожаат қилишлари зарур. Мактаб мураббийлари ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрнатиш ва ҳамкорликда иш олиб боришнинг самарали йўлларини белгилашга ёрдам берадилар. Шунини унутмаслик керакки, ўқувчиларни яхши билиш, мустаҳкам ва жипслашган синф коллективини вужудга келтириш тарбиянинг энг муҳим шартидир.

3- §. Мактабда таълим-тарбия жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш

Мактабда таълим-тарбия жараёнини ўрганиш педагогик практиканинг асосий вазифаларидандир. Бу вазифани амалга ошириш педагогик практиканинг биринчи кунлариданоқ йўлга қўйилиши керак.

Одатда мактабда таълим-тарбия жараёни мақсадга йўналган ва мунтазам ўтказиладиган кузатишлар воситасида ўрганилади. Бунда асосий эътибор ўқитувчи фаолиятини ўрганишга қаратилмоғи лозим. Чунки ўқитувчи мактабда амалга ошириладиган барча таълим-тарбия ишларининг асосий ташкилотчиси ва ижрочисидир. Педагогик жараёнда ўқитувчи шахси яққол гавдаланади, унинг ҳуқуқи, бурчи ва имконияти ўз ифодасини топади. Лекин бундан таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга, улар фаолиятига эътибор берилмаса ҳам бўлаверади деган хулоса келиб чиқмайди. Ўқувчилар ҳам ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари ҳисобланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ғоят кўп қирралидир. Унинг амалга оширадиган таълим-тарбия ишлари системасида эса дарс асосий ўринни эгаллайди. Шу-

нинг учун ҳам дарс педагогик практикада асосий ўрганиш объекти бўлиши керак. Аммо мутахассислик бўйича фан ўқитувчисининг ўқувчилар билан ўтказадиган дарсдан ва синфдан ташқари ишлари синф раҳбарининг тарбиявий тадбирлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичида талаба-практикантлар ўзлари биритилган синфларда мутахассислик фани ўқитувчисининг дарсларини, дарсдан ҳамда синфдан ташқари машғулотларни кузатадилар, уларнинг муҳокамасида қатнашадилар. Одатда, шу куллари талаба-практикантлар учун мутахассислик фаилари бўйича намуна тарзида «очиқ дарслар» ташкил қилинади. Бундай дарслар методист бошчилигида шу мактабдаги барча талаба-практикантлар томонидан кузатилади. Баъзан намуна учун методистлар ҳам «Очиқ дарслар! ўтказиб беришлари мумкин.

Тажриба шуни кўрсатдики, талаба-практикантлар педагогик практиканинг бошланишида ўқитувчининг дарслари ва бошқа машғулотларини қанчалик қатъий системада ва тегишли тайёргарлик билан кузатиб борсалар ва кузатиш натижаларини биргаликда таҳлил қилиб, муҳокама қилсалар, улар шунчалик практиканинг қолган қисмини самарали ўтадилар. Ҳақиқатан ҳам намунали таълим-тарбия машғулотларини илмий ва методик савияда кузатиш талаба-практикантларда ўқитиш ишига тўғри муносабатларни шакллантиради, уларни таҳлил қилиш йўли билан атрофлича муҳокама этиши эса педагогик маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Айниқса кузатиш натижаларини кўпчилик бўлиб муҳокама қилиниши талаба-практикантларни методика соҳасидаги билимлардан фойдаланиб, ўқитиш методлари ва услубларининг дарс жараёнида қандай қўлланилишини билиб олишга, дарсда йўл қўйилган хатоларнинг сабабларини англашга ва ўз дарсларига яхшироқ тайёргарлик кўришга йўналтиради, умуман кузатилган таълим-тарбия жараёнини тўғри таҳлил қилишга ўргатади.

Педагогик жараённи атрофлича кузатиш, ундаги энг характерли ҳодисалар ва улар ўртасидаги сабабий боғланишларни пайқаб олиш ғоят мураккаб ишдир. Айниқса, мактабда таълим-тарбия ишларини бажариш бўйича педагогик практикага биринчи марта чиқаётган битириш олди (IV) курс талабалари учун бу иш анча

қийин. Улар мактабга келиши билан ўқитувчининг дарсларига кириб, ундаги педагогик жараёнларни тўла-тўкис кузата олмайдилар, ўша жараёндаги жуда кўп хилма-хил ва ўзаро боғланган ҳодисаларни изчиллик билан пайқаб олишга жуда қийналадилар. Чунки бу талаба-практикантларда ҳали дарсдек мураккаб педагогик жараённи кузата олиш кўникмалари етарли даражада шаклланиб улгурмаган бўлади. Бундан хулоса шуки, мактабда таълим-тарбия жараёнини, жумладан дарсларни кузата бошлаш учун талаба-практикантлар илмий ва методик жиҳатдан маълум даражада тайёрланган бўлишлари керак. Улар дарсни қандай тартибда кузатиб бориш ва бундан нималарга эътибор бериш зарурлигини тасаввур этсинлар. Талаба-практикантларни дарс жараёнини кузатишга ўргатишда уларга методист томонидан махсус эсдалик тарзида бериладиган дарсни кузатиш схемаси ҳаят муҳим аҳамиятга эгадир. Намуна сифатида биология дарсларини кузатишнинг қуйидаги схемаси келтирилади. Бу схема дарсни унинг асосий босқичлари бўйича кузатишни назарда тутди.

Биология дарсларини кузатиш схемаси

1. Умумий маълумотлар: синф, дарс мавзуи, дарснинг вақти (нечанчи соат, қайси смена).

2. Дарснинг бошланиши: синфнинг ҳолати, синфда шу дарс жиҳозларини жойлаштирилиши, ўқувчилар ва ўқитувчининг синфга ўз вақтида кириши, савоматни текшириш, синфда тартиб-интизом ўрнатилиши, давоматни текшириш, ўқувчиларни дарс бошланишига жалб қилиниши, ташкилий ишларга кетган вақт.

3. Дарснинг асосий қисми: дарс асосий қисмининг элементлари (қандай бошланиб, нима билан тугалланганлиги); уй вазифаси бажарилишини текшириш; ўтган мавзу материаллари бўйича сўраш (ўқитувчи саволларининг характери ва бериш изчиллиги, унинг ўқувчилар жавоби ҳамда кўникмалари сифатини аниқлай олиш маҳорати, ўқувчилар жавобининг тўғрилиги, аниқлиги, тўлиқлиги, сўраш пайтида ўқувчилар интизомининг аҳволи, сўрашда кўргазмали қуроллардан ва ўқитишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш савияси, сўрашда синфнинг фаоллик даражаси), сўрашга кетган вақт; агар дарснинг асосий қисми янги материални ўрганиш билан бошланган бўлса, унда аввалги

дарс бўйича ўқувчилар билимини текшириш қандай таъминланганлиги; ўқувчиларнинг янги билимларни қабул қилиб олишга қандай тайёрланганлиги, дарс мавзуини ўрганишга ўтиш, янги мавзунинг мазмуни (шакллантирилган ва ривожлантирилган биологик тушунчалар) ва унинг илмийлиги, тушунарли эканлиги, тўлиқлиги, илгари ўзлаштирилган билимлар ва бошқа фанлар билан боғланиши, янги мавзунини ўрганишда қўлланилган ўқитиш методлари ва услублари (оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар), уларнинг ўрганилаётган ўқув материали мазмунига ҳамда шу синфда ўқиётган ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мувофиқлиги, дарсда кўргазмали қуроллар, лаборатория жиҳозлари, тарқатма материаллар, техника воситалари кабилардан фойдаланилиши, дарс давомида муаммоли вазият туғдирилиши, тарбияловчи таълим принципини амалга оширишда ўрганилаётган ўқув материаллари мазмунидан фойдаланилиши; янги мавзунини ўтиш пайтида ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва фаоллиги; дарс мавзуини ўрганишга кетган вақт; ўтилган ўқув материаллини мустаҳкамланиши (савол-жавоблар, қийин масалаларни ўқитувчи томонидан такрор тушунтирилиши; билимни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларнинг амалий мустақил ишларини ташкил қилиниши), мустаҳкамлаш пайтида ўқувчиларнинг фаоллик даражаси, мустаҳкамлаш натижалари, мустаҳкамлашга сарфланган вақт; уй вазифасининг берилиши (вазифанинг мазмуни, берилиш тартиби, уни бажариш бўйича берилган йўл-йўриқларнинг характери, уй вазифасини ўқувчилар томонидан тушуниб олинishi ва кундалик дафтарларига ёзиб олинishi), уй вазифасини беришга кетган вақт.

4. Дарснинг охири: дарснинг якунланиши, ўз вақтида дарснинг тамом бўлиши, дарс охирига етмаганлиги туфайли ўқувчилар танаффусга чиқишдан тўхтатиб қолинган пайтида ўқувчиларнинг хулқ-атвори.

Изоҳ: юқорида санаб ўтилганлардан ташқари дарснинг бориши давомида ўқитувчи фаолиятининг бошқа томонлари — дарс жараёнини бошқариб бора олиши, синфни эгаллай олиш маҳорати, ўқувчиларга бўлган муносабати ва муомаласи кабилар ҳам кузатиб борилади.

Талаба-практикантлар ушбу схемани педагогик практика бошланиши олдидан синчиклаб ўрганиб чиқишлари керак. Бундан ташқари, талаба-практикантлардан

«Очиқ дарсларда» ўтиладиган ўқув материалларини пухта ўзлаштириб олиш талаб қилинади. Шубҳасиз, бу тадбирлар педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси давомида талаба-практикантларнинг дарс кузатишларини анча қулайлаштиради, уларда педагогик жараёни кузата олиш кўникмаларини тўла шаклланиб боришига ёрдам беради.

«Очиқ дарсларни» мақсадга йўналган ҳолда кузатилишини таъминлашда талаба-практикантларнинг шу ўтиладиган дарс методикаси тўғрисида дастлабки маълумотларга эга бўлишлари фоят муҳимдир. Шу мақсадда ўқитувчи дарсга киришдан олдин ўтадиган дарсларнинг таълим-тарбиявий вазифалари, структураси ва бошқа хусусиятлари тўғрисида талаба-практикантларга қисқача ахборот беради. Айниқса янги мавзу бўйича ўқув материалининг мазмунини қайси методлар воситасида ўқувчиларга сингдиришини ва бунда қайси йўллар билан ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришга эришишни, билишни қай тарзда мустаҳкамлашини, уйга қандай вазифа беришни ва шу қабиларни таъкидлайди. Талаба практикантлар эса бунинг натижасида кирадиган дарсларида нималарни кўришлари мумкинлиги ва айниқса нималарни кузатишлари зарурлиги ҳақида олдиндан хабардор бўладилар. Шундай қилиб, бу тадбир талаба-практикантлар эътиборини педагогик жараёни унумли кузатишга сафарбар қилади. Улар кузатаётган дарсларида ўқитувчининг ўз олдига қўйган вазифаларини қандай даражада бажараётганини анча осонлик билан пайқаб ва белгилаб борадилар. Бу эса кузатиш натижаларининг муҳокамасида талаба-практикантларнинг фаол иштирок қилишларига имкон беради.

Дарсни кузатишга ўрганиш билан талаба-практикантлар педагогик практиканинг дастлабки кунларидан бошлаб, уларни илмий ва методик жиҳатдан тўғри таҳлил қила олиш кўникмаларини эгаллаб боришлари ҳам керак. Бу иш айниқса IV курс педагогик практикасида зўр қатъият билан йўлга қўйилиши зарур.

Дарс таҳлили уни кузатишнинг мантиқий давомидир. Кузатиш ва таҳлил — бу икки бир-бирига узвий боғланган ишдир. Бинобарин, педагогик жараёни таҳлил қилиш албатта шу жараёни кузатиш йўли билан қўлга киритилган фактлар заминидан амалга ошади.

Дарсни кузатиш воситасида аниқланган фактларни

қўйидаги схема бўйича таҳлил қилиш тавсия қилинади. Бу схема кузатилган дарсни унинг асосий соҳалари бўйича таҳлил қилишни назарда тутлади.

Биология дарсларини таҳлил қилиш схемаси.

1. Ўқитувчининг дарс ўтишга тайёрлиги: дарс учун синф хонаси ва барча жиҳозларнинг тайёрлаб қўйилганлиги: ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс бошлашга тайёрлик ҳолати.

2. Дарс структураси: дарснинг структура қисмлари ва уларнинг амалга оширилиш изчиллиги; дарс структурасини унинг таълим-тарбия вазифалари ва мазмунига мувофиқлиги; дарснинг ҳар бир қисми учун вақтдан унумли фойдаланиш.

3. Дарснинг мазмуни: ўрганилган ўқув материаллари мазмунини дастур талаби ва дарсликка мувофиқлиги (шакллантирилган ва ривожлантирилган биологик тушунчалар); ўқув материалларининг илмийлиги, замонавийлиги ва практика билан боғланиши, ўлкашунослик ва қўшимча маълумотлар билан тўлдирилганлиги, уларни илгари ўзлаштирилган билимлар ва бошқа ўқув предметлари билан боғланиши.

4. Ўқитиш методлари ва услублари: дарсда қандай метод ва методик услублар қўлланилди? Уларнинг ўқув материаллари мазмунига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ўқитишнинг бошқа шартларига (кўргазмалар қуроллар, тарқатма материаллар, лаборатория жиҳозлари кабиларга) мувофиқлиги.

5. Ўқитувчининг фаолияти: дарсда ўқитувчининг раҳбарлик ролини таъминланиши, мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда ўқитувчиларнинг астойдиллиги, талабчанлиги, шахсий намунаси, дарс давомида ўқитувчининг режа-конспектга боғланиши, мустақиллиги, ўзига ишониши, ўйлаб иш туттиши, ҳозиржавоблиги, ташаббускорлиги ва ижодкорлиги; ўқитувчининг нутқи (тўғри, аниқ ва ифодали гапириши), овозининг кучланиш даражаси, мимикаси, синфда ўзини туттиши, ҳаракати, дарсда ижобий тажрибалардан фойдаланиши, ўқитувчининг ўзини ва синфни бошқара олиши, синфда интизомни сақлаш мақсадида кўрган тадбирларининг самарадорлиги, ўқитувчининг ўқувчилар билан боғланиши (контакти), педагогик муомаласи (такти).

6. Ўқувчиларнинг фаолияти: дарс давомида ўқувчиларнинг ишга мойиллик кайфияти, диққати ва қабул қилиши; дарсда, ташкил қилинган ишларда ўқувчиларнинг иштироки ва фаоллик кўрсатиш даражаси; дарсга ўқувчиларнинг қизиқиши ва уларнинг идрок этиш фаоллиги; синфда интизомнинг ҳолати, интизом бузилишининг сабаблари ва бошқалар.

7. Таълимнинг тарбияловчилик принципини амалга оширилиши: дарсда ўқув материалларининг мазмунига қараб қандай тарбиявий вазифалар амалга оширилди ва қайси йўллар билан.

8. Дарс тўғрисида хулоса ва тилаклар: дарс режаси ва вазифаларнинг бажарилиш савияси, дарснинг қандай изчилликда борганлиги ва мантиқий тугалланганлиги, ўқитувчига бериладиган тавсиялар.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талаба-практикантлар ҳатто V курс практикасида ҳам кузатган дарсларнинг атрофлича ва тўлиқ таҳлил қила олмайдилар (гарчи дарс таҳлили учун махсус схема берилган бўлса ҳам), уларда тегишли педагогик кўникмалар етишмайди. Чунончи: кузатиш натижалари муҳокама қилинганда дарснинг айрим муҳим томонларига, хусусан ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти, тарбияловчи таълим принципининг амалга оширилиши каби масалалар кўпинча талаба-практикантлар эътиборидан четда қолади. Баъзан дарс муҳокамасида яна шундай ҳам бўладикки, талаба-практикантлар: «Дарс яхши ўтди», «Дарс мақсадга эришди», «Дарсда ҳамма ишлар ўз вақтида бажарилди» ва «Дарс менга ёқди» каби умумий ноаниқ фикрлар айтиш билан чекланадилар. Буларнинг ҳаммаси педагогик жараёни мақсадга йўналган ҳолда кузата олмаслик ва уни илмий-методик жиҳатдан тўғри таҳлил қила билмаслик оқибатидир. Талаба-практикантларнинг бу камчиликлари улардан педагогик практиканинг ҳар бир bosқичида, айниқса IV ва V курс практикасида кузатган дарсларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қила олиш кўникмаларини пухта эгаллаб боришларини талаб қилади.

Бўлажак ўқитувчининг мактаб практикасида педагогик кўникмаларни изчиллик билан эгаллаб боришлари учун уларни дарснинг элементлари бўйича кузатиш ва таҳлил қилишга ўргатиш услубидан фойдаланиш яхши

натиха беради. Бу услуб ҳар бир талаба-практикант томонидан дарсни таҳлил қилиш схемасининг бир бўлими (масаласи) бўйича кузатишни, муҳокамада эса шу масала атрофида фикр юритишини назарда тутади. Одатда, схеманинг ҳар бир бўлими дарснинг маълум соҳасини акс эттиради. Амалда талаба-практикантларни дарсни элементлари бўйича кузатиш ва таҳлил қилишга ўргатиш услуби қуйидагича бўлади.

Аввал дарс таҳлили схемасининг бўлимлари (масалалари) дан бир нечта топшириқлар тузилади. Масалан, бунда схеманинг 1- ва 2-бўлимлари («Ўқитувчининг дарс ўтишга тайёрлиги» ва «дарс структураси»), биринчи топшириқнинг мазмунини ташкил қилиши, охириги («Дарс тўғрисида хулосалар ва тилаклар») бўлимидан бошқаларининг ҳар бири алоҳида топшириқ қилиб олинishi мумкин. Охириги бўлимнинг талабларни эса ҳамма топшириқларга дахлдор бўлади. Кузатиладиган дарснинг бошланиши олдиндан ҳар бир талаба-практикантга ана шу топшириқлардан бири берилади. Агар топшириқлар етарли бўлмаса, икки практикантга битта топшириқ берилади. Талаба-практикантдан асосан ўзига берилган топшириқ доирасида дарсни кузатиш ва таҳлил қилиш талаб қилинади. Навбатдаги дарсларга кириш олдиндан топшириқлар алмашинади. Бу иш талаба-практикантларда педагогик жараёни кузатиш ва таҳлил қила олиш кўникмаларини шаклланиши даражасига қараб амалга оширилади. Шундай қилиб, ҳар бир талаба-практикант дарснинг барча соҳалари (элементлари) бўйича бирма-бир ва илчиллик билан кузатиш ва таҳлил қилиш юзасидан машқ қилдилар. Шу тарзда қатор дарслар кузатилиб, таҳлил қилингач, педагогик жараёни бутун схема бўйича кузатиш ва таҳлил қилишга ўтиш мумкин. Шубҳасиз, бундай услуб талаба-практикантларда тегишли педагогик кўникмаларни тез ва осон шакллантиришга имкон беради, чунки ҳали зарур амалий кўникмага эга бўлмаган шахс учун педагогик практиканинг дастлабки даврида педагогик жараёни атрофлича тўла-тўқис ва илмий ҳамда методик жиҳатдан тўғри ва тўлиқ таҳлил қилишга қараганда унинг бир қисмини ўрганиш ва шу бўйича фикр юритиш анча осон ва қулай бўлади.

Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш билан бирга педагогик практиканинг биринчи ҳафтасидан бошлаб талаба-практикантлар мутахассисликлар бўйича фан

Ўқитувчиси амалга оширадиган дарсдан ва синфдан ташқари ишларни ўрганиб боришлари керак. Айниқса, дастур материалларини ўрганишга боғлиқ ҳолда синф ўқувчилари билан дарсдан ташқари биология кабинети, тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси ҳамда табиатда уюштириладиган табиатшунослик ишларини кузатиш ва уларнинг таҳлилида қатнашиш катта аҳамиятга эга. Бунинг зарурати шундаки, талаба-практикантлар ўқитувчининг дарсдан ташқари ишларини педагогик практиканинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб ўз синфларида давом эттирадilar.

Ҳар бир синфда биологиядан ўтказиладиган дарсдан ташқари ишлар системасини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш, кузатиш ва таҳлил қилиш керак.

1. Дарсдан ташқари ишларнинг мавзуи ва мазмуни, уни ўрганиб ўтилган ёки келгуси дарсларда ўрганиладиган дастур материалларига боғлиқлиги.

2. Дарсдан ташқари ишнинг ташкилий шакли (индивидуал ҳолда, звено тарзида ва бутун синф ўқувчилари иштирокида ташкил қилиниши).

3. Дарсдан ташқари иш юзасидан ўқитувчининг ўқувчиларга берган топшириғи, ишнинг ҳажми ва характери, ишни бажаришга оид йўриқноманинг тушунарлилиги ва тўлиқлиги.

4. Дарсдан ташқари ишнинг зарур жиҳоз ва материаллар билан таъминланиши.

5. Дарсдан ташқари ишни бажаришда ўқувчиларнинг мустақиллиги, ташаббуси ва ижодкорлиги, идрок қилиш фаолиятининг фаоллиги.

6. Дарсдан ташқари ишларнинг боришида ўқитувчининг иштироки ва раҳбарлиги (ўқувчилар фаолияти устидан назорат қилиш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш, қўллаган метод ва услублари).

7. Ўқувчилар бажарган дарсдан ташқари ишларни ҳисобга олиб борилиши ва баҳоланиши.

8. Хулоса ва тилаклар.

Мактабда таълим-тарбия жараёнини ўрганишнинг яна бир муҳим масаласи синф раҳбарининг тарбиявий ишларини кузатиш ва таҳлил қилишдир. Маълумки, синф раҳбари шу синфдаги ўқувчиларни мустаҳкам коллектив сифатида бирлаштиради, улар ўртасида мунтазам равишда тарбиявий ишлар олиб боради. Ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириши, давомати,

хулқ-атвори кўп жиҳатдан синф раҳбарининг нақадар самарали иш олиб боришига боғлиқ.

Педагогика олий ўқув юртларини битириб, мактабга ишга келган ҳар бир ёш ўқитувчи албатта синф раҳбари вазифасини ҳам бажариши керак. Бунинг учун у синф раҳбари ишини аниқ тасаввур қилган бўлиши лозим.

Талаба-практикантлар синф раҳбарининг ишини педагогик практиканинг дастлабки кунларидан бошлаб ўрганнишга киришадилар. Шу мақсадда синф раҳбари амалга ошираётган барча тадбирларни кузатиши ва таҳлил қилиши, у билан шу синфда ўтказиладиган тарбиявий ишлар тўғрисида суҳбатлашиши, ундан тегишли маслаҳатлар олиш ҳамда унинг топшириқларини астойдил бажариб бориши керак.

Педагогик практикада синф раҳбари ишининг қуйидаги асосий масалаларини ўрганиш назарда тутилади.

1. Синф ўқувчиларидан аҳил, мақсадга йўналган ва ишчан коллектив ташкил қилганлиги.

2. Синф ўқувчиларини яхши ўрганилганлиги, ўқувчилар фаолларининг вужудга келтирилганлиги ва мустақамланганлиги, фаоллар ёрдамида бутун синф коллективини таълим-тарбия ишларининг муҳим масалаларини ҳал қилишга йўналтирилганлиги.

3. Ўқувчиларнинг ҳар кунги ўзлаштириши, давома-ти, хулқ-атвори, ижтимоий ишлари ва дарсдан ташқари вақтларини қандай ўтказишлари.

4. Ўқувчиларнинг режими, уй вазифаси ва ижтимоий ишларининг бошқарилиши.

5. Таълим-тарбия ишларини уйғунлаштириш, ўқувчиларга нисбатан бир хил талаб ўрнатиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз синфида дарс берувчи ўқитувчиларнинг мажлисларини ўтказилиши.

6. Таълим-тарбия масалаларини ҳал қилиш учун синф ўқувчилари мажлисларини ўтказилиши.

7. Ёшлар, ўқувчилар ва бошқа жамоат ташкилотлари ишларида қатнашиши.

8. Мактабнинг ижтимоий ташкилотлари билан бир-галикда ўз синфи ўқувчиларининг синфдан ва мактабдан ташқари ишларини ташкил қилиши.

9. Бутун синфга ва алоҳида ўқувчига тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилган методлари, услублари ва чоралари.

10. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаши.

11. Уқувчиларнинг «Шахсий дело»ларини юритиши.

12. Синф билан ишлаш режасини қандай тузилганлиги.

13. Кундалик юритиши.

14. Иш якунлари ҳақида ҳисобот тузиши ва синф ўқувчилари ҳамда педагогик коллектив олдида ахборот бериши.

Синф раҳбари ишининг юқорида баён қилинган асосий масалалари унинг вазифасини ғоят кўп қиррали ва мураккаб эканлигидан далолат беради. Бинобарин, талаба-практикантлар педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичида синф раҳбари фаолиятининг фақат айрим томонларигина кузатиб улгуришлари мумкин. Бундан синф раҳбари ишини ўрганиш бутун практика давомида олиб борилиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Талаба-практикантларнинг бу соҳадаги ишлари педагогика кафедрасининг вакили ҳамда мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга ошади.

4- §. Талаба-практикантнинг иш режаси

Ўқитувчининг мактабдаги фаолияти ғоят кўп қирралидир. У педагогик ишда қатъий тартиб ва изчиллик бўлишини талаб қилади. Шунга кўра, ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича ва синф раҳбари сифатида амалга оширадиган барча таълим-тарбия ишларини режалаштиради. Режада мўлжалланган ишларнинг бажарилиш изчиллиги, вақти ва бошқа белгилари ўз ифодасини топади. Режа ўқитувчини ҳар бир тадбирини ўз вақтида тегишли тайёргарлик билан бажаришга йўналтиради, бирор ишни сабабсиз тушиб қолишга ёки унутилишига, уни бошқа вақтга кўчирилишига йўл қўймайди. Режа туфайли ўқитувчи ўз фаолиятининг истиқболини кўриш, ўз-ўзини назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Режанинг бўлмаслиги кўпроқ тасодифий ишлар билан банд бўлиб қолишга сабаб бўлади, иш вақтидан унутили фойдаланишга тўсқинлик қилади.

Таълим-тарбия ишларини тўғри режалаштириш ўқитувчидан маълум амалий кўникма ва маҳоратга эга бўлишни тақозо қилади. Бу ишда айниқса ёш ўқитувчилар жиддий қийинчиликларга дуч келадилар. Бинобарин, талаба-практикантлар фан ўқитувчиси ва синф

раҳбари бажарадиган ишларни режалаштиришга ўрганишлари керак. Педагогик практика бу соҳада катта имкониятларга эга.

Педагогик практика тўғрисидаги йўриқнома ва дастурга кўра, мактабда талаба-практикантлар педагогик касбни эгаллашга қаратилган барча ишларни қатъий режа асосида олиб боришлари керак. Шу мақсадда ҳар бир талаба-практикант педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичида ўзи учун индивидуал-календар режа тузади.

Батафсил индивидуал-календар режа тузиш учун талаба-практикант ўзи бажарадиган барча ишлари тўғрисида тегишли маълумотларга эга бўлиши керак. Мутахассислик фанлари, жумладан биология бўйича педагогик практика давомида ўттиладиган дарслар, дарсдан ташқари ишлар (экскурсиялар, ўқувчиларнинг биология кабинети, тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси ва табиатда уюштирадиган ишлари, биологиядан ўқув фильмлари кўрсатилиши кабилар) ва синфдан ташқари машғулотлар ёки табиатшунослар тўғрагининг машғулотлари, биологиядан оммавий ва ижтимоий-фойдали тадбирлар, тематик кечалар, биологик мусобақалар, ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишлари ва мактаб миқёсида амалга ошириладиган тарбиявий тадбирлар, мактабнинг жамоат ташкилотлари ишларида қатнашиш, кириб кузатиладиган синов ва заҳёт дарслари ва бошқа машғулотлар, уларнинг муҳокамаси кабилар шулар жумласидандир. Режага киришиш учун зарур бўлган бу маълумотлар мутахассислик бўйича фан ўқитувчисининг чоракли режаси, синф раҳбарининг тарбиявий иш режаси, фан тўғрагининг режаси, дарс жадвали, ўқитувчиларнинг навбатчилик графиги, мактаб бўйича таълим-тарбия ишлар режаси, ёшлар, болалар ва бошқа жамоат ташкилотларининг режалари каби ҳужжатларни ўрганиш асосида аниқланади. Бунда методист, педагогика кафедрасининг вакили, фан ўқитувчиси, синф раҳбари кабиларнинг йўл-йўриқларига албатта амал қилиш керак.

Индивидуал-календар режада талаба-практикантларнинг педагогик практика давомида бажарадиган ишларнинг номи (мавзун), бажариш жойи ва вақти календар кунлар бўйича кўрсатилади, Чунинчи:

а) мутахассислик фанлари бўйича ўтадиган дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари ишлари;

б) тўгарак машғулотлари;

в) мутахассислик фанлари бўйича мактаб миқёсида амалга ошириладиган ишларда (оммавий ва ижтимоий-фойдали ишлар, мавзу бўйича кечалар ва мусобақаларда) қатнашиши;

г) мутахассислик фанлари бўйича кузатиладиган дарслар, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар, уларнинг муҳокамаси;

д) синф раҳбари сифатида амалга ошириладиган тарбиявий ишлар;

е) жамоат ташкилотлари, ота-оналар қўмитаси ишларида қатнашиши;

ё) кузатиладиган тарбиявий тадбирлар ва уларнинг муҳокамаси;

ж) ўз синфи ўқувчиларини ўрганиш мақсадида олиб борадиган ишлари (ўз синфидаги бошқа дарсларга кириши, ўқувчиларнинг уй шароити билан танишиши, ота-оналар билан суҳбатлашиши);

з) мактаб бўйича навбатчилик қилиши;

и) синфнинг қайд дафтари ва ўқувчи кундаликлари текшириши;

й) дарс учун кўргазмали қурол ва бошқа жиҳоз ҳамда материаллар тайёрлаши;

к) курс иши ва маъруза учун материаллар йиғиш ва ҳ. к.

Индивидуал-календар режа тузишда кунлар бўйича ишларнинг тенг тақсимланиши жуда муҳимдир. Бунда талаба-практикантнинг мактабда ҳар куни камида 6 соат бўлиши назарда тутилади.

Индивидуал-календар режани қуйидаги тартибда тузиш тавсия қилинади.

(Дафтарнинг биринчи саҳифаси)

Тасдиқлайман:
мактаб бўйича педагогик
практика раҳбари (имзо)

_____ педагогика институти
факультетининг _____ курс талабаси _____
_____ нинг _____ шаҳар (туман)
_____ мактабда ўтадиган педагогик
практикаси бўйича

ИНДИВИДУАЛ- КАЛЕНДАР РЕЖА

Педагогик практика мuddати _____ дан

_____ гача

Намуна сифатида талаба-практикант И. нинг индивидуал-календар режасидан бир ҳафталик қисмини келтирамиз.

Календар кунлар	Бажариладиган ишнинг номи	Бажариш жойи	Бажариш вақти	Изоҳ
30.01.89.	1 VI «Б» синфда ботаникадан «Лишайниклар» мавзунда дарс ўтиш 2. Талаба Л. нинг VII синфда зоология дарсини кузатиш 3. Дарснинг муҳокама-сида қатнашиши 4. VI «б» синф ўқувчилари билан синф витринасини янгилаш	Биология кабинети Биология кабинети Практикант хонаси VI «б» синф хонаси	2- дарс 4- дарс Методист тайинлаган вақт дардан кейин	
31.01.89.	1. Практикант Г. нинг VIII «а» синфда одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси дарсини кузатиши 2. Дарснинг муҳокама-сида қатнашиш 3. VI «б» синфда тарбиявий соат машғулоти ўтказиш; мавзу: «Бир киши ҳамма учун ҳамма бир киши учун». 4. VI «б» синф ўқувчилари А. ва Б. ларнинг уйларига бориб, уларнинг уй шароити билан танишиш ва ота-оналари билан суҳбатлашиш	Биология кабинети Практикантлар хонаси VI «б» синф хонаси	1- дарс Методист тайинлаган вақтда Дарслардан кейин Дардан кейин	
1.02.89.	1. Практикант П. нинг V «а» синфда ботаника дарсини кузатиши 2. Дарс муҳокамасида қатнашиш 3. VI «б» синфда адабиёт дарсига кириш (ўқувчиларнинг шу пред-	Биология кабинети Практикантлар хонаси Адабиёт кабинети	3- дарс Методист тайинлаган вақт. 5- дарс	

1	2	3	4	
2.02.89.	<p>метга муносабатини би-лиш учун) 4. VI «б» синф ўқув-чиларнинг иссиқхонада-ги дарсдан ташқари иш-ларини бошқариш</p> <p>1. VI «б» синфда бо-ганикадан «Фунария ва тортула мохлари» мав-зуида дарс ўтиш</p> <p>2. Практикант Д. нинг VI «а» синфда ботани-ка дарсини кузатиши</p> <p>3. Дарсларнинг муҳо-камасида қатнашиш</p> <p>4. Ёш табиатшунос-лар машғулотида қатна-шиш</p>	<p>Иссиқхона</p> <p>Биология кабинети</p> <p>Биология кабинети</p> <p>Практикант-лар хонаси</p> <p>Биология кабинети</p>	<p>Практикант-лар хонаси</p> <p>1- дарс</p> <p>2- дарс</p> <p>Методист тайинлаган вақт</p> <p>Дарслардан кейин</p>	
3.02.89.	<p>1. Практикант П. нинг VI «а» синфда ботаника дарсини кузатиши</p> <p>2. Дарс муҳокамасида қатнашиш</p> <p>3. Биологиядан улгур-мовчи ўқувчилар билан қўшимча машғулот ўтқа-зиш</p> <p>4. VI «б» синфда меҳ-нат дарсини кузатиш (ўқувчиларни ўрганиш учун)</p>	<p>Биология кабинети</p> <p>Практикант-лар хонаси</p> <p>Биология кабинети</p>	<p>2- дарс</p> <p>Методист тайинлаган вақтда</p> <p>Дарслардан кейин</p>	
4.02.89	<p>1. Практикант Қ. нинг V «а» синфда ботаника дарсини кузатиши</p> <p>2. Дарслар муҳокама-сида қатнашиш</p> <p>3. VI «б» синф ўқув-чилари билан жамоа хў-жални иссиқхонасига экскурсия</p> <p>4. VI «б» синф ўқув-чиларнинг кундалик дафтарларини текшириш</p>	<p>Устахона</p> <p>Биология кабинети</p> <p>Практикант-лар хонаси</p> <p>Хўжалик иссиқхонаси</p>	<p>5- дарс</p> <p>1- дарс</p> <p>Методист</p> <p>5- дарс</p> <p>Дарслардан кейин</p>	

5- §. Талаба-практикантнинг кундалиги

Талаба-практикантларни мактабда қилган барча ишларини мунтазам ёзиб боришга ўргатиш педагогик практиканинг муҳим талабидир.

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи мактабда бажарган таълим-тарбия йўналишдаги барча ишларини ҳисобга олиб ёзиб боради. Бу унга ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилишга, тажрибаларни умумлаштиришга имкон беради. Талаба-практикантларни ана шу ишларга ўргатишда уларнинг кундалик юртишлари муҳим воситадир.

Кундалик, аввало, педагогик практиканинг асосий ҳужжатларидан биридир. У талабанинг практикадаги педагогик фаолиятини акс эттиради. Кундалик талаба практика давомида бажарган ишларини ҳисобга олиб боришга имкон беради, бу эса унга практикани ташкилий равишда ва тўлиқ ўтишга йўналтиради.

Кундаликни кўздан кечириш билан педагогик практика раҳбарлари ундан талаба-практикантнинг бутун практика давомида қилган ишларини тасвирловчи қимматли маълумотларни топадилар. Кундаликдаги ёзувлар талаба-практикантнинг мактабга бўлган муносабатини, мактабда таълим-тарбия жараёнини қандай кузатиб борганлиги, ўз синфини қандай ўрганганлиги, практика раҳбарлари ва мактаб ходимларидан қандай ердاملар олганлигини кўрсатади.

Кундаликда талаба-практикантнинг барча таълим-тарбия ишларини бажаришга нақадар тайёрлиги ва практика ўтишда дуч келган камчиликлари ўз ифодасини топади.

Кундалик талаба-практикантнинг педагогик фаолияти тўғрисида рақамли маълумотлар беради. Масалан, талаба-практикант мактабни ўрганишга қанча вақт сарф қилганлиги, қанча дарс ва бошқа машғулотларни кузатганлиги ва уларнинг муҳокамасида қатнашганлиги, ўз синфида қанча вақт бўлганлиги, дарсларга қанча вақт тайёргарлик кўрганлиги, умуман бажарган таълим-тарбия ишларининг ҳажми ва сони тўғрисидаги саволларга кундаликдан тегишли жавоблар топиш мумкин.

Кундалик талаба-практикантларнинг келажак мустақил педагогик фаолиятига қанчалик тайёр эканлигини ифодалайди, кузатган таълим-тарбия ишлари тўғ-

рисиди юритган педагогик фикр ва мулоҳазаларини, ўқувчиларга тасвирнома тузиш, дарс ва бошқа машғулотларни таҳлил қила олиш, хилма-хил методлардан фойдалана билиш бўйича билим ва кўникмаларини кўрсатади.

Талаба-практикантларнинг кундаликда қайд қилинган кайфияти ва ички кечинмалари унинг тавсифи учун материал бўлиб хизмат қилади.

Талаба-практикантларнинг кундаликдаги ёзувлари мактабнинг ҳолатини, мутахассислик бўйича ва умуман таълим-тарбия ишларининг аҳволини тавсифлаб беради; шунинг билан бирга у педагогик практикани ва унинг айрим қисмларини қандай даражада ўтганлигини кўрсатади.

Кундалик юритишнинг аҳамияти бу айтилганлар билан чекланмайди. Энг яхши ўқитувчи ва синф раҳбарларининг педагогик тажрибаси тўғрисида кундаликда ёзилган маълумотлар талаба-практикантни педагогик практикани яна ҳам самарали ўтишига рағбатлантиради, бу маълумотлар унга ҳатто институтни тамомлагандан кейинги амалий ўқитувчилик фаолияти учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларни ва синфни ўрганиш бўйича кундаликда ёзилган кузатиш натижаларидан талаба-практикантлар тегишли тавсифнома ёзиш учун манба сифатида фойдаланадилар. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни кузатиш ва уларни таҳлил қилиш жараёнида туғилган ҳамда кундаликда ёзилган фикр ва мулоҳазалар ҳам ғоят қимматлидир. Бу ёзувлар мустақил педагогик фаолиятнинг дастлабки йилларида ёш ўқитувчи учун дарс ва бошқа машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда самарали ўтишга ёрдам беради.

Кундалик учун умумий дафтар тутиш мақсадга мувофиқдир. Кундаликка киритиладиган ёзувларни уч бўлимига ажратиш тавсия қилинади.

Биринчи бўлимда талаба-практикантнинг мактабдаги кундалик фаолияти учун зарур бўлган справка тарзидаги маълумотлар ёзилади. Синф ўқувчиларининг рўйхати, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар жадвали, практикада раҳбарлик қилувчи институт ва мактаб ходимларининг фамилияси, исми ва отасининг исми кабилар шулар жумласидандир. Бу маълумотлар кундаликда қуйидаги тартибда ёзилади.

Дафтарнинг биринчи саҳифасига сарварақ маълумотлари ёзилади.

_____ давлат педагогика институти

_____ факультетнинг _____ курс

_____ нинг (талаба-практикантнинг

фамилияси, исми, отасининг исми) педагогик практика ўтиш

қундалиги

Дафтарнинг иккинчи саҳифасида қуйидагилар ифодаланади:

_____ шаҳар (туман) _____ сон _____

мактаб

Мактабнинг манзилиго и _____

Телефон № _____

Мутахассисликлар бўйича методистлар:

_____ бўйича _____

_____ бўйича _____

Педагогика кафедрасининг вакили _____

Психология кафедрасининг вакили _____

Талаба-практикант бириктирилган синф _____

Мутахассисликлар бўйича фан ўқитувчилари: _____

_____ бўйича _____

_____ бўйича _____

Синф раҳбари _____

Педагогик практиканинг муддати _____

Қундаликнинг навбатдаги саҳифаларига практикант бириктирилган синфнинг ўқувчилар рўйхати ёзилади. Бунда ўқувчининг фамилияси ва исмидан ташқари унинг қайси жамоат ташкилотига мансублиги, бажарадиган ижтимоий топшириғи, мутахассислик фанлари

бўйича ўтган чоракдаги ўзлаштириши, хулқи ва уй адреси кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу маълумотларни қуйидаги формада ёзиш мумкин.

Тартиб №	Ўқувчининг фамилияси ва исми	Болалар-ски ёшларга мансублиги	Бажарилган ижтимоийлиги	Ўзлаштириши			Уй адреси
				биолог	икки мутахассис	хулқи	

Кундаликнинг кейинги саҳифаларида талаба-практикантга бириктирилган синфнинг дарс ва бошқа машғулотлар жадвали, шунингдек барча синфларда мутахассислик фанлари бўйича ўтиладиган дарслар жадвали, педагогик практика давомида ўтказиладиган методик йиғилиш ва консультацияларнинг кuni ва вақти ёзилади.

Кундаликнинг иккинчи бўлимида талаба-практикантнинг педагогик касбни ўрганиши бўйича бажарган ҳар кунги ишлари ёзиб бoрилади. Айниқса қуйидагилар ёритилиши керак.

1. Мактаб, унинг педагогик коллективи ва моддий техника базаси билан танишиш.

2. Алоҳида ўқувчиларни ва бутун синфни ўрганиш.

3. Мутахассислик фанларнинг ўқитилишини ўрганиши ва дарслар бериши.

4. Мутахассислик фанлари бўйича дарсдан ва синфдан ташқари ишларни ўрганиши ва уларни бажариши.

5. Синф раҳбари ишини ўрганиши ва унинг вазифасини бажариши.

6. Қузатилган дарс ва бошқа машғулотларнинг муҳокамасида қатнашиши.

7. Жамоат ташкилотлари ишларида қатнашиши.

8. Мактаб бўйича тарбиявий тадбирларни тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашиши.

9. Курс иши, махсус семинар ва бошқа методик йиғилишларда ўқиладиган маърузалар учун маълумотлар йиғиши.

10. Институт ва мактаб ходимларининг консультациялари ва бошқалар.

Кундаликнинг бу иккинчи бўлимидаги ёзувлар учун дафтарнинг икки ёнма-ён саҳифаларидан фойдаланиш

Ўринлидир. Ёзувларни қуйидаги формада олиб борган маъқул.

Календарь кунлар	Бажарилган ишнинг номи	Бажарилган иш тўғрисида мулоҳазалар
(дафтарнинг бир саҳифаси)		(дафтарнинг ёнидаги саҳифаси)

Кундаликнинг учинчи бўлимида талаба-практикант педагогик практикани янада самаралироқ ўтиш ва унга яхшироқ тайёрланиш тўғрисида танқидий мулоҳаза ва истакларни ёзиб боради. Бу фикрлар эркин текст тарзида ёзилиши мумкин. Кундаликнинг охиридан педагогик практика раҳбарининг талаба-практикант тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни учун 2—3 саҳифа ажратилади.

Кундалик юритишга оид маслаҳатлар. Кундаликни ҳар кун тўлдириб бориш керак. Яхшиси таассурот ва мулоҳазаларни мактабда иш тугагач, ҳатто кечқурун хотиржам ўтириб, ёзиб борган маъқул. Бунинг учун кун бўйи бажарилган ишларни, айниқса кузатиш таассуротларини алоҳида («қора») дафтарга ёзиб бориш зарур бўлади. Булардан кундаликка педагогик практика ва келгуси амалий фаолиятга дахлдор бўлган, шунингдек курс иши ва маърузалар учун материал бўладиган маълумотлар қайта ишланган ҳолда кўчирилади. Кундаликдаги ёзувларнинг аниқ, мазмунли, ихчам ва саводли бўлиши муҳимдир. Ёзувларда сўзларнинг қисқартириб ёзилиши ва айрим нотаниш белгиларнинг ишлатилишига йўл қўймаслик керак.

Ҳар бир талаба-практикант кундаликдаги ёзувларни вақт-вақти билан ўқиб борсин. Бу билан ёзувларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини, етишмовчиликларни аниқлаш ва тузатиш имконияти туғилади. Баъзан кундаликдаги ёзувларни ва хулосаларни ўртоқлар билан муҳокама қилиш ва улар тўғрисида фикр алмашиш ҳам анча фойдали бўлади.

Кундаликдаги барча маълумотлар сиёҳ билан ёзилиши керак.

Қуйида талаба-практикантларнинг кундаликларидаги ёзувларидан намуналар келтирамиз ва уларни изоҳлаб ўтамиз.

Талаба-практикант Б. нинг кундалигидан: 25 январь 1989 й.

Практикант П. нинг VII синфда зоология дарсини кузатдим.

Дарс «Балиқнинг скелети, мускуллари ва нерв системаси» мавзуида ўтилди. Практикант дарсни ташкилий равишда бошлади. Бунда синфни ўзига қарата олди. Сўраш жараёнида танга балиқнинг муҳит шароити ва яшаш тарзи билан боғлиқ бўлган ташқи тузилиш хусусиятлари ва унинг вазифаси тўғрисидаги масала тушиб қолди; ваҳоланки, бу маълумотлар балиқнинг нерв системаси ўрганиш учун замин бўлиши мумкин эди. Шунингдек, сўрашда бутун синфнинг фаоллиги етарли даражада таъминланмади. Ўқитувчи кўпроқ жавоб бераётган ўқувчи билан банд бўлди ва жавоб беришга қийналаётган пайтда тегишли йўналтирувчи саволлар бериш ўрнига мўлжалдаги жавобни ўзи айтиб турди. Дарс мавзуи бўйича ўқув материалнинг асосий мазмунини изчиллик билан ва дастур доирасида ёритилди, унда ҳикоя, тушунтириш, суҳбат, кўрсатиш, объектни таниб олиш ва аниқлаш методлари қўлланилди. Балиқ скелетини кўриб чиқиш бўйича ўқувчиларнинг амалий иши ўқитувчининг олдиндан берган тўлиқ топшириғи асосида борди ва баён қилинган билимни мустақамлашга қаратилди. Бироқ амалий иш жараёнида муаммоли вазият ҳосил қилинмади. Аквариумдаги балиқда шартли рефлекснинг кўрсатилиши методик жиҳатдан тўғри ўтди. Қисман вақт (6 мин) ичида ўтказилган мустақамлаш ўқувчиларнинг билимни қанчалик ўзлаштирганликларини кўрсатди. Практикант ўзини дарсда ишонч билан тутди, бутун синфни эгаллашга ҳаракат қилди ва бунга эришди. Ўқувчилар билан муносабатда практикант хушмуомала. Дарс олдида қўйилган вазифа бажарилди, деб ҳисоблайман».

Бу ёзувлар талаба-практикант. Б. нинг дарсни илмий ва методик жиҳатдан талаблар савиясида кузатгани ва уни таҳлил қила олганлигидан далолат беради. Айниқса, бунда ўқитувчининг фаолияти ва қўлланган методлари батафсил таҳлил қилинган, дарс структураси, қисмлари, унинг изчиллиги аниқ ифодаланган. Ёзувлар муаллифининг дарс ўтиш методикасининг ўзи изоҳдаги масалалар бўйича шахсий мулоҳаза ва муносабатларини акс эттиради. Аммо бунда дарс жараёнидаги ўқувчилар фаолияти етарли даражада таҳлил қилинмаган. Шунингдек дарснинг тарбиявий аҳамияти ва имкониятларига оид масалалар эътибордан четда

қолган. Умуман кундаликдаги ёзувлар таҳлил қилинаётган дарс тўғрисида тегишли тасаввур бериш билан бирга талаба-практикантнинг методик тайёргарлик савиясини ҳам кўрсатади.

Талаба-практикант. М.нинг кундалиги дан: «27 январь, 1989 йил».

Практикант А.нинг V синфда «Барглarning ҳужайралардан тузилганлиги» мавзуида ўтказган дарсдан ташқари лаборатория машғулоти кўрсатдим.

Машғулот шу мавзуида дарс материалларини мустақамлашга қаратилди. Бутун синф ўқувчилари билан дарсда лаборатория ишлари ташкил қилиш учун микроскоп етарли бўлмаганлиги туфайли шу мавзуда дарсдан ташқари лаборатория машғулоти ўтказишга тўғри келган. Машғулотда синф ўқувчиларининг ярми (16 ўқувчи) қатнашади, қолганлари билан алоҳида машғулот ўтвиш мўлжалланганди.

Машғулот барглarning ҳужайралардан тузилганлиги тўғрисида дарсда ўтилган маълумотларни такрорлаш билан бошланди. Бунинг учун ўқувчиларга берилган саволлар мақсадга мувофиқ. Лаборатория машғулоти традицияга ўсимлиги баргининг пўстидан препарат тайёрлаш ва уни тайёр ҳолдаги барг кесиги микропрепаратини микроскопда кўриш, кўрганларини ботаникадан тўтилган дафтарга чизишдан иборат бўлди. Машғулот 4 та микроскопда олиб борилди. Бунда ўқитувчи фронтал услубдан фойдаланди. Ушбу лаборатория машғулоти ўтказишда баъзи камчиликлар ҳам содир бўлди. Чунончи барг пўсти препаратини тайёрлаш тўғрисидаги йўриқ аниқ ва тушунарли бўлмади. Шу боисдан ўқувчилар анча қийналдилар, практикант эса ўқувчиларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳида-алоҳида қилиб кўрсатишга мажбур бўлди. Агар иш услуби бошида қилиб кўрсатилганда вақт тежалган бўлур эди. Ўқувчилар препаратларни микроскопда кўраётганларида суҳбат ўтказилмади. Практикант ўқувчиларга нисбатан талабчан эмас. Бунинг оқибатида интизомсизлик содир бўлиб турди. Шунга қарамай ўқувчилар барглarning ҳужайралардан тузилганлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилдилар».

Талаба-практикант М.нинг кундалигидаги ёзувлар дарсдан ташқари ўтказилган лаборатория машғулоти, унинг мазмуни ва структураси ҳақида анча тўлиқ тасаввур беради. Шунга қарамай бу ёзувларда ўқувчилар

фаолияти умумий тарзда акс этирилган, чуқур таҳлил қилинмаган. Шунингдек, машғулот давомида ўқувчиларга қандай тарбиявий таъсир кўрсатилганлиги ҳам изоҳланмаган.

Талаба-практикант Н. нинг кундалигидан:

«1 февраль 1989 йил (биринчи устун).

Практикант Е. нинг V «б» синфда ўтказган ёшлар йиғилишини кузатдим (иккинчи устун).

Йиғилиш «Кун тартиби» мавзuida ўтди. Йиғилишнинг очилиши эълон қилинган, практикант «Ўқитувчилар учун қоида» нинг биринчи параграфини аниқ ва таъсири қилиб ўқиб берди ва йиғилиш қатнашчилари эътиборини билимни кунт билан астойдил эгаллаш, ўзлаштиришни яхшилаш учун дарс тайёрлаш йўллари-ни билиш зарурлигига қаратди.

Шундан кейин бир неча ўқувчилар қандай дарс тайёрлашлари ҳақида гапирдилар. Бундан шу нарса маълум бўлдики, баъзи ўқувчилар дарсни юзак тайёрлар эканлар. Шунинг ҳисобга олиб практикант уларга дарс тайёрлаш йўллари ҳақида маслаҳатлар берди. Йиғилишнинг ўтказишда айрим камчиликлар ҳам кузатилди. Йиғилишнинг бошланишида звенолардан рапорт олинмади. Йиғилишни практикант олиб бориши мақсадга мувофиқ эмас, уни ёшлар йиғилишининг раҳбари бошқарса бўлур эди. Умуман йиғилиш дуруст ўтди».

Бу ёзувларда талаба-практикант «Кун тартиби» темасида ўтказилган йиғилишнинг фақат дарс тайёрлаш масаласига оид қисми ҳақида фикр юритган, холос. Шунингдек, йиғилишнинг ташкилий томонлари қайд қилиб ўтилган. Бироқ йиғилишнинг бошқа масалалари, унинг ўқувчиларга кўрсатган таъсири акс этирилмаган. Йиғилиш тўғрисида берилган хулоса ифодаланмаган.

IV б о б. ТАЛАБА-ПРАКТИКАНТЛАРНИНГ БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИ

1- §. Дарс — биологиядан педагогик практиканинг марказий масалалари

Битириш олди (IV) ва битирувчи (V) курслар педагогик практикасида мутахассислик фанлари бўйича талабаларнинг дарс беришлари асосий ҳамда марказий ўринни эгаллайди ва шу практиканинг ҳал қилувчи қис-

ми ҳисобланади. Чунки мактабда бошқа ўқув предметлари каби биологияни ўқитишнинг асосий ташкилий шакли дарсдир.

Таълим-тарбия вазибалари аввало дарсда ҳал қилинади. Дастурда мўлжалланган ўқув материалларини ўқувчилар асосан дарсда ўзлаштирадидлар.

Биология ўқитишнинг барча бошқа ташкилий шакллари дарслар билан боғлиқ бўлади. Дарсларда табиатга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва бошқа объектларга экскурсия ўтказиш, мактабнинг тирик табиат бурчаги, иссиқхона ва ўқув-тажриба участкасида кузатишлар олиб бориш ҳамда тажрибалар ўтказиш, синфдан ташқари ўқишлар ва тематик кечалар ташкил қилиш зарурати туғилди. Ўз навбатида эса ўқувчилар билан турли шаклларда амалга оширилган табиатшунослик ишлари навбатдаги биология дарсларининг мазмунини бойитади.

Ўқитувчининг бутун педагогик фаолияти дарсда ва дарс билан боғлиқ ҳолда боради, унинг барча иш системаси ҳам дарсда яққол кўринади. Шунингдек, биология ўқитиш методикасининг ҳамма қоидалари дарсларда ўз татбиқини топади.

Шундай экан, мутахассислик фанлари бўйича ўтказиладиган педагогик практика аввало талабаларда дарсларга ижобий равишда тайёрланиш ва уларни талаблар савиясига ўтиш бўйича тегишли ўқув ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш керак, ўқитувчилар фаолиятида кўп учрайдиган бир қолипда ва «қуруқ сўз билан» (кўргазмасиз), ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилмасдан дарс ўтиш каби жиддий камчиликлардан талабаларни сақлаш керак.

Мактаб биология курсининг ўқув материаллари мазмун жиҳатдан ғоят бой ва турли-тумандир. Уни бир қолипда, тирик табиат ва унинг объектларидан ажратган ҳолда ўтиш билан самарали ўқитиб бўлмайди. Шу сабабли биология бўйича педагогик практикада талаба-практикантларнинг мутахассислик предмети бўйича дарслар тизимини амалга ошириши назарда тутилди. Бунда талаба-практикантлар хилма-хил метод ва методик услублар воситасида турли тузилишдаги дарсларни тайёрлаш ҳамда ўтишга ўрганиб боришлари жуда муҳимдир.

Талаба-практикантларнинг дарсга пухта тайёрланишлари ва уни самарали ўтишлари аввало уларнинг

дарс методикаси тўлиқ назарий билимга эга бўлишлари, айниқса ҳар бир дарснинг мақсади, мазмуни ва тузилиши, ўқувчилар фаолиятини ташкил қилишнинг муносиб метод ҳамда услубларини аниқ тасаввур қила олишларига боғлиқдир. Бинобарин, бу ўринда дарс ва унинг методикасига оид асосий маълумотларни қисқача ёритиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ўқитиш методикаси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ҳозирги замон дарси ва унинг асосий элементларига нисбатан қўйилиши зарур бўлган назарий таълабларни аниқлаб беради.

Ҳозирги замон дарси учун унинг вазифасини кенг кўламда талқин қилиш характерлидир. Дарснинг вазифаси ўқувчиларга дастурда мўлжалланган маълумотлар йиғиндисини етказиш билан чекланмайди. Ҳар бир дарс ўқувчи шахсини шакллантиришга, унда илмий дунёқараш ва ахлоқни тарбиялашга, уни ҳар томонлама ривожлантириш, айниқса боланинг билиш қобилияти ҳамда ижодий мустақиллигини ўстиришга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, дарс ўқувчида тегишли ўқув ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш лозим. Дарс жараёнида бола таҳлил ва синтез қилиш, умумлаштириш ва конкретлаштириш, билим олишга қаратилган ақлий меҳнатни тўғри ҳамда унумли ташкил қилиш кабиларга ўрганиб боришлари керак. Бу ўқув ва кўникмалар фан, техника ва маданият гуркираб ривожланиб бораётган айни шароитда ўқувчиларнинг мустақиллик билан ўз билимларини бойитиб боришлари учун фоят муҳимдир.

Дарс методикасида унинг мазмуни асосий ўринни эгаллайди. Дарс мазмуни унинг кўп қиррали вазифаларига мос бўлиши керак. У фақат фактик маълумотлардангина иборат бўлиб қолмай, балки ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос келадиган дунёга қараш характеридаги хулоса ва умумлаштиришларни ҳам қамраб олган бўлиши лозим. Шунингдек, дарс мазмунига тегишли ўқув ҳамда кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган машқ ва масалаларнинг қиритилиши ҳам жуда муҳимдир. Бунда ўқувчи тафаккури ва ижодий мустақиллигини ривожлантириш учун мўлжалланган муаммоли масалалар алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мактаб дастури ва дарсликлари

анча янгиланди. Таълимнинг мазмуни фаннинг ҳозирги замон тараққиёти даражасига мувофиқлаштирилди. Унда янги ва катта илмий кашфиётлар ҳамда назарий ғоялар ўз ифодасини топади. Бироқ дастур ва дарсликлар мазмуни ҳеч қачон замонавий фан тараққиёти даражасига етиб улгуриб боролмайди. Шу билан бир пайтда ўқувчилар ҳам ҳар хил манбалардан: телекўрсатув ва радио, газета ва журналлар, болалар матбуоти, катталар билан мулоқотда бўлиш орқали илмий янгилик, кашфиётлар, кўпдан-кўп маълумотларга эга бўлиб бормоқдалар. Бу маълумотлар дарс мазмунидан бутунлай четда қолмаслиги, ҳеч бўлмаганда уларга ишора қилинган бўлиши керак. Бундан ташқари ўрганилаётган ўқув материали мазмунига турли манбалардан олинган ва ўқувчиларни қизиқтирадиган маълумотларнинг киритилиши ғоят муҳимдир. Ўқувчилар қизиқшини ошириш учун дарсда уларга ўрганилаётган масала бўйича нимани ўқиш, қандай фильм ва телекўрсатувларни томоша қилиш, радиоэшиттиришларни тинглаш, қайси кўргазма ва музейларга бориш зарурлиги ҳақида маслаҳатлар бериш ҳам фойдали бўлади.

Ниҳоят дарс мазмунида ўлкашунослик материаллари маълум даражада жой олиши керак. Улардан ўз ўрнида ва моҳирлик билан фойдаланиш таълимни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлашга, ўқувчиларда ўрганилаётган фанга қизиқиш уйғотишга, ватанпарварликни тарбиялашга ёрдам беради.

Дарс тузилишини тўғри белгилаш уни самарали ўтишини таъминлайдиган омиллардан ҳисобланади. Аниқ тузилиши дарс ўқитишда қатъий системалиликни таъминлайди ва ўқувчилар билимининг системали бўлишига ёрдам беради.

Дарсининг тузилиши — бу дарсдаги бир-бирига узвий боғланган асосий элементларнинг жойлашиш тартиби мавзу мазмунидаги муҳим масалаларнинг мантиқий изчиллигидир. Дарсининг тузилиши ўрганиладиган ўқув материалларининг мазмуни ва қўлланиладиган ўқитиш методларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам у дарс мазмуни, ундаги асосий қисмлар ва бу қисмларда қўлланиладиган методларни акс эттириши керак.

Дарсининг тузилишини белгилашда мавзу бўйича ўқув материалларини бир-бирига мантиқий боғланган ва аниқ изчилликда жойлашган айрим қисмларга ажратиш муҳим масала ҳисобланади. Бунда мавзу фактик

маълумотлари асосий ва етакчи биологик тушунчалар атрофига гуруҳлаштирилади. Методика соҳасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тузилиши жиҳатидан пухта ўйланиб тузилган билимлар ўқувчилар томонидан онгли равишда ва қулайлик билан ўзлаштирилади, улар хотирасида мустақкам ўрин олади. Бунда билимларни кўп марта такрорлаб ўргатишга зарурат қолмайди. Бироқ барча дарсларни бир хил қисмлардан, яъни сўраш, дарс мавзуи мазмунини ёритиш, ўрганилган маълумотларни мустақкамлаш ва уйга вазифа беришдан иборат тузилишга йўл қўймаслик керак. Бир қолипда дарс ўтиш аллақачонлар эскирган, унинг натижасизлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Зотан айрим ҳолларда янги материални дарс бошланишида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда билим ўқувчилар томонидан анча қизиқиш билан қабул қилиб олинади. Сўраш янги материални илгари ўрганилганларга таққослаш асосида ўтиши мумкин. Баъзан мустақкамлашга эҳтиёж қолмайди ва уй вазифаси мавзу ўрганиш якунида берилади ва ҳоказо.

Дарс олдига қўйилган таълим-тарбия вазифалари ўқитишнинг тегишли методлари ва методик услублари воситасида амалга оширилади.

Ўқитиш методи — ўқитувчининг билим бериш ва шу пайтнинг ўзida ўқувчининг билимини ўзлаштириб олиш усулидир. Мазкур таърифда методнинг икки бир-бирига боғлиқ томонлари: ўқитувчининг билим бериш, таъсир кўрсатиш фаолияти ва ўқувчиларнинг билимни қабул қилиши, ўзлаштириш фаолияти акс эттирилган. Бу икки томон ўзаро боғланишнинг характери билим манбаига боғлиқдир. Билим манбаи эса ўқув материалнинг мазмуни билан белгиланади. Чунки мазмуни таълим жараёнида ҳар доим етакчидир. Бинобарин, ўқитиш методлари дарс мазмунига мувофиқ бўлиши керак. Мактаб биология курсини ўқитиш жараёнида хиёма-хил методлар қўлланилади. Н. М. Верзилин ва В. М. Корсунскаяларнинг «Биология ўқитишнинг умумий методикаси» номли дарслигида ўқитиш методлари билим манбаи, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг характерига қараб 3 гуруҳга: сўзлаш (оғзаки), кўргазмали ва амалий методларга бўлинган.

Сўзлаш методи гуруҳига ҳикоя, тушунтириш, маъруза, суҳбат ва ўқувчиларнинг ахборот беришлари кирди. Бу методнинг қўлланилишида билим манбаи сўз-

дир. Ҳукутувчининг фаолияти сўзлаш ва савол беришдан, ўқувчиларнинг эса тинглаш, мулоҳаза юритиш ва берилган саволларга жавоб қайтарнишдан иборат бўлади.

Кўргазмалли методлар қаторига ўқитувчининг тасвирий қурол, табиий, жумладан тирик объектларни, биологик тажрибаларни намоён қилиш киради. Бунда ўқувчилар учун кўрадиган нарса ва ҳодисалар билим манбаи бўлиб хизмат қилади, сўз эса тўлдирувчилик вазифасини бажаради. Ҳукутувчи ўқувчилар эътибори ва таваққурини кўрсатилаётган нарса ва ҳодисаларга жалб қилади, уларни тўғри қабул қилиб борилишини таъминлайди. Ҳукутувчилар эса ўрганилаётган объект ва ҳодисаларни кўриш ҳамда кузатиш билан фактларни мулоҳаза қиладилар, хулосалар чиқарадилар, оқибатда янги билимлар оладилар.

Амалий методлар объектни таниб олиш ва аниқлаш, кузатишлар олиб бориш ва тажрибалар ўтказишдан иборатдир. Бу методлар қўлланилганда билим ўқувчиларнинг амалий иш бажаришларини воситасида ўзлаштирилади. Бинобарин амалий иш асосий билим манбаи ҳисобланади. Бироқ амалий методлар сўзлаш, кўргазмаллилик ҳамда амалий ишнинг мураккаб ўзаро таъсирида бўлишини назарда тутати. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга тегишли топшириқлар бериш билан амалий ишларни ташкил қилади, уларнинг бажарилишини бошқаради. Амалий методлар ўқувчиларнинг ҳар томонлама актив фаолиятида бўлишларини назарда тутати. Ҳукутувчи практикасида ҳар бир метод тегишли методик услублар воситасида қўлланилади. Методик услуб — у ёки бу методнинг бир элементи дур. У ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқитиш жараёнидаги айрим фаолият кўринишини акс эттириди. Методик услублар ёсат хилма-хилдир. Улар мантиқий, ташкилий ва техник характерда бўлиши мумкин.

Мантиқий услублар жумласига белгиларни аниқлаш, объектларни таққослаш ва уларнинг ўхшашлиги ва фарқларини топиш, умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқариш қабилар киради. Ҳамма методларни қўлланилишида бу услублар ўз татбиқини топади.

Ташкилий услублардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг эътибори, қабул қилиши ва амалий иш мақсадга томон йўналтирилади ҳамда бошқарилади. Бу услублар ҳар бир методлар гуруҳи учун ўзига хос бўлади.

Техник услубларга ҳар хил дарс жиҳозлари, ёрдамчи восита ва материаллардан фойдаланиш йўллари киради. Булар ҳам ҳар бир методлар гуруҳи учун ўзига хосдир.

Шундай қилиб, дарсда ҳар бир метод хилма-хил услублар воситасида қўлланилади. Уқитиш жараёнида хилма-хил метод ва методик услублардан уларни бири-бирига уйғунлаштирган ҳолда фойдаланиш ўқитувчининг ижодий ташаббускорлигини кўрсатувчи ўлчовдир.

Уқитиш методларини танлаш дарс методикасининг муҳим масалаларидан ҳисобланади. У тасодифий ва ихтиёрий ҳолда бўлиши мумкин эмас. Танланган методларнинг ўрганиладиган ўқув материаллари мазмунига ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши асосий педагогик талаблардандир. Методлар танлашда мактабнинг ўқув базаси, унинг қанчалик жиҳозланганлиги ҳисобга олиниши керак. Аммо буни етакчи талаб деб ҳисоблаб бўлмайди. Агар дарс мазмуни кўр-газмали ёки амалий методларнинг қўлланилишини тақозо қилса-ю, мактабнинг жиҳозланиши бунга имкон бермаса, ўқитувчи олдиндан бундай тўсиқларга барҳам бериш ва дарсни зарур жиҳоз ҳамда материаллар билан имконияти борича таъминлаш чорасини кўриши керак.

Уқитувчи биология ўқитиш методларининг барча турларини аниқ тасаввур қилгандагина уларни тўғри танлай олиши ва унумли ишлатиши мумкин.

Одатда талаба-практикантларнинг мутахассислик фанлари бўйича дарс беришлари ва бошқа таълим-тарбия ишларини амалга оширишлари педагогик практиканинг иккинчи ҳафтасидан бошланиб, у индивидуал календар режа асосида йўлга қўйилади. Шунингдек, педагогик практиканинг бу қисмида талаба-практикантларнинг ўзаро дарс ва бошқа машғулотларга мунтазам кириб кузатишлари ҳамда уларнинг муҳокамасида қатнашишлари ҳам таъминланади.

2-§. Талаба-практикантларнинг дарс ўтишларида учрайдиган хато ва камчиликлар

Талаба-практикантлар биология дарсларига тайёрланиш ва уларни ўтишларида ҳар хил хатолар кузатилади. Бу хатолар дарс самарадорлигини оширишга тўсиқлик қилади. Бинобарин биология ўқитувчиси касби-

ни эгаллаётган ҳар бир талаба дарс ўтишида юз берадиган типик хато ва камчиликлар, уларнинг вужудга келиш сабабларини билиши фоят муҳимдир. Камчилик ва хатоларнинг сабабларини билиш талаба-практикантларга ўз фаолиятида шундай нуқсонлар содир бўлишининг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик имкониятини беради.

Талаба-практикантларнинг дарс ўтишида учрайдиган хато ва камчиликлар фоят хилма-хилдир. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) дарсга тайёрланишда учрайдиган хато ва камчиликлар; 2) дарс ўтишида учрайдиган хато ва камчиликлар.

Дарсга тайёрланишда учрайдиган хато ва камчиликлар.

Талаба-практикантларнинг дарсга тайёрланишида учрайдиган хато ва камчиликлар асосан уларнинг дарс учун режа-конспект тузишларида ва дарс жиҳозларини ҳозирлашларида намоён бўлади.

Талаба-практикантларнинг методистга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилган режа-конспектларида баъзан дарс мақсади аниқ ифодаланмаган бўлади. Чунончи, унда ўқувчиларни имага ўргатиш, яъни уларда қандай янги тушунчаларни шакллантириш ва қандайларини ривожлантириш, қандай тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш, қандай ўқув ҳамда кўникмаларни ўқувчиларга сингдириш мўлжалланганлиги ноаниқ қолади.

Режа конспектда дарс тузилишини белгилаш масаласи ҳам асосли ҳал қилинмайди, яъни дарс тузилиши ўрганилаётган ўқув материалнинг мазмуни, таълим-тарбия вазифалари ва таълим жараёнининг конкрет шароитига қараб белгиланмайди. Талаба-практикантлар кўпинча дарсни бир қолипда ўтишни режалаштирадilar. Режа-конспектининг эстетик жиҳатдан расмийлаштирилиши ҳам жиддий нуқсонлардан холи бўлмайди.

Биология дарсларига тайёрланишда демонстрация ва лаборатория жиҳозлари ҳамда тарқатма материалларини тўғри танлаш ва уларни ўз вақтида ҳозирлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада ҳам талаба-практикантлар типик хато ва камчиликларга йўл қўядилар. Чунончи, дарсга тайёрланишда кўпинча ишлати-

ладиган кўргазмали қурол, асбоб, приборлар ва материалларнинг яроқли эканлигини синчиклаб текшириб чиқиш унутилади. Масалан, микроскопга иш учун керакли объектив ва окуляр қўйилмайди; спирт лампаларига етарли миқдорда ёқилғи қўйилмаган бўлади; суюқ реактивларнинг, жумладан эритмаларнинг мулжалдаги концентрацияда бўлишига эътибор берилмайди; тарқатма материаллар синф ўқувчилари сонига етарли даражада бўлмайди; тайёрланган таблица илишга мослашмаган бўлади, талаба-практикант эса кнопка ёки тўғнағич ҳозирлаб қўймайди, шунингдек, дарс учун керакли бўлган «майда-чуйда» нарсалар (томизғич, шиша таёқча, гугурт, кўрсаткич кабилар) унутилади.

Дарс ўтишда учрайдиган хато ва камчиликлар.

Талаба-практикантларнинг биология дарсларини ўтишда учрайдиган хато ва камчиликлар характери жиҳатдан ғоят хилма-хилдир, улар 4 кичик гуруҳга бўлинади: а) илмий характердаги хато ва камчиликлар; б) методик характердаги хато ва камчиликлар; в) психологик характердаги хато ва камчиликлар; г) тарбиявий характердаги хато ва камчиликлар.

Илмий характердаги хато ва камчиликлар асосан янги мавзу ўтишда кузатилади ҳамда улар кўпроқ талаба-практикантларнинг ўрганилаётган ўқув материал мазмунини етарли даражада ва чуқур билмасликларидан намоён бўлади. Бундай хато ва камчиликлар айниқса битириш олди (IV) талабаларининг «Одам ва унинг саломатлиги» бўлими бўйича дарсларни, битирувчи (V) курс талабаларининг умумий биология дарсларини ўтишда кўп учрайди. Масалан, «Қон ва қон айланиш» мавзуси бўйича дарсларда (IX синф) талаба-практикант одамда қон айланиш схемасини аниқ ва тўғри тушунтириб бера олмайди, «Кичик қон айланиш доирасида артерия томирларида артериал қон ва вена томирларида веноз қон оқади», деб хато тушунча беради ва ўқувчиларни адаштиради. «Моддалар ва энергия алмашинуви», «Айириш» мавзуини ўрганишга бағишланган дарсларда ўқув материал кўпинча ноаниқ, манتيқий асосланмаган ва чалкаш ҳолда тушунтирилади. Умумий биология дарсларида (XI синф) айниқса оқсил биосинтези, ҳужайрада пластик ва энергетик алмашинув, Г. Мендель қонунларининг цитологик асослари, белгиларнинг бириккан ҳолда наслдан-наслга ўтиши

каби масалалар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилаётганда талаба-практикантлар ўзларини ишонч билан ҳис этмайдилар, жиддий камчиликларга йўл қўядилар.

Методик характердаги хато ва камчиликлар бошқаларга қараганда кўп учрайди ва улар хилма-хилдир.

Кўпгина бундай типик хато ва камчиликлар дарснинг тузилиш қисмларини амалга оширишда кузатилади.

Талаба-практикантлар уй вазифасининг бажарилишини кўпинча бир режа, бир хил услубда текширадилар. Кўп дарсларда уй вазифасининг бажарилишини текшириш якунланмай қолади.

Ўқувчилар билимини, хусусан, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида суҳбат борганда қуйидаги камчиликлар кузатилади: а) саволлар кўпинча аниқ ифодаланмаган ҳолда берилади; б) саволлар сўралаётган ўқув материалининг моҳиятини очишга, ўқувчи билимининг онглилигини аниқлашга қаратилмаган бўлади; в) суҳбатга билими паст ўқувчилар жалб қилинмайди; г) талаба-практикантлар ўқувчи жавобига унда йўл қўйилган хато камчиликларга етарли даражада эътибор бермайдилар, натижада ноаниқ, ҳатто нотўғри жавоб тузатиламандай қолади, жавобдаги айрим камчиликлар пайқалган ҳолда эса ўқувчи эътиборини ана шу нуқсонлар моҳиятини таҳлил қилишга қаратилмайди; д) кўпинча савол берилгач, ўқувчи жавобини узоқ вақт кутишга йўл қўйилади, ўз вақтида жавоб олиш тадбирлари кўрилмайди.

Янги мавзу ўтишда ҳам жуда кўп жиддий нуқсонлар кузатилади. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириб олишга қаратилган фикрлаш фаолиятлари етарли даражада фаоллаштирилмайди, кўпинча талаба-практикант ўқувчиникига қараганда ўз фаоллигини муҳим деб билади ва шунга кўра суҳбат, мустақил ишлар ва бошқа билим манбаларидан фойдаланиш мумкин бўлган пайтларда ҳам ҳикоя ва тушунтириш методларидан фойдаланишга интиладилар.

Кўпинча талаба-практикантлар ўқувчиларни дарсда янги ўқув материалини қабул қилиб олишга етарли даражада йўналтира олмайдилар; зарур пайтларда ўқув материалининг мазмунини очишга қаратилган ва шунингдек ўрганилаётган масалага ўқувчиларнинг қизиқишларини уйғотувчи муаммолар қўя олмайдилар.

Талаба-практикантлар кўпчилик ҳолларда ўрганилаётган ўқув материалнинг асосий хусусиятларини, тафовут ва умумий белгиларини аниқ таъкидламайдилар. Бундай камчиликлар ботаника дарсларида гулли ўсимликларнинг оилалари, зоология бўйича ҳайвонот дунёсининг ҳар бир типи ўрганилаётганда кўпроқ кузатилади. Масалан, VII синфда гулли ўсимликлар бўлимининг бир оиласи ўрганилаётганда ўқувчилар эътибори ҳар доим ҳам шу оилга кирувчи ўсимлик турининг характерли белгиларига қаратилармайди, ана шу белгилар туфайли ўсимлик мазкур оилга мансублиги уқтирилмайди. Дарсларда ҳар хил систематик гуруҳларга кирувчи организмларни бир-бирига таққослашдек қимматли методик услуб деярли қўлланилмайди.

Гарчи биология ўқитиш методикаси курсида тегишли йўл-йўриқлар берилган бўлишига қарамай талаба-практикантлар кўргазмаларни қурол, табиий объект ва тажрибаларни кўрсатишда жиддий камчиликларга йўл қўядилар. Чунончи, микроскоп остида микропрепаратни кузата туриб, ўша объектни яхши кўриш учун фокусни қандай ростлаш зарурлиги кўпинча унутилади. Шундай ҳам бўладики, ўқувчи микроскоп окуляри орқали қараш билан чекланади, у нимани кўрди?— бу нарса аниқланмай қолаверади. Таблицадан ўсимлик ҳужайралари ҳайвонлар ҳамда бошқа майда организмлар тасвири кўрсатилаётганда уларнинг неча мартаба катта-лаштирилганлиги таъкидланмай қолади.

Дарсда талаба-практикантларнинг синф доскасидадан фойдаланишларида кўп камчиликлар учрайди. Кўпинча талаба-практикантларнинг синф доскасидаги ёзувлари хунук ва ноаниқ, ҳарфлари нотекис ва катта-кичик, сатр эгри-бугри бўлади; доскага чизган расмлари чиройли эмас. Буларнинг ҳаммаси доскада кишини ўзига жалб қилмайдиган манзарани ҳосил қилади.

Типик хато ва камчиликлар дарсда лаборатория ишлари ўтказиётганда ҳам учрайди. Кўп ҳолларда ҳатто юқори синфларда ҳам лаборатория ишлари фронтал услуб билан олиб борилади. Баъзан ўқувчиларга иш тўғрисида олдиндан тўлиқ топшириқ бериш йўли билан лаборатория машғулоти ўтказилаётганда мазкур иш юзасидан олдиндан тегишли йўл-йўриқлар беришга эътибор берилмайди; бундай топшириқ тўлиқ бўлмайди, уларда вазифа аниқ ифодаланмаган бўлади; муам-

мони ҳал қилишда аҳамиятли бўлган йўл-йўриқлар иш давомида, ҳатто кечикиб берилади.

Талаба-практикантлар дарс давомида ўқув материалини ўқувчилар қандай ўзлаштириб бораётганлари ва унинг сифатини текширишга етарли эътибор бермайдилар. Ўзлаштириш даражасини чинакам аниқлаш ўрнига синфга «тушунарлими?» ёки «тушундиларингми?» деб мурожаат қилиш билан чекланадилар.

Дарс охирида ўқувчиларга уй вазифаси берилади-ю, аммо уни уйда қандай бажариш кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатилмайди. Уй вазифасини, айниқса пастки синфларда доскага ёзиб бериш кўпинча унутилади.

Талаба-практикантларнинг дарсларида кўп учрайдиган психологик камчиликларга синфда тинчлик, ўқувчиларнинг дарс жараёнига қаратилган диққати ва ишчанлик кайфияти каби психологик ҳолатни таъминла-масликни киритиш мумкин. Кўпинча талаба-практикантлар синф ўқувчиларининг психологик ҳолатини ҳисобга олмасдан бошлайдилар, дарс давомида ўзларининг тортинчоқлик ва нўноқликларини сездириб қўядилар, ўқувчилар билан бўладиган муомалада қатъиятсизликка йўл қўядилар, ўзаро гаплашиб ёки бошқа ишлар билан шуғулланиб ўтирган ўқувчиларга бепарво бўладилар; баъзан ўқувчининг ёмон хулқига, интизомлилигига кескин ва ўта салбий реакция кўрсатадилар, босиқлик билан ўқувчига танбеҳ бериш ва уни тартибга чиқариш ўрнига ғазабланиб шовқин соладилар, ўқувчи шахсни ҳақорат қилиш даражасига бориб етадилар, бу ҳол ўқувчиларни янада кўпроқ қўзғатади.

Кўп талаба-практикантлар дарснинг эмоционал (ҳиссиёт) томонларини таъминлашга аҳамият бермайдилар. Масалан, ўқувчилар билимини текширишда сўраш учун бериладиган саволларни ифодалаш масаласига бефарқ қаралади, бунда талаба-практикантнинг муносабати сезилмайди; ўқув материали қуруқ ва китоб тилида баён қилинади; ҳатто ўрганилаётган масалага талаба-практикантнинг қизиқмаганлиги кузатилади ва ҳоказо.

Талаба-практикантларнинг дарсларида бир қатор тарбиявий характердаги хато ва камчиликлар ҳам учраб туради. Чунончи, дарсда тарбия бериш ўқувчиларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган билимларни баён қилиш билан чекланади, бироқ шу билимларнинг ўқув-

чида дунёқарашини шакллантиришда асос бўладиган ишончга айланиши таъминланмайди. Масалан, VII синфда касаллик туғдирувчи бактериялар, бир ҳужайрали паразит организмлар, паразит чувалчанглар ўрганилаётганда талаба-практикантлар юқумли касалликларга қарши кураш бўйича республикамизда амалга оширилаётган катта тадбирларни ёритишга етарли эътибор бермайдилар, ваҳоланки бу масалаларни ёритиш ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ҳисобланади.

Кўпчилик талаба-практикантлар ўз дарсларида имконият бор бўлишига қарамай ўрганилаётган ўқув материални табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан боғламайдилар, ўқувчиларда табиатга нисбатан муҳаббат туйғуларини уйғотиш тадбирларини кўрмайдилар. Дарсларда мавзу мазмунига сунъий равишда тарбиявий элементлар киритиш ҳоллари ҳам кам эмас.

Ниҳоят ўқувчиларнинг дарсда хулқ-атвор қондаларига риоя қилишларини таъминлашга етарли эътибор берилмайди; зарур пайтларда тиришқоқлик, астойдиллик, ўқиш маданияти ва масъулияти каби хислатларни тарбиялашга қаратилган насиҳат ва танбеҳлар берилмайди ва ҳоказо.

3- §. Талаба-практикантларнинг дарсга тайёрланиши

Педагогик практикантнинг муҳим масалаларидан бири талаба-практикантларнинг ўз дарсларига тайёрланишларидир. Дарснинг муваффақиятли ўтиши аввало унга нақадар пухта тайёргарлик кўришига боғлиқ.

Талаба-практикантнинг дарсга тайёрланиши тахминан қуйидаги изчилликда боради: а) предмет ўқитувчиси ва методистдан дарс методикаси ҳамда унинг жиҳозланиши тўғрисида консультация олиш; б) дарсда ўрганилаётган дастур мавзунинг мазмунини аниқлаш ва уни мукамал ўрганиб чиқиш; в) темага оид керакли илмий адабиёт ҳамда методик қўлланмаларни топиш ва уларни ўрганиб чиқиш; г) дарснинг мақсади ва тузилишини белгилаш ҳамда уни ифодаловчи дарс режасини тузиш, дарс режасини предмет ўқитувчиси ёки методист билан келишиб олиш; д) келишиб олинган режа асосида дарснинг методикаси ва жиҳозланишини ишлаб чиқиш; е) дарс жиҳозларини тайёрлаш;

э) дарс учун режа-конспект тузиш, уни, предмет ўқитувчиси ва методист тасдиқидан ўтказиш; ж) дарс ўтиш бўйича машқ қилиш.

Талаба-практикантнинг дарсга тайёрланиши предмет ўқитувчиси ва методистнинг дастлабки консултацияси билан бошланади. Бунда дарснинг мақсади, мазмуни ва методикаси тўғрисида умумий йўл-йўриқлар берилади. Дастлабки бу йўл-йўриқлар педагогик муаммо тарзида берилади ва уни ҳал қилиш талаба-практикантдан бирмунча мустақиллик ҳамда ижодий иш кўришни талаб қилади. Тажриба шуни кўрсатдики, талаба-практикантлар, ҳатто методик практикани биринчи марта ўтаётган бўлишларига қарамай айрим педагогик муаммоларни мустақил тарзда ҳал қила олишлари мумкин. Чунки улар мутахассислик фани бўйича мактабда таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун дастлабки назарий ҳамда амалий тайёргарлик олган бўладилар. Жумладан биология мутахассислиги бўйича талабалар ботаниканинг морфология, анатомия ва систематика бўлимлари, ўсимликлар физиологияси, умуртқасишлар ва хордалилар зоологияси каби фанларни, шунингдек педагого-психологик циклдаги ўқув предметларини ва биология ўқитиш методикасининг тегишли бўлимларини ўрганиб улгурган бўладилар.

Дастлабки консултациядан кейин талаба-практикант дарсда сўраладиган ва ўтиладиган ўқув материалларини батафсил ўрганишга киришади. Бу ишда мактаб режаси ва дарслиги асосий қўлланма бўлади. Айниқса мактаб дарслиги, гарчи у тўла bilim манбаи бўла олмаса ҳам, талаба-практикантга дарсга тайёрланишга жиддий ёрдам беради. Талаба-практикант аввал мактаб дарслигидаги мавзуга оид текстни, яъни бундан олдин ўтилган ва ўрганиладиган ўқув материалларини эътибор билан ўқиб чиқади. Бунда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган асосий биологик тушунчалар, уларни ёритиш изчиллигини аниқлаб олиш зарур. Шунингдек, дарслик текстидаги ўқувчилар ўзлаштирилиши қийин бўлган масалаларни белгилаб олиш керак. Буларнинг ҳаммаси дарс методикасини тўғри белгилашга имкон беради. Дарсга тайёрланишнинг бу босқичида дарсликда берилган маълумотларнинг дастур талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Баъзан дарсликда дастур талабларининг тўла ифодаланмаганлиги ҳам аниқлана-

ди. Бундай ҳолларда кўпинча илмий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Баъзан дарсликда дастур бевосита дахли бўлмаган маълумотларнинг борлиги аниқланади ва бунда уларни дарс мазмунига киритмаслик ёки улар устида тўхтамаслик тadbирлари кўрилади.

Дарсга тайёрланишда талаба-практикантнинг ўтиладиган мавзуга оид илмий адабиёт ва методик қўлланмаларни топиб ўрганиши ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Дарс материални тўла эгаллаб олиш учун мактаб дарслигида баён қилинган маълумотларни билиш кифоя қилмайди. Талаба-практикант дарсликдагига қараганда кўпроқ билиши керак. Бунинг учун у мутахассислик фанлари бўйича олий мактаб дарсликлари ва бошқа илмий манбаларни кўриб чиқади. Айниқса илмий-оммабоп китоблар, журнал ва газеталардан кўпгина қимматли маълумотлар топиш мумкин. Ана шу бой илмий ахборотдан талаба-практикант энг муҳимларини дарс мазмунига киритиши учун танлаб олиши ва уларни педагогик жиҳатдан ёндашиб қайта ишлаши керак. Талаба-практикант мавзу бўйича ўқув материални қанчалик чуқур ва атрофлича билса, у дарсда билимни ўқувчилар онгига шунчалик бой ва илмий мазмунда, юқори ғоявий савияда етказиш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, талаба-практикант ўтиладиган мавзу мазмунини чуқур ва атрофлича ўрганиб чиққач, дарснинг мақсадини, яъни таълим-тарбия вазифаларини белгилайди. Бунда шакллантириладиган ва ривожлантириладиган асосий биологик тушунчалар билан бир қаторда шу дарс мазмунига боғлиқ ҳолда унинг заминида амалга оширилиши мумкин бўлган тарбиявий элементлар аниқланади. Шунинг назарда тутиш керакки, дарсда ўқувчининг тарбияловчи характерга эга бўлган билимларни тушуниб олиши етарли эмас, бу билимлар қатъий ишончга айланиши ва пировардида эса маълум дунёга қараш шаклланиши керак.

Дарсга тайёрланишнинг муҳим масалаларидан бири унинг тузилишини белгилашдир. Маълумки, биология дарсида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг фаолияти ғоят хилма-хил тарзда ташкил қилинади. Шунинг учун ҳам дарснинг мазмуни ва вазифаларига қараб, унинг тузилишини чуқур ва батафсил ўйлаб чиқиш керак.

Дарс тузилишини белгилаш унинг ҳар бир босқичида қўлланиладиган муносиб метод ва услублар тан-

лашни ҳам назарда тутади. Чунончи сўзлаш методлари танланганда унда ишлатиладиган сўзлар ва жумлалар тузилишига алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг илмий, мантиқий ва гоёвий жиҳатдан аниқ бўлиши ва шунинг билан бирга ўқувчилар учун тушунарли бўлишини таъминлаш жуда муҳимдир. Шунингдек, кўргазмали қурол, табиий объект ва тажрибаларни дарснинг қайси қисмида кўрсатиш самарали бўлиши белгиланади. Бунда кўргазмали методларга нисбатан қўйилган талабларни албатта назарда тутиш керак. Амалий методлар: объектни танлаш ва аниқлаш, кузатишлар олиб бориш ва тажрибалар ўтказиш кабилар танланганда ўқувчиларнинг амалий фаоллигини ташкил қилиш пайти ва услублари ҳамда бунинг учун уларга бериладиган топшириқлар мазмуни батафсил ўйлаб чиқилади.

Биология дарсларига тайёрланишнинг яна бир ўзига хос томони уларни муносиб равишда жиҳозлаш ҳисобланади. Ҳар бир дарснинг кўргазмали бўлишини таъминлаш, унинг тасвирий ва табиий қуроллар билан жиҳозлаш, лаборатория машғулотлари учун эса етарли сон ва миқдордаги ўсимлик ҳамда ҳайвон материаллари, асбоб-ускуналар ҳозирлаш биология ўқитишнинг тўғри ва самарали қўйилиши учун гоёат зарурдир. Биология талаба-практиканти уз дарси учун қандай жиҳоз (оптик қурол, препаратлар асбоб ва бошқалар), тасвирий кўргазмали қурол (таблица, модель муляж, диапозитив, диафильм кабилар) ва табиий объектлар (тирик ўсимлик ва ҳайвонлар, уларнинг айрим қисмлари, ҳўл ва қуруқ препаратлар, коллекциялар) керак бўлишини белгилаб чиқади, уларнинг мактаб биология кабинети ва тирик табиат бурчагида бор-йўқлигини аниқлайди, йўқларини имкон бўлса тайёрлаш, табиатдан йиғиш ёки бошқа жойдан топиш чорасини кўради. Кўрсатиладиган ёки ўқувчилар бажарадиган тажрибаларнинг ҳар бирини ўзи қилиб кўради ва уларнинг натижалари чиқиши учун зарур бўлган оптимал шароитларни аниқлайди. Дарсда ишлатиладиган барча асбоб ва приборларни синаб кўриб, уларнинг яроқлилигини таъминлайди.

Талаба-практикантиларнинг дарсга тайёрланиши режа-конспект тузиш билан охирига етади. Режа-конспект ўқитувчининг дарсга тайёрлигини кўрсатувчи педагогик ҳужжатдир. Ўқитувчининг дарс ўтишини осонлаштира-

ди, дарсни оғишмай ва ишонч билан бошқариб боришга имкон беради.

Педагогик практикада талаба-практикантлар кўпинча дарсга тайёргарлик кўришни режа-конспект тузиш билан бошлайдилар ва натижада уни узил-кесил мукамал ҳолатга келтириш учун кўп вақт йўқотиб, бир неча марта ўзлаштирадилар, қайта кўчириб ёзадилар. Бунга йўл қўймаслик учун режа-конспект ёзишдан олдин юқорида баён қилинган ишлар бажарилиши, яъни дарс методикаси атрофлича ва чуқур ўйлаб чиқилиши керак. Режа-конспект тузиш эса дарсга тайёрланишнинг охириги босқичи бўлмоғи лозим.

Одатда мактаб ўқитувчилари дарс учун режа ёки конспект, ёки уларнинг ҳар иккисини тузадилар. Режада дарс тузилиши ва унинг бориши, дарснинг ҳар бир тузилиш қисмида қўлланиладиган метод ва методик услублар, ишлатиладиган жиҳозлар ўз ифодасини топади. Конспектда эса ўрғаниладиган ўқув материалнинг қисқача мазмунини ва уни ёритиш изчиллиги акс эттирилади. Дарс режаси ва конспекти учун графаларга бўлинган махсус форма тавсия қилинмайди. Балки улар эркин текет тарзида тузилади. Бундай бўлиши режа ва конспекти ўқитувчининг тажрибаси ва илмий методик тайёргарлигига қараб қисқа ёки тўлқин ёзилишига имкон беради. Тажрибали ўқитувчилар дарс учун қисқа режа ёки конспект тузиш билан чекланадилар. Айрим ҳолларда улар дарснинг қийин қисмларини режа, ўқув материалнинг мураккаб масалаларини конспектда тўлароқ ифодалайдилар. Педагогик фаолиятини энди бошлаган тажрибасиз ўқитувчилар дарснинг барча соҳалари бўйича мукамал режа ва конспект тузадилар. Айниқса мактабда дарс беришни ўргана бошлаган талаба-практикантлар учун ҳар томонлама тўлқин режа-конспект тузиш фойдали ишдир. Бу талаб талаба-практикантнинг дарс мазмунини ва унинг боришини чуқур ўйлаб чиқишга, амалга ошириладиган дарс жараёнини бошдан охиригача атрофлича тасаввур қилишга йўналтиради.

Режа-конспект учун ҳар бир синфга махсус дафтар тутиш мақсадга мувофиқдир. Дафтарнинг муқоваси ва биринчи бетиде талаба-практикант ҳамда мактаб тўғрисидаги маълумотлар (талаба-практикантнинг фамилияси ва исми, курси, факультети ва институти, практика ўтиладиган синф, мактаб ва районнинг номи, му-

тахассислик бўйича методист ва предмет ўқитувчининг фамилияси ва исми) ёзилади.

Ҳар бир дарс учун режа-конспект дафтарнинг янги саҳифасидан бошланиб, у қуйидаги тартибда ёзилади.

Дафтар саҳифасининг юқори ўнг бурчагидан режа-конспект тасдиқлаш учун методист имзосига жой қолдирилади. Ундан пастроқда сатр бошидан дарс мавзунинг номи ёзилади. Кейин дарснинг мақсади яъни конкрет таълим-тарбия вазифалари ифодаланади. Унинг пастида дарс жиҳозлари ном-баном саналади ва лаборатория машғулотги учун ҳозирланган жиҳозларнинг сони ҳамда тарқатма материалнинг миқдори кўрсатилади.

Ниҳоят, ана шу режа асосида дарснинг бориши батафсил ёритилади. Бунда дарснинг ҳар бир қисмида нима ишлар қилиниши аниқ кўрсатилиши керак. Чунончи, дарснинг сўраш ва мустаҳкамлаш қисмларида ўқувчиларга бериладиган саволлар ҳамда сўралиши мўлжалланган ўқувчиларнинг номлари ёзилади. Дарснинг боришини ёритишда айниқса унинг янги мавзунини ўтиш қисмини тўлиқ ифодалаш талаба-практикант учун фоят катта аҳамиятга эга. Бунда аввал ўрганилаётган мавзу ўтган дарсга мазмун жиҳатидан узвий боғланиши акс эттирилиши керак. Шундан кейин ўқув материалининг мазмунини изчиллик билан ёритилади. Агар мавзунинг айрим масалаларини суҳбат методи билан баён қилиш ёки дарсда муаммоли вазият туғдириш мўлжалланса, шу ўринда ўртага ташланадиган саволлар тексти ёзилади. Саволлар текстининг бошқа ёзувларидан ажралиб туриши улардан фойдаланишни авча қулайлаштиради. Дарс тузилишида лаборатория ишлари режалаштирилганда эса шу ишлар тўғрисида бериладиган топшириқ ва ўқувчилар амалий фаолиятини бошқариш услублари аниқ кўрсатилади. Дарснинг боришида доскада дарслик ва кўрсатма жиҳозларидан фойдаланиш моментлари, чунончи ўрганилаётган мавзунинг номи, айрим атама ва рақамларини, шунингдек схематик расмларни досканинг қаерига ва қандай ёзиш ҳамда чизиш, таблицани қачон ва қаерга олиш, ҳар хил катталикдаги натурал, тасвирий қуролларни қаердан туриб ва қандай кўрсатиш дарсликнинг керакли текети ва расмига ишора қилиш кабилар ҳам режа-конспектининг тегишли жойларида ўз ифодасини топмоғи лозим. Режа-конспектда дарснинг боришини ёритиш унда дарс

якуни ва ўқувчиларга бериладиган уй вазифасининг мазмунини акс эттириш билан тугалланади.

Одатда ўқитувчининг дарс жараёнида амалга ошириладиган мўлжаллари режа-конспектда қавс белгиси ичида кўрсатилади. Бу ишораларнинг режа-конспектда яққол кўзга ташланиб туриши учун улар бошқа рангдаги сиёҳ билан ёзилиши ёки ости чизиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Талаба-практикант дарсга тайёрланиш давомида предмет ўқитувчиси ва методистдан йўл-йўриқлар олиб боради. Охирида режа-конспектни предмет ўқитувчиси кўриб чиқиб маъқуллагач, у методист томонидан тасдиқланади. Шундан кейин талаба-практикант дарснинг айрим қисмларини эгаллаш (масалан, доскага ёзиш ёки чизиб техникаси, ўқувчиларга таъсирли мурожаат қилиш ва савол бериш услублари, ҳикоя, тушунтириш ва кўрсатиш методлари кабиларни ўрганнш) мақсадида машқлар ўтказилади, «репетиция» қилади. Зарур бўлганда бундай машқлар предмет ўқитувчиси ёки методист иштирокида ўтказилади.

Қуйида талаба-практикант тузган режа-конспект намунаси келтирилади.

Тасдиқлайман:
методист (имзо)

_____ 199 _____

Фарғона Давлат педагогика институти
табиёт факультетининг IV курс талабаси Н. нинг Қува район 5-сонли ўрта мактабининг VI синфида «Ботаника» дан ўтадиган дарси учун режа-конспект

Д а р с м а в з у и. «Пояда моддаларнинг ҳаракатланиши».

Д а р с н и н г м а қ с а д и. Ўсимлик поясининг ёғочлик ва луб толалари бўйлаб моддаларнинг ҳаракатланиши тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, ўсимликнинг бир бутун организм эканлиги тўғрисидаги тушунчани ривожлантириш, ўсимликлар устида тажрибалар ўтказиш кўникмаларини ўстириш.

Д а р с ж и ҳ о з л а р и: тол ёки теракнинг бир йиллик новдаларидан 15 дона, тол ёки теракнинг бўёқли сувга солинган бир йиллик новдаларидан 15 дона, пўстлоғи ҳалқа тарзида кесилган ва кесилмаган ҳамда сувга солиб илдиз оттирилган бир йиллик тол новдала-

ридан 16 донадан, 15 дона скальпель, 15 та дока парчалари. «Поянинг ҳужайравий тузилиши» ва «Ўсимликда моддаларнинг ҳаракатлиниш схемаси» номли таблицалар, «Поянинг тузилиши ва ўсимликда моддаларнинг ҳаракатлиниши» номли кинофильм, кўрсатгич.

Д а р с р е ж а с и.

1. Ташкилий қисм (2 мин.)

2. «Поянинг ички тузилиши ва унинг энига ўсиши» тўғрисидаги маълумотларни суҳбат методи билан эсга олиш (8 мин).

3. «Пояда моддаларнинг ҳаракатлиниши» мавзуини ўрганиш (22 мин): 1) Янги мавзуни ўтган дарсга боғлаш (2 мин); 2) Пояда сув ва унда эриган минерал тузларнинг ҳаракатлинишини кўрсатувчи тажриба қандай бошланганлиги тўғрисида ўқувчи ахбороти (2 мин); 3) сув ва унда эриган тузларнинг пояда ёғочлик найлари бўйлаб ҳаракатлинишини кўрсатувчи тажриба натижасини аниқлаш бўйича фронтал лаборатория иши ва ўқитувчининг умумлаштирувчи суҳбати (8 мин); 4) пояда органик моддаларнинг ҳаракатлиниши тўғрисида ўқитувчи ҳикояси (3 мин); 5) пояда органик моддалар ҳаракатини кўрсатувчи тажрибанинг қандай бошланганлиги тўғрисида ўқувчи ахбороти (2 мин); 6) поянинг луб қисми бўйлаб органик моддалар ҳаракатини кўрсатувчи тажриба натижасини аниқлаш бўйича фронтал лаборатория машғулоти ва ўқитувчининг умумлаштирувчи суҳбати (5 мин).

4. «Поянинг тузилиши ва ўсимликда моддаларнинг ҳаракатлиниши» номли кинофильмнинг иккинчи қисмини кўрсатиш асосида билимни мустақкамлаш (10 мин).

5. Дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш (3 мин).

Д а р с н и н г б о р и ш и.

1. Ташкилий қисми. Ўқувчилар билан саломлашиш, давоматни аниқлаш. Синфнинг ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини кўздан кечириш, ўқувчилар эътиборини дарс жараёнига жалб қилиш, зарур бўлганда синфни тартибга чақириш ва ҳоказо.

2. Ўтган дарс материаллари бўйича суҳбат.

С ў р а ш у ч у н с а в о л л а р: 1) Поянинг энига ўсиши нимага боғлиқ ва қандай боради? таблицадан кўрсатинг (ўқувчи М. ёки Д. чақирилади). 2) Иллик ҳалқаларга қараб нималарни билиш мумкин? Таблицадан кўрсатиб тушунтиринг (ўқувчи Д. ёки Х. чақири-

лади). 3) Поянинг луб қисми қандай тузилган? Таблицадан кўрсатинг (ўқувчи Х. ёки А. чақирилади). 4) Поянинг ёғочлик қисми қандай тузилган? Таблицадан кўрсатиб тушунтиринг (ўқувчи А. ёки М. чақирилади).

3) «Пояда моддаларнинг ҳаракатланиши» мавзуини ўрганиш.

1) Ҳўқувчилар! Биз кейинги дарсда поянинг ички тузилиши ва энига ўсиши билан танишган эдик. Сўралган ўқувчиларнинг жавоблари мавзунинг ўзлаштирилганлигини кўрсатади (эҳтиёжга қараб ўқувчилар жавобдаги айрим камчиликлар изоҳланади). Шунинг унутмаслик керакки, поянинг ёғочлик қисмида ҳам узун-узун найчалар бўлади. Луб қисмидаги найчалар ичида ҳар жой-ҳар жойда кўндаланг ҳолда жойлашган тўрлар бор, шунинг учун уларни тўрсимон найчалар деб аталади. Бундай тўр тўсиқлар ёғочлик найчаларида бўлмайди. Бугун биз поянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотларни билиб олгач, унинг ўсимлик ҳаётида қандай вазифа бажаришини ўрганамиз.

Дарсимизнинг мавзуси «Пояда моддаларнинг ҳаракатланиши» (мавзунинг номи доскага ёзилади).

Ҳўқувчилар! Қани эслангчи, тупроқдан шимиб олинган сув ва унда эриган тузлар илдизда қолаверадими? Нима бўлади? (Ҳўқувчилар жавоб беролмаганида ўқитувчининг ўзи тушунтиради).

Тупроқдан шимиб олинган сув ва минерал тузлар илдизда тўпланиб турмайди, улар поя ва новдалар орқали баргларигача боради.

Айтингчи, сув ва унда эриган минерал тузларнинг баргларигача бориши нима учун керак? (Ҳўқувчилар билмаса ўқитувчининг ўзи тушунтиради).

Тўғри, баргда органик модда ҳосил бўлиши учун сув ва минерал тузлар керак.

Яна айтингчи, баргларда ҳосил бўлган органик моддалар ўз жойида қолаверадими? Нима бўлади? (Ҳўқувчилардан жавоб бўлмаса, ўқитувчининг ўзи тушунтиради).

Тўғри, баргда ҳосил бўлган органик моддалар сувда эриган ҳолатда поя орқали илдиз учларигача етиб келади. Чунки илдизнинг ўсиши, унинг ҳужайраларини бўлиниб кўпайиши учун озиқ моддалар керак. Яна шунинг айтиш керакки, озиқ моддалар айрим ўсимлик

илдизларида, масалан, сабзи, шолғом, қизилча, турп кабиларда запас ҳолда тўпланди.

2) Ҳуқувчилар! Пояда моддаларнинг илдиздан барггача ва баргдан илдизгача ҳаракатланишини тажрибада кўришимиз мумкин. Шундай тажрибаларни қўйишни Ҳуқувчи Л. ва К. ларга бундан бир неча кун олдин топширилган эди. Ҳозир Ҳуқувчи Л. қўйган тажрибаси ҳақида гапириб беради.

Ҳуқувчи Л. ўз ахборотида бундан 5 кун олдин томонинг бир йиллик новдаларини кесиб олиб, кесилган томони билан идишдаги сувга солиб қўйилганлигини ва уни биология кабинетида сақлаганини, 2—3 кун ичида новдадаги куртаклардан барглар чиқа бошлагач, уларни ўша кесик томони билан қизил сиёҳ эритилган сувга солиб қўйганини айтади ва ўша новдаларни кўрсатади.

3) Ҳуқувчилар, энди Ҳуқувчи Л. қўйган тажрибанинг натижасини текширайлик (Ҳар қайси столга стакандаги бўёқли сувга солинган новда, скальпель ва дока парчаси тарқатилади).

Ҳуқувчилар! Бўёқли сувда турган новдани олиб нам жойларини дока билан артинг ва унинг остки томонидан скальпель билан 1 ёки 1,5 см қисмини кўндалангига кесинг. Кесилган жойга қаранг, бипроқ ўзгарииш борми? (Ҳуқувчилардан жавоб олинад).

Тўғри, новданинг ёғочлик қисми бўялиб қолган. Чунки сув ва унда эриган сиёҳ новданинг ёғочлик қисмидаги найлар орқали юқорига кўтарилган. Энди ўша новдадан яна бир неча бўлақлар кесинг. Кесини новданинг бўёқ чиққан жойигача давом қилдиринг. Бўёқ 2—3 кун ичида новданинг қанча қисмигача кўтарилганлигини аниқланг. Новдада бўёқ тахминан неча сантиметрга кўтарилган? (Ҳуқувчилардан жавоб олинад).

Демак, сув ва унда эриган минерал тузлар пояда секинлик билан кўтарилар экан.

Ҳуқувчилар! Сув ва унда эриган моддаларнинг новда ёғочлиги бўйлаб юқорига кўтарилишини аниқлаш учун яна битта тажриба қилиб кўрамиз. (Ҳар қайси столга биттадан тоза сувда турган новда тарқатилади).

Ушбу новданинг остки томонидан 20 см қисмини кесиб олинг, устки учини оғизга олиб ярим минутдан кўпроқ нафас тортинг. Кейин новдани стакандан олиб, бўёқда турган қисмини артинг ва бир сантиметрга

яқин қисмини кесиб кўринг. Ёғочликда қандай ўзгариш кўряпсиз? (Ўқувчилардан жавоб олинади).

Тўғри, новда учидан нафас тортганимизда стакандаги бўёқли сув ёғочли найлар орқали юқорига кўтарилган. Шундай қилиб, ҳар икки тажриба ҳам илдиз орқали тупроқдан шимилган сув ва унда эриган тузларнинг поя ёғочлигидан найлар бўйлаб юқорига кўтарилишини кўрсатади.

4) Ўқувчилар! Маълумки, баргларда ёруғда крахмал каби органик моддалар ҳосил бўлиб туради. Улар баргда узоқ сақланмайди, балки поя бўйлаб ҳаракатланади. Поя бўйлаб моддаларнинг ҳаракатланиши учун улар сувда эриган бўлиши керак. Крахмал эса сувда эримайди. Шунинг учун у баргда шакарга айланади. Шакар сувда эрийди. У поя бўйлаб ўсимликнинг барча орган ва ҳужайраларига тарқалади. Маълумки, кўпгина ўсимликларнинг, масалан лавлаги, сабзи кабиларнинг илдиз меваларида, баъзи ўсимликларнинг мева ва уруғларида, айримларининг пояларида шакар кўп бўлади. Бу шакар барглардан келгандир.

5) Баргда ҳосил бўлган органик моддалар поянинг қайси қисми бўйлаб ҳаракатланади ва қайси органларга тарқалади? Буни биз ўқувчи К. қўйган тажриба натижасини кузатиб билишимиз мумкин. Ҳозир ўқувчи К. тажрибани қандай қўйганлигини айтиб беради. (Ўқувчи К. ўз ахборотида бундан 20 кун олдин тоғ дарахтидан 30 та бир йиллик новда олиб; уларни кесик томон билан идишдаги сувга солиб қўйгани ва биология кабинетига сақлаганини, 2—3 кун ичида новдаларда барглар чиқа бошлагач 15-новданинг пастки учидан бироз юқорироғидан пўстлоғини ҳалқа шаклида кесиб олганини, кейин новдаларни сувли стаканга кесилган жойини сувга тегмайдиган қилиб қўйганини, 15—18 кун ичида пўстлоғи ҳалқа тарзида кесилмаган новдаларнинг сувда турган учиде, пўстлоғи ҳалқа тарзида кесилган новдаларнинг эса пўстлоғи кесилган жойининг юқорисидан илдизлар чиққанини баён қилади.)

6) Ўқувчилар! Мана бу пўстлоғи ҳалқа шаклида кесилган ва кесилмаган ҳамда сувда сақланган новдаларни кўриб чиқинг. (Ҳар бир столга шундай новдадан биттадан тарқатилади).

Илдизчалар қайси новданинг қаеридан чиқибди? (Ўқувчилардан жавоб олинади.)

Тўғри, пўстлоғи ҳалқа шаклида кесилмаган новда-

нинг пастки учидан, пўстлоғи ҳалқа шаклида кесилган новданинг кесик жойи юқорисидан илдизчалар чиққан. Шу кесикнинг пастидан илдизчалар чиқмаган. Нима сабабдан шундай бўлган. (Ўқувчилардан жавоб олинади.)

Тўғри, пўстлоғи ҳалқа шаклида кесилганлиги туфайли озик моддалар новдадаги ҳалқасимон кесикнинг пастига, яъни новданинг пастки учига кела олмаган. Бундай илдизчаларнинг ўсиб чиқиши учун зарур бўладиган органик моддалар пўстлоқ бўйлаб ҳаракатланади, деган хулоса чиқади. Ҳақиқатан ҳам озик моддалар эритмаси ўсаётган новда ва илдизларга, гул ва меваларга пўстлоқнинг луб қисмидаги тўрсимон найчалари орқали боради.

Шундай қилиб, озик моддалар, илдиз, поя, баргларининг ўтказувчи тўқималари орқали бир органдан иккинчисига ҳаракатланади. Агар илдизлар тупроқдан сув ва минерал тузларни етарли олмаса, баргларида органик моддалар кам ҳосил бўлади. Озик моддалар етарли бўлмаганда ўсимлик органларидаги ҳужайралар толиқиб қолади, натижада ўсимлик яхши ривожланмайди.

4. Ўқувчилар! Энди мана шу кинофильмни кўринг. («Поянинг тузилиши ва ўсимликда моддаларнинг ҳаракатланиши» номли кинофильмнинг иккинчи қисми кўрсатилади.)

Энди дарсада олинган билимларимизни текшириб кўрайлик:

1. Пояга сув ва унда эриган минерал тузлар қаердан ўтади ва унинг қайси қисмида ҳаракатланади?

2. Поянинг ёғочлигида сув ва унда эриган минерал тузларнинг ҳаракатланиши қайси тажрибалар билан исбот қилинади?

3. Органик моддалар ўсимликнинг қаерида ҳосил бўлади ва улар қандай ҳолда, нималар орқали бошқа органларга тарқалади?

4. Барга ҳосил бўлган органик моддалар қайси органларга боради ва нима учун хизмат қилади?

Шундай қилиб, биз бугунги дарсада ҳар хил моддалар поянинг турли қисмларида, яъни сув ва унда эриган тузлар ёғочлик найчалари бўйлаб, органик моддалар пўстлоқнинг луб қисмидаги тўрсимон найчалари орқали ҳаракатланишини аниқ билдик. Бу сизларнинг жавобларингиздан маълум бўлди. (Кейин жавоб бе-

ришда қатнашган ўқувчилар билими изоҳланиб, уларга қўйилган баҳолар эълон қилинади).

5. У й в а з и ф а с и: 45- параграфни ўқиб ўрганиш; параграф охиридаги саволларга жавоб тайёрлаш; топ-шириқларни бажариш; келгуси дарсга бир дона бош пиёз олиб келиш.

Режа-конспект кўриб чиқилди:
Мактаб биология ўқитувчиси

ИМЗО _____

189 _____

4- §. Дарс ўтиш

Бунда олдинги параграфда дарсга тайёрланишнинг умумий масалалари ёритилганди. Энди дарснинг айрим элементларини тайёрлаш ва уни амалга ошириш тўғрисида батафсил тўхтаймиз. Чунки дарснинг айрим қисмларини тайёрлаш ва уларни амалга оширишда талаба-практикантлар жиддий қийинчиликларга дуч келадилар (IV боб, 2- §.).

Дарснинг бошланиши. Дарс бир қатор ташкилий ишларни амалга ошириш билан бошланади. Бу ишларнинг қанчалик мақсадга йўналган ҳолда бажарилиши дарснинг кейинги қисмларини муваффақиятли ўтиш учун замин бўлади. Чунки дарснинг ташкилий қисмида ўқувчилар ўқув ишларига сафарбар қилинадилар, улар онгидаги дарсга боғлиқ бўлмаган ва унга халақит берувчи факторлар четлатилади. Синфнинг диққат-этибори дарсга жалб қилинади. Бинобарин тайёрланишда талаба-практикант унинг ташкилий қисмини қандай тарзда ўтказиш ҳақида батафсил ўйлаб олиши ва аниқ режалар белгилаши керак.

Дарснинг ташкилий қисми ўқитувчининг синфга кىриши билан бошланади. Ўзаро саломлашишдан кейин ўқитувчи синфни кўздан кечиради ва бунда ўқувчилар интизомига алоҳида этибор беради, тартибни бузаётган ўқувчиларга танбеҳ бериб, уларни интизомга чақиради.

Ташкилий ишлар тизимида ўқувчилар давоматини аниқлаш ҳам муҳим ўрнни тутади. Агар талаба-практикант ўқувчиларни яхши таниб олган бўлса, у дарсга келмаганларни синф навбатчисининг оғзаки ахбороти асосида журналда белгилайди. Шунингдек, давомат

навбатчи ёзиб қўйган рапортга қараб аниқланиши мумкин. Бу услуб ташкилий ишларга ажратилган вақтни тежаш имконини беради.

Шундан кейин ўқитувчи ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини кузатади. Жумладан столда дарсга дахлсиз ва унга халақит берадиган нарсаларнинг бўлмаслигини, дарслик ва дафтарнинг ёпиқ ҳолда туришини таъминлайди. Шубҳасизки, ташкилий ишларнинг ҳар бири конкрет шароит тақозо қилгандагина амалга оширилади.

Дарсда сўраш. Дарснинг ташкилий қисмидан кейин кўпинча сўраш режалаштирилади. Унинг воситасида ўқувчилар билими текширилади, мустақамланади ва баҳоланади. Бундан ташқари сўраш ўрганиладиган ўқув материални олдинги дарсга боғлаш имконини беради. Сўраш давомида уй вазифасининг бажарилишини текшириш ҳам назарда тутилади. Одатда ҳар бир дарсда ўртача 3—4 ўқувчидан сўралади ва уларнинг билими баҳоланади.

Сўраш дарснинг анча қийин қисмидир. Чунки унда бир-бирига боғланган бир неча вазифа бажарилиши керак. Шунинг учун ҳам талаба-практикантлар сўраш методикасини эгаллашда анча қийналадилар. Асосий қийинчилик шундан иборатки, сўраш жараёнида талаба-практикант бир вақтнинг ўзида ҳар хил моментларни ўз эътибори доирасига қамраб олиши керак. Бунда ўқувчи жавобини диққат билан тинглаш ва фикран уни таҳлил қилиб бориш, яъни ўқувчи билимини қанчалик тушунарлилигини аниқлаш керак бўлади. Бошқача айтганда ўқувчи билимининг тўлиқлиги ва сифатини аниқлаш, жавобнинг тўғри ва нотўғрилигини ёки ноаниқлигини белгилан назарда тутилади. Сўрашда жавобни тинглаш билан бир пайтда сифтни кузатиб бориш, барча ўқувчилар эътиборини суҳбатга жалб қилиш керак бўлади. Шундай экан, талаба-практикант дарсга тайёрланишида унинг сўраш қисмини қандай ўтказиш ҳақида жиддий ўйлаб чиқиши керак.

Талаба-практикант аввал ўқувчилардан нимани сўрамоқчи бўлганини аниқ тасаввур қилмоғи лозим. Шунингдек, сўрашни қандай мақсадда ўтказилишини белгилаш зарур. Маълумки, сўраш икки хил ўтказилиши мумкин: а) бутун сифтни яъни сўраш; б) айрим ўқувчилардан тўлиқ ва тугалланган ҳикоя тарзида жавоб олиш учун сўраш.

Сўрашнинг биринчи хили дарсда кўпчилик ўқувчиларни жавоб беришга жалб қилиш ва бутун синфнинг фаоллигини таъминлаш имконини беради. Лекин бунда кўпгина майда саволларга олинган жавобларда синфнинг умумий ўзлаштириш даражасига маълум бўлади холос. Ҳар бир ўқувчининг билим сифатини аниқлаш мумкин бўлмайди, бундан ташқари ўқувчиларда ўз фикрларини ҳикоя тарзида баён қилиш кўникмалари ривожлантирилмайди. Шунинг учун ҳам дарсда кўпроқ сўрашнинг иккинчи хилидан фойдаланилади.

Шундай қилиб, талаба-практикант юқоридаги мулоҳазага қараб, сўраш учун саволлар тузади. Саволлар кўпинча ўтган дарс материаллари юзасидан тузилади ва бунда ўқувчилар эътибори ўқув материалнинг энг муҳим масалаларига қаратилади. Бироқ ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Баъзан ўрганилаётган мавзу мазмунига мантиқий боғлиқ бўлган, илгариги дарсларнинг ўқув материали бўйича сўраш эҳтиёжи туғилади ва бундай ҳолларда шу билимларга оид тегишли саволлар тузилиши лозим. Саволларнинг мазмун ва характер жиҳатидан ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мувофиқ бўлиши жуда муҳимдир. Чунончи, V—VII синфлар учун бирмунча конкрет ва унча мураккаб бўлмаган саволлар тузиш тавсия қилинади. Масалан, бактериялар тўғрисидаги саволни «Бактериялар ҳақида билганингни айтиб бер» деб бериш албатта мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай саволга VII синф ўқувчисининг тўлиқ жавоб бериши қийин. Бу саволни бир-бирига боғланган аниқ қисмларга ажратиш ва шундан кейин алоҳида саволлар тарзида изчиллик билан бериб бориш керак. Масалан, «Бактериялар қандай тузилган?», «Озиқланишига қараб бактериялар неча хил бўлади?», «Бактериялар қандай?», «Бактериялар ҳаёти учун қандай шароит керак?», «Қишлоқ хўжалигида бактериялар қандай аҳамиятга эга?», «Саноатнинг қайси соҳаларида бактериялардан фойдаланилди?», «Қасаллик туғдирувчи бактерияларга қарши қандай курашилади?» каби саволлар бериш талабга анча мувофиқ келади ва уларнинг ҳар бири ёки жуфтини биттадан ўқувчига берилиши мумкин.

Сўраш учун ўқувчи тафаккурини ривожлантиришга қаратилган муаммоли саволлар тузилиши фоят аҳамиятлидир. Чунончи, ботаника ёки зоология дарсларида ўрганилаётган объектларни таққослаб, улар ўртасидаги

Ўхшашлик ва тафовутларни топишга қаратилган саволлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, «Ловия уруғи билан буғдой уруғи ўртасида қандай ўхшашлик бор?», «Буғдой уруғи ловия уруғидан нимаси билан фарқ қилади?», «Мохлар билан сув ўтлари ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқлар бор? каби саволлар маълум муаммони ҳал қилишга қаратилгандир.

Сўрашда назариянинг амалиётда қўлланилишини ифодалайдиган саволлардан ҳам фойдаланиш керак. Масалан, «Нима учун ҳар хил йирикликдаги уруғлар турли чуқурликда экилади?», «Тупроқ нима учун юмшатилади?», «Нима учун теплицадаги ўсимликлар электр ёруғлигида ўстирилади?» кабилар шундай саволлар жумласидандир.

Юқори синфларга кўтарилган сари саволларнинг хараكتери мураккаблашиб боради. Улар ўқувчини атрофлича фикр ва мулоҳаза юритишга, фактлардан хулосалар чиқаришга ва қонуниятларни изоҳлашга йўналтириладиган бўлиши керак.

Дарсни ўтишда савол синфдаги ҳамма ўқувчиларга қарата берилди. Жавоб эса биров пауза ўтгач, айрим чақирилган ўқувчидан, яъни индивидуал тарзда олинди. Пауза ўқувчиларга ўз жавобларини ўйлаб олишга имкон беради. Ҳамма вақт ўқувчидан қўйилган саволга тўлиқ тарзда жавоб бериш ва бунда тегишли натураал ҳамда тасвирий қуроллардан фойдаланишини талаб қилиш керак. Шу пайтнинг ўзида сўраш ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги диалогга айланиб қолмасин.

Ўқувчи жавобини тинглашда талаба-практикант сабр-тоқатли бўлиши керак. Жиддий зарурат бўлмаганда ўқувчи жавобини кераксиз қўшимча саволлар билан бўлавериш ярамайди. Бу ҳол ўқувчининг ўз фикрини изчил баён қилишга халақит беради, натижада ўқувчи жавоби бўш чиқади ва унинг билим сифати аниқланмай қолади. Баъзан ўқувчидан тегишли жавоб олинавермагач, унинг учун талаба-практикантнинг ўзи жавоб бера бошлайди. Бу ҳам тўғри эмас. Ўқувчи жавоб беришга қийналаётган пайтда унга тегишли йўналтирувчи саволлар бериш мақсадга мувофиқдир. Аммо шунинг назарда тутиш керакки, йўналтирувчи саволлар воситасида ҳеч вақт тўлиқ жавоб олинмайди, улар ўқувчи мустақиллигини чегаралаб қўяди. Шунга кўра бу услуб айрим ҳоллардагина, ҳақиқатдан ҳам ўқув-

чи учун жавоб бериш қийин бўлган вақтдагина қўлланилиши мумкин.

Сўрашда ўқувчи жавобини синфдаги барча ўқувчилар диққат билан тинглаб, ундаги хатолик ва бошқа камчиликларни аниқлаб борсинлар. Ўқувчи жавоби тугагач, ўқитувчи ундаги хатоликни тузатиши, агар жавоб тўлиқ бўлмаганда уни тўлдиришни таклиф қилиб синфга мурожаат қилади ва сўрашда бошқа ўқувчиларнинг иштирокини таъминлайди. Бундай тартиб ўқувчиларни ўртоқларининг жавобини диққат билан тинглашга, сўралаётган масалани ўйлаш ва мулоҳаза қилишга йўналтиради. Сўраш жараёнида ўқувчи билими билан бир қаторда унинг амалий ўқув ҳамда кўникмалари ҳам текширилади. Бунинг учун синаладиган ўқувчига бирор амалий иш бажариш топширилади. Масалан, вақтинчалик микропрепарат тайёрлаш ва уни микроскоп ёки штативли лупада кўриш, пўстлоғи осон ажраладиган янги новдага куртак пайванд қилиш, биринчи медицина ёрдами кўрсатиш, пульсни санаш каби ишлар бўйича ўқувчиларнинг амалий ўқув ҳамда кўникмалари синалиши мумкин.

Баъзан вақтни тежаш мақсадида сўрашни тизимлаштирилган ҳолда ўтказиш тажрибаси ҳам қўлланилади. Бунда бир пайтнинг ўзида 2—3 ўқувчи чақирилади. Бир ўқувчи саволга оғзаки жавоб берса, иккинчиси доскада биологик масала ечади ёки схематик расм чизади ҳамда уни изоҳлайди, учинчиси эса амалий иш бажаради.

Дарсда сўраш уй вазифасининг бажарилишини текшириш билан олиб борилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ўқувчи жавоб бериш пайтида уйда бажарган ишларини кўрсатади ва ўз жавобида ундан фойдаланиши мумкин. Жавоб беришда қатнашмаган ўқувчилар бажарган уй ишларини стол устига қўядилар. Ўқитувчи уларни жавоб тинглаш пайтида стол ораларидан юриб кузатиб боради. Тўғри, бунда уй вазифасининг бажарилиш сифатини аниқлаб бўлмайди. Аммо уларнинг бажарилгани ёки бажарилмаганини ҳисобга олиш мумкин бўлади. Бу эса уй вазифасини бажармаган ўқувчиларга танбеҳ бериш учун асос бўлади. Уй вазифасининг бажарилиш сифатини ўқитувчи ўқувчи ишларини йиғиб олиб, дарсдан ташқари вақтда аниқлайди ва натижани дарсда эълон қилади.

Сўраш давомида ҳар бир чақирилган ўқувчининг

жавобни, амалий иши ва уй вазифасининг бажарилиши ҳолатига қараб баҳоланиши керак (VI бобга қараи). Айрим ҳолларда ёрдамга чиққан ва ўртоқларининг жавобига камчиликини тўғрилаб, уни тўлдирган ўқувчиларга ҳам баҳо доим фаол қатнашишга рағбатлантиради.

Шундай қилиб, талаблар савиясида ўтказилган сўраш, уй вазифаси бажарилишини текшириш ўқувчиларни системали равишда ишлаб боришга, ўртоқларининг жавобини диққат билан кузатиб боришга мажбур қилади ва улар томонидан дастур материалларини пухта ўзлаштириб олиншини қулайлаштиради.

Дарсда янги мавзунини ўтиш. Сўраш тугаллангач, дарснинг асосий қисми — янги мавзунини ўтишга киришилади. Бунда аввал сўрашга мантиқий яқин ясаш асосида ўтган дарсда берилган билимлар билан янги мавзу боғланади, айниқса дарс материалларини ўрганиш учун асос бўладиган маълумотлар умумий тарзда таъкидланади. Шунингдек, дарс мавзунини ва мақсад эълон қилинади, айрим ҳолларда юқори синф ўқувчилари мавзунини ўрганиш режаси билан таништирилади. Дарс мавзунини доскага ёзиб қўйиш жуда муҳимдир.

Янги мавзу хилма-хил метод ва методик услублар воситасида ўрганилади. Аммо билим асосан сўзлаш (ҳикоя, тушунтириш, суҳбат ва юқори синфларда мавзу) методлари билан баён қилинади. Бунда ўқитувчи етакчи шахсдир. Талаба-практикант ана шу методлар билан дарс ўтишга тайёрланганда жонли сўзнинг ғоят қудратли таълим ва тарбия воситаси эканлигини назарда тутиши керак. Айниқса, ҳикоя, тушунтириш ва маъруза ўқитувчининг нутқи адабий жиҳатдан тўғри, саводли, шу пайтнинг ўзида содда ва аниқ, ўқувчилар учун тушунарли ҳамда мураккаб ифодалардан ҳоли бўлсин. Бинобарин талаба-практикант ўз нутқининг сифатини тобора ошириб боришга, шундай қилиб нутқ маданиятини пухта эгаллашга ҳаракат қилиши керак. Масала шундаки, ўқув материалларини ёрқин, тасвирий ва қизиқарли баён қилиш синфни ўзига жалб қилади, ўқувчиларни беихтиёр ўрганилаётган масала атрофида фикр юритишга йўналтиради ва уларда билимга қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам талаба-практикантнинг баёни ҳар доим ўқувчиларга намуна бўлиши керак. У ўқув материалларини изчиллик билан илмий мазмунда ва дастур доирасида баён қилиши лозим. Шу пайтнинг

Ўзида билим ўқувчилар учун тушунарли ва қизиқарли бўлсин. Бу талабларнинг ҳаммаси талаба-практикант зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўқув материални баён қилишда албатта дастур талабларига амал қилинади. Бироқ баъзан талаба-практикантлар айрим дастур масалаларининг мазмунини ўзларича қисқартириб юборадилар ва шунинг ҳисобига бошқа маълумотларни кенг ёритадилар. Бундай ўзбошимчаликка йўл қўймаслик керак.

Янги мавзунини тушунтириш ёки ҳикоя қилиш аниқ режа асосида изчиллик билан бориши керак. Баённинг дарслик текстидаги изчилликда бориши кўпинча мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўзаро боғланиш ўқувчиларнинг дарслик билан ишлашини, сўрашдаги саволларга тўлиқ ва мазмунли жавоб беришларини қулайлаштиради.

Талаба-практикант ҳикоя ёки тушунтириш (юқори синфлардаги маъруза) жараёнида ўз фикрларини мантиқий равишда ривожлантириб бориши лозим. Мавзу мазмунидаги энг муҳим, асосий маълумотларни алоҳида гавдалантириш ва улар устида батафсил фикр юритиш, баённи бир-бирига узвий боғланган қисмларга бўлиб, уларнинг ҳар бирига тугалланган хулоса бериб бориш фойда муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси баён қилинаётган ўқув материалларини ўқувчилар томонидан диққат билан қабул қилиб олиншини таъминлайди.

Баён давомида ўқувчиларга реакцияни (диққат ва қизиқишни), яъни ўқувчилар қандай тинглаётганликларини кузатиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳамиша ўқувчиларнинг фаол диққатини таъминлаш чорасини кўриб бориш лозим. Бунга эришишнинг асосий омилларидан бири баён қилинаётган ўқув материални ўқувчилар учун тушунарли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Баёнда дарслик мазмунини тўлдирувчи қизиқарли факт ва мисолларни ёритиб бориш ҳам унга ўқувчилар эътиборини жалб қилишга ёрдам беради. Аммо зарурат бўлмаганда дарсликдан жиддий чекиниш ярамайди. Аксинча ҳар доим фақат дарслик мазмуни билан чекланиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Баъзан ҳикоя ёки тушунтириш давомида айрим ўқувчиларнинг эътиборсизлиги, бирор бошқа иш билан бандлиги ёки ўзаро сўзлашаётганлиги кузатилади. Бундай ҳолларда ўқитувчининг баландроқ овоз билан гапира бошлаши ёки гапини бир нуқтага етказиб, пауза

бериши ўқувчилар эътиборини баёнга тўла жалб қилиш имкониятини беради.

Дарсда ўқитувчининг ҳикояси, тушунтириши ҳар хил объект, тасвирий кўргазмали қурол ва тажрибаларни намойиш қилиш билан бирга бориши керак.

Янги мавзунинг ўтишда суҳбат ҳам кенг қўлланилади. Кўпинча дарсда бу метод ўқитувчининг ҳикояси ва тушунтириши билан навбатлашган ҳолда қўлланилади. Улар бир-бирини тўлдирди.

Айрим ҳолларда дарс мавзунинг ўқувчиларни ташкил қилиш билан ўтилади. Бунда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тегишли табиий объектларни таниб олиш ва аниқлаш устида амалий иш бажарадилар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётини кузатадилар, тажрибалар ўтказиладилар. Ана шундай мустақил амалий ишлар жараёнида дастур материалли ўзлаштирилади. Лаборатория машғулоти давомида тушунтириш ва суҳбат методлари ҳам маълум даражада қўлланилади, чунки буларсиз машғулоти самарали ўтмайди.

Ўқитувчи мавзу мазмунини тушунтиришда синф доскасида албатта фойдаланади. Унга ўқитувчи тилга олган янги атамалар ва уларнинг луғавий маъносини, рақамларни ёзиб боради, масала моҳиятини тушуниб олишга ёрдам берувчи расм ва схемаларни чиқиб кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг ўқув материаллини яхши тушуниб олишини қулайлаштирилади.

Дарсда суҳбат ўтказиш, кўрсатиш, лаборатория машғулоти уюштириш ва синф доскасида фойдаланиш ҳамда бошқа масалалар кейинги махсус параграфларда батафсил ёритилади.

Янги мавзу қандай тарзда ўтилишидан қатъи назар дарснинг бу моменти тегишли мантиқий хулосалар билан якунланиши керак. Бунда баён қилинган маълумот ва фактлар, кузатилган ҳодисалар, бажарилган амалий ишлар асосида мустақил хулосалар чиқариш ва умумлаштиришни ўқувчиларнинг ўзларига таклиф қилиш ҳамда уларнинг фикрини тинглаш айниқса фойдали бўлади.

Дарсда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш. Дарсда янги ўқув материаллини ўрганиш уни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Дарс мавзунинг қанчалик самарали метод ва методик услублар воситасида ўтилган бўлса ҳам, кўпинча уни мустаҳкамлашга зарурат туғилади. Чунки ўқувчилар мавзу материаллини қанчалик

тушуниб олган бўлмасинлар, агар у тегишли йўллар билан мустаҳкамланмаса, билим тезда унутилади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг дарсда мавзу материалларини қанчалик ўзлаштирганликларини аниқлаш ҳам назарда тутилади.

Дарсда ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш қўп ҳолларда мавзу материалларини ўрганиш якунида амалга оширилади. Бироқ педагогик касбни энди ўргана бошлаган талаба-практикантлар ва, шунингдек, ёш ўқитувчилар янги мавзунини ўрганиб бўлгач, уйга вазифа берадилар. Шундай қилиб, уй вазифасини ўқувчилар томонидан аниқлаб олиншини ва уни тўлиқ бажаришини таъминлайди.

Биология дарсларида ўқувчилар билими хилма-хил усуллар билан мустаҳкамланади. Савол-жавоб, мустақил ва лаборатория ишлари ташқари қилиш, айрим кўргазмалар курали ҳамда ўқув фильмларини кўрсатиш, дарслик билан ишлашни ташқари қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Дарсда билимининг қайси усули билан мустаҳкамлаш аввало ўрганилган мавзу мазмунига қараб ҳал қилинади.

Мактаб биология курсини ўқитиш жараёнида ўқувчилар билими дарсда қўпинча савол-жавоб методи билан мустаҳкамланади. Бунда ўрганилган мавзунинг асосий факт ва тушунчалари ўқувчилар иштироки билан такрорланади ва улар хотирасида мустаҳкамланади. Дарсда билимининг мустаҳкамлаш учун вақтнинг чегараланган бўлиши ўтилган мавзунинг энг муҳим ва асосий масалаларини такрорлаш зарурлигини тақозо қилади. Иккинчи даражали ва ёрдамчи характердаги маълумотлар асосий тушунчаларни тўсиб қолмаслиги учун тушириб қолдирилиши мумкин.

Дарснинг мустаҳкамлаш қисмини амалга ошириш мактабда энди иш бошлаган ёш ўқитувчилар учун ва айниқса талаба-практикантлар учун анча қийин. Бу ишда улар жиддий хатоларга йўл қўядилар. Чунинчи талаба-практикант янги мавзу мазмунини баён қилиб бўлгач, бир ўқувчининг чиқариб, ундан баён қилинганларнинг ҳаммасини тўлиқ айтиб беришини талаб қиладилар. Шубҳасизки, ўқувчи бунини уйдалай олмайди. Жавоб юзакли, тарқоқ ва тартибсиз бўлади. Ўқувчи фақат ўз хотирасида сақлаб қолган маълумотларнигина гали-

ради, холос, чунки унда билим ҳали пухта ўзлаштирилмаган бўлади. Бу ҳол ўз навбатида мустаҳкамлашнинг паст савияда ўтишга сабаб бўлади. Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун мустаҳкамлашни аниқ саволлар бўйича ўтказиш керак бўлади. Масалан, VIII синф «Зоология» бўлими бўйича дарс қушларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни баён қилиб бўлгач, ўқитувчи ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу саволларни ҳал қилиши мақсадга мувофиқ бўлади: 1. Дастлабки (ибтидоий) қушнинг қолдиқлари қандай ҳолда топилган? 2. Дастлабки қушнинг тузилишидаги қайси белгилари унинг қушларга мансублигини кўрсатади? 3. Дастлабки қушда судралувчиларга хос қайси белгилар сақланиб қолган? 4. Дастлабки қушнинг тузилишига қараб, қушларнинг келиб чиқиши тўғрисида қандай хулоса чиқарса бўлади? Шундай аниқ саволлар бўйича билимни мустаҳкамлаш ўқувчиларга уйда дарслик билан ишлашлари учун ҳам муҳим йўлланма бўлади. Агар ўқувчи дарс давомида дастлабки қушнинг судралувчилар ва қушларга хос ҳамма белгиларини тўла эсда қолдира олмаган бўлса, шубҳа йўқки, уларни дарслик билан ишлаш жараёнида тўлиқ ва пухта билиб олади.

Билимни мустаҳкамлашда ёш ўқитувчилар ва талаба-практикантлар кўп йўл қўядиган иккинчи хил жиддий камчилик шуки, уларда дарсда ўтилган янги ўқув материални барча таассуротлар билан тўлиқ такрорлашга, мавзунинг ҳамма «икир-чикирлари»ни қамраб олишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар дарс охиригача ўрганилган ўқув материалнинг бир қисмининггина такрорлаб улгурадилар холос, мустаҳкамлаш охиригача етмай қолади. Талаб шуки, талаба-практикант ўз эътиборини ўтилган мавзунинг энг муҳим ва асосий материалларини такрорлашга қаратиши керак. Бу талаб мустаҳкамлашга чегараланган вақт (5—10 минут) ажратилиши билан тақозо қилинади. Шунга кўра талаба-практикант дарсга тайёрланаётганида ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун бериладиган саволларни атрофлича ўйлаб тузиши керак, токи ажратилган вақт давомида ана шу саволлар орқали ўрганилган мавзунинг асосий материалларини такрорлаб улгуриш мумкин бўлсин.

Билимни мустаҳкамлаш жараёнида мавзунинг ўтишда фойдаланилган табиий ва тасвирий кўргазмаларни қуроли-

ларни иккинчи марта кўрсатиш талаб қилинади. Қўйилган саволга тегишли кўрғазмали қуролдан кўрсатиб жавоб бериши лозим.

Билимни мустақкамлаш борасида ўтказиладиган суҳбатга синфдаги барча ўқувчиларни жалб қилиш муҳим талаблардан ҳисобланади. Бунинг учун бутун синфни суҳбатга жалб қилишнинг умумий услубларидан, чўнончи, саволни бутун синфга қарата бериш ва жавобни индивидуал (якка) тарзда олиш, нотўғри жавобни тузатишга бошқа ўқувчиларни тортиш, қўшимча саволлар бериш, синфдаги барча ўқувчилар диққатини кузатиб бориш кабилардан фойдаланилади.

Мустақкамлаш савол-жавоб усули билан олиб берилганда ўқувчиларнинг шу ўтилган мавзунини қанчалик ўзлаштирганликлари ҳам аниқланади. Бунга эришиш учун суҳбатга кўпроқ ўқувчиларни жалб қилиш ва берилаётган жавобни ҳамма ўқувчилар томонидан диққат билан тингланишини таъминлаш керак.

Баъзи дарсларда билимни мустақкамлаш учун мавзунини ўрганиш якунида ҳар хил мустақил ишлар (дарслик билан ишлаш, дидактик жадваллар тўлдириш, масалалар ечиш ва ҳ. к.) ташкил қилиниши ҳам мумкин. Айрим дарсларда эса мавзунинг осонлиги туфайли ўқувчилар ўқув материали баён қилиниши биланоқ яхши ўзлаштириб олган бўладилар ва бундай ҳолларда билимни мустақкамлашга эҳтиёж қолмайди.

Умуман билимни мустақкамлаш методлари дарс мазмунига қараб белгиланади. Талаба-практикант дарсга тайёрланишида мустақкамлашни қандай тарзда ўтказишни белгилаб олади. Агар суҳбат воситасида билимни мустақкамлаш мўлжалланса, бунинг учун талаба-практикант тегишли саволлар тузади, нечта ўқувчи ва кимлардан сўрашни белгилайди. Бунда ўртача ва бўшроқ ўқувчилардан сўраш, бўш ўқувчининг жавобини кучли ўқувчи томонидан тўлдирилиши режалаштирилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси дарснинг режа-конспектида ифодаланган бўлиши керак.

Баъзан талаба-практикантнинг тажрибасизлиги туфайли мавзу мазмуни тез баён қилинади, эсидан чиқиб айрим маълумотлар туширилиб қолдирилади ва натижада вақт ортиб қолади, қўнғироқ чалинишини зориқиб кутишдек қўнғилсиз дақиқалар бошланади ва ҳар бир дақиқа соатларга тенгдек ҳис этилади. Талаба-практикантлар ана шундай ҳолатлар содир бўлиши

мумкинлигини ҳисобга олиб, тадбирлар белгилаши керак. Чунончи, қўшимча саволлар воситасида фронтал суҳбат ўтказиш, мустақил ишлар ташкил қилиш кабилар ана шундай тадбирлар жумласидандир.

Шундай қилиб, дарсда мустақамлаш ўтказишнинг барча тафсилотлари режа-конспектда акс эттирилмоғи лозим.

Уйга вазифа бериш. Педагогик практикада талаба-практикантларга янги мавзунинг ўтиб бўлингач, уйга вазифа бериш тавсия қилинади.

Уйга вазифа бериш дарснинг таркибий қисмидир. Уй вазифасини бажариш орқали ўқувчилар дарсда ўтилган ўқув материални чуқурроқ ва пухта ўзлаштириб оладилар, уларнинг билими мукамаллашади. Ҳар сафар уй вазифасини бажариш билан ўқувчилар мустақил иш бажаришга ўрганиб борадилар, берилган топшириққа нисбатан уларда масъулият ҳисси, эътибор, хотира, ирода, характер тарбияланади, ижодкорликка интилиш шаклланади. Бунга уй вазифаси бериш ва унинг бажарилишини методик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш билан эришиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам уй вазифаси мақсадга йўналган ҳолда ташкил қилинганда уни ўқувчилар зўр иштиёқ ва қизиқиш билан бажарадилар ва шу орқали улар дарс материални пухта ҳамда оғли равишда ўзлаштириб олиш имкониятига эга бўладилар.

Дарсда ўқувчиларга бериладиган уй вазифасининг мазмунини ҳаят хилма-хилдир. Бунда дарсликнинг тегишли параграф текстини ўқиб ўрганиб келиш уй вазифасининг асосий ва долмия тури ҳисобланади. Бироқ «ўқиб келиш» талабининг ўзи матн мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинишини тўла таъминламайди, балки уларнинг дарсликда ёзилганларни кўпинча ёдлаб келишларига сабаб бўлади. Бундай ҳолнинг олдини олиш учун кўпинча параграф текстининг охиридаги саволлардан фойдаланилади. Баъзан уй вазифаси таркибига илгариги дарсларда ўқиб такрорлаб келиш талаби ҳам киритилиши мумкин.

Агар дарсда ўтилган мавзу мазмун жиҳатидан мураккаброқ бўлса, уни ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштириб олинишини осонлаштириш учун дарсликдаги тегишли расм ва схемаларни биология дафтарларига чизиб келишни уй вазифаси қилиб бериш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, «Поянинг ички тузилиши»

(VI синф), «Ёмғир чувалчангининг ички органлари» (VII), «Организмда қон ва лимфанинг ҳаракати» (IX синф), «Нуклеин кислоталар» (XI синф) каби мавзуларнинг ўқув материални пухта ўзлаштириб олишда дарсликдаги айрим схематик расмларни биология дафтарларига чизиб катта ёрдам беради. Аммо бундан ҳамма дарсларда уй вазифаси сифатида дарсликдаги расмларни чизиб келишни топшириш керак деган хулоса келиб чиқмайди.

Кўпчилик ҳолларда дарсликдан ўқиб келиш билан бирга уй вазифаси қилиб, ўсимлик ёки ҳайвон ҳаётини, табиат ҳодисаларини кузатиш, улар устида тажрибалар ўтказиш, ҳар хил биологик материаллар йиғиш ва уларни расмийлаштириш кабилар топширилади. Бундай вазифалар ўқувчилардан ҳаётий ҳодисаларни диққат билан ўрганиб боришни, аниқланган фактларни ўз вақтида ва мунтазам ёзиб боришни талаб қилади. Бу ишларни бажариш бир неча ҳафта мобайнида давом этиши мумкин.

Айрим мавзулар бўйича уй вазифаси қилиб амалий характердаги ишлар ҳам топширилиши мумкин. Бунда ўқувчиларнинг шу ишга назарий ва амалий тайёргарлиги ҳисобга олинмоғи лозим.

Уй вазифасининг самарадорлигини таъминлаш учун бир қатор муҳим қондаларга риоя қилиш талаб қилинади.

Аввало уй вазифаси ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилмоғи лозим. Бу талаб уй вазифасининг мазмуни ва турларини олдиндан ўйлаб белгиланишини тақозо қилади. Ҳар сафар бериладиган уй вазифаси бир хил бўлмаслиги ҳам муҳимдир. У мазмун жиҳатидан хилма-хил бўлиши керак. Хилма-хил характердаги уй вазифаларини ўқувчилар қизиқиш билан, онгли равишда ва сиздиқ билан бажарадилар, натижада уларда ўқишга онгли муносабат шаклланиб боради. Аксинча, бир хил тарздаги уй вазифалари хоҳишсиз, зўрма-зўраки ва ҳол-бақудрат бажарилиши турган гап.

Уй вазифаси ўзининг ҳажми ва осон-қийинлиги жиҳатидан ўқувчилар урдадай оладиган, яъни оптимал ҳолда бўлсин. Уни бажариш ўқувчидан ҳаддан ташқари кўп вақт талаб қилмасин. Одатда V—IX синф ўқувчилари учун ҳар бир ўқув предмети, жумладан биология бўйича дарсда бериладиган уй вазифасининг 20—30

минутга мўлжалланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўз-ўзидан маълумки, юқори синфларда уй вазифасининг бажарилиши кўп вақт талаб қилади.

Уй вазифасининг муваффақиятли бажарилиши унинг талабларини ўқувчилар томонидан аниқ пайқаб, тушуниб олишига боғлиқ. Шу жиҳатдан уй вазифасининг аниқ ифодаланган, яъни ўқувчилар учун тушунарли бўлиши ҳоят муҳимдир. Уй вазифасини ўқувчилар кундалик дафтарларига, унинг тафсилотларини биология дафтарларига ёзиб олишлари зарур. Бунда ўқувчилар айрим камчиликларга йўл қўймасликлари учун ўқитувчи уй вазифасининг асосий талабларини доскага ёзиб боради ёки уй вазифаси ёзилган кўчма доскани илиб қўяди. Айниқса, дарсликнинг ўқилиши талаб қилинган бетлари, параграф номери ва ўтилган мавзунинг номи киблар албатта ёзилиши зарур. Мавзу номини қисқартириб ёзиш мумкин. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифасини қандай бажариш тўғрисида тегишли йўл-йўриқлар ҳам бериши керак. Ўқиладиган матннинг қайси масалаларига алоҳида эътибор бериш, қайси расмлардан фойдаланиш, кузатиш ва тажрибани қандай ўтказиш ҳамда бошқалар ана шу йўл-йўриқларда ўз ифодасини топмоғи лозим. Баъзи-баъзида уй вазифасини ўқувчиларнинг қанчалик тушуниб олганликларини текшириб кўриш ҳам фойдали бўлади.

Юқорида санаб ўтилган талаблар «майда нарса» бўлиб кўринса ҳам, улар ўқувчилар эътиборини аниқ фоолиятга йўналтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Талаба-практикант дарсга тайёрланаётганида уйга нималарни вазифа қилиб бериш ва уни дарснинг қайси қисмида ўқувчиларга етказиш масаласини белгилайди ҳамда ўзининг режа-конспектида кўрсатади.

Уй вазифасини бир хил ўқитувчилар янги ўқув материални ўрганиш олдидан, бошқалари мавзу ўрганиш якунида, учинчилари мустаҳкамлашдан кейин берадилар. Мантиқий жиҳатдан қараганда уй вазифасини дарснинг охирида, яъни мустаҳкамлашдан кейин берган маъқул. Аммо бунга эришиш энди дарс беришни ўрганаётган талаба-практикант учун қийин. Кўпинча талаба-практикантлар дарснинг ҳар бир тузилиш қисмини ўз вақтида (белгиланган вақт ичида) амалга ошира олмайди ва шу сабабли уй вазифасини қўнғироқ чалингандан кейин танаффус вақтида беришга мажбур бўлади. Танаффус вақтида бериладиган уй

вазифасини ўқувчилар тўла фаҳмлаб ололмайдилар ва шу тўфайли унинг бажарилиши ҳавф остида қолиши мумкин. Бас, шундай экан, талаба-практикантлар ўз дарсларида уй вазифасини мавзуини ўтиб бўлгандан кейин беришлари ўринли бўлади.

5- §. Дарсларда суҳбат

Дарс мавзуини ўтишда, айниқса V—VIII синфларда суҳбат методи ғоят самарали ҳисобланади, шунинг учун у кўп қўлланилади. Суҳбат одатда ўқитувчининг савол бериши ва ўқувчиларнинг жавоб қайтариши асосида олиб борилади. Суҳбат вақтида ўқувчилар ўрганилаётган ўқув материали тўғрисида фикр юритадилар, мустақиллик билан ўрганилаётган организм ва ҳодисаларнинг белгиларини аниқлайдилар, улар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда тафовутларни топадилар, сабаб ва оқибатларни белгилайдилар, тегишли хулосалар чиқарадилар ва шу йўл билан қўйилган муаммони ҳал қиладилар. Суҳбат ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини фаоллаштиради, уларнинг тафаккурини ривожланишига ёрдам беради. Суҳбат жараёнида ўқувчилар фаоллиги фақат уларнинг саволларга жавоб қайтариши билангина белгиланиб қолмасдан, балки кўпроқ қўйилган савол тўғрисида фикр юритишлари, ўз жавобларини тайёрлашлари ва бунинг учун барча имкониятларни сафарбар қилишлари билан ҳам характерланади. Шундай қилиб, ўрганилаётган масалага ўқувчилар онгини қаратиш, улар тафаккурини фаол ҳолатга келтириш суҳбат методининг энг қимматли ҳислатидир. Ниҳоят суҳбат тўфайли дарс берувчи билан ўқувчилар ўртасида узвий алоқа ўрнатилади. Суҳбат давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг тирик табнат ва ундаги ҳаётий ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурлари ҳамда запас билимлари билан яқиндан танишади. Шубҳасиз буларнинг ҳаммаси биология ўқитиш жараёнини янада самарали ўтишига ёрдам беради.

Суҳбат дарс мазмунига қараб хилма-хил тарзда ўтказилади. Ўқувчиларнинг билим савияси, дарсда ишлатиладиган тарқатма материали ва кўргазмали қуроллар, қилиб кўрсатиладиган тажрибалар, уюштириладиган лаборатория ишлари ҳам суҳбат характерини

белгилайди. Аммо дарс учун суҳбатнинг энг самарали шаклини танлаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг бу ишга ижодий ёндошишига ҳам боғлиқдир.

Суҳбатга тайёрланиш ва уни ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш тавсия қилинади.

Суҳбат методи авало ўқувчиларда ўрганилаётган организм ва ҳаётий ҳодисаларга оид айрим тасаввурлар бўлганда қўлланилиши мумкин. Маълумки ўрта ёшдаги ўқувчилар биология курсининг «ботаника» ва «зоология» бўлимларини ўргана бошлашга қадар ўсимлик ва ҳайвонлар тўғрисида, уларнинг ҳаёт фаолияти тўғрисида дастлабки тасаввурларга эга бўладилаў. Айниқса бундай тасаввурлар қишлоқ мактабларининг ўқувчиларида кўп. Уларни албатта ҳисобга олиш керак. Бунингсиз суҳбат натижали чиқмайди, жавоб беришда ўқувчилар фаол қатнаша олмайдилар.

Масалан, агар ўқитувчи VI синфда ҳужайра тузилиши ёки баргда крахмал ҳосил бўлиши, уруғланиш каби ўқув материални суҳбат методи билан ёритмоқчи бўлса, бундан яхши натижа ололмайди, чунки ўқувчилар ўша масалалар тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар ва шунинг учун ҳам қўйилган саволларга кутилгандек жавоб бера олмайдилар. Шунингдек, зоологиядан безгак паразити, бошоёқли моллюскалар, тухум қўювчилар сингари нотаниш ҳайвонлар ўрганилаётганда ҳам суҳбатдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

«Ботаника» бўлимидан маҳаллий ўсимликларнинг хилма-хиллиги, уруғлар, уларнинг униб чиқиши учун зарур шароитлар илдизнинг уруғ муртагидаги илдизчадан ривожланиши, баргларнинг ташқи тузилиши, маҳаллий ёввойи ва маданий ўсимликлар тўғрисидаги маълумотларни суҳбат методи билан баён қилиш самарали бўлади. «Зоология» бўлими бўйича эса чувалчанглар, ҳашаротлар, балиқлар, сувда ҳам қуруқда яшовчилар, қушлар, сут эмизувчиларнинг кўпгина туркумлари каби ўқувчиларга бирмунча таниш бўлган ҳайвонларни ўрганишда суҳбат методи яхши натижа беради.

Кўпинча дарсларда лаборатория машғулоти ташкил қилиш, табиий ва тасвирий кўргазмали қурооллар ҳамда биологик тажрибаларни қилиб кўрсатиш билан ўқувчиларга нотаниш ҳисобланган ўқув материални суҳбат методи билан ўрганиш мумкин бўлади.

Ўқитувчи суҳбатга ҳар томонлама пухта тайёргар-

лик кўриши керак. Аввало суҳбатда ўртага ташланадиган саволлар ва уларнинг ҳал қилиш изчиллиги олдиндан ўйлаб белгиланиши зарур. Саволлар қисқа ва аниқ, ўқувчи фикрINI қўзғатадиган ва ҳатто муаммоли бўлсин. Жавобни ўзида ифодаловчи ва «ҳа» ёки «йўқ» қабилдаги жавобни талаб қилувчи саволлар суҳбат савиясини пасайтириб юборади.

Суҳбатда ўқувчиларнинг ўз жавобларини ўйлаб олишлари таъминланади, улар диққатини жалб қилиш мақсадида саволлар бутун синфга берилади кейин бирор ўқувчини чақириш билан жавоб индивидуал тарзда олинади. Бунда ўқувчилардан тўлиқ ва аниқ жавоб беришни талаб қилиб бориш керак. Ўқувчи жавоби синфдаги ҳамма ўқувчиларга эшитарли бўлсин.

Ниҳоят биология дарсларнда суҳбат кўргазмали қурол, имконияти бўлганда тирик ва табиий ҳамда тажрибаларни намоиш қилиш билан бирга берилиши жуда муҳимдир.

Суҳбат методидан фойдаланиш, айниқса энди дарс беришни ўрганаётган талаба-практикантлар учун қийин. Улар суҳбат ўтказиш уқуви ва кўникмаларини бирданга эгаллай олмайдилар, бунинг учун мунтазам машқ қилиш керак бўлади.

6- §. Дарсларда кўргазмалилик воситаларини намоиш қилиш

Биология дарсларида сўзлаш методларини табиий ҳамда тасвирий қуролларни, тажрибаларни қилиб кўрсатиш билан бирга қўлланилиши фоят катта аҳамиятга эга. Ўқитувчининг сўзи ва кўргазмалилик воситаларини кўрсатиши бир-бирини тўлдирди. Ўқитувчининг ҳикояси ёки тушунтириши, суҳбатда эса ўртага ташланган саволлар ўқувчилар эътиборини кўрилаётган объект ва кузатилаётган ҳодисага қаратади, уларнинг белги ҳамда хусусиятларини аниқ пайқаб олишга ёрдам беради. Шу пайтнинг ўзида кўрсатиш ўқитувчи сўзини тўлдирди ва бойнати. Хилма-хил тирик объектлар, уларнинг препаратлари ҳаётини ҳодисаларни ифодаловчи ҳар хил тажрибаларни намоиш қилиш ўрганилаётган ўқув материални конкретлаштириди ва билимни ўқувчилар томонидан онгли ўзлаштириб олишларини қулайлаштириди. Чунки тирик табиат объектларини ҳамда ҳодисаларни идрок қилиш уларни сезгилар воситасида қабул

қилиб олиш билан бошланади. Шунга кўра биология дарсларида билим ўқувчиларнинг табиий ва тасвирий қурол ҳамда тажрибаларни бевосита қабул қилиб олишлари асосида берилиши керак. Ҳар қандай кўргазмали қурол ва тажрибалар ўқув материални баён қилиш жараёнида кўрсатишмоғи лозим.

Кўргазмали методларнинг беқийёс катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, улардан дарсда фойдаланиш қоидалари ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Аввало кўрсатиладиган материалларни тўғри танлаш керак. Улар мўлжалланган биологик тушунчаларни ўқувчи онгида шакллантириш имкониятини беради. Ҳרגанилаётган ўқув материалнинг мазмунига қараб ҳар бир дарс учун ўзига хос намоён қилинадиган объектлар танланади. Масалан, ботаникадан ҳужайрани ўрганишда помидор эти, пиёз пардаси ва чигит толаси ҳужайрасининг тузилиши, шунингдек ҳужайраларнинг бўлиниши тасвирланган таблицалар, микропрепаратлар, ҳужайрага моддаларнинг киришини кўрсатувчи тажриба қилиб кўрсатилади. Ҳасмиликлар ва уларнинг айрим органларни морфологияси ўрганилаётганда тушакда ўсаётган мана Ҳасмиликлар, гербарийлар, коллекциялар, модел ва муляжлардан фойдаланиш самарали бўлади. Зоология дарсларида ҳар хил таблицалар билан бир қаторда тирик ҳайвонлар, уларнинг ҳўл ва куруқ препаратлари, тушумлари, коллекциялари кабинетда кўрсатиш талаб қилинади. Модел ва муляжлар, схема ва таблицалар, микропрепаратлар ва турли асбоблар воситасида қилинадиган тажрибалар «Одам ва унинг саноатини» бўлими бўйича дарслар учун муносиб кўрсатиш объектларидир. Экрэн воситалари бўлган мактабларда дарс учун мавзуга оид диапозитив, диафильм ва ўқув кинофильмлари каби воситалари танланади.

Кўрсатиладиган ҳар бир объект ва тажриба синфдаги ҳамма ўқувчиларга яхши кўринарли бўлиши керак. Агар кўрсатиладиган қуроллар йирик бўлса, уларни бир жойдан туриб бутун синфга бир вақтнинг ўзида кўрсатилади. Бунда кўрсатиладиган объект шундай ўрнатилиши керакки, у синфдаги ҳамма ўқувчиларга яққол кўринсин. Чунончи, деворий таблицалар юқорироққа илтиган ҳолда, йирикроқ тушум ва ҳайвон склети кабинетлар ўқитувчи столига қўйилган бирор йирикроқ нарса устига қўйиб кўрсатилади. Ҳар хил тажрибалар

ҳам ўқитувчи столдан ҳаммага кўринарли қилиб кўрсатилади. Бундай ўқитувчи қўлидаги кўрсаткич билан объектнинг зарур жойларини аниқ кўрсатиб бориши ва ҳамма ўқувчилар диққати ана шу кўрсаткич учига қаратилиши керак. Афсуски, бу рад қилиб бўлмайдиган оддий талаба талаба-практикантлар кўпинча риоя қилмайдилар: улар қўлларига нима рўпара келса ўша нарса билан ва баъзан ҳатто бармоқлари билан объектни тўсиб кўрсатадилар.

Бир нусхада бўлган кичик объектлар, масалан, гидра, чувалчанг, моллюска ва ҳашарот кабиларнинг ҳўл препаратлари, кичкина модель ҳамда муляжларни узоқдан кўрсатишнинг фойдаси йўқ. Уларни ҳар бир партадаги ёки ёнма-ён партадаги ўқувчиларга яқин олиб бориб кўрсатиш керак бўлади. Бунда объектни кўришни кутаётган ва кўриб бўлган ўқувчилар бекор қолмасликлари учун уларга объектни кўрсатиш олдидан тегишли топшириқлар бериб, мустақил иш билан банд қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб гарчи кўп вақт сарф бўлишига сабаб бўлса ҳам ўқувчиларнинг пухта ўзлаштиришларини таъминлаши билан ўзини оқлайди. Бироқ шундай ҳам бўладикки, бунда ўқитувчи майда объектни узоқдан кўрсатиб бўлгач, уни ўқувчиларнинг навбат билан батафсил кўриб чиқишлари учун уларнинг қўлларига бериб юборади ва баённи давом эттираверади. Бундай методик услуб албатта тўғри эмас, у ўқувчилар диққатини иккига бўлиб қўяди, ўқитувчининг сўзи ва ўқувчиларнинг сезги воситасида қабул қилиши бир-биридан ажралиб қолади, натижада ўқувчилар баённи эътибор билан тингламайдилар ва улар объектни ҳам тўғри кўриб унинг белги ҳамда хусусиятларини аниқ билиб ололмайдилар, хуллас кутилган таълим-тарбия мақсади рўёбга чиқмай қолади.

Баъзан узоқда яхши кўринмайдиган объектлар (масалан, сув қуйилган ваннадаги ичи ёрилган ҳайвон) ва тажрибаларни ўқувчиларга яқин олиб бориб кўрсатиш мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда синфдаги столлар бир юз орқага жилдириб ўқувчиларни кўрсатиш столи яқинига келтириш ва унинг атрофига жойлаштириш тавсия қилинади. Микроскоп остида ҳужайра ва тўқима препаратларини кўрсатиш учун эса ҳар бир ўқувчини ўқитувчи столи олдига навбат билан чақириш керак бўлади. Бунда ҳам юқорида айтилганидек, кўр-

сатиш олдида ўқувчиларга мустақил иш учун тегишли топшириқлар берилади.

Кўрсатма воситаларини кўрсатиш шошилинич ва юзакли ўтказилмаслиги керак. Ўқувчилар ҳар қайси кўргазма қуроли ва тажрибани аниқ ҳамда батафсил кўриб олсинлар, улардан тўғри тасаввур ҳосил бўлсин.

Кўрсатиш давомида объект ва ҳодисани ўқувчиларнинг қандай кўраётганликларини уларга йўл-йўлакй саволлар бериш билан текшириб бориш керак. Бу билан ўқувчиларнинг қабул қилишларидаги камчиликлар тўғриланади.

Ниҳоят дарсда кўрсатиш ишлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда ўқувчилар диққати тарқалади, улар кўрсатилганларнинг ҳаммасини эса қолдира олмайдилар. Кўрсатиладиган объект ва тажрибалар сони жиҳатдан озроқ бўлсину, аммо улар ўрганиладиган ўқув материали мазмунини ифодалаган бўлсин ва ўқувчиларнинг билимини тушуниб олишларига имкон берсин.

Биология дарсларида, айниқса ҳар хил тажрибаларни қилиб кўрсатишга алоҳида эътибор бериш керак. Биологик тажрибалар турлича тарзда кўрсатилади.

Кўпгина тажрибалар учун қисқа вақт кифоя. Улар дарсда бошдан охиригача тўлиқ кўрсатилади. Уруғ таркибида сув, органик ва минерал моддалар борлиги, веноз қоннинг артериал қонга айланиши, ўпкадан чиқётган ҳавода карбонат ангидрид гази кўплиги, рефлекс ва рефлектор ёйни кўрсатувчи тажрибалар шулар жумласидандир.

Бироқ шундай тажрибалар ҳам борки, уларнинг бошидан охиригача бориши учун кунлар, ҳафтalar ва ҳатто ойлар керак бўлади. Бундай тажрибаларнинг кўплари дарсдан олдин қўйилади, уларнинг натижалари эса тегишли ўқув материали ўрганилаётганда кўрсатилади. Масалан, уруғларнинг униб чиқиши учун қандай шароит зарурлиги, уруғларнинг нафас олиши, баргларнинг карбонат ангидрид газини ютиб, кислород чиқариши, баргда крахмал ҳосил бўлиши, пояда моддаларнинг ҳаракатланишини кўрсатувчи ва шу каби тажрибалар дарсдан 3—4 кун олдин қўйилади. Бу тажрибани ўқитувчининг топшириғи билан биология кабинетида айрим ўқувчилар қўйишлари ҳам мумкин. Агар шундай бўлганда тажриба бошлаган ўқувчиларнинг олиб борган ишлари тўғрисидаги қисқача ахборотла-

рини тегишли дарсда тажриба натижаларини кўрсатиш олдидан тинглаш ғоят самарали бўлади.

Баъзи тажрибалар учун икки дарс ўртасидаги вақт етарли бўлади. Бундай ҳолларда бир дарсда тажриба бошлаб қўйилади ва унинг натижаси навбатдаги дарсда кўрсатилади. Тажрибанинг боришини эса ўқувчилар дарсдан ташқари вақтларда кузатиб борадилар.

Тажриба қандай тарзда қилиб кўрсатилмасин ўқувчилар унинг бошланиш шаронти ҳамда охириги натижасини пайқаб олишлари ва мустақил равишда тегишли мантиқий хулоса чиқаришлари керак.

Талаба-практикант дарсга тайёрланганда аввало кўргазмалиликнинг мўлжалланган воситаларини қачон, дарснинг қайси ерида кўрсатишни белгилаши ҳам ғоят муҳим масаладир. Ҳар бир кўргазмали қурол ҳар бир тажрибанинг тегишли ўқув материални тушунтириш жараёнида кўрсатилиши, режалаштирилиши керак.

Талаба-практикант кўрсатиладиган объектни олдиндан батафсил кўриб ўрганиб чиқиши, тажрибани эса қилиб кўриши ва ундан натижа чиқишига ишонч ҳосил қилиши зарур. Шундагина объектни аниқ кўрсатиш, масалани яхшироқ тушунтириш, ўқувчи бериши мумкин бўлган саволларга тўғри жавоб қайтариш имконияти туғилади. Бундай тайёргарлик дарс ўтишидан бир неча кун олдин ўтказилиши керак, токи талаба-практикант шу вақт ичида ўз тайёргарлигидаги камчилик ва хато-ларни тузата олсин, ишни удалай олиш ишончи ҳосил бўлсин.

Ўрганиладиган ўқув материалнинг мазмунига қараб белгиланган жиҳоз ва тажрибаларни дарснинг қайси босқичида ҳамда қандай қилиб кўрсатиши талаба-практикантнинг режа-конспектида ўз ифодасини топмоғи лозим.

7- §. Дарсда лаборатория машғулот.

Лаборатория машғулоты биология ўқитишнинг ташкилий шаклларида бири бўлиб, унда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тирик ва табиий объектларни, ҳаётий ҳодиса ва жараёнларни амалий методлар (мустақил ишлаш) воситасида ўрганадилар. Бундан кўриниб турибдики, ўсимлик ва ҳайвонларни табиий ҳолда ўрганиш ва ишда ўқувчиларнинг мустақил бўлиши лаборатория машғулоты учун характерли хусусиятдир.

Биология бўйича ўтказиладиган лаборатория машғулотларининг таълим-тарбиявий аҳамияти гоят катта. Ўсимлик ва ҳайвонларни уларнинг ҳаётий функцияларини мустақил таниб олиш ва аниқлаш, кузатиш ва тажрибалар ўтказиш йўли билан ўрганиш мавзу бўйича ўқувчиларда аниқ ва пухта тушунчалар ҳосил қилиш имконини беради. Лаборатория машғулотларида олинган билим ўқувчилар хотирасида узоқ сақланади. Лаборатория машғулотлари ўқувчиларда биологик объект ва ҳодисаларни мустақил ўргана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир, чунки бундай дарсларда ўқувчилар фаол бўлиш билан бирга мустақил иш кўрадилар ва мустақиллик руҳида тарбияланадилар. Организм тузилиши ва физиологик функцияларини мустақил ўрганиш ўқувчиларнинг ўз фаолиятларидан қаноат ҳосил қилишларига имкон беради, уларда биологик билимларни қизиқиш билан, янада тўлароқ эгаллашга интилишни уйғотади. Ниҳоят лаборатория машғулотларини мунтазам равишда ва тўғри ташкил қилиб бориш билан ўқувчиларда меҳнат маданияти, ижтимоий мулкка эҳтиётлик муносабати ва онгли интизом тарбияланади.

Лаборатория машғулотлари ўтказишнинг бу қадар аҳамиятга эга бўлиши мактабда биология ўқитишнинг ана шу ташкилий шаклидан имконияти борича кўпроқ фойдаланишни тақозо қилади. Мактаб биология дастурини ҳар бир мавзу бўйича энг камида ўтказилиши зарур бўлган лаборатория машғулотларини номма-ном курсатилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Ҳар бир лаборатория машғулоти муайян мақсадни назарда тутати. Кўпинча лаборатория машғулотлари асосий ўқув материалини ўрганиш мақсадида ўтказилади. Масалан, «Ботаника» бўлими бўйича икки паллани ва бир паллани ўсимликлар уруғларининг тузилишини кўриб чиқиш, ўқилдиз ва попул илдизларни кўриб чиқиш, баргнинг ташқи тузилишини, оддий ва мураккаб барглар ҳамда баргларнинг новдада жойлашишини кўриб чиқиш, «Зоология» бўлимида ёмғир чувалчангининг ташқи тузилишини кўриб чиқиш, унинг ҳаракатланиши ва таъсирланишини кузатиш, балиқнинг ташқи тузилишини кўздан кечириш. «Одам ва унинг саломатлиги» бўлимидан суякларнинг тузилишини, сутэмизувчи ҳайвон кўз соққасининг тузилишини кўриб чиқиш каби ишлар жараёнида мавзу мазмуни ёри-

тиб борилади. Баъзида ўқувчилар билимини мустақамлаш мақсадида лаборатория машғулоти ўтказилади. Масалан, VI синфда помидор эти ҳужайраларининг тузилиши, баргларнинг ҳужайралардан тузилганлигини микроскопда кўриш, VIII синфда гавда бўшлиғи, очилган балиқнинг ички органларини кўриб чиқиш, IX синфда ҳужайра ва тўқима препаратини микроскопда кўриш сингари лаборатория ишлари ўқувчилар билимини мустақамлаш учун ташкил қилинади. Бундай ишлар одатда мавзунинг асосий мазмунини ёритиш якунида амалга оширилади. Айрим ҳолларда эса лаборатория машғулоти ўтказилгандан кейин ундан олинган таассуротларга асосланиб дарс мавзунинг мазмуни ёритилади. Масалан, помидор ёки тарвуз этини асбобсиз ва лупа билан кўриб чиқиш, пиёз қобиғи ва чигит толаси препаратларини тайёрлаб, уларни микроскопда кўриш каби лаборатория ишлари дарс мавзуини баён қила бошлашдан олдин ўтказилади.

Биология бўйича лаборатория машғулотлари, унда ўқувчилар бажарадиган ишларнинг характери ва ўқувчилардаги мустақил иш бажариш кўникмаларига қараб икки хил: а) фронтал услубда ва б) ўқувчиларга иш тўғрисида олдиндан тўлиқ топшириқ бериш услубида ўтказилади.

Фронтал услубда ўтказиладиган лаборатория машғулотида ўқувчилар бажариши лозим бўлган ҳар бир иш бир қанча қисмларга бўлиниб, уларнинг ҳар қайси-си юзасидан ўқитувчи кўргазма беради, уни ҳамма ўқувчи бараварига бажариб боради. Ишнинг бир босқичи бажарилгач, навбатдагиси бўйича тегишли кўрсатма берилади. Масалан, ботаника ва зоология бўйича кўпчилик лаборатория машғулотлари, «Одам ва унинг саломатлиги» бўйича айрим ишлар фронтал услубда ўтказилади. Бу услуб билан лаборатория машғулоти ўтказишнинг афзаллиги шундаки, унда мустақил иш бараварига бошланиб, бир вақтда тугалланади: иш натижасини аниқлаш мақсадида ўқитувчи қўйган саволларга тегишли жавоблар тайёрлаш билан ўқувчилар ўқув материалининг шу ишга тааллуқли қисмини енгиллик билан ўзлаштириб оладилар, ўқитувчи эса ишни ўқувчилар томонидан қандай бажарилаётганлигини осон назорат қила олади ва зарур бўлганда уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатади. Бундай машғулотларда интизом ҳамда бирмунча дастур бўлади. Ниҳоят фронтал лабо-

ратория машғулоти ўтказиш унга раҳбарлик қилиш жиҳатидан ҳам осон бўлади. Бироқ фронтал лаборатория машғулотида ўқувчилар ҳар бир ишни ўқитувчининг кўргазмаси билан бажариб боришлари туфайли ўзларини мустақил ҳис эта олмайдилар, бу ҳол уларда мустақиллик ва ташаббускорлик хислатларини тарбиялашга етарли имкон бермайди.

Олдиндан иш тўғрисида тўлиқ топшириқ бериш услуби билан ўтказиладиган лаборатория машғулоти бoшқачарoқ ташкил қилинади. Бунда ўқувчиларга барча иш юзасидан тўлиқ топшириқ бериледи. Ўқувчилар бу ишларни бошидан охиригача мустақил равишда бажарадилар. Масалан, «Одам ва унинг саломатлиги» ҳамда «Умумий биология» бўлимлари бўйича кўпчилик лаборатория машғулотларини ана шу усул билан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лаборатория машғулотларини олдиндан тўлиқ топшириқ бериш услуби билан ўтказиш ўқувчиларда мустақиллик ва ташаббускорлик фазилатларини тарбиялаш жиҳатидан ҳам фoят қимматлидир. Бироқ бу услубда лаборатория машғулоти ташкил қилиш анча қийин ва ўқитувчидан пухта тайёргарлик ҳамда педагогик маҳоратни талаб қилади.

Одатда лаборатория ишлари ўқувчилар томонидан **якка-якка** бўлиб бажарилиши керак. Шундагина ўқувчиларнинг ишда фаоллиги ва мустақиллиги тўла таъминланади, улар билим билан бирга тегишли кўникмалар ҳосил қилиб борадилар. Аммо кўпинча жиҳозларнинг етарли бўлмаслиги туфайли лаборатория машғулотини 2—3 ўқувчидан иборат звенoлар бўйича ташкил қилишга тўғри келади. Бундай ҳолларда звено таркибидаги ҳар бир ўқувчининг навбат билан мустақил иш бажаришини таъминлаш керак бўлади. Масалан, бир ўқувчи тажриба ўтказса иккинчиси унга ёрдам беради, учинчи ўқувчи кузатиш натижаларини ёзиб боради ва ҳоказо.

Лаборатория машғулотларининг самарали ўтиши уларга қанчалик пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқ. Ҳар бир лаборатория машғулоти учун олдиндан тайёргарлик кўриш керак. Талаба-практикант лаборатория машғулотига тайёрланишида қуйидаги ишларни бажаради.

1. Дарсда ўқувчилар бажарадиган лаборатория ишларининг аниқ мазмунини белгилайди, уларнинг ҳар бирини ўзи текшириб кўради ва қанча вақт кетишини

аниқлайди. Кейин шу ишларни дарснинг қайси қисмида, қандай мақсадлар ва қанақа услуб билан ўтказилишини белгилайди.

2. Мўлжалланган лаборатория ишларини дарснинг қайси қисмида ва қандай услуб билан ташкил қилиниши, шу ишлар тўғрисида ўқувчиларга бериладиган топшириқлар ва ўқитувчи ўтказадиган суҳбат ҳамда тушунтиришнинг мазмунини ўз ичига олган машғулоти режасини тузади.

3. Лаборатория машғулоти учун зарур бўладиган барча асбоб ва материалларни етарли даражада тайёрлайди. Масалан, лаборатория машғулотида уруғларнинг тузилишини ўрганиш учун тегишли уруғлар ивтиб қўйилади. Ўсимталарнинг уруедаги органик моддалар ҳисобига озиқланишини билиш учун олдиндан уруғлар ундирилади, баргда крахмал ҳосил бўлишини аниқлаш учун тувакдаги ўсимлик баргларига ҳар хил шаклда кесилган қора қоғоз халтачалар кийгизиб қўйилади ва ҳоказо. Кўпгина лаборатория машғулоти учун тегишли табиий тарқатма материаллар тайёрлаш керак бўлади.

4. Лаборатория машғулотидаги ўқувчилар ҳам олдиндан тайёрланишлари керак. Бунинг учун уларга турли хил топшириқлар берилади. Ўқувчилар лаборатория ишлари бажаришга назарий ва амалий жиҳатдан тайёргарлик кўришлари керак. Чунончи улар ўқитувчининг топшириғи билан дарсликнинг тегишли матнини ўқийдилар, унда кўрсатилган иш усулини ўрганадилар, керакли табиий материаллар йиғадилар.

Лаборатория машғулоти қандай услуб билан ўтказилишига қараб турлича бошланиши мумкин. Аммо ҳар қайси ҳолда ҳам машғулоти бошланиши олдиндан унинг мақсадини таъкидлаб ўтиш керак. Мақсадни аниқ, айтиқса муаммо тарзида бўлиши лаборатория ишини қизиқарли ва онгли равишда бажарилишини таъминлайди, бунда ўқувчилар изланиш асосида иш кўрадилар. Баъзи лаборатория машғулоти олдиндан ўқувчиларнинг шу ишга алоқадор назарий билимларини текшириб кўришга тўғри келади, айрим ҳолларда эса машғулоти ишга оид кириш маълумотларини ҳимоя қилиш билан бошланади.

Одатда лаборатория машғулоти учун зарур жиҳоз ва материаллар иш бошланиши олдиндан тарқатилади. Лаборатория ишлари системали равишда ўтказиладиган

ва бунга ўқувчилар одатланган синфларда жиҳоз ва материаллар дарс бошланиши олдидан столларга қўйилган бўлиши мумкин.

Лаборатория машғулотларини фронтал услуб билан ўтказишда қўйидаги қондаларга амал қилиш керак.

1. Лаборатория ишини айрим босқичларга ажратиш ва уларнинг бажарилиш изчиллигини аниқ белгилаш керак. Бунда ишнинг бир босқичи бирмунча тугалланган характерда бўлиши билан бирга олдинги ва кейинги босқичларга боғланиши ҳам зарур.

2. Ишнинг ҳар бир босқичини амалга ошириш юзасидан бериладиган кўргазмалар қисқа ва аниқ ифодаланган бўлсин. Ўқитувчи баъзи мураккаброқ ишларнинг қандай бажариш кераклигини тушунтириш билан бирга уларни амалда қилиб кўрсатиши керак.

3. Ишнинг ўқувчилар томонидан қандай бажарилиб борилаётганини ўқитувчи назорат қилиб бориши керак. Баъзан айрим ўқувчилар ишга бепарво қараб жиддий камчиликларга йўл қўядилар, оқибатда ишдан кутилган натижа чиқмай қолиши мумкин. Шунга кўра бундай ҳолнинг олдини олиш зарур. Агар иш ўқувчининг айби билан сифатсиз, натижасиз чиққан бўлса, уни қайтадан қондага мувофиқ тарзда бажариш керак бўлади.

4. Ишнинг бажарилган ҳар бир босқичи бўйича қисқача ва умумлаштирувчи суҳбат ўтказилиши ҳам жуда муҳимдир. Бу суҳбатга ўқувчиларни кўпроқ жалб қилиш керак.

5. Лаборатория ишини бажариш давомида олинган билимларни янада яхшироқ мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларнинг ўрганилаётган масалага доир схематик расм ва жадваллар чизишларини ташкил қилиш зарур.

6. Ишнинг барча босқичлари бажарилгач, яқунловчи суҳбат ўтказилиши лозим. Бунда бутун ишга яқун ясалади, ўзлаштирилган билимлар такрорланади, кўпинча маълумотлар баён қилинади ва ўрганилаётган масала умумлаштирилади, ниҳоят ўқувчилар фаолияти изоҳлаб баҳоланади.

Лаборатория машғулотларини иш тўғрисида олдиндан тўлиқ топшириқ бериш услуги билан ўтказишда қўйидаги талабларга амал қилиш керак.

1. Машғулот ишини бошлашдан аввал ўқувчиларни лаборатория ишини бажаришга тайёрлаш мақсадида кириш суҳбати ўтказилади. Бунда лаборатория ишининг мазмуни, мақсади ва аҳамияти ёритилади, мўлжалланган иш юзасидан тўлиқ топшириқ берилади. Топшириқ аниқ, тушунарли ва қисқа бўлиши билан бирга тугалланган бўлиши керак, ўқувчилар берилган ишни аниқ, равшан тасаввур қила олсинлар ҳамда уни қандай изчилликда бажаришлари зарурлигини билиб олсинлар. Топшириқ олдиндан ёзма ҳолда тайёрланади. Баъзан айрим лаборатория ишларини ташкил қилишда дарсликда берилган топшириқлардан фойдаланилади. Ўқувчилар топшириқнинг мазмуни, мақсади ва бажариш йўллари билан танишиб чиққанларидан кейин ўқитувчи ишни қандай бажариш зарурлигини амалда қилиб кўрсатиш асосида тушунтиради. Ўқувчилар иш усулини яхши тушуниб олганликларига ишонч ҳосил қилингач уларга ишни мустақил бажаришга киришишлари учун рухсат берилади.

2. Лаборатория ишларини ўқувчилар мустақил ҳолда бажаришлари талаб қилинади. Бунда ўқувчининг вазифаси ишнинг боришини диққат билан кузатиш ва назорат қилиб боришдан иборат бўлади. Агар ўқитувчи ўқувчининг ишни бажара олмаётганини ёки нотўғри қилаётганини пайқаса, унга тегишли ёрдам кўрсатиш керак. Ишни бажаришда қийналаётган ёки хатоликка йўл қўйган ўқувчилар кўпчиликни ташкил қилса, бундай ҳолда ишни вақтинча тўхтатиб, қўшимча такроран тушунтириш ўтказишга тўғри келади.

3. Машғулот давомида ўқувчилардан бажарилаётган ишга доир расмлар чизиш, жадваллар тўлдириш ҳам талаб қилинади.

4. Лаборатория ишларини самарали тугалланишига алоҳида эътибор бериш керак. Ўқитувчи ўқувчилардан иш натижаларини кўрсатишни талаб қилади, суҳбат методи билан бажарилган ишдан мантиқий хулосалар чиқарилади. Ниҳоят иш жойи ва асбоб-ускуналар тартибга келтирилади.

5. Юқоридаги омилларнинг ҳаммаси машғулот охиригача тугалланиши лозим. Бунга эришиш учун ўқитувчи вақтни кузатиб боради ва иш учун ажратилган вақтнинг тугаётгани ҳақида ўқувчиларни хабардор қилиб боради. Агар айрим группалар шу муддат ичида

ишни тугаллай олмайдиган бўлсалар, уни дарсдан ташқари вақтда охирига етказиш талаб қилинади. Машғулот охирида бажарилган ишларга яқун ясалади.

8-§. Дарсда синф доскасидан фойдаланиш

Биология ўқитувчисининг ишда синф доскасидан фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Дарс жараёнида ўқитувчи доскага ўрганилаётган мавзу мазмунини ёритишга қаратилган расм, жадвал ва диаграммаларни чизиб кўрсатади, ўқувчилар учун зарур бўлган материални ёзиб боради.

Доскага расм чизиш ўқитувчиларга ўз фикрини аниқ ва тушунарли қилиб баён қилишга ёрдам беради ва шунинг билан бирга ўқувчиларнинг ўқув материалини аниқ тушуниб олишларини таъминлайди, уларнинг ўраб олган табиат жисмлари ҳамда ҳодисалари тўғрисидаги тасаввурларини аниқ ҳолатга келтиради. Бунинг сабаби шундаки, мавзу мазмунини доскага тегишли расм чизиб бериш билан бирга тушунтириш ўқувчиларни ўқитувчи фикрини тинглаб кузатиб боришга жалб қилади, жисм ва ҳодисаларнинг энг характерли хусусиятларини пайқаб олишга йўналтиради. Доскага чизилаётган расм ўқувчилар диққатини ўрганилаётган масалага қаратади.

Дарс жараёнида ўқитувчининг доскага расм чизиши тарбия нуқтани назардан ҳам аҳамиятлидир. Бу иш ўқувчиларда кузатувчанлик қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Одатда доскага чизилган расмни ўқувчилар биология дафтарларига кўчириб оладилар, бу ҳодисани қанчалик яхши билиб олганликларидан далолат беради. Агар ўқувчи доскадаги расмни дафтарига тўғри чиза олган бўлса, уни шу ўрганилган организм ҳаётий жараёнини тўғри тасаввур қилади, деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Чунки доскадаги расмни дафтарга чизиш ўқитувчи тушунтирган нарсанинг тўла эслаб қолишини қулайлаштиради.

Ўқитувчининг доскага чизадиган расми аниқ, содда ва ўқувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Бу биринчидан, расм моҳиятини пайқаб олинишини осонлаштиради, иккинчидан ўқувчиларга шу расмни қийналмай дафтарларига чизиб олиш имкониятини беради.

Биологик тажрибалар учун ишлатиладиган асбоб-

ларнинг расми доскага схематик тарзда ва кўпинча геометрик, яъни кесма ҳолда чизилади. Бунда асбобнинг ёрдамчи қисмларини чизиш шарт эмас.

Одатда ўсимлик ёки ҳайвоннинг ташқи кўриниши расмини доскага чизишда унинг контурини ифодалаш билан чекланилади, расмни бадий жиҳатдан безаш талаб қилинмайди. Организмнинг ички тузилишини ифодалаш мақсадида схема чизилади. Бунда кўп белгилар туширилиб қолдирилиши мумкин. Аммо схема илмий жиҳатдан тўғри бўлиши керак.

Талаба-практикант дарсга тайёрланаётганда доскага чизадиган расмлари устида ҳам астойдил ишлаши керак. Бунда расм қисмларини ифодалайдиган ёзувлар ва уларнинг доскада жойлашишини ҳам ўйлаб чиқиши зарур.

Кўпинча талаба-практикантлар, ҳатто энди мактабда иш бошлаётган ёш ўқитувчилар ўзларининг расм чиза олмасликларини баҳона қилиб, доскадан фойдаланишдан ўзларини четга оладилар, ўзлаштиришни яхшилаш имкониятларидан фойдаланмайдилар. Бунга йўл қўймаслик керак.

Ўқитувчилик касбига тайёрланаётган ҳар бир талаба-биолог доскага оддий ва схематик расмлар чиза олиш кўникмаларини ўзида ҳосил қилмоғи зарур. Бунинг учун қунт билан астойдил машқ қилиш талаб қилинади. Мунтазам машқ қилиш орқали ҳар бир расм чизишни билмайдиган талаба, ўқитувчи бу ишни уддалайдиган ҳолатга эришиши, яъни доскага яхши ва аниқ расм чиза оладиган бўлиши мумкин.

Ўқувчиларнинг ўрганилаётган ўқув материални ўзлаштириб олишларида ўқитувчининг доскадаги ёзувлари ижобий роль ўйнайди. Тегишли сўз, жумла ва рақамларни чиройли қилиб ва тартиб билан доскага ёзилиши уларнинг моҳиятини яхши пайқаб олишга ёрдам беради, дарсни жонлантириб юборади, ўқитувчининг обрўйини оширади.

Талаба-практикант доскага ёзишда қуйидаги талабларга риоя қилиши зарур.

1. Синф доскасидаги ёзувлар имло ва ҳуснихат жиҳатидан намунали бўлсин.

2. Дарсда доскага нималар ёзилиши олдиндан ўйланган бўлиши ва режа-конспектда аниқ ифодаланиши лозим. Бунда барча ёзиладиган сўзлар досканиннг схемаси

ҳисобланган махсус қоғоз варақасига симметрик ҳолда жойлаштирилса яхши бўлади.

3. Доскадаги ёзувда сатрлар текис ҳамда ётиқ ҳолда ва бир-бирига тенг масофада бўлсин.

4. Иложи борича доскага чиройли, аннқ ва йирикроқ қилиб ёзиш керак, токи бу ёзувлар сифдаги ҳамма ўқувчиларга яхши кўринсин.

5. Доскага тез ва айириб туриб ёзиш керак.

6. Доскага сўзларни қисқартириб ёзишга йўл қўй-маслик лозим.

7. Доскадаги ёзувларнинг ҳарфлари коллеграфия та-лабларига мос бўлсин.

8. Доскага ёзиб бўлгач, уни диққат билан ўқиб чи-қиш ва камчилик топилганда ўз вақтида тузатиш ке-рак. Кейин сиф бўйича юриб, бу ёзувларни ўқувчилар дафтарига кўчириб олишганини кўриб чиқиш ҳам зарур талаблардандир.

9. Доскадаги ёзувни латта билан тоза қилиб ўчириш керак.

Айрим ҳолларда доскадаги ёзув ва расмларни ранг-ли бўр билан бажариш яхши натижа беради. Масалан, доскага гул схемасини туширишда гултожи барглари сариқ ёки қизил, гулкосабарг ва уруғчини яшил, чанг-чини сариқ бўр билан чизиб мақсадга мувофиқ бўла-ди. Худди шунингдек, доскада қон айланиш схемасини тасвирлашда веноз қони оқадиган томirlарни кўк, ар-териал қон томirlарини қизил бўр билан чизиб мум-кин.

Дарсга тайёрланиш жараёнида талаба-практикант доскага нимани ёзиш ва чизиши, уларнинг ўрни ва тар-тиби тўғрисида методист ёки фан ўқитувчиси билан ке-лишиб олади, ёзув ва расмларнинг охириги намуналари-ни уларга кўрсатади.

9-§. Дарсда ўқитишнинг техника воситаларидан фойдаланиш

Биология дарсларида кўрғазмалиликнинг бошқа во-ситалари қатори ўқитишнинг техника воситаларидан ўринли фойдаланиш таълим-тарбия вазифаларини амал-га оширишга ёрдам беради. Техника воситаларидан фой-даланиш мактабда тегишли жиҳозланган биология ка-бинети бўлишини назарда тутати. Биология кабинетид-да киноаппарат, диапроектор, кодоскоп, эпиднаскоп каби

экран воситаларининг бўлиши дарсларнинг самарадорлигини ошириш учун қулай заминдир.

Киноаппарат («Украина», «КПШ—1» ва «КПШ—3») воситасида тегишли ўқув фильмлари кўрсатилади. Қандай фильмлар кўрсатиш кераклиги мактаб дастурида белгиланган.

Диaproектор («Свет ДМ—3», «Свет ДМ—2», «ЭТ-ПЕД», «Горизонт» ва «ЛЭТИ»)лар ёрдамида диафильмдаги тасвирлар экранга туширилади.

Кодоскоп кўрсатиш столи устига қўйиладиган проектор бўлиб, у орқали кодопозитивдаги тасвир экранга туширилади. Кодопозитив тегишли тасвир чизилган шиша ёки тиниқ полиэтилен пластинкадир. Кодопозитивларни мактаб шароитида ўқувчилар иштирокида тайёрлаш мумкин. Баъзан вақтни тежаш мақсадида доскага ёзилиши ёки чизилиши мўлжалланган нарса кодопозитивга туширилиб экранда кўрсатилади.

Эпидиаскоп воситасида диапозитивдаги тасвир билан бир қаторда қоғоздаги кўриниш (китоб ёки журнал расми, фоторасм ва откритка) экранда кўрсатилади.

Синаб ўтилган экран воситаларидан мавжуд имкониятга қараб ўз ўрнида фойдаланиш керак. Улар воситасида кўрсатиладиган тасвирлар бир-бирини такрорламаслиги лозим.

Биология курсини ўқитишда экран воситалари орасида айниқса кино гоят яхши самара беради. Уқув кино гоят яхши самара беради. Уқув кинофильмларини кўрсатиш билан табиат жисмлари ва ҳодисалар ҳаракати намоиш қилинади. Кино воситасида дарсда ўқувчиларга органик табиат бойликларини ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидаги турли-туманлик ҳамда ҳаётий ҳодисаларни, организм ичида борадиган физиологик жараёнларни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ва бошқа синфда кўрсатилиши мумкин бўлмаган кўпгина объектларни намоиш қилиш мумкин. Айниқса республикамызда учрамайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар, уларнинг яшаш шароити ҳамда характерли хусусиятларини ўқувчиларга аниқ кўрсатишда кинофильмлар муҳим роль ўйнайди.

Кино узоқ вақт давом этадиган ҳаётий жараёнларни, масалан, уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликнинг ривожланиши, уруғланган тухумдан ҳайвоннинг тараққий этиши ва шу кабиларни қисқа вақт ичида экранда кўрсатиш имкониятини беради. Организмда жуда тез

амалга ошадиган ва пайқаб олиниши мумкин бўлмаган ҳаётий вазифаларни, шунингдек рефлекснинг содир бўлиши, мия марказлари ўртасидаги муваққат боғланишларнинг ҳосил бўлиши каби ҳодисаларни экранда секинлаштириб кўрсатиш ҳам кино воситасида мумкин бўлади. Хуллас, кино бошқа воситалар ёрдамида ўқувчиларга кўрсатиш мумкин бўлмаган нарса ва ҳодисаларни намоёйиш қилиш имкониятини беради.

Дарсда кинодан фойдаланишнинг самарали бўлиши бир қатор методик қондаларга риоя қилиниши билан боғлиқдир.

Авалло намоёйиш қилинадиган кинофильм дарс мавзуга бевосита алоқадор бўлиши, яъни ўрганиладиган ўқув материалнинг мазмунини ўзида тўлиқ ёки қисман акс эттирган бўлиши керак. Шунинг билан бирга у дарснинг кўп вақтини олмасин.

Дарсда кинофильм бошқа кўргазмали қуроллар билан биргалликда ва улар билан мантиқий боғланишда кўрсатилиши лозим.

Дарсда кинодан унумли фойдаланиш учун бунга олдиндан пухта тайёргарлик кўриш талаб қилинади. Талаба-практикант дарсга тайёрлана туриб, бошқа ишлар билан бир қаторда кўрсатилиши мўлжалланган кинофильмни 1—2 марта кўриб чиқади, кейин фильмни дарснинг қайси қисмида кўрсатиш самарали бўлишини белгилайди. Бунда фильм мазмунининг характери ва ҳажми ҳисобга олинади.

Мазмуни осонлик билан пайқаб олиннадиган фильмларни мавзуини ўрганишнинг бошланишида кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейин ўқувчиларнинг фильмдан олган таассуротларига асосланиб суҳбат ўтказилади. Бунда кинофильм янги билим манбаи сифатида фойдаланилади.

Фильм мазмуни мураккаб ва пайқаб олиниши қийинроқ бўлса, уни намоёйиш қилиш олдиндан мавзу материаллари тушунтирилади, кейин кино кўрсатилади. Бунда кинофильмни кўрсатиш билимни мустаҳкамлаш мақсадини назарда тутлади.

Мавжуд ўқув фильмларининг кўплари овозсиз, айримлари эса рус тилида овозлаштирилган. Уларни кўрсатишда шу фильм мазмуни тўғрисида тушунтириш бериб бориш талаб қилинади. Баъзан кинофильмни қисмлари бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатишга тўғри келади. Бунда фильмнинг бир қисми кўриб чиқилгач, унинг

мазмунни устида суҳбат ўтказилади, кейин навбатдаги қисми кўрсатилади.

Дарс жараёнида техника воситаларининг ҳар бир туридан унумли фойдаланиш учун талаба-практикант шу асбобларни эркин ишлата оладиган бўлиши керак. Бунда «Ўқитишнинг техника воситалари» номли қисқа ва амалий курс катта аҳамиятга эга. Бинобарин, уни педагогик практикагача ўтиб улгуриши керак бўлади.

10- §. Талаба-практикант дарсини таҳлил қилиш

Талаба-практикант ўтказган дарсни методист раҳбарлигида кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш ўқитувчи шахсни шакллантиришда фойда муҳим аҳамиятга эга. Дарс таҳлили мактабда талаба-практикантлар билан олиб бориладиган методик ишнинг зарур таркибий қисмидир.

Талаба учун дастлаб бирмунча мавҳум туюлган биология ўқитиш методикаси улар кузатган дарслар таҳлилида ўзининг конкрет ифодаси ва татбиқини топиб боради. Айниқса талаба-практикант берган дарсни атрофлича таҳлил қилиш шу муҳокамада қатнашаётган барча практикантларнинг педагогик ҳамда методик билимларини конкретлаштиради ва бойитади. Бунда талабаларнинг педагогик фаолиятга қанчалик тайёр эканликларини, турли таълим-тарбия вазифаларида тўғри йўл топа олишлари, ишларидаги ютуқ ва камчиликларни пайқай олишлари маълум бўлиб қолади. Дарс таҳлили талаба-практикантларга методик қондаларни практикада қандай қўлланиш кераклигини яққол кўрсатади, уларда кузатувчанлик, ўзини назорат ва таҳлил қилиш, кузатиш жараёнида энг муҳим жиҳатларни ажрата олиш уқувларини ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Ниҳоят талаба-практикант дарсини муҳокама қилиш унда танқидга тўғри муносабат, ўзининг ҳамда бошқаларнинг фаолиятига объектив баҳо бериш, ўз фикри ва қарашларини асосланган ҳолда ҳимоя қила олиш, педагогик одоб каби хислатларнинг шаклланишини таъминлайди.

Кўп йиллик кузатишларимиз шунини кўрсатдики, агар талаба-практикант кузатган дарсни методик жиҳатдан қанчалик тўғри таҳлил қила олса, у ўз дарсини шунчалик самарали ўтказа олади, бинобарин, дарсни таҳлил қила олиш уқувини дарсга тайёрланиш ва уни ўтказа олиш уқувини билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Талаба-практикант дарсининг таҳлили мактаб ўқитувчиси ёки методист ўтказган дарс муҳокамасидан фарқ қилади. Бунда талаба-практикантлар ўзларининг шахсий педагогик фаолиятларини таҳлил қиладилар, ўз хатоларини кўриш ва уни тузатиш, ижобий моментларни кейинги ишларида қўлланишга ўрганадилар. Шунинг учун ҳам талаба-практикантлар дарсини таҳлил қилишни уларда ўз фаолиятларига тўғри ва танқидий муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилишининг муҳим ҳамда самарали воситаси, деб билиш керак.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда талаба-практикант дарсини муҳокама қилишнинг фоят катта таълим-тарбиявий аҳамияти педагогик практикада бу ишга жиддий эътибор бериш зарурлигини тақозо қилади. Шунга қарамай педагогик практикада талаба-практикант дарсини таҳлил қилишга старли эътибор бермаслиқ ҳоллар тез-тез учраб туради. Кўпинча, дарс таҳлили тайёргарликсиз ва шилинч тарзда ўтказилади. Бу ҳол кузатилган дарс муҳокамасини хўжакўрсинга ўтишига ва оқибатда унинг самарадорлигини пасайишига сабаб бўлади. Масалан, муҳокамада талаба-практикантлар, кўпинча, асоссиз ва умумий тарзда фикр юритадилар, уларнинг сўзлари юзаки, схематик ва бир-бирлариникига ўхшаш бўлади. Шубҳасиз бундай муҳокама яхши натижа бермайди.

Дарс таҳлилининг самарали бўлиши учун ҳар бир талаба-практикант пухта тайёргарлик кўриши керак. Бунда тавсия қилинган кузатиш схемасидан фойдаланиб дарс тўғрисида тегишли маълумотларни аниқлаш ва уларни тартибга солиш, муҳокамада айтиладиган фикрларни ўйлаб кўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс таҳлили қуйидаги тартибда боради:

1. Талаба-практикантнинг ўз дарси тўғрисидаги сўзи.
2. Савол-жавоблар.
3. Дарсни кузатган талаба-практикантларнинг сўзлари.
4. Мутахассислик фанлари, педагогика, психология кафедралари вакилларининг ҳамда предмет ўқитувчисининг сўзлари.

5. Дарс ўтган талаба-практикантларнинг сўзлари.

6. Методистнинг яқунловчи сўзи.

Педагогик практикада талаба-практикантлар ўтказган заҳёт дарсларининг муҳокамаси тегишли тарзда про-тоқоллаштирилади. Талаба-практикантларнинг методик

фикр ва хулосаларни қайд қилишга ўрганишларида дарс таҳлилига қарор ёзиш ғоят муҳим восита ҳисобланади. Талаба-практикантларнинг дарс тўғрисидаги фикрларни қанчалик аниқ ва тўлиқ ёза олиш кўникмалари уларнинг педагогик ва методик масалаларни шунчалик оғгли тасаввур қилганликларидан далолат беради.

Мазмунан тўлиқ ва тартибли ёзилган дарснинг таҳлил қарорини ҳатто жиддий педагогик асар, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки унда талаба-практикантлар билан бир қаторда институт кафедралари вакиллари, мактаб ўқитувчилари ҳамда методистнинг фикрлари баён қилинган бўлади. Шунинг учун ҳам қарор талаба-практикант дарсининг муҳокамаси тўғрисидаги ҳужжат бўлибгина қолмасдан, балки педагогик тажрибани ўрганаётган ҳар бир шахс учун муҳим ва қимматли манба бўлиб ҳам хизмат қилади.

Дарс таҳлили қарорини ёзиш талаба-практикант учун педагогик ва методик фикрларни ёзма баён қилишга ўрганиш бўйича машқ қилиш имконияти ҳамдир. Бу имкониятдан унумли фойдаланмоқ лозим. Ҳар бир талаба-практикант педагогик практика давомида иккала мутахассисликлар бўйича 5—6 тадан дарс таҳлили қарорини ёзиши муҳим талаблардандир.

Таҳлил қарори мазмунли ва тартибли ёзилиши лозим. Унда ҳар бир сўзга чиққан шахснинг фикрлари аниқ ва тушунарли ифодаланиши керак. Қарор грамматик ва стилистик жиҳатдан талаблар савиясида ва пухта ишланган бўлиши лозим.

Тажриба алмашилиш тарзида дастлабки ёзилган қарорларни талаба-практикантлар группасида муҳокама қилиш ҳам яхши натижа беради. Бу иш талаба-практикантларнинг педагогик ва методик фикрларни ёзма баён қила олиш кўникмаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Қуйида дарс таҳлили қарорининг схематик намунаси келтирилади.

_____ институти, _____

факультетининг талабаси _____

_____ нинг _____ туман (шаҳар)

_____ сон _____ мактабнинг _____ синфда

Биологиядан _____ куни ўтган дарсининг

таҳлил қарори

_____ 19 ____ йил.

Дарс мавзуи _____

Қатнашувчилар: _____

Дарс ўтган талаба-практикантнинг сўзи: _____

Талаба-практикант А. сўзи: _____

Талаба-практикант Б. сўзи: _____

Талаба-практикант В. сўзи: _____

Ботаника кафедраси вакили Г. сўзи: _____

Педагогика кафедраси вакили Д. сўзи: _____

Мақтаб биология ўқитувчиси Е. сўзи: _____

Методист З. сўзи: _____

Қарор ёзувчи талаба-практикант

ИМЗО _____

V б о б. Талаба-практикантларнинг дарсдан ва синфдан ташқари ишлари

Биология бўйича мактабда талаба-практикант амал-
та оширадиган дарсдан ва синфдан ташқари ишлар пе-

дагогик практиканинг муҳим соҳасидир. Масала шундаки, мактабда биологияни ўқитиш дарс ўтиш билан чекланмайди. Дарс бериш билан бир қаторда таълим-тарбия ишларининг бошқа хилма-хил шаклларини ташкил қилиш зарур бўлади.

Ҳозирги пайтда методика ва мактаб практикасида дарслар билан бир қаторда биология бўйича ўқувчилар билан амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг муайян ташкилий шакллари тизими қарор топгандир. Ўқитишнинг асосий ташкилий шакли ҳисобланган дарс билан бир қаторда бажарилиши ўқувчилар учун мажбур бўлган уй ишлари, тирик табиат бурчагида, ўқув-тажриба участкасида ва табиатда дарсдан ташқари ўтказиладиган қузатиш ҳамда тажрибавий ишлар, экскурсиялар, ихтиёрий хилма-хил синфдан ташқари машғулотлар шу тизимни ташкил қилади.

Институтни битириб, мактабга ишга борган ҳар бир ёш биология ўқитувчиси ўз мутахассислиги бўйича таълим-тарбия ишларининг бутун тизимини амалга ошириши керак бўлади. Бунинг учун у педагогик практика жараёнида ўқувчилар билан олиб бориладиган дарсдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича дастлабки ўқув ҳамда кўникмаларни ҳосил қилиб ўзгурган бўлиши керак. **Бунингсиз талаба-практикант институтдан ўқитувчи-тарбиячи эмас, балки ўқитувчи-дарс берувчи бўлиб чиқиши турган гап.**

1-§. Биология бўйича дарсдан ташқари ишлар

Биология бўйича таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи дарс бериш билан бирга унга боғлиқ ҳолда ўқувчиларнинг табиатшунослик йўналишидаги дарсдан ташқари ишларини ҳам муайян тизимда амалга ошириб боради. Дарсдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг дастур материалларини тўлиқ ва пухта ўзлаштириб олишларини таъминлашга қаратилган бўлади. Дарсдан ташқари ишлар бутун бир синф ўқувчилари ёки уларнинг кичик группаси билан ёки якка-якка тарзда ташкил қилинади. Группа тарзидаги ва индивидуал дарсдан ташқари ишларни бажаришга синфдаги ҳамма ўқувчилар бирданига ёки навбати билан жалб қилиниши мумкин. Бу ишларнинг бажарилиши мунтазам равишда ҳисобга олиниб, ўқувчилар фаолиятига баҳо қўйиб борилади.

Мактаб биология курсини ўқитишда ва унинг самардорлигини таъминлашда ҳар хил дарсдан ташқари ишларга эҳтиёж туғилади. Бундай ишларнинг мазмуни ғоят бой, ташкилий шакллари хилма-хилдир. Дарсдан ташқари ишларнинг тахминий мавзулари ҳар бир мавзу бўйича мактаб биология дастурида берилган.

Дарсдан ташқари ишларни қачон ва қандай шаклда, қаерда ташкил қилиш масаласи мавжуд заруратга қараб ҳал қилинади. Чунинчи, ўсимлик ва ҳайвонлар устида ўтказиладиган кузатиш ва тажрибалар узоқ вақт талаб қилинганлиги туфайли уларни дарсдан ташқари вақтда ташкил қилишга тўғри келади. Бунда ишнинг натижасидан тегишли дарсларда албатта фойдаланиш керак. Баъзан дарсда айрим лаборатория ишларини ташкил қилиш учун биология кабинетида ҳамма ўқувчиларга жиҳозлар старли бўлмайди, синфда эса ўқувчилар сони жуда кўп бўлади. Бундай ҳолларда шу лаборатория машғулотини ўқувчиларнинг кичик группалари билан навбатма-навбат дарсдан ташқари иш тарзида ўтказилади. Ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонларни парвариш қилиш бўйича амалий ишлар, шунингдек, биологик экскурсиялар ҳам асосан дарсдан ташқари вақтда ташкил қилинади.

Ўқувчилар дарсдан ташқари ишларни ўқитувчининг топшириғи билан бажарадилар. Ишнинг ташкил қилинишига қараб, топшириқлар айрим ўқувчи учун ёки ўқувчиларнинг кичик группасига мўлжалланган бўлиши мумкин.

Биологиядан ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларни кабинетда, тирик табиат бурчагида, ўқув-тажриба участкасида ва табиатда бажарилади.

Талаба педагогик практикада ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларини ўзи бириктирилган синфда олиб боради. Бунда у ўз синфи коллективи билан яқиндан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ўқувчиларни яхшироқ таниб олиш ва ўзига топширилган таълим-тарбия ишларини мақсадга йўналган ҳолда амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Талаба-практикантнинг биологиядан ўз синфида маълум тизимда дарсдан ташқари ишларни олиб бориши тегишли педагогик ва методик уқув ҳамда кўникмаларни эгаллаш соҳасида машқлланиши ҳисобланади. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларига мунтазам раҳбарлик қилиб

борган талаба-практикант дарсларни ҳам самарали ўтади. Қуйида талабаларнинг педагогик практикада биологиядан ўз синфларида амалга оширган дарсдан ташқари ишларидан айрим намуналар келтирамиз.

IV курс талабаси К. педагогик практика давомида ботаникадан VI синфда бир қатор дарсдан ташқари ишларни амалга оширди. Унинг раҳбарлигида белгиланган ўқувчилар звенolari мактаб иссиқхонасида «Барг» мавзуи бўйича дастур талаб қилган тажрибаларни амалга оширдилар. Бунда шу звенolarнинг баргининг ёруғда карбонат ангидрид ютиб, кислород чиқаришини, бошқаси — яшил баргда крахмал ҳосил бўлишини, учинчиси — барг орқали сув буғлантирилишини кўрсатувчи тажрибаларни қўйдилар ва тегишли кузатиш ишларини олиб бордилар. Ҳар бир тажриба натижаси тегишли дарсда кўрсатув объекти ёки лаборатория машғулоти материали сифатида фойдаланилди. Масалан, баргнинг ёруғда карбонат ангидрид ютиб, кислород чиқаришини ва барг орқали сув буғлантирилишини кўрсатадиган тажрибаларнинг натижалари ўқитувчининг таклифи билан дарсда звено бошлиқлари томонидан кўрсатилди. Яшил баргда крахмал ҳосил бўлишини кўрсатадиган тажриба натижаси лаборатория машғулоти жараёнида аниқланди. Ҳар икки ҳолатда ҳам дарсда шу тажрибаларнинг қандай шароитда бошланганлиги тўғрисида ўқувчилар ахбороти тингланди.

Шу талаба-практикант мактаб биология кабинетига микроскоп етарли бўлмаганлиги учун баргнинг ҳужайралардан тузилганлигини кўриб чиқиш бўйича лаборатория ишларини дарсдан ташқари машғулот сифатида амалга оширди. Бунинг учун 10—12 тадан ўқувчи навбат билан дарсдан ташқари вақтда биология кабинетиға таклиф қилинди. Улар 3—4 тадан бўлиб, практикант ўқитувчи раҳбарлигида традисканция барги пўстидан вақтинчалик препарат тайёрлаб, уни кабинетдаги 3 та микроскопда кўрдилар ва унинг ҳужайра тузилиши расмини биология дафтарларига чизиб олдилар. Шунингдек, бу машғулотда ўқувчилар барг кесмасининг тайёр препаратини микроскопда кўриб унинг ҳам расмини чиздилар. Бунда ҳар бир иш дарсда ўрганилган ўқув материалига боғлиқ ҳолда ташкил қилинди ва шу сабабли машғулот ўқувчиларнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш имкониятини берди.

Яна шу талаба-практикант дарсдан ташқари иш тарзида бутун синф ўқувчиларига «Яшил ўсимликларнинг табиатдаги ва одам ҳаётидаги аҳамияти» номли қисқа метражли ўқув фильмини шу мавзудаги дарсдан кейин мактабнинг техника воситалари кабинетида кўрсатди.

VI синфга биркитилган талаба-практикант И. «Ўсимликларнинг гуруҳлари» мавзуида дарслар ўтиб, ботаника курсини якунлагач, зоологиядан ҳам бир неча дарслар ўтди. Дарсдан ташқари иш сифатида эса у ўз ўқитувчиларини ўсимликларнинг ҳар хил яшаш шароити билан таништириш мақсадида ўтзор, бутазор, ботқоқлик ва сувсиз адир ерларга экскурсиялар ўтказди. Зоология бўйича эса талаба-практикант кичик группалар билан лаборатория машғулотлари ташкил қилди. Бунда ўқувчилар микроскопда туфельканинг тузилиши, ҳаракати ва таъсирланишини кузатдилар. Шунингдек, айрим ўқувчиларнинг энг содда ҳайвонлар культурасини ҳосил қилиш ва ундаги бир ҳужайрали организмлар ҳаётини кузатиш бўйича қисқа вақтли амалий ишлар ташкил қилинди.

Талаба-практикант О. VII синфда «Қушлар синфи» мавзун бўйича дарсдан ташқари иш сифатида жамоа ҳўжалигининг паррандачилик фабрикасига экскурсия ўтказди. Бундан ташқари, айрим ўқувчиларни табиатда қушларнинг учиб келишини, тирик табиат бурчагида каптар ва тўтиқушлар ҳаётини кузатишга жалб қилди. Баъзи ўқувчилар практикант-ўқитувчи раҳбарлигида тўтиқушларда шартли рефлекс ҳосил қилиш ва уларни қўлга ўргатиш бўйича тажриба ишлари олиб бордилар.

IX синфда «Овқат ҳазм қилиш» мавзуида дарслар ўтган талаба-практикант Р. синфда ўқувчилар сони кўп (43) бўлгани учун дастур талаб қилган сўлакнинг крахмалга ва ошқозон ширасининг оқсилга таъсирини аниқлаш бўйича лаборатория машғулотларини ўқувчиларнинг кичик группалари билан дарсдан ташқари вақтда ўтказди. Чунки, бу лаборатория машғулотларини 43 ўқувчи билан дарсда ташкил қилиш ва уларни бошқариб бориш талаба-практикант учун жуда қийин бўлур эди, иккинчи томондан, кабинетда синфдаги ҳамма ўқувчиларга етадиган лаборатория жиҳозлари мавжуд эмас эди.

Шунга ўхшаш дарсдан ташқари ишларни талаба-практикантлар юқори синфларда V курс педагогик практикасида ҳам амалга оширадилар.

Биологиядан талаба-практикантлар амалга оширадиган дарсдан ташқари ишларнинг мазмуни ва хиллари педагогик практикани йилнинг қайси пайтида ўтказилаётганлигига ҳам боғлиқдир. Йилнинг баҳор ойлари биология бўйича дарсдан ташқари ишларни кенг қўламда ташкил қилиш учун қулай пайтдир. Бу вақтда талаба-практикантлар ўз синфи ўқувчилари билан табиатда, ўқув-тажриба участкасида хилма-хил мазмундаги табиатшунослик ишларини олиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Педагогик практикада биологиядан ташкил қилинадиган дарсдан ташқари ишлар тизими талаба-практикантларнинг ўз синфларидаги улгурмовчи ва қийинчилик билан ўзлаштираётган ўқувчилар билан олиб борадиган ишлари ҳам ғоят муҳимдир. Ҳар бир талаба-практикант ўз синфи билан танишиш жараёнида биологиядан улгурмаётган ва билимни қийинчилик билан ўзлаштираётган ўқувчиларни ҳамда уларнинг индивидуал хусусиятларини предмет ўқитувчиси орқали аниқлаб олади, шу ўқувчилар билан ишлаш ва улардаги қолақликни бартараф қилиш тадбирларини белгилайди. Ўтилган мавзунинг қийин масалалари бўйича қолақ ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш, уларга кўргазмали қурол, табиий объект ва айрим тажрибаларни такроран қилиб кўрсатиш асосида тегишли ўқув материалларини тушунтириш, шу ўқувчиларга индивидуал топшириқлар бериб, уларнинг бажарилишини текшириб бориш каби тадбирлар улгурмовчиликни бартараф қилишда ғоят самарали воситалардир.

Бир қатор педагогик институтларнинг педагогик практика ўтказиш тажрибаси унда биология бўйича талаба-практикантлар амалга оширадиган дарсдан ташқари ишларнинг асосий мазмуни ва тизимини белгилаш имкониятини беради. Ҳар бир талаба-практикант ўз синфида мавжуд имкониятларга қараб, биология бўйича қуйидаги дарсдан ташқари ишларни бажариши керак;

1. Навбатдаги дарслар учун ўқувчиларнинг натурал объект ва тажрибалар тайёрлашда қатнашишини ташкил қилиш.

2. Дарсдан ташқари лаборатория машғулотларини ўтказиш.

3. Мактаб ўқув-тажриба участкасида ўқувчиларнинг амалий ишларини ташкил қилиш.

4. Тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси ва

табиатда ўқувчиларнинг узоқ вақт давом этадиган кузатиш ҳамда тажрибалар ўтказишларини ташкил қилиш.

Бу ишлар дарсларда ўрганилаётган мавзу талаби ва йилнинг мавсумига қараб ташкил қилинади. IV курс педагогик практикасида қилинмаган ишлар V курсда амалга оширилиши керак.

Ҳар бир талаба-практикант педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичида ўз синфида амалга оширадиган дарсдан ташқари ишлар мавзунини аниқлаб олади ва уни индивидуал календар режада ифодалайди.

Амалий жиҳатдан дарсдан ташқари ишлар методикасини эгаллашда талаба-практикантларнинг ана шу ишларни предмет ўқитувчиси ёки методист иштирокида ўзаро кузатиши ва кейин муҳокама қилиши муҳим аҳамиятга эга. Талаба-практикантнинг методист иштирокида кузатилган ва таҳлил қилинган дарсдан ташқари ишлардан бири заҳёт иш сифатида қабул қилинади ва баҳоланади.

2-§. Биология бўйича синфдан ташқари машғулотлар

Мактаб биология курсини ўқитиш дарс ва дарсдан ташқари ишлар билан бирга синфдан ташқари машғулотлар ўтказилишини ҳам назарда тутати. Синфдан ташқари машғулотлар ўқитувчи раҳбарлигида ташкил қилиниб, ўқувчиларнинг қизиқиши ва хоҳишларига асосланади. Бу машғулотларга ўқувчилар ихтиёрий тарзда жалб қилинадилар. Синфдан ташқари машғулотларнинг мақсади ўқувчиларнинг табиатни ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш, уларнинг ҳаваскорлигини ривожлантириш ҳамда биологиядан билим доирасини кенгайтиришдир.

Синфдан ташқари машғулотларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти шундаки, улар ўқувчиларда илмий дунёқараш, меҳнат маданияти, табиатни севиш хислатларини тарбиялаш имкониятини беради, мустақил кузатиш кўникмалари, ташаббускорлик ва коллективизмни ривожлантиришга ёрдам беради.

Биология бўйича ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотлар мазмун ва ташкил қилиниши жиҳатдан хилма-хилдир. Методик адабиётда улар 3 группага бўлинади.

1. Индивидуал машғулотлар: а) тирик табиат бур-

чагидаги ишлар; б) ўқув-тажриба участкасидаги ишлар; в) табиатда олиб бориладиган ишлар; г) синфдан ташқари ишлар.

2. Группа тарзидаги машғулотлар: а) ёш табиатшунослар тўгараги; б) ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси.

3. Оммавий машғулотлар: а) маърузалар, б) кинофильмлар кўрсатиш; в) илмий-тематик кечалар ва конференциялар; г) ижтимоий фойдали табиатшунослик компаниялари (ҳосил ҳафталиги, боғ ойлиги, кўкалам-зорлаштириш ойлиги, гуллар ойлиги, қушлар куни ва ҳ. к.); д) биологик мазмундаги мусобақалар (викторина, ўткир зеҳнлилар мусобақаси, конкурслар, олимпиадалар ва ҳ. к.).

Бўлажак биология ўқитувчиси педагогик практика даврида фан бўйича мактабда синфдан ташқари ишларни хилма-хил шаклларда ва методик жиҳатдан тўғри ташкил қилишга ўрганиши керак. Бироқ педагогик практика муддатининг чекланганлиги унга синфдан ташқари ишларнинг барча хилларини ўрганиб олишга имкон бермайди. Бинобарин, педагогик практика даврида биология бўйича синфдан ташқари ишларнинг асосий ва мунтазам равишда амалга ошириладиган турларини эгаллаш билан чекланишга тўғри келади.

Талаба-практикантлар педагогик практикани биринчи ҳафтасидаёқ мутахассислик фанлари бўйича қандай синфдан ташқари ишлар олиб боришлари тўғрисида аниқ топшириқлар оладилар ва уларни ўзларининг индивидуал календар режаларида акс эттирадилар.

Одатда, биология бўйича синфдан ташқари машғулотлар соҳасида талаба-практикантларга бериладиган ҳар бир топшириқ қуйидаги ишларни ўз ичига олади:

1. Ёш табиатшунослар тўгараги ёки унинг бирор секцияси ишига раҳбарлик қилиш.

2. Тематик кеча тайёрлаш ва ўтказишда айрим ўқувчилар ишига раҳбарлик қилиш.

3. Ўзи биркитилган синф ўқувчиларининг синфдан ташқари ўқишларига раҳбарлик қилиш.

4. Бошқа практикантларнинг синфдан ташқари ишларини кузатиш ва уларнинг муҳокамасида қатнашиш.

Талаба-практикантлар ўзларига юкланган юқоридаги топшириқларни муваффақиятли равишда бажара олишлари учун аввало улар синфдан ташқари ишлар

методикасини назарий жиҳатдан пухта эгаллаган бўлишлари керак.

Шу муносабат билан биология бўйича синфдан ташқари машғулотлар методикасига оид асосий маълумотларни қисқача ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёш табиатшунослар тўғараги. Биологиядан синфдан ташқари ишлар тизимида ёш табиатшунослар тўғараги асосий ўринни эгаллайди. Ёш табиатшунослар тўғараги биология бўйича синфдан ташқари ишларнинг мунтазам амалга ошириладиган шаклидир.

Синфдан ташқари ишларнинг бошқа турларини, айниқса оммавий шаклларини амалга оширишда ёш табиатшунослар тўғараги етакчилик ва ташкилотчилик ролини ўйнайди.

Ёш табиатшунослар тўғараги мунтазам равишда ва аниқ режа асосида иш олиб боради. Унинг таркиби доимий ва кўнгилли иштирокчиларидан иборат бўлади.

Ўқувчилари кўп мактабларда ёш табиатшунослар тўғараги секцияларга бўлиниб иш олиб боради. Бунда, кўпинча VI—VII синф ўқувчилари ёш ботаниклар, VII—VIII синф ўқувчилари ёш зоологлар, IX синф ўқувчилари ёш физиологлар, X—XI синф ўқувчилари ёш биологлар секциясига жалб қилинадилар. Шунингдек, мактаб жойлашган райондаги хўжаликнинг етакчи соҳалари ва ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб қишлоқ хўжалиги йўналишларида секциялар (масалан, «Ёш пахтакорлар», «Ёш сабзавоткорлар», «Ёш боғбонлар», «Ёш гулчилар», «Ёш чорвадорлар», «Ёш пиллакорлар», «Ёш асаларичилар» ва бошқа секциялар) ташкил қилиш мумкин. Тўғарак секцияларини шундай комплекшлаштириш ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дарсда олган билим савиялари билан тақозо қилинади. Маълумки, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳам бир хилда турмайди. Биология курсининг ҳар бир бўлимини ўрганишда вужудга келган қизиқиш, навбатдаги бўлимни ўтишда бошланиши билан ўзгариши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда ҳам ўқувчиларни синфларга қараб тўғаракнинг тегишли секцияларига жалб қилиниши мақсадга мувофиқ келади. Албатта секциялар ўртасида фаолият нуқтаи назаридан ўзаро боғланиш ва маълум ворислик бўлиши керак. Шундай ҳам бўладики, баъзи ўқувчиларнинг бир соҳага бўлган дастлабки қизиқишлари ўзгармасдан давом этиши мумкин. Бундай ўқувчилар юқори синфда ўқиётганликларига қарамай даст-

лаб танланган секцияларнинг ишларида қатнашаверадилар.

Ёш табиатшунослар тўғарагининг ҳар бир секциясига 15—20 ўқувчи жалб қилиниши мумкин.

Ҳар бир секцияда тўғарак ишлари умумий группа ва индивидуал тарзда ташкил қилинади. Тўғарак ишлари мазмун жиҳатдан қуйидагилардан таркиб топади:

1. Индивидуал ёки группа тарзда тирик табиат объектлари ва ҳодисаларини мустақил кузатиш ҳамда улар устида тажрибалар ўтказиш, тажриба натижаларини ёзма ахборот, схема, график ва фоторасмлар тарзда қайд қилиш (ифодалаш).

2. Табиат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ботаника боғи, зоопарк ва табиат музейи каби объектларга экскурсия (умумий машғулот).

3. Тўғарак режасида белгиланган мавзулар бўйича илмий, илмий-оммабоп адабиётларни ўрганиш ва ёш табиатшуносларнинг умумий йиғилиши, илмий конференция, тематик кечаларда ўқиш учун қисқача ахборот ёки маъруза тайёрлаш, реферат ҳамда мақола ёзиш.

4. Ўтказилган кузатиш ва тажриба ишларининг якуни, тайёрланган ахборот, маърузалар ва бошқа масалаларни муҳокама қилишга бағишланган тўғарак (секция)нинг умумий йиғилиши (тўғарак машғулоти ҳар ҳафтада ёки бир ойда икки марта ўтказилади).

5. Оммавий ижтимоий-фойдали компаниялар ва тематик кечаларни тайёрлаш ҳамда ўтказишда фаол қатнашиш.

Одатда, тўғарак режасидаги индивидуал ва группавий ишларнинг бажарилишини таъминлаш қуйидагича боради. Аввал тўғарак раҳбари ишни бажарувчи тўғарак аъзолари билан кириш суҳбати ўтказади. Бунда топшириладиган ишнинг аҳамияти таъкидланиб, тўғарак аъзоларига тегишли топшириқ берилади ва ишни бажариш усули тўғрисида батафсил йўл-йўриқлар берилади. Чунончи, йўл-йўриқлар беришда кузатиш ҳамда тажрибаларни қаерда (табиатда, мактаб ўқув-тажриба участкасида, тирик табиат бурчагида ва бошқа объектларда) ва қандай ўтказиш зарурлиги, ишнинг бориши ва натижаларини қай тарзда қайд қилиш (ёзма ифодалаш, схема, расм ва монтаж тарзида расмийлаштириш ва ҳ. к.) таъкидланади. Назарий мавзулар бўйича эса тегишли илмий, илмий-оммабоп китоб ва журналлар тавсия қилинади. Тўғарак аъзолари иш бажаришга са-

фарбар қилинган, ҳар бир топшириқнинг қандай бажарилаётганини назорат қилиб бориш жуда муҳимдир. Ниҳоят, топшириқларнинг бажарилиш якунлари тўғрисида тайёрланган ахборот ва маърузалар тўғраракнинг умумий йиғилишларида эшитилади ҳамда муҳокама қилинади; схема, расм ва монтаж тарзида расмийлаштирилган иш якунлари мактаб ва мактабдан ташқари кўргазмаларга қўйилади.

Ёш табиатшунослар тўғраракнинг ишига раҳбарлик қилишда талаба-практикантлар қуйидаги талабларга риоя қилишлари керак.

1. Педагогика, методика курслари бўйича тўғраракнинг аҳамияти ва вазифалари, тўғрарак ишининг мазмуни ҳамда методикаси тўғрисидаги маълумотларни эсга олиш, шу соҳадаги янги адабиёт ва материалларни ўрганиш.

2. Педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси ичнда ёш табиатшунослар тўғраракнинг иш тажрибаси билан танишиш ва уни педагогик ҳамда методик bilimларга асосланиб таҳлил қилиш.

3. Тўғрарак режасининг педагогик практика даврида амалга ошириладиган тадбирларни аниқлаш ва уларни ўзининг индивидуал — календар режасида акс эттириш, ҳар бир машғулотнинг мақсади, мазмуни ва методикасини атрафлича ўйлаб чиқиш.

4. Толишириқ олган ёш табиатшунослар фаолиятига мунтазам раҳбарлик қилиб бориш, уларга йўл-йўриқлар бериш, ишни бажаришда қийналаётган тўғрарак аъзоларига ўз вақтида тегишли амалий ёрдамлар бериш, астойдил ва ташаббус билан ишлаётганларни яна ҳам руҳлантириш, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш, ишда совуққонлик кўрсатаётган ўқувчиларни танбех остига олиш.

5. Заҳёт тарзида битта тўғрарак машғулотини тайёрлаш ва ўтказиш.

6. Тўғрарак ишларини қандай олиб бораётганлиги ҳақида методистга тез-тез ахборот бериб туриш ва ундан тегишли йўл-йўриқлар олиб туриш.

Биологик кечалар. Биологик кечалар синфдан ташқари ишларнинг оммавий тури бўлиб, тематик йўналишида ўтказилади. Улар биология, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги фанларининг турли соҳалари ҳамда шу соҳаларда эришилган улкан муваффақият ва кашфиёт-

лар, атоқли биолог олимларнинг ҳаёти ҳамда илмий фаолиятини ёритишга бағишланиши мумкин.

Биологик кечалар таълим ва тарбия жиҳатидан ғоят катта аҳамиятга эга. Биологик кечаларда ўқувчиларга ҳар хил тирик мавжудотлар (ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар) ҳаётига оид, медицина ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда табиатни ўрганиш билан боғлиқ бўлган бошқа соҳалар бўйича жуда кўп қизиқарли маълумотларни баён қилиш мумкин бўлади, шу орқали уларнинг органик олам ва ҳаёт тўғрисидаги билим доираларини кенгайтириш, фанни ўрганишга бўлган қизиқишларини янада кучайтириш имконияти туғилади.

Мактаблар практикасида атоқли биолог олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган кечалар ўтказиш кенг тус оляпти. Бундай кечалар олимларнинг биографиясини (таржимаи ҳолини) кенг ёритиш билан бир қаторда уларнинг илмий фаолиятларини, яратган муҳим асар ва кашфиётларини дарсларда ёритилганлигига қараганда батафсил баён қилиб бериш имкониятини беради. Айниқса буюк олимларнинг ҳаёти ҳамда илмий фаолиятига бағишланган кечалар ўқувчиларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришда ғоят самарали натижалар беради.

Одатда, биология бўйича, тематик кечалар ҳар чоракда бир марта, баъзан бир йилда икки марта ўтказилади. Уларни тайёрлаш ва ўтказишда фан ўқитувчиси доим ташаббус кўрсатади ҳамда етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам педагогик касбни ўрганаётган биолог-талабалар педагогик практика давомида фан бўйича тематик кечалар ўтказиш методикасини амалий жиҳатдан эгаллашлари керак. Бунинг учун улар практиканинг ҳар иккала босқичида мактабнинг ўқув-тарбия режасида мўлжалланган биологик кечаларни тайёрлаш ва ўтказишда раҳбар сифатида фаол иш олиб боришлари лозим.

Кеча ўтказишга тайёргарлик унинг мавзуи ва дастурини белгилаш билан бошланади. Кеча мавзуи актуал ва ўқувчиларнинг қизиқишига мос бўлиши билан бирга биология фани, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, медицина практикасининг айрим соҳалари бўйича ўқувчилар билимини бойитиш ва чуқурлаштириш, уларда илмий дунёларини ривожлантириш каби тар-

биявий вазифаларни бажаришга қаратилган бўлсин. Шунингдек, кеча мазмунининг ғоявий жиҳатдан йўналган бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тематик кечалар фақат илмий масалаларни ёритиш билан чекланмайди, улар ўқувчилар учун дам олиш, вақтни маданий ва унумли ўтказиш воситаси ҳам ҳисобланади. Шунга кўра кечада илмий маъруза ва ахборотлар билан бир қаторда турли бадий чиқишлар ҳам ташкил қилинади.

Кеча мавзуи белгилангач, унинг мазмуни ва тузилишини ифодаловчи дастур тузилади. Дастурда кечанинг қандай изчилликда бориши аниқ белгиланади.

Кеча дастури ёш табиатшунослар тўғараги аъзоларининг фаол иштирокида тайёрланади. Тайёргарлик ишларига қанчалик кўпроқ ўқувчилар жалб қилинса, кечани оммавийлиги ва таъсирчанлиги шунчалик юқори бўлади.

Кеча дастурини тайёрлашда аввало мавзу бўйича маърузачи ва сўзга чиқувчилар танланади. Бунда мавзу бўйича битта маъруза билан чекланиш ярамайди. Асосий мавзу бир неча (2—3) кичик мавзуларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирига маърузачи, ҳар бир маъруза бўйича сўзга чиқувчилар белгиланади. Шундан кейин маърузачи ва сўзга чиқувчи ўқувчилар билан алоҳида иш олиб борилади (тегишли адабиёт билан таъминлаш, маъруза режаси тузишга ёрдамлашиш, маъруза текстини кўриб чиқиш ва тузатиш, маърузани ўқитиб кўриш ва ҳ.).

Кечани тегишли равишда безатишга ҳам катта эътибор бериш керак. Айниқса кеча ўтказиладиган зални тематик йўналишда безатиш, кечага бағишлаб деворий газета, журнал ва фотомонтаж чиқариш, ҳатто кичик тематик кўرғазма ташкил қилиш маъқул. Бу ишлар ҳам ёш табиатшунослар ва бошқа фаол ўқувчилар иштирокида амалга оширилади.

Кеча дастурини тайёрлашнинг яна бир муҳим масаласи — унинг бадий қисмини таъминлашдир. Дастурда мўлжалланган барча бадий чиқишлар, кўрсатиладиган илмий-оммабоп кинофильмлар ва бошқа экран воситалари олдиндан пухта тайёрланиши керак. Бунда, айниқса, бадий номерларни тайёрлашда, мактаб ўқувчи ва ёшлар ташкилотларининг ёрдамига асосланиш керак бўлади.

Кўпинча биология кечасининг тузилишига (дастури-

га) мавзу бўйича викторина ўтказиш ҳам киритилади. Викторина ўқувчиларнинг ўз билимларини намоён қилишга имкон беради ва уларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишларини яна ҳам оширади.

Биология бўйича тематик кечалар ўткир зеҳнлилар мусобақаси тарзида ўтказилиши мумкин.

Биология кечалари қандай шаклда ташкил қилинишидан қатъи назар, улар тантанали вазиятда ўтказилиши керак. Кечага ота-оналар, жамоат ва хўжалик ташкилотлари, қўшни мактаблардан вакиллар меҳмон сифатида махсус таклифнома билан чақирилиши лозим.

Талаба-практикантнинг биологик кечани тайёрлаш ва ўтказиш соҳасида олиб борадиган ишлари қуйидаги режа бўйича бажарилиши мумкин.

1. Педагогика ва методика бўйича тематик кечалар тўғрисида институтда ўтилган маълумотларни такрорлаш ҳамда шу соҳадаги янги адабиёт манбаларини (газета, журнал мақолалари, брошюра ва китоб кабиларни) ўқиб чиқиш.

2. Педагогик практикани дастлабки кунлари мактабда тематик кечалар ўтказиш тажрибаси билан танишиш.

3. Педагогик практика даврида ўтказилиши мўлжалланган биология кечасининг мавзуси ҳамда дастурини белгилашда қатнашиш, кечани тайёрлаш ҳамда ўтказиш бўйича ўз вазифасини аниқлаб олиш (топшириқ олиш).

4. Кечада сўзланадиган кириш ва яқунловчи нутқларнинг конспектини тузиш.

5. Маърузалар учун адабиёт танлашда ва маъруза текстини тайёрлашда ўқувчиларга ёрдам бериш.

6. Кечага бағишлаб деворий газета, журнал, фотоальбом ва фотомонтаж чиқариш ишига раҳбарлик қилиш.

7. Ўз синфи ўқувчиларини кечага тайёрлаш.

8. Кечага бағишлаб тематик кўргазма ташкил қилиш ва зални безатишда ўз ўқувчилари билан қатнашиш.

9. Кечанинг бадий қисмини тайёрлашда қатнашиш.

10. Тажриба ўрганиш учун қўшни мактабларда ўтказиладиган тематик кечаларда вакил сифатида қатнашиш.

11. Кечага тайёрланиш давомида ўз ўртоқларининг ишларини кузатиб бериш.

12. Кечани тайёрлаш бўйича ўзига юкланган топшириқларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида педагогик практика раҳбари ва биология ўқитувчисига вақт-вақти билан ахборот бериб бориш ҳамда улардан тегишли йўл-йўриқлар олиш.

13. Ўтказилган кеча тўғрисида ўз синфи ўқувчилари билан фикр алмашиш ва кеча якунини муҳокама қилишда қатнашиш.

Изоҳ: 4, 5, 6, 8 ва 9- пунктларда кўрсатилган ишлар талаба-практикантга топширилишига қараб бажарилади.

Биологиядан оммавий натуралистик тадбирлар. Оммавий натуралистик тадбирлар биология бўйича синфдан ташқари ишларнинг муҳим туридир. Уни амалга оширишда мактабнинг кўпчилиги ўқувчилари иштирок қиладилар. Оммавий, натуралистик тадбирлар ижтимоий-фойдали характерга эга бўлади. Чунки улар маълум иқтисодий манфаат келтириш билан бирга ўқувчиларни ҳаёвий жиҳатдан тарбиялаш, билимини чуқурлаштириш, амалий ўқув ва кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Оммавий натуралистик тадбирлар мактаб миқёсида ва компания тарзида ўтказилади. Улар мазмун жиҳатидан кўпинча табиатни қўриқлаш масалалари билан боғланади. «Қўкаламзорлаштириш ойлиги», «Боғ ҳафталиги», «Ўрмон ҳафталиги», «Гуллар кўни», «Қўшлар кўни» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

«Қўкаламзорлаштириш ойлиги», «Боғ ҳафталиги», «Ўрмон ҳафталиги» каби компаниялар кўпинча баҳорда ва баъзан кузда ўтказилади. Бунда йўл ёқалари ва бошқа жамоат фойдаланиладиган жойларга ҳар хил дарахт ҳамда буталар ўтказилади, уруғлар сепилади ва уларни парвариш қилиш ташкил қилинади. Бу ишлардан мақсад мактаб ўқувчиларини қўкаламзорлаштириш ва яшил ўсимликларни қўриқлаш ишига жалб қилишдир. Бу ишлар оқибатда мевазор боғлар, ўрмон участкалари, парк ва бульварлар, дарахтзор ва гулзорлар бунёдга келади. Гарчи юқоридаги тадбирлар компания номи билан юритилса ҳам, улар давомли характерга эга. Ўқувчилар ўтказилган кўчат ва қўкартирилган майсаларни парвариш қилиш ҳамда қўриқлашни давом эттирадилар.

Оммавий натуралистик тадбирлардан «Қўшлар кўни»ни ўтказиш ҳам таълим-тарбия нуқтаи-назаридан

роят аҳамиятлидир. Бу компания дала ва боғларга қушларни жалб қилиш ҳамда уларни қўриқлаш мақсадида ўтказилади. «Қушлар куни» эрта баҳорда ўтказилиб, у ўз ичига учиб келадиган қушлар учун уялар ясаш ва уларни тегишли жойга осиш, жалб қилинган қушларни қўриқлаш каби ишларни олади. «Қушлар куни» ўтказиш оқибатида: а) боғ ва далаларга зараркунанда ҳашаротларни қирувчи фойдали қушлар жалб қилинади ва натижада ҳосилни сақлаб қолиш учун шароит яратилади; б) ўқувчилар қушлар ҳаёти билан бевосита танишадилар; в) ўқувчиларда қушларга нисбатан эҳтиёткорлик муносабати тарбияланади; г) ўқувчилар ижтимоий-фойдали ишларда қатнашган бўладилар.

Барча оммавий натуралистик тадбирлар мактабнинг таълим-тарбиявий плани асосида ва директор раҳбарлигида ўтади, бу ишда биология ўқитувчиси доим ташаббускор бўлади.

Ҳар бир оммавий натуралистик компанияни пухта тайёргарлик билан ўтказиш керак. Масалан, «Боғ ҳафталиги»га тайёрланишда қандай мева кўчатларини қаерлардан келтирилиши аниқлаб олинади, кейин мўлжалдаги кўчатлар, ўғит материали ва иш қуроллари ҳозирланади, компанияда кимлар (қайси синф ўқувчилари) иштирок қилиши белгиланади.

«Қушлар куни» ва тайёрланишда қайси қушлар учун қанақа ва қанча уя ясаш, уларни қаерларга осиш масаласи олдиндан планлаштирилади, зарур бўлган материал ва асбоб-ускуналар ҳозирланади.

Ўтказиладиган компаниянинг оммавийлигини таъминлаш, яъни унга имконияти борича кўпроқ ўқувчилар жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ўқувчиларни қизиқтириш керак. Шу мақсадда компаниянинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида синфларда суҳбатлар ўтказиш, компанияга бағишлаб деворий газеталар чиқариш, эълонлар осиш керак бўлади. Барча тайёргарлик ишларида биологияни ўрганишга қизиққан ўқувчилар — ёш табиатшунослар актив қатнашадилар, уларга биология ўқитувчиси бевосита раҳбарлик қилади.

Синфдан ташқари ўқишлар. Педагогик практикада, уни йилнинг қайси фаслида ўтказилишидан қатъи назар, талаба-практикантлар синфдан ташқари иш сифатида ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишларини

уюштириш ҳамда унга раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўладилар.

Синфдан ташқари ўқишлар ўқувчиларнинг дарсда ўрганилган ўқув материални пухта ва чуқур ўзлаштириб олишга ёрдам беради, улар тафаккурини ривожлантиради, фанни ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтиради, доим китоб билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи шаклланади. Ўқувчиларнинг мунтазам равишда синфдан ташқари ўқишларга жалб қилиниши уларда мустақил билим олиш кўникмалари камол топади.

Биологияни ўрганишга қизиққан ўқувчиларни (улар ҳар бир синфда кўп учрайди) дарслик материаллари қаноатлантирмайди. Улар биология, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, медицина практикасига оид илмий-оммабоп адабиётлар (китоб, брошюра, журнал ва газета мақолалари кабилар) ўқишга эҳтиёж сезадилар. Ўқитувчи ҳар доим биологиядан қўшимча адабиёт ўқишга қизиққан ўқувчилар эҳтиёжини қондириш ва синфдан ташқари ўқишга янада кўпроқ ўқувчиларни жалб қилишга ҳаракат қилиши керак.

Синфдан ташқари ўқишларга тўғри раҳбарлик қилиш ўқитувчидан ўқувчи учун биология бўйича нашр қилинган илмий-оммабоп ва бадий адабиётдан тўла хабардор бўлишни талаб қилади. У синфдан ташқари ўқишга мўлжалланган ҳар бир китоб ва мақолани диққат билан ўқиб чиқиши ва ундаги ютуқ ҳамда камчиликларни аниқлаб бориши керак. Бу иш қайси синф учун нимани тавсия қилиши зарурлигини белгилаб олиш имкониятини беради.

Синфдан ташқари ўқишни ташкил қилиш дарсда ўқувчиларга тегишли китоб ёки мақолани тавсия қилиш билан бошланади. Бунда ўқувчиларни тавсия қилинган адабиётнинг ижобий ва салбий томонларидан албатта хабардор қилиш керак. Дастлабки даврларда синфдан ташқари ўқиш учун ўрганилган дарс материалга боғлиқ адабиёт тавсия қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларни синфдан ташқари ўқишга қизиқтириш мақсадида дарсларда тавсия қилинадиган китоб ёки мақолани, унинг иллюстрациясини (расм ва бошқа тасвирларини) кўрсатиш, ҳатто ўша китоб ёки мақоладан парчалар ўқиб бериш яхши натижа беради. Бундан ташқари биология, қишлоқ хўжалиги ва медицинага оид синфдан ташқари ўқиш учун тавсия қилинган адабиёт рўйхатини яхши кўринадиган жойга илиб

қўйиш, шу китоб ва мақолалар намуналари, уларга ёзилган тақризлар қўйилган стенд-кўргазма ўрнатиш ҳам зарур. Ўқилган адабиёт тўғрисида дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда суҳбатлар ўтказиб туриш ҳам гоят аҳамиятлидир.

Педагогик практикада талаба-практикант биология бўйича ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишларини ташкил қилиш борасида қуйидагиларни амалга оширади:

1. Педагогика ва методика бўйича синфдан ташқари ўқиш тўғрисида ўтилган материални такорлаш ҳамда шу соҳадаги янги адабиёт билан танишиш.

2. Педагогик практиканинг бошланиш даврида ва айниқса ўзи бирктирилган синф ўқувчилари ўртасида синфдан ташқари ўқишнинг қўйилиши билан танишиш, шу мақсадда биология ўқитувчиси ҳамда ўқувчилар билан суҳбатлашиш, ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишга бўлган муносабатларини ўрганиш ва жумладан биология бўйича ким нимани ўқиётганлигини аниқлаш.

3. Мактаб ва район (ёки шаҳар) кутубхоналарига бориб, уларда биологиядан синфдан ташқари ўқишлар учун қандай адабиёт борлигини аниқлаш.

4. Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларга синфдан ташқари ўқиш учун тегишли адабиёт тавсия қилиб бориш.

5. Педагогик практика давомида мутахассислик бўйича болалар учун нашр қилинган 2—3 та китобга аннотация ёзиш ва ўқувчилар билан муҳокама қилиш, текширилиб тузатилган аннотацияларни биология кабинети ва кутубхонадаги махсус талаба кўргазмага қўйиш.

6. Ўз синфи ўқувчилари билан мустақил китоб ўқиш методикаси тўғрисида суҳбатлар ўтказиш ва тажриба алмашинувини ташкил қилиш.

7. Китоб ўқувчилар конференциясини ўтказишда, ўқувчилар томонидан китобларни тақриз қилиниши ва библиографик мақолалар ёзилишини ташкил қилишда кутубхонага ёрдам бериш.

8. Педагогик практика давомида мактаб ва район (шаҳар) кутубхоналари билан долм алоқада бўлиш.

9. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқишларига қандай раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисида педагогик практика раҳбари ва предмет ўқитувчисини вақт-вақти

билан хабардор қилиб туриш ва улардан тегишли кон-
сультациялар олиб бориш.

10. Сифдан ташқари ўқишга бағишлаб ўтказилаёт-
ган барча тадбирларда ва уларнинг муҳокамасида фаол
қатнашиш.

VI боб. ПЕДАГОГИК ПРАКТИКАДА УЎҚУВЧИЛАР БИЛАН БИОЛОГИК ЭКСКУРСИЯЛАР ЎТҚАЗИШ

Мактаб ўқувчилари билан биологик экскурсиялар
ўтказиш методикасини эгаллаш ҳам педагогик практи-
канинг муҳим масаласидир. Бинобарин, биологиядан
талаба-практикант бажарадиган таълим-тарбия ишла-
ри тизимида имкониятга қараб биологик экскурсиялар
ўтказиш тадбирлари режалаштирилмоғи лозим.

Экскурсия биологиядан таълим-тарбия ишларининг
муҳим бир ташкилий шаклидир. Биологик экскурсиялар
сифдан ташқарида: табиатда, қишлоқ хўжалиги ишлаб
чиқариши объектларида ва бошқа жойларда (ботаника
боғи, зоопарк, зоокўргазма, музей, плмий тадқиқот
муассасалари кабиларда) ўтказиладиган ўқув характе-
ридаги машғулотдир. Экскурсия жараёнида ўқувчилар
ўсимлик ва ҳайвонларни, ҳаётини ҳодисаларни, биологик
қонуниятларга асосланган ишлаб чиқаришни уларнинг
табиий ҳолатларида ўрганадилар.

Экскурсиялар турли шаклда: дарс, дарсдан ташқа-
ри иш ва сифдан ташқари машғулот тарзида ўткази-
лиши мумкин. Дарс тарзида ва дарсдан ташқари иш
сифатида ўтказиладиган биологик экскурсиялар дастур
материалини ўрганиш ва мустақкамлашга бағишлана-
ди. Бундай экскурсиялар ботаника, зоология ва умум-
ий биология бўйича ўтказилиб, улар мактаб дастури-
да кўрсатилган ва ўқувчилар учун мажбурийдир.

Биологик экскурсиялар ҳам таълим, ҳам тарбия
жиҳатидан ғоят катта аҳамиятга эга.

Биологик экскурсиялар тирик табиат объектлари ва
ҳодисаларини бевосита, табиий шароитда ўрганиш им-
кониятини беради. Уқувчилар ўрганилаётган ўсимлик
ва ҳайвонни уларнинг яшаш шароитида кўрадилар, ор-
ганизм тузилиши ва ҳаёт фаолиятининг яшаш муҳитига
мослашганлигини яққол пайқаб оладилар, биоценоз
тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қиладилар.

Экскурсиялар жараёнида ўқувчиларнинг айрим ор-

ганизм ва ҳаёт ҳодисалари тўғрисидаги тушунчалари тирик табиат тўғрисидаги умумий ва янада кенг тушунчага айланади.

Ўсимлик ва ҳайвонларни яшаш жойида ўрганиш, улар ҳаётини бевосита кузатиш ўқувчиларда аниқ тасаввур ҳосил қилишни таъминлаш билан бирга кўрганларини пухта эсда қолдиришга имкон беради. Эскурсия жараёнида ўқувчилар табиатнинг моддийлиги, ундаги ўзаро боғланиш ва ривожланиш тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўладилар; халқ хўжалиги учун табиий бойликларнинг аҳамияти ва бу бойликни ҳар жиҳатдан қўриқлаш зарурлигини пайқаб оладилар.

Биологик экскурсиялар ўқувчиларни маҳаллий табиатни, тирик ўсимлик ва ҳайвонларни ўрганишга йўналтиради, келгусида ўрганиладиган билимлар учун замин ҳозирлайди, ўқувчиларнинг табиатни ўрганишга бўлган қизиқишларини кучайтиради. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, тажриба станциялари, мевачилик кўчатзори каби жойларга уюштирилган экскурсиялар ўқувчиларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига нисбатан зўр қизиқиш уйғотади. Эскурсия жараёнида ўқувчилар биологик билимларнинг амалда қандай қўлланилаётганлигини билиб оладилар. Бундай экскурсиялар ўқувчиларнинг касб танлашларида ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Эскурсияларда тарбия ишлари учун кенг имкониятлар туғилади: ўқувчиларда онгли интизом, ўртоқлик ва дўстлик, ташаббускорлик ва ҳаваскорлик хислатлари тарбияланади. Эскурсиялар ўқитувчини ўқувчилар билан яқинлаштиради, унга ўз ўқувчиларини яхшироқ билиб олиш, синф шароитида намоён бўлмаган ўқувчи хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради.

Эскурсиялар ўқувчиларда тетик ва соғлом туйғуларни вужудга келтиради, бу эса ўрганилаётган ўқув материалининг осон ва пухта ўзлаштириб олинишини таъминлайди. Эскурсияларда ўқувчилар эстетик туйғуларни ҳис қиладилар. Табиат гўзаллигини ҳис қилиш шу табиатга, Ватанга нисбатан муҳаббат туйғуларини уйғотади.

Кўпинча экскурсиялар давомида табиатни қўриқлаш талабини назарда тутиб, келгуси дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш учун ҳар хил табиий материаллар: ўсимлик ва ҳайвонлар, уларнинг айрим қисмлари йиғилади. Кейин булардан ҳар хил кўрғазма-

ли қурооллар (гербарийлар, ҳўл ва қуруқ препаратлар, коллекциялар) тайёрланади ва мактаб биология кабинети бойитилади. Бу ишлар жараёнида ўқувчилар тирик табиий объектларни йиғиш ва расмийлаштириш (гербарийлаштириш, коллекциялаш, препаратлаштириш) кўникмаларини ҳосил қилиб борадилар.

Экскурсиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни лухта тайёрланишига боғлиқ. Ҳар бир экскурсия ҳам ташкилий, ҳам назарий жиҳатдан лухта тайёргарлик ва аниқ режа асосида ўтказилиши керак.

Экскурсияга тайёргарлик ишлари қўйидагича амалга оширилади:

1. Экскурсиянинг мавзуи ва мақсади белгиланади, кейин унда ўқувчилар ўзлаштириши мўлжалланган ўқув материалнинг мазмуни аниқланади.

2. Уқитувчи экскурсияга боришдан бир неча кун олдин ўзи ўша экскурсия ва маршрутнинг кўриб келадди, яъни тахминий экскурсия қилиб кўради. Бунда ўрганилаётган объектлар ва қулай маршрут танланади, қаерда, қанақа материал йиғиш ва қаерда тушунтириш ҳамда суҳбатлар ўтказиш мумкинлиги белгиланади, экскурсия учун тахминан қанча вақт сарфланиши аниқланади. Нотаниш жойга тўғридан-тўғри экскурсияга борганда у ерда ўрганилиши мўлжалланган ҳамда объектлар топилмай қолиши мумкин. Олдиндан яқка тахминий экскурсия ўтказиш уқитувчига ўқувчилар билан бориладиган экскурсияда уларда қандай саволлар тушиши мумкинлиги ва бу саволларга қандай жавоб бериш зарурлигини белгилаб олиш имкониятини ҳам беради.

3. Экскурсия учун зарур бўлган жиҳоз ва материаллар олдиндан тайёрлаб қўйилади.

4. Уқитувчи тахминий экскурсия ўтказиш ва ўрганиладиган ўқув материалнинг мазмунини аниқлаш асосида ҳақиқий экскурсия режасини тузади. Режада экскурсиянинг бориш изчиллиги ва уқитувчи билан ўқувчиларнинг иш методлари (тушунтириш, суҳбат ва мустақил амалий ишлар; кузатиш, объектни таниб олиш, материал йиғиш кабилар) ўз ифодасини топади.

5. Утказиладиган экскурсия ҳақида ўқувчилар бир неча кун олдин огоҳлантирилади. Бунда экскурсия жойи, қачон жўналиши ва қанча вақт давом этиши ўқувчиларга айтилади.

Уқувчиларни экскурсияга назарий жиҳатдан ҳам

тайёрлаш керак бўлади. Бунинг учун ўқитувчи экскурсиядан олдинги дарсада ўқувчиларга дарслик ва бошқа манбалардан экскурсия мавзусига оид нималарни ўқиб такрорлаш кераклигини вазифа қилиб беради, экскурсияда ҳал қилиниши мўлжалланган масалаларни айтади.

6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, музей ва илмий тадқиқот муассасаси каби жойларга ўтказиладиган экскурсиялар қўшимча тайёргарликни талаб қилади. Бунда аввало экскурсия ва унинг вақти тўғрисида хўжалик ёки муассаса раҳбарлари билан келишиб олиш керак. Қишлоқ хўжалиги ва илмий муассасаларга уюштириладиган биологик экскурсияларга кўпинча ўша жой мутахассислари раҳбарлик қиладилар. Шунинг назарда тутиб хўжалик ёки муассаса бошлиқлари билан гаплашганда экскурсияга мутахассис раҳбар ажратиш масаласини ҳам ҳал қилиб олинади. Кейин тайинланган вакил билан экскурсия вақти ва ўтказиш тартиби ҳақида келишиб олинади, биргаликда экскурсия режаси тузилади. Аммо экскурсия режасини тузишдан олдин ўқитувчи шу хўжалик ёки муассаса иши билан танишиб чиққан бўлиши керак.

Экскурсия жойидаги тартибда ўтказилади:

1. Экскурсия ўқитувчининг кириш суҳбати билан бошланади. Бунда экскурсия мавзуи, мақсади ва ўтказиш тартиби тушунтирилади. Кейин ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирига мустақил иш тўғрисида тегишли топшириқ берилади, экскурсия жиҳозлари ўқувчиларга жавобгарлиги таъкидланган ҳолда тақсимланади.

2. Мактабдан экскурсия жойига бориш ҳар хил бўлиши мумкин. Транспорт ҳаракати кўп бўлган шаҳар ва қишлоқ кўчаларидан ўқувчилар ташкилий равишда (қатор бўлиб) боришлари маъқул. Дала кўчалари ва сўқмоқ йўллардан эркин ҳолда юришга рухсат берилади.

3. Экскурсиянинг асосий қисми экскурсия жойидаги объектларни ўрганишдир. Бунда аввало экскурсия жойининг характери (боғ — парк, дала, ўтлоқ, сув ҳавзаси, қир ва ҳ. к.) аниқланади. Ўқувчилар эътибори табиатнинг мавсумий ҳолати ва ҳар жойнинг мавсумга, ҳатто куннинг вақтига қараб, ўзига хос гўзаллигига қаратилади.

Экскурсия жойидаги объектлар икки хил усул: ил-

люстрация ва мустақил ишлар ташкил қилиш усуллари билан ўрганилиши мумкин.

Иллюстрация усули ўқитувчининг экскурсия жойидаги объектларни кўрсатиши ва тушунтириб боришини назарда тутади. Бунда ўқитувчи ўсимлик ёки ҳайвонларни, уларнинг айрим қисмларини, ҳаётий ҳодисаларни изчиллик билан бирма-бир кўрсатиб, ўқув материални тушунтиради, айрим масалалар эса суҳбат методи билан ҳал қилинади.

Экскурсия жойи мустақил ишлар уюштириш усули билан ўрганилганда ўқувчилар мўлжалланган ўсимлик ёки ҳайвонни тахминий равишда мустақил ўрганадилар, ҳаётий ҳодисаларини кузатадилар, материал йиғадилар. Бу ишлар юзасидан ўқувчилар тегишли топшириқ олган бўлишлари керак. Топшириқ аниқ, қисқа ва ўқувчилар удалай оладиган бўлиши лозим. Мустақил иш пайтида ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини кузатиб бориши ва ўзи ҳам фаолиятда бўлиши керак.

Экскурсия давомида ўқувчилар махсус дафтар юритишлари зарур. Улар дафтарга ўзлари олиб борган кузатиш натижаларини ўрганилган ва йиғилган ўсимлик ёки ҳайвоннинг номлари, характерли белги ҳамда хусусиятларини, қандай шароитда учрагани ҳамда бошқа тафсилотларини ёзиб борадилар.

Экскурсия синфда ўтказиладиган машғулотлардан кескин фарқ қилади. Унинг синф ва мактабдан ташқарида кўпинча очиқликда ўтказилиши бунда интизомнинг бузилишига қулайлик туғдириши мумкин. Шунга кўра ўқитувчи бутун экскурсия давомида интизомни таъминлашга ҳаракат қилиши керак. Интизомнинг бузилиши бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига сабаб бўлади. Шундай бўлмаслиги учун экскурсияда ўқувчилар қўйидаги қондаларга қатъий риоя қилишлари керак: ўқитувчининг рухсатисиз экскурсиядан кетиб қолмаслик, ариқ ва сойга тушиб чўмилмаслик, дарахтларга чиқмаслик, пастлик ва жарликларга тушмаслик, ўқитувчи назоратидан узоқда бўлмаслик ва бошқалар. Интизом бузган ўқувчилар навбатдаги экскурсияларга қатнаштирилмайди.

Экскурсия интизоми ҳар хил бўлади. Чунончи, экскурсия жойига бораётган ва ундан қайтаётганда эркин интизомга йўл қўйилади: ўқувчилар ўзаро гаплашишлари, баъзан югуришлари ва ўйнашлари мумкин. Мустақил иш бажараётганда эса «иш» ҳолатидаги интизом

талаб қилинади: бунда ўқувчиларнинг топшириқни бажара туриб ўзаро гаплашишлари, ашула айтишлари ва бирор нарса ёки ҳодисани кўрганларида тўсатдан қичқириб юборишлари интизом бузилиш ҳисобланмайди. Тушунтириш ва суҳбат пайтида интизом синфдаги, дарсдагидек бўлиши керак: бунда сўзлашмаслик, руҳсатсиз савол бермаслик, тинч ва диққат билан қулоқ солиш талаб қилинади.

Ўқитувчи экскурсиянинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб интизомнинг бузилишига олиб келадиган сабабларни ўз вақтида бартараф қилиши керак бўлади. Масалан, тушунтириш ва суҳбат пайтида интизомнинг бузилишига кўпинча ўқувчиларнинг нотўғри жойлаштирилиши ёки ўқитувчининг паст овоз билан гапирishi сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам экскурсияда тушунтириш ёки суҳбат бошлашдан олдин ўқувчиларни тўғри жойлаштириб олиш керак. Бунда ўқувчиларни ярим доира қилиб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўқитувчининг сўзи ҳаммага эшитиладиган бўлсин.

4. Экскурсия объектларини ўрганиш охирида машғулотга дастлабки яқун ясалади. Бунда ўрганилган ўқув материали қисқача такрорланади, мустақил иш бўйича топшириқларнинг қандай бажарилганлиги тўғрисида звено бошлиқларининг ахборотлари тингланади, ўқувчилар фаолиятидаги ижобий ва салбий томонлар қайд қилинади. Агар экскурсия дарс ёки дарсдан ташқари машғулот тарзида ўтказилаётган бўлса мўлжалланган ўқувчилар фаолияти баҳоланади.

5. Экскурсия давомида ёки унга яқун ясалаётганда ўқувчилар мавзуга бевосита алоқадор бўлмаган хилма-хил саволлар беришлари мумкин. Бундай ҳолларда қандай йўл тутиш керак? Жавоб бериш керакми ёки йўқми? Агар ҳар қандай саволларга тўлиқ жавоб бериладиган бўлса, асосий мавзудан чекинишга тўғри келади. Бу саволларга жавоб бермаслик мумкин эмас, чунки ўқувчининг табиатни ўрганишга бўлган қизиқишини бўғиб қўйиш мумкин. Тўғриси, ўқувчининг бундай саволларига жавоб бериш керак, ammo жавоб жуда аниқ бўлсин. Шунинг билан бирга ўқувчи саволига тўлароқ жавоб топиш учун табиат ҳодисаларини кузатишни давом эттириш ҳамда китобдан ўқишни тавсия қилиш ва ниҳоят бу саволга тўлиқ жавоб келгусида

Ўрганиладиган мавзуларда берилишини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Экскурсиядан қайтиш унга бориш тартибида бўлади. Экскурсиянинг тамомланиши ҳам албатта ташкилий равишда бўлмоғи лозим. Ўқитувчи экскурсиянинг тамом бўлганлиги тўғрисида эълон қилади. Энг яхшиси экскурсияни мактабга қайтиб келгандан кейин тугалланганлиги маъқул, аммо уйи мактаб билан экскурсия объектлари ўртасида жойлашган ўқувчиларга қолиш учун рухсат бериш мумкин.

7. Экскурсиядан йиғиб келинган материаллар уларни келгусида ўрганиш учун тартибга солинади: ўсимликлар ёзиб қуригилади (улардан кейин гербарийлар тайёрлаш учун), тирик ҳайвонлар тирик табиат бурчига қўйилади, ҳаракатсизлантирилганлари эса консервалаштирилади (спирт ёки формалинга солиб қўйилади) ва ҳ. к. Бу ишда экскурсия иштирокчиларининг ҳаммаси ва айниқса биологияни ўрганишга қизиққан ўқувчилар қатнашадилар.

Биология бўйича ҳар бир экскурсия мактаб имкониятига қараб ўтказилади. Мактаб дастурида айрим мавзулар бўйича биологик экскурсиялар ўтказиш учун махсус вақт ажратилган. Шунга кўра қуйидаги экскурсияларни ўтказиш назарда тутилади.

VI синф

1. Ҳар хил жойда ўсадиган гулли ўсимликлар, кузда ўсимликлар ҳаётида рўй берадиган ҳодисалар, мевасурғларининг тарқалиш усуллари, табиатда ўзини тутиш қоидалари билан танишиш мақсадида табиатга экскурсия («Гулли ўсимликлар билан умумий танишиш» мавзуи бўйича).

2. Қишда ўсимликлар ҳаётини кузатиш мақсадида табиатга экскурсия («Новда» мавзуини ўрганиш давомида).

3. Ёпиқ жойларда ўсимлик ўстириш билан танишиш учун мактаб ёки жамоа хўжалиги иссиқхонасига экскурсия («Новда» мавзусини ўрганиш якунида).

4. Баҳорда ўсимликлар ҳаётида рўй берадиган ҳодисалар, ўсимликларнинг яшаш муҳитига мосланганликлари билан танишиш учун табиатга экскурсия («Ўсимликлар ва атроф-муҳит» мавзуини ўрганиш бошланишида).

5. Эрта гуллайдиган ва бошқа ўсимликлар ҳаётини, куртактан новданинг ривожланишини қузатиш мақсадида табиатга экскурсия («Ўсимликлар ва атроф-муҳит» мавзуини ўрганиш давомида).

VII синф

1. Гулли ўсимликлар турларининг хилма-хиллиги, уларнинг яшаш жойи билан танишиш мақсадида табиатга экскурсия («Ёпиқ уруғли ўсимликлар бўлими» мавзуини ўрганиш давомида).

2. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, уларнинг ўзаро ва жонсиз табиат омиллари билан боғлиқлигини ўрганиш учун табиатга экскурсия (VII синфда «Ҳайвонлар» бўлимини ўрганиш якунида).

VIII синф

1. Бўғимоёқлиларнинг хилма-хиллиги ва табиатдаги роли билан танишиш мақсадида табиатга экскурсия («Бўғимоёқлилар тип» мавзуини ўрганиш давомида).

2. «Жонажон ўлкамиз қушлари ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг хилма-хиллиги, уларнинг одам ҳаётидаги ва хўжалик фаолиятидаги аҳамияти» мавзуида табиатга ёки ўлкашунослик музейига, ёки зоопаркка, ёки чорвачилик фермасига экскурсия («Сут эмизувчилар синфи» мавзуи ўтилганидан кейин).

3. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг табиий гуруҳларда бирга яшашга мосланганликлари билан танишиш учун табиатга экскурсия («Табиий гуруҳлар» мавзуини ўрганиш якунида).

X синф

1. Сунъий танлаш натижалари билан танишиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига (чорвачилик фермасига) ёки қишлоқ хўжалиги кўрғазмасига, ёки мактабнинг ўқув тажриба участкасига экскурсия («Эволюцион таълим» мавзуини ўрганиш давомида).

2. «Табиатда турлар хилма-хиллигининг сабаблари» мавзуида ўрмонга ёки ўтлоққа, ёки сув ҳавзасига экскурсия («Эволюцион таълим» мавзуини ўрганиш якунида).

3. «Ерда ҳаётнинг ривожланиш тарихи» мавзуида ер юзасига чиқиб қолган тоғ жинслари бор жойга ёки ўлкашунослик музейига экскурсия («Органик оламнинг ривожланиши» мавзуини ўрганиш давомида).

4. «Одамнинг ҳайвоний аجدодлардан келиб чиққанлиги» мавзуида ўлкашунослик музейига экскурсия («Одамнинг пайдо бўлиши» мавзуини ўрганиш якунида).

5. «Табийий биоценозлар, улардаги мавсумий ўзгаришлар» мавзуида мактаб яқинидаги ўрмон ёки ўтлоқ, ёки сув ҳавзаси каби объектларга экскурсия («Экология асослари» мавзуини ўрганиш якунида).

XI синф

Селекция станцияси ёки наслчилик фермаси, ёки қишлоқ хўжалик кўрғазмасига экскурсия («Селекция асослари» мавзуини ўрганиш якунида).

Педагогик практикада ҳар бир талаба-практикант экскурсия методикасини пухта эгаллашга ҳаракат қилиши керак. Одатда, талаба-практикантлар зиммасига таълим-тарбия ишлари бўйича бериладиган топшириқлар қаторига ўз синфи ўқувчилари билан дарс ёки дарсдан ташқари иш сифатида, ёки ёш табиатуносларнинг тўғарак машғулот тарзида экскурсия ўтказиш вазифаси ҳам юкланади. Бу вазифани самарали бажариш талаба-практикантдан аввало назарий жиҳатдан тегишли тайёргарликка эга бўлишни талаб қилади.

Ўқувчилар билан биологик экскурсиялар ўтказиш учун талаба-практикант экскурсия жойида ўрганиладиган объектларни (Ўсимлик ва ҳайвонларни, мавсумий ҳодисаларни, ишлаб чиқариш жараёнини ва бошқаларни) яхши билиши керак. Шу жиҳатдан қараганда талаба-практикантнинг дастлабки кунларида мактаб жойлашган райондаги табиат, унинг ўсимлик ва ҳайвонлари, мавсумий ҳодисалари билан танишиши, экскурсия методикасига оид институтда ўрганилган маълумотларни такрорлаб чиқиши, матбуот эълон қилинган янги материални ўрганиш, биология ўқитувчисининг экскурсия ўтказиш соҳасидаги тажрибаси билан танишиши ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Амалий жиҳатдан экскурсия методикасини ўзлаштиришда ҳар бир талаба-практикант аввало ўзига топширилган экскурсиянинг мавзуи, муддати ва жойини

аниқ белгилаб олади ҳамда бу ишни индивидуал календар режасида акс эттиради. Шундан кейин юқорида баён қилинган талаблар асосида экскурсияга тайёргарлик бошланади. Жумладан бориладиган жойдаги объектларни тўлиқ ўрганиб келгач, талаба-практикант экскурсия режасини тузишга киришади. Бунда у экскурсиянинг тузилиши, уни қандай изчилликда ва қанақа метод ҳамда методик услублар воситасида ўтказилишини ўйлаб чиқади. Экскурсиянинг режа конспектини тузади.

Экскурсияга тайёрланиш давомида талаба-практикант амалга оширган ишлари ва келгуси режалари тўғрисида биология ўқитувчиси ва методистга ахборот бериб боради ҳамда улардан ҳар бир масала бўйича тегишли маслаҳатлар олади, тузган режа-конспектини тасдиқлатади. Ниҳоят юқорида тавсия қилинган экскурсия методикасига амал қилган ҳолда уни ўтказилади.

Экскурсия ўтказиш кўникмасини такомиллаштиришда бошқалар ўтказган экскурсияларни кузатиш ва уларнинг муҳокамасида қатнашиш катта ёрдам беради. Бинобарин, ҳар бир талаба-практикант бу ишларда мунтазам қатнашишлари лозим.

VII б о б. БИОЛОГИЯДАН УҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

1. Уқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг аҳамияти.

Уқувчилар билими, ўқув ва кўникмаларини текшириш ҳамда баҳолаш умумтаълим мактабларида таълим жараёнининг доимий ва муҳим қисмидир. Бу масала шунинг учун ҳам муҳимки, биринчидан, таълим жараёнининг муаффақиятли бориши ўқувчилар билимини атрофлича аниқлаш ва баҳолаш ишининг тўғри қўйилишига боғлиқ, иккинчидан, таълим жараёнининг ҳамма қисмлари орасида билимни текшириш ҳамда баҳолаш ўқувчиларга, айниқса, кучли таъсир кўрсатади.

Билимларни текшириш воситасида ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштириш даражаси аниқланади, ўқувчиларга ўзларининг ўқув меҳнатлари нати-

жаларини кўришга имкон беради, келгусида янада яхшироқ ўқишга рағбатлантиради.

Текшириш ўқувчи билимини мустаҳкамлайди ва такомиллаштиради. Чунки текшириш айти бир пайтда билимни такрорлаш ҳам ҳисобланади. Такрорлаш ҳамма вақт билимларнинг мукамаллашувида ва системмага тушишига ёрдам беради. Хусусан, жавоб бериш пайтида ўқувчи талаб қилинаётган билимларни ўз хотирасида қайта тиклашга, уларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилади, бу эса билимни яхшироқ мустаҳкамлашига имкон беради.

Одатда, ўқувчиларнинг биологиядан олган билимлари текширилганда, фақат оғзаки жавобларгина эмас, балки муайян амалий ишларни бажара олишлари, чунончи, график ишлар бажаришлари, асбоб ва иш қуролларидан тўғри фойдалана билишлари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг оддий препаратларини ясаш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш ҳамда улар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш юзасидан амалий ишлар минимумини бажаришлари талаб қилинади. Бу эса ўқувчиларда бир қатор ўқув ҳамда кўникмаларни ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Ўқувчилар билимини мунтазам текшириб бориш уларда ўзи бажарадиган ўқув меҳнатида, интизомга нисбатан масъулиятни оширади, уларни ҳар қандай ўқув топширигини онгли равишда ва астойдил ҳалоллик билан бажаришга одатлантиради.

Билимларнинг текширилиши ва баҳоланиши ўқувчиларда ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялашга катта таъсир кўрсатади. Чунки билимни текшириш ва баҳолаш пайтида ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан одиллиги, талабчанлиги, зийраклиги, ғамхўрлиги ва бошқа ижобий хислатлари намоён бўлади.

Ўқувчилар билимини текшириш ўқитувчининг ўзига ҳам анча ижобий таъсир кўрсатади. Чунончи, ўқитувчи ўз фаолиятининг ютуқ ва камчиликларини аниқлайди ҳамда ҳисобга олади. Бунда у ўқувчилар пухта ўзлаштириб олган билимга кейинги машғулотларда қандай қилиб таяниш кераклигини белгилаб олади. Матернални ўқувчилар етарли даражада ўзлаштириб олмаганликлари аниқланганда эса бу камчиликни бартараф қилиш чораларини кўради. Билимни текшириш ўқитувчига ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини яхшироқ билиш ва шунга қараб таълим жараё-

нини мослаб ташкил қилишга имкон беради. Ниҳоят, билимни текшириш ўқитувчини таълим сифатини кўтаришга ундайди. Ўқитувчи ўз камчиликларини аниқлаб олиб, уларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилади, шундай қилиб, келгуси дарс ва бошқа машғулотларга янада пухтароқ тайёрланишга, ўз малакасини доим ошириш устида ишлашга интилади.

Ўқувчилар билимини текшириш ва айниқса баҳолаш уларнинг ота-оналарига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ота-оналар ўқитувчи қўйган баҳоларга қараб ўз болаларининг ўқишдаги муваффақиятлари ёки камчиликлари ҳақида хулоса чиқарадилар ва шунга қараб болаларнинг ўзлаштиришини кўтариш учун тегишли чораларни кўрадилар, болаларга ўз вақтида керакли ёрдам бериб турадиган бўладилар.

Билимни текшириш натижалари, яъни ўқувчиларга қўйилган баҳолар мактаб маъмурияти ва халқ таълими органларига шу мактаб ўқувчиларининг у ёки бу предмет бўйича олган билимларини аҳволи тўғрисида, умуман ўзлаштириш даражасининг ўсиши тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Шундай қилиб, ўқитувчи томонидан ўқувчилар билимини объектив текширилиши ва ҳаққоний баҳоланиши қанчалик катта ҳамда муҳим аҳамиятга эга эканлиги юқорида айтилганлардан кўриниб турибди. Шунинг назарда тутиб, талаба-практикантлар педагогик практика давоминда ўқувчи билим, уқуви ва кўникмаларини текшириш ҳамда уларни муносиб баҳолаш йўл-йўриқларини амалий жиҳатдан пухта эгаллаб олишга ҳаракат қилишлари керак. Шунга кўра ўқувчи билими, уқуви ва кўникмаларини текшириш методикаси ҳамда уларни баҳолаш нормаларини яхши тасаввур қилиш ва бу соҳадаги методик қондаларни амалиётга татбиқ қилишни ўрганиш бўйича тинмай машқ қилиш керак бўлади.

Афсуски, педагогик практикада, кўпинча талаба-практикантлар ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашда жиддий хатоликларга йўл қўядилар, бу масалада бир томонлама иш кўрадилар. Масалан, педагогик практикада талаба-практикантлар томонидан баҳоларни пасайтириб ёки ошириб юбориш каби ҳоллар жуда кўп содир бўлиб туради. Билимни текширишда кўпинча ноаниқ, ўқувчиларни қийнайдиган ёки мантиқсиз ва системасиз жавобларга сабаб бўладиган саволлар бе-

рилади. Баъзан талаба-практикантларнинг ўзлари ўқувчи жавобини охиригача кутиб турмай, ҳеч керак бўлмаган ўринсиз саволлар билан уни бўлиб турадилар ёки ўқувчилар учун ўзлари жавоб берадилар, бу билан ўқувчининг ўз билимини кўрсатиш учун бўлган интилишига халақит берадилар.

Ўқувчилар билимини текшириш фақат сўраш, яъни ўқувчи жавобини тинглаш билан чекланилади ва бунда ўқувчи дарсликдан ўқиб чиққанларини сўзлабгина беради холос, у ўзининг шахсий кузатишлари ёки бажарган амалий ишларига асосланиб, зарур хулосалар чиқармайди ва ҳ. к. Бу ҳол ҳар бир талаба-практикандан дастлаб, ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашга нисбатан қўйиладиган қўйидаги умумий талабларни билиб олишни тақозо қилади.

2-§. Биологиядан текширилиши лозим бўлган ўқувчи ишларининг турлари

Биологиядан ўқувчилар билимини текшириш фақат савол-жавоб ўтказиш билан чекланмайди. Бунда таълим олиш билан боғлиқ бўлган ўқувчи фаолиятининг ҳамма томонлари ҳисобга олинishi керак. Дарслик билан ишлаш, қўшимча адабиёт ўқиш, қилинган амалий иш юзасидан сўзлаб бериш, ундан хулосалар чиқара олиш, олинган билимларни амалда қўллаш билан, амалий ишларни бажариш техникаси, табиатда ва мактаб ўқув тажриба участкасида ўтказиладиган кузатиш учун кундалик ва биологиядан дафтар тутиш, гербарий ҳамда коллекциялар тайёрлаш кабилар ўқувчилар фаолияти ва билимини текширишда ҳисобга олинган асосий томонларидир. Шулар тўғрисида қисқача тўхтаб ўтамиз.

Дарслик устида ишлаш. Ўқувчилар бу ишни асосан уйда бажарадилар. Дарслик билан ишлашнинг мақсади синфда ўрганилган ўқув материални такрорлаш ва мустақамлашдан иборатдир. Баъзан ўқувчилар дарслик билан синфда, дарсда ҳам иш олиб борадилар.

Ўқитувчи ўқувчиларни дарслик матни ва ундаги расмлар билан ишлашга ўргатиши керак. Бу иш айниқса, VI—VII синфлардан бошланмоғи лозим. Ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш олмаслиги, кўпинча, ўқитувчи томонидан берилган вазифани муваффақиятли бажаришга имкон бермайди. Бунинг оқибатида ўқув-

чилар берилган саволларга жавоб қайтармай, қониқар-
сиз баҳо оладилар, бу эса уларнинг дарсликка бўлган
қизиқиш ва муҳаббатларини сусайтиради.

Қўшимча адабиёт билан ишлаш. Биология курсини ўрганиш жараёнида, кўпинча, ўқувчиларни дарсликда баён қилинмаган маҳаллий табиат объектлари билан таништиришга ёки ўқув материални дарсликдагига қараганда янгироқ ва аниқроқ мисоллар келтириб баён қилишга эҳтиёж туғилади. Бундай ҳолларда илмий-оммабоп китоб, газета ва журнал мақолаларидан фойдаланишга тўғри келади. Қандай материаллардан фойдаланиш эса, ўқувчиларнинг муҳокама ва мулоҳаза савиясини оширади, билимларини чуқурлаштиради, уларда махсус адабиёт, журнал ва газеталар ўқиш ҳавасини уйғотади. Маълумки, қўшимча адабиёт ўқиш ўқувчилар учун мажбурий эмас, лекин улар ҳамма ўқувчиларга тавсия қилинади. Билимни текширганда ўқилган қўшимча адабиётдаги маълумотлар юзасидан саволлар берилиши мумкин. Қўшимча адабиётдаги маълумотларни билган ва улардан ўринли фойдаланиб жавоб берган ўқувчиларга баҳо ошириброқ қўйилади. Бироқ, қўшимча адабиётдан фойдаланмаслик ўқувчининг жиддий камчилиги, дсб ҳисобланмайди.

Қилинган амалий иш юзасидан сўзлаб бериш ва ўз сўзларидан хулоса чиқара олиш. Биология дастурига ўсимлик ва ҳайвонлар устида албатта ўтказилиши лозим бўлган амалий ишлар, табиатга ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қилинадиган экскурсиялар, табиат ҳодисалари устида олиб бориладиган кузатиш ҳамда тажрибалар минимуми киритилган. Бу эса тегишли дарсларда ўқувчилар ҳосил қилган билимлардан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Шу мақсадда ўқитувчи айрим ўқувчиларга, баъзан ўқувчиларнинг бир гуруҳига улар ўтказаетган ишларнинг бориши ва натижалари тўғрисида дарсда ахборот беришни топширади. Ўқувчилар ўзларининг кундалик дафтарларида ёзилган маълумотлардан фойдаланиб, ахборотга тайёрланадилар ва дарсда ўз ишлари тўғрисида сўзлаб берадилар. Улар сўзлаганларида кундалик дафтарларидаги ёзувлардан, ўзлари тайёрлаган расмлар, фотосуратлар, экспонатлар ва ҳоказолардан фойдаланишлари мумкин. Ўқувчилар берадиган ахборот қисқа, тахминан 2—3 минутга мўлжалланган бўлиши керак. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳо-

лашда уларнинг ана шундай ахборотларини ҳисобга олиш зарур.

Олинган билимларни амалда қўллай билиш. Уқувчилар ўз билимларини амалда татбиқ қила олсаларгина, уларнинг билимлари онгли равишда ўзлаштириб олинган бўлади; юзаки, китобдан ёдлаб олинган билимни ўқувчи амалда қўллай олмайди. Масалан, мактаб ўқув-тажриба участкасида амалга ошириладиган агротехника тадбирларининг ҳар бири нима учун ўтказилаётганлигини, қандай аҳамиятга эга эканлигини ўқувчилар биологиядан дарсларда олган назарий билимлари асосида тушуниб олишлари керак, шундагина улар бу тадбирларни самарали бажара оладилар. Бу назария билан амалиёт ўртасида узвий боғланиш борлигини кўришга одатлантиради. Шу сабабли ўқувчилар билимини текшириш пайтида уларга бажарган амалий ишларга асосланиб жавоб бериш тавсия қилинади. Уқувчи ўз назарий билимларининг турмушда қандай татбиқ қилинишини билиши зарур.

Амалий ишларни бажариш техникаси. Уқувчилар биринчи галда тирик табиат бурчагида, уйда, мактаб ўқув-тажриба участкасида ўсимлик ва ҳайвонлар устида кузатиш ҳамда тажрибалар ўтказганда ўзларининг уқув ва кўникмаларини амалда кўрсата билишлари керак. Улар кўчатларни ўтқозиш, сабзавот кўчатларини парник ёки иссиқхонада сийраклаштираётганларида, пайкалга ўтқозаётганларида кўчат илдизларини чилпиш, тупроқни кетмон ёки белкурак билан юмшатиш, ипак қурти учун барг қирқиш ва уни солиш; қуртлар тагидаги ғаналарни янгилаш каби ишларни мустақил ва қондага рноя қилган ҳолда бажара олишлари, ипак қуртининг ёшини ёки ғўзанинг ривожланиш фазаларини аниқлай олишлари, ҳар бир ривожланиш фазасида ўсимликни қандай парвариш қилиш кераклигини билишлари, препарат ва оптик асбобларни ишлата билишлари, жумладан оддий ва муваққат препарат тайёрлаб, уни лупа ва микроскопда кўра олишлари керак. Буларнинг ҳаммаси ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашда ҳисобга олиниши лозим.

Табиатда ва мактаб ўқув-тажриба участкасидаги тажриба ҳамда кузатишлар учун кундалик дафтар тутиш. Табиатда бўладиган хилма-хил ҳодисалар устида ўтказиладиган кузатишлар мактаб биология курсини ўрганишнинг энг муҳим усуллариандир. Бундай

кузатишларни ўтказмай туриб, табиат қонуниятларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниб бўлмайди. Уқувчилар ўзларининг билимларига мос келадиган фенологик кузатишлар ўтказадилар, турли маҳаллий ўсимликларда рўй берадиган хазонрезлик ҳодисаларини, қушларнинг учиб келиши ва кетишини ҳамда уя солишини, ўсимликларнинг зараркунандалар таъсирида зарарланишини, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ривожланиш босқичларини, ўсимлик ва ҳайвонлар устида олиб борилган тажрибаларни кузатиб борадилар. Улар ҳар бир кузатишни махсус кундалик дафтарларига системали равишда ёзиб борганларидагина, бу ишлар мақсадга мувофиқ натижалар беради. Ёзувлар, расмлар, имкони бўлса фотосуратлар бўлган кундалик дафтардан кейинчалик тегишли дарсларда фойдаланилади. Олиб борилган кузатишлар ёзилган кундалик дафтарларни ўқитувчи вақти-вақти билан текшириб туради, камчиликларни қайд қилади ва ҳар бир кундалик дафтарга тегишли баҳо қўяди. Чунки кундалик дафтарнинг мазмуни ва тартибли юритилиши маълум даражада ўқувчи билими, ўқуви ва кўникмаси ҳолатини акс эттиради.

Биологиядан дафтар тутиш. Биологиядан дафтар тутиш ўқувчилар бажарадиган ўқув ишларининг муҳим бир туридир. Бинобарин, ўқувчи ҳар бир синфда биологиядан махсус дафтар юритади. Уқувчилар биология дафтарларига ҳар сафар дарс мавзуини, муҳим тушунча (қонун-қоида таърифлари ва хулоса)ларни, доскага ўқитувчи томонидан ёзилган атама ва рақамларни, схематик расмлар ҳамда бошқаларни ёзиб борадилар, синфда ёки уйда ўтказилган тажриба ҳамда бошқа ишларнинг расмини, кўриб чиқилган объектлар ёки ҳодисаларнинг схемасини чизадилар, ўтказилган амалий ишларни қайд қилиб борадилар. Чизилган расмлар остига қисқа, аммо тушунарли изоҳлар албатта ёзилиши керак.

Дарсликдаги расмлар, агар улар синфда ёки уйда қилинган амалий ишларни акс эттирмаса, уларни дафтарга чизишни талаб қилмаслик керак.

Дафтарни қандай ёритиш кераклигини (расмларнинг катта-кичиклиги қандай бўлиши, дафтар саҳифасига қандай жойлаштирилиши ва уларнинг остидаги ёзувлар қандай бўлиши кабилар) ўқувчиларга VI—VII синфлардан бошлаб яхши тушунтирилиши лозим. Уқув-

чининг биология дафтари озода ва тартибли, эстетик жиҳатдан эътиборни ўзига тортадиган бўлиши керак.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг биология дафтарларини мунтазам равишда текшириб туради, камчиликларини кўрсатиб, уларга тегишли баҳолар қўйиб боради.

Гербарий ва коллекциялар тайёрлаш. Ўқувчилар биология курсини ўрганиш давомида ҳар хил гербарий ва коллекциялар ясашга ўрганиб борадилар. Айниқса, ўқувчилар билан табиатга ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга ўтказилган экскурсиялар ҳамда мактаб ўқув-тажриба участкасида қилинган ишлар натижасида жуда кўп гербарий ва коллекциялар тайёрланади; ўқувчилар эса гербарий ва коллекция тайёрлаш юзасидан муҳим амалий кўникмалар ҳосил қиладилар; улар ўсимлик ва ҳашаротларни қуритиш, ҳайвонларни ва уларнинг айрим қисмларини суюқликларга (спирт ёки формалинга) солиб, препаратлаштиришнинг оддий усулларини ўрганадилар. Шунингдек, ўқувчилар стандарт ўлчамли картон қоғоз варақасида гербарий тайёрлай олишлари ва барча турдаги гербарийларни, коллекцияларни ёрлиқлаштира олишлари лозим.

Ҳар бир ўқувчи бир нечтадан гербарий ва коллекциялар тайёрлаши шарт. Қанақа гербарий ва коллекциялар тайёрлаш кераклиги мактабнинг маҳаллий шаронтига боғлиқ. Жумладан истироҳат ва мева боғларида ўсадиган дарахт ўсимликлардан барг ва новдалар, дала ва полиз эканларининг бутун бошли ўсимлиги (барча органлари билан), мактаб ўқув-тажриба участкасида ўсадиган фойдали ўсимликларнинг гербарийларини, ҳашаротлардан шу жойда тарқалган зараркундаларни, энг яхши зотли ипак қурти пиллаларини ва шу кабиларнинг коллекцияларини тайёрлаш мумкин. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган гербарий ва коллекциялардан ўқитувчининг саволларига жавоб бериш пайтида фойдаланадилар. Бу ишларнинг ҳаммасини ўқитувчи текшириб ва баҳолаб беради.

3-§. Биологиядан ўқувчилар билимини баҳолашнинг тахминий меёрлари

Ўқувчилар билими текширилганда уларнинг фақат оғзаки жавоблари билан қаноатланиб бўлмайди. Чунки ўқувчининг биологиядан берадиган ҳар қандай жавоби унинг ўзи ўтказган кузатишлари, бажарган амалий иш-

лари, тайёрланган гербарий ва коллекциялари, юритган кундалик дафтари, биология дафтари ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, текширишда фақат назарий билимларнинг ўзигина эмас, балки ўқувчиларнинг ўқув ва кўникмалари ҳисобга олинади. Шуни назарда тутиб, қўйидаги текшириладиган билим, ўқув ва кўникмаларнинг ҳар бирини баҳолашда мумкин қадар қўлланиладиган тахминий нормаларини кўрсатиб ўтамиз. Ўқув ишлари билан боғлиқ бўлган ўқувчилар фаолиятининг ҳар қайси турини баҳолашда беш балли тизим қўлланилади, яъни улар «5», «4», «3», «2» ва «1» баҳолари билан баҳоланади.

Оғзаки жавобларга баҳо қўйиш. Дарсда ўқувчи берадиган жавоб унинг турли манбалардан: дарслик ва ўқитувчи баёнидан, қўшимча ўтказилган амалий ишлардан ва табиат ҳодисалари устида олиб борилган кузатишлардан ҳосил қилинган билимларни ифода қилади. Оғзаки жавоб ўқувчилар билимини аниқлашнинг энг муҳим ва етакчи воситасидир, шунинг учун ўқитувчи ўқувчининг оғзаки жавобини зўр эътибор билан тинглаши ва унга ҳаққоний баҳо қўйиши лозим.

Ўқувчининг оғзаки жавоби қўйидагича баҳоланади: Ўқувчининг тўғри ва мукамал жавоби учун «5» баҳо қўйилади. Бунда ўқувчи: а) ўрганилган материални аниқ тушуниб етганлигини кўрсатади, ишонч билан жавоб беради, материални изчиллик билан баён қилади; б) дарслик материални барча тафсилотлари бўйича онгли равишда ўзлаштириб олган бўлади; в) ўқув материални ўқилган қўшимча адабиётдан, ўтказилган кузатиш ва тажрибалардан олинган мисоллар билан тўлдиради; г) жавобда келтирган мисолларини умумлаштиради, улардан хулосалар чиқаради; д) нутқи стилистик ва грамматик жиҳатдан тўғри бўлади, атамаларни бузмасдан талаффуз қилади.

Ўқувчининг жавоби юқоридаги талабларга мувофиқ бўлади-ю, аммо айрим камчиликларга эга бўлади, бундай ҳолларда «4» баҳо қўйилади. Чунончи, жавобда қўйидаги камчиликлар бўлади: а) жавобда айрим ноаниқликларга, озроқ хатога йўл қўйилади ва ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ёки мулоҳазаларидан кейин бу камчиликлар мустақил равишда тузатилади; б) жавобда фақат дарсликдаги мисоллар билан чекланилади; в) нутқда стилистик жиҳатдан бир оз кам-

чилик кузатилади, ammo атамалар тўғри талаффуз қилинади.

Ўқувчи сўралаётган масала ҳақида асосан тасаввурга эга бўлиб, қуйидаги камчиликларга йўл қўяди: а) материални қисқа баён қилади, аниқ тушунтира олмайди; б) жавобда аниқ мисоллар келтирмайди; в) йўл қўйган ноаниқлик ва хатоларни ўзи тузата олмайди, балки бошқа ўқувчилар ёки ўқитувчининг ёрдами билан тузатади; г) шубҳаланиброқ жавоб беради, кўпинча материал изчил баён қилинмайди; д) баён қилинган материални мустақил равишда умумлаштира олмайди ва ундан хулосалар чиқаришга қийналади; е) гапирганда тутилиб-тутилиб сўзлайди, нутқида стилистик камчиликлар кузатилади, баъзан атамаларни бузиб талаффуз қилади. Бундай ҳолда «3» баҳо қўйилади.

Қуйидаги ҳолларда ўқувчи билимига «2» баҳо қўйилади; а) асосий материални билмайди; б) жавобда қўпол хатоларга йўл қўяди ва бу хатоларни ўқитувчи ёрдам бериб турганлигига қарамай ва бошқа ўқувчилар бераётган тўғри жавобларни эшитиб туриб ҳам тузата олмайди; в) жавоб изчил бўлмайди, саводсизларча сўзлайди.

«1» баҳо жуда кам ҳолларда қўйилади. Бу баҳо ўқувчининг ўтилган материални мутлақо билмаслигини кўрсатади.

Амалий билим, уқув ва кўникмаларни баҳолаш. Ўқувчи оғзаки жавоб берганда (дарсдан ташқари вақтларда, тирик табиат бурчагида ёки мактаб ўқув-тажриба участкасида, илғари ўтказилган экскурсиялар пайтида) бажарилган ишларнинг натижаларини қўшиб гапирди. Бундай ўқувчининг назарий билими билан амалий билими, уқув ва кўникмаларга бошқа-бошқа баҳо қўйиб, кейин битта умумий баҳо чиқариш керак бўлади. Баҳолар бир-бирига мувофиқ келмай қолганда, пастроқ баҳо қўйилиши мумкин. Чунки ўқувчининг амалий ишини унча яхши бажара олмаганлиги унинг назарий билимин тўлиқ ва пухта эгаллаб олмаганлигида ва юзакилигидан далолат беради.

Ўқувчилар бажарадиган амалий ишларни баҳолашда қуйидаги талабларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

«5» баҳо олган ўқувчи: а) амалий ишни бажариш билан бирга, уни тўғри изоҳлаб беради, иш эса маълум

бир тартибда бажарилади; б) тирик объектлар билан тўғри муомала қилади; в) асбоблардан микроскоп, лупа, препаратал игна, қайчи, пинцет, скальпель, химиявий идишлар ва ҳ. к., иш қуроллари (кетмон, белкурак ва б.) дан эҳтиётлик билан фойдаланади; г) амалий иш тамом бўлгандан кейин барча асбоб ва иш қуроллари тегшли равишда тартибга солиб, жой-жойига қўйиб қўяди; д) мазкур билим, уқув ва кўникмалар практикантда қандай мақсад учун ва қаерда ишлатилишини аниқ тушунади.

Юқорида қўйилган талабларнинг бажарилишида қуйидаги камчиликлар содир бўлганда «4» баҳо қўйилади: б) ўқувчи маълум бир амалий ишнинг мазмунини тушунтиришда баъзи бир хато ва ноаниқликларга йўл қўяди ва бу хатоларни дарҳол ўзи мустақил равишда тuzатади; б) ишни бажариш тартибини бир оз бузади, аммо буни ўқувчининг ўзи дарров тўғрилаб олади; в) асбоб ва иш қуроллари билан тўғри ва лекин бир оз эҳтиётсизлик билан фойдаланади.

Қуйидаги ҳолларда «3» баҳо қўйилади: а) ўқувчи амалий ишнинг мазмунини қисқа баён қилади, лекин унинг қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайди; б) ишнинг бажариш тартиби бузилади, аммо ўқувчи уни ўқитувчи ва бошқа ўқувчилар билан тuzата олади; в) ўқувчи тирик объектлар, асбоблар ва иш қуроллари билан фойдаланишда хатоларга йўл қўяди, аммо ўқитувчи ёки ўқувчиларнинг изоҳлари билан бу хатолар тугатилади; г) ўқувчи меҳнат маданиятига унча эътибор бермайди (ишдан кейин иш қуроллари ва асбобларни яхшилаб тозаламайди ва тартибли қилиб йиғиштириб қўймайди).

Қуйидаги ҳолларда «2» баҳо қўйилади: а) ўқувчи бажарилган ишнинг мазмуни ва аҳамиятини тушунмайди; б) тирик объектлар, асбоб ва иш қуроллари билан фойдалана олмайди.

Ўқувчи бирор узрли сабаб бўлмаган ҳолда амалий иш бажаришдан бош тортган тақдирда «1» баҳо қўйилади.

Табиатда ва мактаб ўқув-тажриба участкасида ўтказиладиган кузатишлар учун тутиладиган кундалик дафтарга баҳо қўйиш. Табиатшуносликдан кундалик дафтарлар юритиш тартиби ниҳоятда хилма-хилдир.

Ҳозиргача кундалик дафтарнинг ягона формаси белги-ланган эмас.

Мақтабларда ўқувчиларнинг кундалик дафтар юри-тишларидаги энг куп учрайдиган камчилик бажарилган ишларни (кузатиш, тажриба ва б.) фақат рўйхатга олиб боришдан иборат бўлишидadir. Кундалик ишнинг мазмуни ва бажарилиш изчиллиги ёритилмайди, энг муҳими қилинган ишдан дарсларда ўрганилган ўқув материалга боғлиқ хулосалар чиқарилмайди. Табиат-шуносликдан кундалик дафтар шу хилда юритилганда ўқувчиларнинг ўрганилаётган ҳодисаларнинг мазмуни, уларнинг нималарга олиб келиши ва сабабларини очинга ўргана олмайдилар.

Ўқувчиларнинг кундалик дафтарларини баҳолашда қўйидаги нормаларга риоя қилиш мумкин.

«5» баҳо қўйиладиган дафтарга: а) ўтказилган ку-затиш ёки тажрибанинг мавзуи ва мақсади аниқ ёзил-ган бўлади; б) ўтказилган кузатиш бирин-кетин ёзиб борилган бўлади; в) кузатишлар қай тариқа ва қандай мақсад билан ўтказилганлиги ёзиб борилган бўлади; г) ёзилган маълумотларга онд расмлар чизилган ва фотосуратлар илова қилинган бўлади; д) рақамли маъ-лумотлар (тажриба пайкалларининг катта-кичиклиги, тажриба ва назорат объектларининг сони ва шу каби-лар аниқ кўрсатилган бўлади; е) ўтказилган кузатиш ва тажриба натижаларидан чиқарилган умумий хуло-салар ёзилган бўлади; и) маълумотлар хатосиз ва чи-ройли қайд қилинган бўлади.

«4» баҳо қўйиладиган дафтарга: а) тўрт билан ба-ҳоланадиган кундалик дафтарга ҳам юқоридagi талаб-лар қўйилади, аммо унда қўйидагидек камчиликлар бў-лади; а) тажриба ва кузатишлар ҳақида ёзилган маъ-лумотларнинг мазмунини тушунтиришда ноаниқликлар бўлади; б) тегиншли расмлар тўла-тўкис бўлмайди; в) рақамли маълумотларнинг баъзилари ёзилмай қо-лади.

«3» баҳо билан қадрланадиган кундалик дафтар қўйидаги камчиликларга эга бўлади: а) ўтказилган тажриба ёки кузатишларнинг мавзуи ва мақсади аниқ ёзилган; б) кузатиш ўтказиш пайтлари (кунлари) сис-темали ёзиб борилмаган; в) кузатиш ёки тажриба маз-мунини баён қилишда хатоларга йўл қўйилган, маълу-мотлар тартибли ёзиб борилмаган; г) маълумотларга расмлар илова қилинмаган; д) рақамли маълумотлар

аниқ ёзилмаган ва ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилган; **е)** кузатиш ва тажрибалардан чиқарилган хулосалар унча аниқ эмас; **ж)** ёзувларда орфографик ва стилистик хатолар учрайди.

«2» баҳо қўйиладиган кундалик дафтарда қўйидаги камчилик ва хатолар кузатилади: **а)** кузатиш ёки тажрибанинг мавзуси ёзилади-ю, қандай мақсадда ўтказилганлиги ёзилмаган; **б)** кузатиш ёки тажрибалар мазмуни тушунтирилмаган ёки тушунтириш нотўғри ёзилган; **д)** ҳисобот ва рақамли маълумотлар берилмаган; **е)** хулосалар нотўғри ёки бутунлай берилмаган; **ж)** ёзувларда хатолар кўп, дафтар саҳифалари ифлос бўлади.

Уқувчи кундалик дафтар юритмаган тақдирда «1» баҳо қўйилади.

Биология дафтарларини баҳолаш. Қўйидаги ҳолларда биология дафтарига «5» баҳо қўйилади: **а)** ҳамма дарс мавзулари ва уларга алоқадор атамалар ҳамда рақамлар системали равишда ёзиб борилган; **б)** расмлар илмий ва график жиҳатдан тўғри чизилган; **в)** расм ва унинг асосий бўлаклари тўлиқ ҳамда тўғри изоҳланган; **г)** расмлар дафтар саҳифасининг чап томонида бўлиб, уларнинг қисмларини ифодаловчи ёзувлар (ёки рақамлар) ўнг томонда ва фақат кўрсаткич чизиқ чиқарилиб ёзилган; **д)** дарсда ва уйда чизилган расмлар ҳамда улар ҳақидаги ёзувлар, ўтказилган амалий ишлардан хулосалар бўлади.

Дафтарда қўйидаги камчиликлар бўлса, «4» баҳо қўйилади: **а)** расмлар остидаги ёзувларда айрим хатоларга йўл қўйилган; **б)** расмлар дафтар саҳифасида унча мутаносиб жойлашмаган.

Қўйидаги камчиликлар бўлганда биология дафтарига «3» баҳо қўйилади: **а)** расмларда илмий ва график камчиликлар кузатилади; **б)** расмларнинг саҳифада жойлашишида мутаносиблик бузилган (расмлар ғоят катта ёки жуда кичик); **в)** қилинган ишларнинг баъзиларига сарлавҳа қўйилмаган; **г)** расмлар тагидаги ёзувларда хатога йўл қўйилган, атамалар бузиб ёзилган; **д)** расмлар ва уларни ифодаловчи ёзувларнинг дафтар саҳифаларида жойлашуви нотўғри; **е)** қилинган ишларнинг ҳаммаси дафтарга мукамал ёзилмаган бўлади.

«2» баҳоси қўйиладиган биология дафтаридида қўйидаги нуқсонлар бўлади: **а)** расмларнинг кўпчилиги ва

улар остидаги изоҳловчи ёзувлар ҳар жиҳатдан нотўғри; б) дарсда бажарилган ишларнинг ярмидан кўпи ёзилмаган.

Уқувчи биологиядан мутлақо дафтар тутмаган тақдирда, унга «1» баҳо қўйилади.

Уқувчилар тайёрлаган гербарий ва коллекцияларни баҳолаш. «5» баҳо қўйиладиган гербарий ва коллекциялар қуйидаги талабларга мос келиши керак: а) ўсимликлар гербарий қоғозига барча қисмлари билан маҳкам ўрнатилиши, ҳайвонлар ёки бошқа объектлар эса, кўрсатилган қоюдага мувофиқ картон қутичаларга ёки шиша идишларга мустаҳкам жойлаштирилиши; б) гербарийлаштириш учун олинган ўсимлик тўғри қуритилиши, яъни ўсимликнинг барча органлари қоғоз устига эҳтиётлик билан қўйилиши, ранги айнамаган ва ўзи синмаган бўлиши; ҳашаротларнинг оёқ ва қанотларини тўғрилаб кўрсатилган, уларнинг шакли ва ранги йўқолмаган бўлиши; в) гербарий қоғозлари, коллекция қутилари ва шиша идишларга белгиланган нусхадаги ёрлиқлар ёпиштирилган бўлиши (ёрлиқда ўсимлик ёки ҳайвоннинг номи, уни топилган жойи, келтирилган вақти, материални йиққан ва препаратлаштирилган ўқувчининг фамилияси ва исми ёзилган бўлиши); ёрлиқлар 8×5 см ёки 10×6 см катталикда тайёрланиши, улар гербарийнинг ўнг томонидаги пастки бурчагида бўлиши; в) гербарий ва коллекциялар чиройли, бежирим ва озода ишланган бўлиши; д) барча ёзувлар тўғри ва камчиликсиз бўлиши зарур.

Қуйидаги камчиликларга эга бўлган гербарий ва коллекцияларга «4» баҳо қўйилади; а) гербарий ва коллекцияларнинг озода, чиройли ва бежирим бўлишига етарли эътибор берилмаган; б) ёпиштирилган ёрлиқлар белгиланган стандартга унча мувофиқ келмайди; в) ёзувларда хатолар кузатилади.

Қуйидаги ҳолларда «3» баҳо қўйилади: а) ўсимлик қоғозга унча тўғри ўрнатилмаган, ҳашаротларнинг қутичаларга жойлаштирилиши тартибли эмас; б) гербарийлаштириладиган ўсимлик ва коллекциялаштириладиган ҳайвон талаб қилганидек тайёрланмаган (ўсимлик органлари текисланмаган ёки қуритиш пайтида рангини йўқотган ва ҳ. к.); в) ёрлиқлар белгиланган нусхага мос келмайди ва ёпиштирилиши ҳам нотўғри; а) тайёрланган объект унча бежирим эмас, унда доғдуғ учрайди; д) ёзувларда хато-ноаниқликлар бор.

Қуйидаги ҳолларда «2» баҳо қўйилади: а) ҳамма иш эътиборсизлик, ифлос, бесўнақай бажарилган; б) ёзувларда хатолар кўп; в) гербарий қоғози ва коллекция қутичалари белгиланган стандартга тўғри келмайди; г) препаратлаштирилган ўсимлик ва ҳайвон ёмон тайёрланган; д) ёпиштирилган ёрлиқлар белгиланган нусхага мутлақо тўғри келмайди.

Ўқувчи гербарий ёки коллекцияларни сабабсиз тайёрламаган бўлса, унга «1» баҳо қўйилади.

VIII б о б. ПЕДАГОГИКА ПРАКТИКАНИ ЯКУНЛАШ

Педагогик практика охирида уни тегишли равишда яқунлаш муҳим ва зарур ишдир.

Педагогик практиканинг барча иштирокчилари (талаба-практикантлар, мактаб бўйича практика раҳбари, мутахассислик предметлари бўйича методистлар, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари, мактаб ходимлари) ўз фаолиятларига яқун ясаб, бу практикани тугаллайдилар. Бунда улар қилинган ишларни таҳлил қилиб, эришилган муваффақиятлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларни белгилайдилар. Бу иш талабаларнинг бундан кейин педагогик практика ўтишларини янада такомиллаштириш истиқболларини аниқлаб олишга, институтни битириб, мактабга борганларида таълим-тарбия ишларини мақсадга йўналган ҳолда бошлашларига имкон беради.

1-§. Талаба-практикантлар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш

Педагогик практикани мақсадга йўналган ҳолда ва самарали яқунлаш талаба-практикантларнинг мактабдаги таълим-тарбия ишларини бажариш соҳасидаги фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш, ҳисобга олиш ва баҳолаб боришга боғлиқдир.

Касб жиҳатдан бўлажак ўқитувчи шахсининг камол топишида талаба-практикантларнинг ўз-ўзларини назорат қилишлари ва баҳолашлари катта аҳамиятга эга. Талаба-практикантларнинг таълим-тарбия ишларини бажариш соҳасидаги ўз фаолиятларини назорат қилиб, баҳолаб боришларида улар педагогик онгининг ривож-

ланиш хусусиятлари ўз аксини топади. Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш талаба-практикантнинг ўзи олиб борган таълим-тарбия иши сифатини, унинг ижобий ва салбий томонларини, ўқувчиларнинг билим, ўқув ҳамда кўникма савиясини таҳлил қилишни назарда тутди. Талаба педагогик практика ўтиш жараёнида ўз шахсида педагогик касбга хос белгиларнинг ривожланиб бораётганини пайқайди, педагогик фаолиятининг мақсад ва вазибаларини рўёбга чиқиб бораётганлигини аниқлайди, индивидуал режасининг қандай бажарилаётганини таҳлил қилади, ўзи амалга ошираётган таълим-тарбия ишларини яна ҳам тартибга солади, уларни такомиллаштиришга ҳаракат қилади.

Ўз-ўзини назорат қилишда педагогик практика бўйича юритиладиган кундалик ғоят катта ёрдам кўрсатади. Чунки унда талаба-практикантнинг фаолият натижалари ёритилган бой маълумотлар ўз ифодасини топган бўлади.

Хуллас, вазифа шуки, педагогик практика давомида ҳар бир талаба практикант ўзини-ўзи назорат қилиш ва ўзини-ўзи таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллаб бориши керак. Талаба-практикантнинг ўзини-ўзи баҳолаши эса ишнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирсин.

Талаба-практикантларнинг таълим-тарбия ишларини таҳлил қилиб борилишида ва уларни баҳолашда практика раҳбарлари ва талаба-практикантларнинг ўзлари тегишли талабларга риоя қилишлари керак.

Талаба-практикантлар ишини назорат қилиб бориш, уни ҳисобга олиш ва баҳолаш уларни бутун практика давомида миқдор ва сифат жиҳатидан характерлашни назарда тутди.

Талаба-практикант фаолиятини миқдор жиҳатдан характерлаш педагогик практика дастурининг талаблари асосида амалга оширилади.

Талаба-практикантларнинг ҳисобга олинadиган таълим ишлари қаторига ўқитувчи ва ўз ўртоқларининг биология дарсларига кириш ҳамда уларнинг муҳокама-сида қатнашиш, ўз синфидаги биология дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар ўтказиш, ўқувчиларнинг контроль ишлари, дафтарлари ва кундаликларини текшириш ва таҳлил қилиш киради.

Тарбиявий ишларни ҳисобга олиш ҳар бир талаба-практикантнинг синф раҳбари сифатида ва мактаб бўйича кўрсатган фаолиятини (сиёсий ахборот, синф

мажлиси ва экскурсиялар ўтказиши, ота-оналар билан учрашув, ўқувчиларнинг навбатчилиги ва ўз-ўзларига хизмат қилишларини ташкил қилиш, болалар йиғинлари, ижтимоий-фойдали меҳнат, якшанбалик, юришлар ва бошқа тadbирларни амалга оширишга ёрдам бериши кабиларни) сон жиҳатидан таърифлашни кўзда тутлади.

Талаба-практикантлар бажарган таълим-тарбия ишларининг сифат томонлари, аввало, уларнинг ғоявий йўналганлиги билан таърифланади. Шунингдек, бунда бажарилган ишнинг фақатгина талабаларга мувофиқ эканлигига эмас, балки унинг самарадорлиги ҳам ҳисобга олинади. Бундан ташқари, талаба-практикантнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, мустақиллиги, педагогик муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиши, ўқитувчилик касбига, болаларга, мактабга муносабат албатта эътиборга олинаши керак.

Педагогик практика даврида талаба-практикантлар фаолиятини текшириш ва ҳисобга олиш қуйидаги қондаларга мувофиқ тарзда амалга оширилади:

таълим-тарбия ишлари якка тарзда ҳисобга олиб борилади, яъни ҳар бир талаба-практикантнинг бажарган иши унинг ҳажми ва сифатига қараб баҳоланади;

талаба-практикантнинг иши унинг таълим-тарбия фаолиятини ҳар куни кузатиб бориш асосида мунтазам текшириб ва ҳисобга олиб борилади;

талаба-практикантнинг педагогик практика давридаги фаолиятини баҳолашда индивидуал хусусиятини, практика ўтишидаги аниқ шароитлар ҳам ҳисобга олинади.

Педагогик практика раҳбарлари юқоридаги қондаларга амал қилиб, ҳар бир талаба-практикантнинг дарсларида бўладилар, уларни таҳлил қиладилар. Бунда улар дарс ва бошқа машғулотларнинг ташкилий, дидактик ва тарбиявий томонларига, талаба-практикантнинг ўқитувчи сифатида ўзини туттишига алоҳида эътибор берадилар. Дарсда талаба-практикант фаолиятини кузатиш давомидагина унинг тайёргарлик даражаси, таълим-тарбия ишига муносабати, педагогик кўникмаларнинг савияси кабилар ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Педагогик практикага раҳбарлик қилувчи институт ва мактаб вакиллари дарсларда талаба-практикантнинг синф раҳбари сифатидаги ишларини ҳам кузатиб бора-

дилар. Чунончи, синфда навбатчилик, ўз-ўзига хизмат қилиш қандай ташкил қилинган? Уқувчилар кундалиги билан иш олиб борилдими? Талаба-практикант ўқувчиларнинг ўтиришларини, ташқи кўринишларини кузатиб бордимиз? ва шу кабилар аниқланади. Талаба-практикантларнинг синф раҳбари сифатидаги ишларини кўпроқ уларнинг ўқувчилар билан жорий тарбиявий ишлари, тарбиявий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида текшириб ва ҳисобга олиб борилади. Талаба-практикант амалга ошираётган айрим тарбиявий тадбирларни кузатиб бориш давомида уларнинг мазкур ишни бажаришга нақадар тайёр эканликлари, ишга ижодий ёндашиш, болаларда қизиқиш уйғотиш, уларнинг фаолликларини рағбатлантириш уқувлари намойиш бўлади.

2-§. Педагогик практикани яқунлаш

Талаба-практикантларнинг мактабдаги тарбия фаолиятларини оддий ҳисобга олиб бориш яқуний ҳисоб чиқариш билан тугалланади. Педагогик практикани умумий тарзда яқунлаш қўйидаги ишларни ўз ичига олади:

1. Талаба-практикантларнинг педагогик практика тўғрисида ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаши.

2. Педагогик практика раҳбарларининг ёзма ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашлари.

3. Педагогик практика яқунини мактабда муҳокама қилиниши.

4. Институтда (факультетда) педагогик практика яқунига бағишланган хотима конференция ўтказилиши.

Қўйида бу ишларнинг талаба-практикантларга бевосита алоқадорлиги ҳақида фикр юритамиз.

Талаба-практикантларнинг ёзма ҳисоботи. Талаба-практикантнинг ёзма ҳисоботи — бу унинг педагогик практика давомида бажарган барча таълим-тарбия ишларининг ёзма таҳлили ва умумлаштирилганидир. Бунда талаба-практикант ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш асосида педагогик касбга тайёрланиши ни янада яхшилашга қаратилган мулоҳаза ва таклифларини баён қилади. Ёзма ҳисобот кундалик дафтардаги ёзувлар, биология ўқитувчилари ва синф раҳбари ишларини, бошқа талаба-практикантларнинг таълим-тарбия машғулотларини кузатиш соҳасида олинган

маълумотлар ва шунга ўхшаш материалларга асосланиб тузилади. Аммо уни кундалик дафтардаги ёзувлар ва бошқа материалларнинг кўчирмасига айлантириб юбормаслик керак.

Қуйида ёзма ҳисоботнинг тахминий режасини келтираемиз.

_____ институти _____
_____ факультети _____ кўрс талабаси _____
_____нинг _____
мактабда ўтказган педагогик практикаси тўғрисида, _____

Ёзма ҳисобот

Ҳисобот матнида қуйидаги масалалар ёритилади:

1. Мактабга умумий таъриф: мактабнинг ўқитувчилар коллективи ва унинг ўзлаштириши, даволат ва интизомни янада яхшилаш соҳасидаги ишлари; ўзлаштириш ва даволат даражаси; ўқитишнинг моддий-техника базаси ва ундан таълим-тарбия мақсадида фойдаланишнинг аҳволи; болалар ва ёшлар ташкилотлари, уларнинг иш фаоллиги.

2. Талаба-практикантнинг таълим соҳасидаги ишлари: мутахассисликлар бўйича ўқитувчи тажрибасини ўрганиш (дарс, дарсдан ташқари ва тўғрақ машғулотларини кузатиш натижалари); мутахассислик фанлари бўйича ўтказилган дарслари, дарсдан ва синфдан ташқари ишларнинг сони ҳамда мавзулари, уларга кўрган тайёргарлиги, шу жумладан, ўзи тайёрлаган жиҳозлари; таълим-тарбия жараёнида кўргазмалар қуроллар, ўқитишнинг техника воситалари ва муаммоли ўқитиш услубларидан фойдаланиш; дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўтказилган лаборатория машғулотлари ҳамда экскурсиялар; бажарилган асосий ишларга таҳлил (қайсилари самарали чиқди, қайсилари мақсадга эришмади? Нима учун?); таълим ишларида қандай қийинчиликлар бўлди ва улар қандай бартараф қилинди?; ўз ўртоқларининг дарс ва дарсдан, синфдан ташқари ишларини кузатиш ҳамда уларнинг муҳокамасида қатнашиши.

3. Талаба-практикантнинг тарбиявий ишлари: синф раҳбари сифатида анча ва қандай ишлар амалга оширилди ва уларга таҳлил (ютуқ ва камчиликлари); мак-

таб бўйича қандай тарбиявий ишларни (болалар йиғини, ёшлар мажлиси, ота-оналар йиғилиши, тематик кечалар, бадний ҳаваскорлик ва спорт мусобақалари ва бошқаларни) тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиш, тарбиявий ишларда содир бўлган қийинчиликлар ва уларнинг бартраф қилиниши.

4. Талаба-практикантнинг мактаб педагогика кенгаши ва метод бирлашмаси мажлисларида қатнашиши, уларда тингланган маъруза ва музокаралар тўғрисида мулоҳазалар.

5. Сиёсий ва илмий, педагогик билимларни тарғиб қилишда талаба-практикантларнинг иштироки; кимлар билан ва қандай мавзуларда маърузалар ва суҳбатлар ўтказилди.

6. Хулоса ва таклифлар: педагогик практика охирида талаба-практикант қандай хулосага келди (назарий тайёргарлигининг педагогик практикани муваффақиятли ўтишига қанчалик етарли бўлганлиги, практикада нималарни ўрганганлиги); энди педагогик практикани янада яхшилаш учун нималарни қилиш керак?

Ҳисобот ёзиб бўлингач, уни яна бир марта кўздан кечириб текшириб чиқилади, унинг камчиликлари тўғрилинадди, имло ва стилистик хатолари тузатилади, шундан кейин оққа кўчирилади. Ёзма ҳисоботнинг охирида талаба-практикантнинг имзоси ва шу ҳисобот ёзилган кун қўйилган бўлиши керак. Талаба-практикант томонидан тайёрланган ҳисобот бошқа талаб қилинган ҳужжат (индивидуал календар режа, кундалик, синов дарслари ва бошқа машғулотлар учун ёзилган режа — конспектлар, уларнинг таҳлил қарори, ўқувчига ёки синфга ёзилган психолого-педагогик характеристика ва б.) билан бирга группа методистига топширилади. Бу ҳужжатлар ҳар бир мутахассислик бўйича методист, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари томонидан қараб чиқилади ва баҳоланади. Шундан кейин индивидуал календар режа, кундалик ва синов дарс ҳамда бошқа машғулотларнинг режа-конспектларидан энг яхшилари намуна учун методика, педагогика ва психология кабинетларида қолдирилади, бошқалари талабаларга қайтариб берилади.

Мактабда педагогик практика якуини муҳокама қилиш. Педагогик практиканинг якуини муҳокама қилинади. Шу мақсадда махсус йиғилиш чақирилиб, унда талаба-практикантлар, мутахассисликлар бўйича мето-

дистлар, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари ҳамда педагогик практикада қатнашган мактаб ходимлари (мактаб директори, унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, илмий бўлим мудири, мутахассисликлар бўйича фан ўқитувчилари, болалар ташкилотчиси кабилар) қатнашадилар. Бу йиғилишни кичик педагогика кенгашининг йиғилиши деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур йиғилишнинг кун таркибида асосан битта масала — шу мактабда ўтказилган педагогик практиканинг яқуни бўлади. Йиғилиш мактаб директорининг раислигида ўтади. Унда аввал педагогик практиканинг дастлабки яқуни тўғрисида шу мактабдаги педпедагогика раҳбарининг ахбороти тингланади. У методистлар, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари, мактаб ходимларидан олинган маълумотлар ҳамда ўзининг шахсий кузатишларига асосланиб, педагогик практика режасини қанчалик бажарилганлиги, талаба-практикантларнинг таълим-тарбия ишларини бажариш соҳасидаги ютуқ ва камчиликлари тўғрисида гапирди.

Мутахассисликлар бўйича методистлар, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари сўзга чиқиб, ҳар бир талаба-практикантнинг фаолиятига қисқача характеристика ва уларга бундан кейин ўз педагогик маҳоратларини ўстиришга қаратилган аниқ методик тавсиялар берадилар. Уларнинг сўзларини мутахассисликлар бўйича предмет ўқитувчилари, синф раҳбарлари ва бошқалар тўлдирадилар. Бу яқунловчи йиғилишда талаба-практикантлар ҳам фаол қатнашишлари лозим. Улар педагогик практикани қандай ўтганликлари, нималарга эришганликлари, қандай қийинчиликларга дуч келганликлари ва уларни қай тарзда бартараф қилганликлари ва шу кабилар тўғрисида ўз фикр ҳамда мулоҳазалари билан ўртоқлашишлари, бундан кейинги ўтказиладиган педагогик практикани яна ҳам такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларини изҳор қилишлари керак.

Йиғилишнинг таълим-тарбиявий ролини ошириш мақсадида унда айрим илғор талаба-практикантларнинг олдиндан тайёрланган методик маърузаларини тинглаш ва уларни муҳокама қилиш ғоят яхши натижа беради.

Ниҳоят, йиғилиш охирида ҳар бир талаба-практикантга педагогик практика бўйича қўйилган умумий

баҳо қўйилади. Умумий баҳо талаба-практикантнинг барча таълим-тарбия фаолияти ҳисобга олинган ҳолда қўйилади. Бинобарин, умумий баҳо чиқаришда методистлар, педагогика ва психология кафедраларининг вакиллари, мактабнинг мутахассислик фани ўқитувчилари ва синф раҳбарлари қатнашадилар. Табиийки, бунда талаба-практикантнинг заҳёт (ҳисобга олинмаган) дарсларига қўйилган баҳолар етакчи бўлиши керак.

Институтда (факультетда) педагогик практика бўйича якунловчи конференция ўтказилиши. Педагогик практика тугаллангач, факультетда якунловчи конференция ўтказилади. Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. Педагогик практиканинг умумий якуни (факультет бўйича педагогик практика раҳбари ва методистларнинг маъруза ва ахборотлари).

2. Мактабдаги таълим-тарбия ишларининг энг муҳим масалаларига бағишланган талаба-практикантларнинг маърузалари.

Конференциянинг кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва ахборотлар тинглангандан кейин улар қизғин муҳокама қилинади. Музокараларда танқид ва ўз-ўзини танқид ўз ифодасини топиши керак. Чунки танқидий фикр педагогик практикани янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Конференциянинг самарали бўлиши уни ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик билан ўтказилишига боғлиқ. Конференцияни тайёрлашда талаба-практикантлар айнақса фаол қатнашишлари керак. Якунловчи конференцияга бағишлаб махсус кўргазма тайёрлаш ғоят катта аҳамиятга эга. Унда талаба-практикантларнинг иш якуни акс эттирилади. Якунловчи конференцияда муваффақиятли равишда ва ташаббускорлик билан практика ўтган талабаларни рағбатлантириш тадбирлари ҳам амалга оширилмоғи лозим.

И Л О В А Л А Р

1- илова

ЎҚУВЧИЛАРНИ УРГАНИШНИНГ ТАХМИНИЙ РЕЖАСИ

I. Ўқувчи тўғрисида умумий маълумотлар

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Ўқувчи қайси синфда ўқийди?
3. Ўқувчи қаерда яшайди?
4. Ўқувчи ота-онасининг касблари.
5. Ўқувчи оиласининг таркиби, оиланинг маданий савияси ва моддий аҳволи.
6. Оилада боланинг тарбияланиш характери.
7. Оиладаги ўзаро муносабатлар.
8. Боланинг режими ва бўш вақтдан фойдаланиши.
9. Уйдаги меҳнатда боланинг иштироки.
10. Боланинг мактабдан ташқаридаги дўстлари ва танишлари.
11. Бола ҳаётидаги энг муҳим воқеалар.
12. Ўқувчи саломатлигининг аҳволи.

II. Ўқувчи ривожланишининг умумий савияси

1. Умумий ривожланиш. Нутқ маданияти, билим доираси, ўқимишлилиги, китоб ўқишининг мунтазамлиги, кенглиги ва ўқишга қизиқишининг турғунлиги, кино, театр, музей, стадион ва бошқа жамоат жойларига бориб туриши.

2. Ўқиш меҳнатиغا муносабати. Ўқишдан мақсади. Ўқувчи мактабдаги машғулотларга мунтазам қатнашадими? Дарсга кечикиш ҳолларига йўл қўядими? Уй вазибаларини мунтазам бажарадими? Ўқув меҳнатини мустақил ташкил қила оладими? Қолдирилган материални ўзлаштириб олиш учун қайғурадими? Ўқув меҳнатидаги ўзининг ютуқ ва муваффақиятсизлигига қандай муносабатда бўлади? Билимга қизиқиши қандай?

3. Ўқувчининг ўзлаштириши. Ҳар хил ўқув предметлари бўйича у қандай ўзлаштиришга эга? Қайси предметни севади? Қайси предметлар унинг учун энгил бўлиб, қайсиларидан қийналади?

4. Уқувчининг жисмоний меҳнатга муносабати. У ўз-ўзига хизмат қилиш бўйича ишларга қандай муносабатда бўлади? Меҳнат билан боғлиқ бўлган ижтимоий топшириқларни қандай бажаради? Уқувчи мактаб устaxonасида, ўқув-тажриба участкасида ишлашни яхши кўрадимиз? У мактабдан ташқаридаги унумли меҳнатга иштиёқ билан қатнашадими? Жисмоний меҳнатга ташаббус ва мустақиллик кўрсатадими? Меҳнатнинг қайси турларини афзал билади? Меҳнатдаги уюшқоқлиги қандай?

5. Уқувчи интизомининг савияси. Уқув қондаларини биладими ва уларни қандай бажаради? Унга маданий одат ва хулқ кўникмалари сингдирилганми? Дарсдаги уюшқоқлиги қандай? Катталар ҳамда ўртоқлари билан муомалада хушфеъллиги. Озодаллиги.

6. Уқувчининг қизиқиши ва мойиллиги. Уқишга қизиқиши. Адабиёт, санъат, фан, техника, спорт соҳаларига қизиқиши. Қизиқишнинг кенглиги ва барқарорлиги. Уқувчи қандай тўғаракларда иш олиб боради ва қандай болалар муассасаларига қатнайди? Қайси касбга қизиқади? Унинг қизиқиши бўлажак касб танлаш билан боғлиқми?

III. Уқувчининг ижтимоий қиёфаси ва ишлари

1. Синфнинг, отряднинг ижтимоий ҳаётида иштироки. Синф ҳаёти билан қизиқиши, ижтимоий ишлардаги фаоллик даражаси. Болалар ва ёшлар ташкилотларидаги иши.

2. Ижтимоий ишларни бажариш характери. Сидқидиллиги. Бошланган ишни охирига етказа олиш уқуви. Ишга бошқа ўқувчиларни жалб қила олиш уқуви. Уқувчи ташкилий кўникмаларга эгами?

3. Уқувчининг синф коллективидаги ўрни. У синф коллективи билан боғлиқми ёки ундан ажралиб қолганми? Уқувчига нисбатан синф ўқувчиларининг муносабати. У синфда ҳурмат ва обрўга эгами?

IV. Уқувчи шахсининг асосий белгилари.

1. Уқувчининг ижтимоий онги. Дунёга қараши ва роёси. Уқувчи ижтимоий идеалларини конкрет ишларга: ўқишга, ижтимоий ишларга, меҳнатига татбиқ қила олиш уқуви. Уқувчининг ўқув ҳамда ижтимоий ишларининг мақсади.

2. Уқувчининг маънавий сифатлари. Ўз Ватанига нисбатан муҳаббат ҳисси. Республикамиздаги воқеаларга қизиқиши. Мактаб ҳамда жамиятга ўз меҳнатлари билан ёрдам кўрсатишга тайёргарлиги. Коллективизм ҳисси, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиши, қатъийлиги, ҳақиқатпарварлиги, ҳалоллиги, камтарлиги. Ота-онасига ва она аъзоларига, ўқитувчи ва ўзидан катта ўртоқларига нисбатан муносабати. Ўз ўртоқларига нисбатан зийраклиги, эътибори, уларга ёрдам кўрсатиши. Бошқа миллат болалари билан дўстлашуви. Киришимлилиги.

3. Уқувчи характерининг иродавий белгилари. Унинг мақсадга интилувчанлиги, фаоллиги, шижоати, дадиллиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги. Уқувчининг уюшқоқлиги: сабр-тоқати, ўзини назорат қила олиши, астойдиллиги, ўз-ўзини танқид қила олиши, камтарлиги.

4. Уқувчи шижоати ва психологик жараёнларининг хусусиятлари. Нерв жараёнларининг кучи, барқарорлиги ва ҳаракатчанлиги. Бола саволларга тез ёки секин жавоб берадими? Қўзғалиш ёки тормозланиш жараёнлари устунлик қиладими? Уқувчи бир ишдан иккинчисига осонлик билан кириша оладими? Интеллектуал ҳамда эмоционал жараёнларининг хусусиятлари: нутқи, диққати, хотираси, эмоциялари қанақа? Уқувчи ўз ҳиссиётларини қандай изҳор қилади?

V. Синф раҳбарининг ўқувчини ўрганиш асосида белгилаган педагогик тадбирлари.

1. Уқувчида қайси сифатларни қандай қилиб ривожлантириш керак?

2. Уқувчи хулқидаги камчиликларни бартараф қилиш учун нималар қилиш керак?

2- илова

СИНФ УҚУВЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИ УРГАНИШНИНГ ТАХМИНИЙ ДАСТУРИ

I. Синфнинг таркиби.

1. Синфнинг ёш бўйича состави.

2. Синф ўқувчиларининг идрок қилиш савияси.

3. Уқувчиларнинг ишлаш олиш қобилияти ва ўзлаштириши.

4. Синфнинг ижтимоий қиёфаси (Синфда фаоллар борми? Уқувчиларнинг ижтимоий ишларга муносабати. Ижтимоий топшириқларнинг бажарилиши. Уқувчиларнинг ғоявий-сиёсий йўналганлиги ва онглилиги).

II. Синфнинг жипслашганлиги

1. Синфда иш манфаати бўйича ёки салбий характердаги гуруҳлар борми?

2. Уқувчилар мактабда ва мактабдан ташқарида бирга вақт ўтказишни яхши кўрадиларми? Улар бирга вақтинчалик ёки умуман меҳнат қилишни ёқтирадиларми?

3. Ўғил болалар ва қизлар дўстмилар, ўғил болалар қизларни ҳимоя қиладиларми?

4. Умуман болалар ўз коллективи аъзоларини ҳимоя қиладиларми?

5. Синфда ҳамманинг бир-бирига нисбатан кафиллиги борми? Агар бўлса, у нимада намоён бўлмоқда?

6. Уқувчилар ўз синфидаги омад ва омадсизликка қайғурадиларми?

7. Мактаб бўйича тadbирлар ўтказилганда ўқувчилар ўз синфидагилар билан бирга бўлишга ёки алоҳида бўлишга ҳаракат қиладиларми?

III. Синфнинг уюшқоқлиги

1. Уқувчилар коллективи ишлар бажариш учун ўзлари уюша оладиларми ва уни самарали бажара оладиларми?

2. Уқувчилар бир-бирларини сабр ва эътибор билан тинглай оладиларми (йиғилишларда, танаффусларда, ҳар хил ишларни бажариш пайтида)?

3. Уқувчилар ваколатли шахсларни буйруқларига итоат қиладиларми?

IV. Синфдаги ижтимоий фикр

1. Уқувчилар ўз ўртоқларининг қайси ишларини маъқуллайдилар, қайсиларини рад этадилар?

2. Ўзларининг маъқуллаганларини ёки маъқуллаганларини ўқувчилар қандай қилиб ва қандай шаклда ифодалайдилар?

3. Уқувчиларнинг гапираётган гапи билан қилаётган иши ўртасида фарқ борми?

4. Синфда танқид ва ўз-ўзини танқид.

V. Коллективдаги ўртоқлик алоқаларининг характери:

1. Ўқувчиларни бир-бирига нима боғлайди: умумий яшаш жойи, партадаги ўринлари, қизиқишлари, умумий иш.

2. Ўқувчилар қаерларда дўстлашадилар: фақат мактабдами ёки ундан четда ҳамми?

3. Синф ўқувчилари ўртоқларига нисбатан эътиборлими? Ўртоқларига ёрдам беришга ҳаракат қиладиларми? Бу ёрдам нимада кўринади?

4. Ўқувчилар ўз дўстларига нисбатан талабчанми? Ўз дўстларидаги камчиликларни кўра оладиларми?

5. Синф ўқувчилари ишбузиқларга, аълочиларга, фаолларга, улгурмовчиларга қандай муносабатда бўладилар?

6. Ўқувчилар жисмоний камчиликка эга бўлган ўртоқларига тўғри муносабатда бўладиларми?

VI. Синфнинг фаоллари

1. Фаоллар таркиби.

2. Фаолларнинг расмий (сайланган) ва ҳақиқий аъзолари.

3. Синф фаолларининг фармойишлари бажариладими?

4. Фаоллар обрўга эгами?

5. Фаоллар синф ўртоқларига қандай муносабатда-лар?

6. Доимо фаол бўлган ўқувчилар борми?

7. Умуммактаб фаоллари ўз синфлари ҳаёти билан ҳам яшайдиларми? Улар синфдан ажралиб қолмаганларми? Уларни синфда ҳурмат қилишадими?

VII. Синф коллективининг умуммактаб коллективи билан алоқаси:

1. Синф ўқувчилари мактабда ва бошқа синфларда нималар бўлаётганини биладиларми?

2. Синфда мактаб ҳаётини яхшилаш тўғрисида таклифлар қўйиладими?

3. Синф томонидан ижтимоий (доимий ва ҳар замонда) бериладиган топшириқлар бажариладими?

4. Синф ўқувчиларининг бошқа синф ўқувчилари билан алоқалари қандай?

VIII. Синф коллективини янада жипслаштириш бўйича тадбирлар

1. Синф коллективини янада жипслаштириш, унинг уюшқоқлигини ошириш бўйича қандай педагогик тадбирлар ўтказиш керак?

2. Айрим ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш учун синф коллективидан қандай фойдаланиш керак?

АДАБИЁТ

1. Болдирев Н. И. Классный руководитель. 2-нашри, «Просвещение», Москва, 1978.
2. Верзилин Н. М., Корсунская В. М. Биология ўқитишнинг умумий методикаси. «Ўқитувчи», Тошкент 1980.
3. Гофуров А., Хабирова С. К. Биология бўйича синфдан ташқари ишлар. «Ўқитувчи», Тошкент 1978.
4. Қодиров А., Мамажонов А. Табиёт факультети студентларининг планлаштириш тажрибасидан. ТошДПИ, «Мактаб биология курсини ўқитишда назарияни амалий ишлар билан боғлаш». Илмий асарлар. 109- том. Тошкент, 1974.
5. Қодиров А. Пути повышения эффективности педагогической практики по биологии. «Фан», Тошкент, 1978.
6. Кейран Л. Ф. Методика изучения системы работы учителя биологии на педагогической практике. Латв. Госуниверситет им. Стучки, Рига, 1984.
7. Опыт педагогической практики. Сборник. Под. общ. ред. проф. К. И. Львова. «Учпедгиз», Москва, 1950.
8. Педагогическая практика. Под. ред. В. К. Розова, «Просвещение», Москва, 1981.
9. Полянский С. Н. Практика студентов в школе. «Учпедгиз», Москва, 1950.
10. Программа педагогических институтов. Программа в типовая инструкция по организации и проведению педагогической практики студентов.
11. Хабирова С. Қ. Табиёт-география ва агро-педагогика факультети IV курс студентлари билан педагогик практикани ўтказиш тажрибасидан. ТошДПИ, «Ўрта мактабда биология ўқитиш методикаси масалалари», Илмий асарлар, 56- том, «Фан», Тошкент, 1966.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Педагогик практиканинг аҳамияти	5
I боб. Педагогик практиканинг мазмуни ва ташкилий масалалари	12
1- §. Педагогик практиканинг вазифалари	12
2- §. Педагогик практика ўтказишнинг ташкилий масалалари	22
3- §. Педагогик практиканинг тузилиши ва мазмуни	26
4- §. Мактабда талабаларни педагогик касбга ўргатиш методлари ва услублари	33
II боб. Педагогик практикага тайёрланиш	39
1- §. Талаба-биологларнинг педагогик практикага тайёрланиши	39
2- §. Мактабнинг педагогик практикага тайёрланиши	45
3- §. Мактабда педагогик практикани режалаштириш	47
III боб. Педагогик практиканинг биринчи ҳафтаси	54
1- §. Мактаб билан умумий танишиш	54
2- §. Педагогик практикада ўқувчиларни ўрганиш	57
3- §. Мактабда таълим-тарбия жараёнини кузатиш ва таҳлил қилиш	62
4- §. Талаба-практикантнинг иш режаси	72
5- §. Талаба-практикантнинг кундалиги	77
IV боб. Талаба-практикантларнинг биология дарслари	84
1- §. Дарс — биологиядан педагогик практиканинг марказий масаласи	84
2- §. Талаба-практикантларнинг дарс ўтишларида учрайдиган хато ва камчиликлар	90
3- §. Талаба-практикантларнинг дарсга тайёрланиши	96
4- §. Дарс ўтиш	108
5- §. Дарсларда суҳбат	122
6- §. Дарсларда кўргазмалилик воситаларини намойиш қилиш	124
7- §. Дарсда лаборатория машғулот	128
8- §. Дарсда синф доскасидан фойдаланиш	135
9- §. Дарсда ўқитишнинг техника воситаларидан фойдаланиш	137
10- §. Талаба-практикант дарсини таҳлил қилиш	140
V боб. Талаба-практикантларнинг дарсдан ва синфдан ташқари ишлари	143
1- §. Биология бўйича дарсдан ташқари ишлар	144
2- §. Биология бўйича синфдан ташқари машғулотлар	149

VI боб. Педагогик практикада ўқувчилар билан экскурсиялар ўтказиш	161
VII боб. Биологиядан ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш	170
1- §. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг аҳамияти	170
2- §. Биологиядан текширилиши лозим бўлган ўқувчи ишларининг турлари	173
3- §. Биологиядан ўқувчилар билимини баҳолашнинг тахминий меёрлари	177
VIII боб. Педагогик практикани яқунлаш	184
1- §. Талаба-практикантлар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш	184
2- §. Педагогик практикани яқунлаш	187
Иловалар	192
Адабиёт	198